

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI BOSH ILMIY-METODIK MARKAZ**

TA'LIMNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA PEDAGOG KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH: ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INNOVATSIYALAR

onlayn ilmiy-amaliy anjuman

2021 yil, 25 fevral

“Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish: zamonaviy yondashuvlar va innovatsiyalar” mavzusida ilmiy anjuman materiallari (2021 yil 25 fevral, Toshkent) / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi Bosh ilmiy-metodik markaz

ILMIY QO'MITA TARKIBI:

- Raislar:** **F.T.Esanboboyev** – O'zbekiston respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi boshqarma boshlig'i, p.f.f.d (PhD)
T.T. Shoymardonov – Bosh ilmiy-metodik markaz direktori, p.f.f.d (PhD)
F.M.Zakirova – TATU huzuridagi tarmoq markaz direktori, p.f.d., professor
- A'zolari:**
1. I.Isomov – Bosh ilmiy-metodik markaz direktori o'rinbosari
 2. B.Adizov – BuxDU huzuridagi mintaqaviy markaz direktori, p.f.d., professor
 3. Z.Mirzayeva – ToshDO`TAU huzuridagi tarmoq markaz direktori, fil.f.d., professor
 4. Y.Ergashov – Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, f.-m.f.d., (DSc), dotsent
 5. M.Innazarov – Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, p.f.f.d (PhD)
 6. A.Djurayev, Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, p.f.f.d (PhD)
 7. A.Obidov – Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, p.f.f.d (PhD)
 8. O.Oripov – Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, q.x.f.f.d (PhD)
 9. N.Xaqnazarova – Bosh ilmiy-metodik markaz bo`lim boshlig`i, p.f.f.d (PhD)
 10. Sh.Adashboyev – Bosh ilmiy-metodik markaz tayanch doktoranti
 11. Sh.Fayzullayeva – Bosh ilmiy-metodik markaz xodimi
 12. E.Buriyev - Bosh ilmiy-metodik markaz tayanch doktoranti

Maqolalar mazmuni va ulardagi ma'lumotlar mualliflarning qarashlarini ifodalaydi.

The content and information publications reflect the authors' point of view.

Содержание и информации публикаций отражает точки зрения авторов.

МУНДАРИЖА □ CONTENTS □ СОДЕРЖАНИЕ

1-ШЎБА. РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

1. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕБНОГО ПЛАНА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПО НАПРАВЛЕНИЮ «РАДИОЭЛЕКТРОННЫЕ УСТРОЙСТВА И СИСТЕМЫ». Закирова Ф.М.....	8
2. КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР. Адизов Б.Р.....	11
3. КОМПЕТЕНТЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ. Эсанбобоев Ф., Эшмаматов И.	17
4. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Шаропов Ш., Кушарбаев Дж.У.....	20
5. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛИ АСОСИДАГИ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ. Исомов И.	22
6. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДАВР ТАЛАБИ. Эргашов Ё.С., Саъдиев В.А.....	24
7. INNOVATIVE ENGLISH TEACHING FOR IN-SERVICE CLASS LEARNING. Tashkenbaeva U.A., Khazratova G.Sh.	26
8. МОДЕРНИЗАЦИЯ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ ПЕРЕПОДГОТОВКИ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ: ЦЕЛИ, ЗАДАЧИ И НОВЫЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ. Швайко В.Г.	28
9. ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯ. Мирзаева З.И., Икромов У.Ҳ.....	30
10. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА РАҲБАР КАДРЛАР КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Джураев А.С.	32
11. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ. Саъдиев В.	37
12. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАЛАКА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Мирсолиева М.Т.	40
13. THE EFFICIENCY OF USING ROTATION METHOD IN TEACHING/LEARNING FOREIGN LANGUAGE IN THE PROFESSIONAL DEVELOPMENT SYSTEM. Giyasova U.E.	45
14. IN AN AMBITIOUS EDUCATION SYSTEM, IMPROVING THE STANDARD OF EDUCATION. Khazratova G., Suyinova E.	47
15. MODULAR PRINCIPLE TRAINING: "SITUATION AND BEHAVIOUR MODELLING" IN THE POSTGRADUATE EDUCATION OF OBSTETRICIANS AND GYNAECOLOGISTS. Agababyan L.R., Makhmudova S.E., Nasirova Z.A.	48
16. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Насруллаев Т.И.	51
17. UMUMTA'LIM MAKTABLARINING PEDAGOG XODIMLARINI MALAKA OSHIRISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING ZARURIYATI VA AHAMIYATI. Ubaydullayeva M. Sh.	54
18. TILNING KREATIV KOMPETENTLIGI VA UNING TAKOMILLASHISHI. Muhammedova G.	56
19. TAYANCH KOMP MONIYATI VA UNI TA'LIM JARAYONIDAGI SAMARADORLIGI. Gafurova Z.O.	57
20. ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ. Абдуллаева Р.М.	59
21. МАВЗУГА АМАЛИЁТ СИНГДИРИЛСА.... Артикбаев А., Эшқобилов А.	63
22. ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВЛАР. Абдалова С.Р.	64
23. БЕНЧМАРКИНГНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ. Искандаров М.Ю.	66



24. ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА “POWER SAVING” ТЕХНОЛОГИЯСИ. Рахимов З.Т.....	69
25. БОШКАРУВ ОДОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Лутфуллаев У.Л., Лутфуллаев Ф.У., Қобилова Ш.Ш.	73
26. ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Лутфуллаев У.Л., Лутфуллаев Ф.У., Қобилова Ш.Ш.	75
27. ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР. Каюмов С.Н.	77
28. БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ МАТЕМАТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Мовлонов М. Қ.	79
29. ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ. Осланов А.А., Кадиров Ж.Ф.	81
30. ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРГА ДОИР ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР. Эргашев З., Жумаев Х.	84
31. ОТМ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ - ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. Мамажонов И.Ф.	85
32. НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИ ИҚТИСОДЧИ-МУҲАНДИС КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. Бобожонова З. Ш.	88
33. ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ. Очилов Х.А.	90
34. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ. Махмудова Д.Р. ...	94
35. РЕФОРМА МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ — ВАЖНЫЙ КОМПОНЕНТ СВЕТСКОГО ОБЩЕСТВА. Хакимова С.З., Гаффарова П.А., Шомирзаева Ш.С.	96
36. ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ. Раджабова С. Ф., Умиджанова М. Л.	97
37. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЎРНИ. Раджабова С.Ф., Умиджанова М.Л.	100
38. ЎҚИТУВЧИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ОПТИМАЛ ТАНЛАШ – УНИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ. Раджабова С.Ф.	103
39. ПОЗИТИВНЫЕ СТОРОНЫ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ США ДЛЯ УЗБЕКСКИХ СПЕЦИАЛИСТОВ. Махамдалиева М.А., Ахунова Д.Х., Норматова Г.К.	105
40. ПРИМЕНЕНИЕ МЕДИАОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАГИСТРАНТОВ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКОВ НА БАЗЕ ТГТУ. Раджибаев Д.О., Махмасалаев Т.М.	107
41. МЕХАНИЗМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ, ПРОЕКТИРОВАНИЯ И МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ. Мавлянов А., Ачиллов Г., Зарипов Э.	109
42. ТошДТУ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. Хромова Г.А., Таджиева Ш.Г.	111
43. МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМДА: ТАРИХГА НАЗАР. Бўриев Э. А.	114
44. THE USE OF ONLINE TESTING FOR MONITORING QUALITY ASSURANCE IN QUALIFICATION UPGRADING AND PROFESSIONAL DEVELOPMENT. Taktasheva D. R.	117
45. ГЕРМАНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: “ДУАЛ” ТАЪЛИМИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Авезова Г.С.	119
46. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДИДАКТИКА ВА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШИ. Қурбонова Ў.У.	121
47. ПРЕВРАЩЕНИЕ ЦЕЛЕЙ ОБУЧЕНИЯ В ТЕСТОВЫЕ ЗАДАНИЯ. Юсупова Ш. Б., Алламова Ш.Т.	124
48. ЭЛЕКТРОННЫЙ ЯЗЫКОВОЙ ПОРТФЕЛЬ И МОДУЛЬ «НАВЫКИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЯ» В ПРОГРАММЕ ПОДГОТОВКИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. Уразбаев Х.И.	127
49. ВВЕДЕНИЕ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ПРОГРАММУ РЕЗИДЕНТОВ МАГИСТРАТУРЫ ВО 2-КЛИНИКЕ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА. Шамсиев Ж.А., Махмудов З.М., Данияров Э.С., Исаков А.М.	131

50. МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ТАЪЛИМНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДАНОҚ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР. Юлдашева Д.Н.	133
51. ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР. Юсупов А.И.	138
52. ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ. Қудратов А.М.	140

2-ШЎҒБА. ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

1. ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ. Гайсёнок В.А., Брезгунова И.В., Наумович О.А., Максимов С.И., Швайко В.Г.	147
2. МАСОФАВИЙ КУРС ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. Шоймардонов Т., Буриев Э.	149
3. МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎРНИ. Инназаров М., Обидов А.	154
4. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНФОГРАФИКАНИНГ ЎРНИ. Адашбоев Ш.	157
5. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Исканова Г.Х., Ташкенбаева У.А.	159
6. ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИГИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ УСУЛЛАРИ. Хабибуллаев Р.А., Умаров И.С., Мирзакулов Х.Ч.	162
7. МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ. Баратов Д.Х., Жуманиязов Б.Ж.	164
8. AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O'QUV JARAYONIDAGI O'RNI. Begimqulov H.Sh.	167
9. COMMUNITY OF INQUIRY FRAMEWORK. Kosimov A.	169
10. PROFESSIONAL TAYYORGARLIKNI TA'MINLASHDA AXBOROTLASHTIRILGAN TA'LIM MUHITINI TAKOMILLASHTIRISH. Gaffarov L.X.	171
11. TIBBIY XIZMAT KO'RSATUVCHI TADBIRKORLIK MUASSASALARNING YAGONA ELEKTRON NAVBAT AXBOROT TIZIMI AHAMIYATI. Babadjanov E.S., Asqarov Q.	172
12. AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB TA'LIMNI TASHKIL ETISH. To'xtasheva N. Q.	176
13. ALOQA TARMOQLARI RIVOJLANISHINING TA'LIM RESURSLARIGA TA'SIRI (MASOFAVIY MALAKA OSHIRISH TIZIMI MISOLIDA). Nomozov H. S.	178
14. PEDAGOG KADRLARNING MILLIY ELEKTRON TARMOQ ASOSIDA MASOFADAN MALAKASINI OSHIRISHNI TASHKIL ETISHNING METODIK TIZIMI. Nomozov H.S.	180
15. ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАДАН ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР. Абдуллазизов А.Х.	183
16. “ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МОДУЛИНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ИЛФОР ТАЖРИБАСИ. Навруз-Зода Б.Н.	188
17. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАКА ОШИРИШ БОСҚИЧИДА КИМЁ ФАНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Амонов М.Р.	192
18. ЮРИДИК БИЛИМ БЕРИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ. Джурабаев А.М., Ибодов А.И., Бекназаров Ш.Қ.	195
19. DISTANCE LEARNING: ADVANTAGES AND DISADVANTAGES. Khushboqov B.Kh.	198
20. КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЛАБАЛАРНИНГ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Казоков Р.Т.	200
21. МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ТАШКИЛИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ. Мухитдинова М. Р.	202
22. ПОСЛЕДИПЛОМНОЕ ОБУЧЕНИЕ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. Рахметова М.Р.	205



23. РАХБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ. Сайидова Н.С., Жўраев И.И.	207
24. PEDAGOG KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH JARAYONLARINI MASOFALI TA'LIM TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA TASHKIL ETISH. Sayidova N.S.	213
25. ПЕДАГОГИК ДИЗАЙН – МАСОФАВИЙ КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА. Адашбоев Ш.	228
26. РАХБАР КАДРЛАР УЧУН МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ. Сапаев Ф.Б.	221
27. ОРГАНИЗАЦИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ MOODLE НА БАЗЕ ПТТУ. Хромов С.А., Амиркулов А.Ш., Самадов П.Х.	223
28. ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ. Файзуллаева Н.С.	225
29. MOODLE ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ. Умарова Ш.Г.	231

3-ШЎБА. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИГА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

1. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ТАДБИҚ ЭТИШГА ДОИР АЙРИМ ТАВСИЯЛАР. Рахматов И.И., Мухаммедов Ш.М.	236
2. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. Мамаев Б.Н., Носиров Х.Б.	242
3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Файзуллаева Ш.К.	245
4. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ. Акрамова Ф.А.	247
5. ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ МУАММОСИНИ ЎРГАНИШДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. Акрамова Х.А.	249
6. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Валиева Ш.Р.	252
7. КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИ НИМА?. Казоқов Р.Т., Джурабаев А.М.	254
8. КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАРИХИ. Махкамбаев А.Х., Тўраев Б.Б., Ражабов Ш.А.	256
9. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАЪМИНОТИ ВА ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ. Насруллаев Т.И.	258

**1-ШЎБА.
РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО
ТАЖРИБАЛАР**



СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕБНОГО ПЛАНА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПО НАПРАВЛЕНИЮ «РАДИОЭЛЕКТРОННЫЕ УСТРОЙСТВА И СИСТЕМЫ»

Закирова Ф.М.

*Отраслевой Центр повышения квалификации и переподготовки
педагогических кадров при Ташкентском университете
информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий*

Аннотация.

В статье рассматривается комплексный подход для совершенствования учебного плана курсов повышения квалификации на примере направления «Радиоэлектронные устройства и системы», который предполагает проектирование учебного плана на основе анализа потребностей академических кадров и анализа профессиональных компетенций, необходимые для организации научно-педагогической деятельности в высшей школе в условиях цифровизации образования.

Ключевые слова: *высшее образование, космическая связь, проектирование учебного плана, повышение квалификации.*

1. ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время актуализируются исследования в области космических радиоэлектронных систем связи. Космические исследования — это не только новый этап в развитии науки о космосе, это новый этап развития цифрового общества. Использование и дальнейшее развитие космических систем и технологий без подготовки компетентных кадров не будет эффективным. В данной статье внимание уделяется проблеме совершенствования учебного плана курсов повышения квалификации для педагогических кадров направления «Радиоэлектронные устройства и системы».

2. ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

Анализ научно-методической литературы по проблеме разработки и совершенствования учебного плана показал, что несмотря на важную роль учебного плана в подготовке кадров, нет общепринятого подхода к их разработке. В статье [1] обращается внимание на необходимость совершенствования методов составления учебного плана.

В настоящее время учеными-педагогами используются компетентно-ориентированный, проблемно-ориентированный и комплексный подходы для разработки учебной программы. Компетентно-ориентированный подход ведет свои корни от педагогического образования 1960-х годов, который предполагает переход от традиционных образовательных моделей к модели,

основанной на компетенциях. За несколько последних лет данный подход активно используется и в системе повышения квалификации. Проблемно-ориентированный подход предполагает использование анализа существующих проблем при разработке учебного плана [2, 3]. Комплексный подход основан на использовании комплекса различных подходов, необходимых для эффективного осуществления определенной профессиональной деятельности [4, 5].

Для совершенствования учебного плана нами выбран комплексный подход, который учитывает специфику работы педагогических кадров направления «Радиоэлектронные устройства и системы», которая определяется тем, что в центре педагогического воздействия оказался взрослый человек, живущий в цифровом мире, квалифицированный специалист, с определенным опытом преподавания таких учебных дисциплин, как «Спутниковая связь и приложения», «Радиорелейная и спутниковая связь», старший преподаватель или доцент (профессор) по специальности 05.04.02. Поэтому для разработки учебного плана повышения квалификации направления «Радиоэлектронные устройства и системы» мы предлагаем использовать комплексный подход, который включает в себя не только анализ потребностей академических кадров, но и знаний и компетенций, необходимые для организации научно-педагогической деятельности в условиях цифровизации высшей школы.

3. МЕТОДОЛОГИЯ

В ходе разработки учебного плана повышения квалификации академических кадров были использованы такие методы, как изучение, анализ, синтез, обобщение; беседа, наблюдение, анкетирование, опрос, тестирование.

В качестве целевой группы были определены академические кадры, преподающие дисциплины, связанные с аэрокосмической отраслью. Анализ высших образовательных учреждений РУз выявил, что дисциплины, связанные с аэрокосмической отраслью, преподаются в Ташкентском Университете информационных технологий и его пяти региональных филиалах, в Ташкентском государственном политехническом университете, Национальном университете Узбекистана.

В начале 2019 года среди преподавателей кафедры «Технологии мобильной связи» факультета «Радио и мобильная связь» ТУИТ было проведено анкетирование и беседа на определение потребности в повышении квалификации с особым упором на вопросы повышения квалификации в области развивающихся технологий и космической связи. Всего в анкетировании участвовали 21 преподавателей и 9 магистров. Преподаватели и магистры отмечают желание повысить свои знания в первую очередь по своей специальности, развивающимся в настоящее время технологиям и



космической связи; далее – по инновационным образовательным и информационным технологиям, практическому английскому языку.

4. РЕЗУЛЬТАТЫ

Целью курса повышения квалификации академических кадров по направлению «Радиоэлектронные устройства и системы» определено совершенствование профессиональных знаний, умений и компетенций, необходимых для проектирования и реализации педагогического процесса на высоком научно-методическом уровне на основе инновационных подходов и развития творческой активности академических кадров.

Задачами курса определено, в первую очередь, развитие профессиональных знаний и компетенций академических кадров по направлению «Радиоэлектронные устройства и системы» на основе мировых практик в области специальных дисциплин; во-вторых, совершенствование их научно-педагогических знаний и компетенций в области системного использования ИКТ, инновационных образовательных технологий и иностранного языка.

Общая структура учебного плана была разработана на основе типовой структуры. Необходимо отметить, что содержание первых двух блоков являются общими для всех направлений образований. Отличаются они практическим применением в каждом из направлений повышения квалификации. Третий блок направлен на совершенствование предметных знаний и компетенций на основе последних достижений в области теории, научных и прикладных изысканий, технологического прогресса и инноваций по направлению образования. Исходя из развивающихся технологий цифрового общества, в содержание данного блока включены такие инновационные темы, как: Индустрия-4.0, ERP –системы, IoT, Cloud technologies, Big Data, VR/AR; сети широкополосного доступа, 4G - технологии и стандарты, дополнительные услуги в системах мобильной связи, эффективное использование частот и устранение помех в сетях радиодоступа. При дальнейшем совершенствовании содержания было решено добавить темы, касающиеся спутниковых систем, а именно, системы связи с использованием наземных спутников, принципы связи и спутниковые орбиты Земли, классификация систем спутниковой связи, типы используемых орбит, услуги спутниковой связи, многостанционные системы доступа в системах спутниковой связи, бортовые и наземные устройства в системах связи, спутники Inmarsat и Eutetracs, спутниковые сети VSAT, система спутниковой связи Iridium, спутниковая система связи Globalstar, системы связи с использованием геостационарных спутников.

5. ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В статье раскрыты этапы проектирования и содержание комплексной учебной программы повышения квалификации академических кадров

направления «Радиоэлектронные устройства и системы», учитывающий анализ потребностей, знаний и компетенций, необходимые для организации научно-педагогической деятельности в высшей школе. Первый этап оценки учебной программы со стороны слушателей выявил положительное отношение к введенным изменениям по двум общим блокам повышения квалификации. В дальнейших исследованиях будет произведена полная оценка всей учебной программы, включая третий блок.

Список литературы:

1. J. Sumsion and J. Goodfellow, "Identifying generic skills through curriculum mapping: A critical evaluation," *High. Educ. Res. Dev.*, vol. 23, no. 3, pp. 329–346, 2004, doi: 10.1080/0729436042000235436.
2. A. J. Edson, E. Phillips, Y. Slinger-Grant, and J. Stewart, "The Arc of Learning framework: An ergonomic resource for design and enactment of problem-based curriculum," *Int. J. Educ. Res.*, vol. 93, pp. 118–135, Jan. 2019, doi: 10.1016/J.IJER.2018.09.020.
3. H. Y. Yilmaz and D. G. Esen, "An Investigation on In-Service Trainings of the Ministry of National Education (MONE)," *Procedia - Soc. Behav. Sci.*, vol. 186, pp. 79–86, 2015, doi: 10.1016/j.sbspro.2015.04.019.
4. T. Güneş, E. S. Demir, M. Hoplan, M. Çelikoğlu, and O. Güneş, "The perceptions and needs of science and primary school teachers about in-service training," *Procedia - Soc. Behav. Sci.*, vol. 15, pp. 1102–1109, 2011, doi: 10.1016/j.sbspro.2011.03.246.
5. E. Bozkurt, N. Kavak, H. Yamak, S. C. Bilici, O. Darici, and Y. Ozkaya, "Secondary School Teachers' Opinions About In-Service Teacher Training: A Focus Group Interview Study*," *Procedia - Soc. Behav. Sci.*, vol. 46, no. 2010, pp. 3502–3506, 2012, doi: 10.1016/j.sbspro.2012.06.093.

КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Адизов Б.Р.

БухДУ ҳузуридаги ПКҚТ ва УМО минтақавий маркази

Бугунги кунда жамият тараққиётини белгилашда олий таълим муҳим роль ўйнайди. Исталган давлатни тезликда ривожланиши асосий ва инкор этиб бўлмайдиган интеллектуал имкониятлар таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали яратилади. Жамият аъзоларини саводхонлигини ошириш орқали давлат иқтисодиёти ва жамият яшаш тарзи даражасини юксалтиради, ривожланаётган технологиялар эса олий таълимни жаҳон бозорларида нақадар зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотларни кўрсатишича жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжи олий таълим муассасаси педагогининг ижодий фикрлаши ва креативликка бўлган юқори талабларига боғлиқ бўлиб, педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида инновацион таълим технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Креативлик «турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалалар юзасидан қарорларини қабул қилишда яққол намоён бўлади у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди¹» Моҳиятига кўра ОТМ педагогларида креатив фикрлашга йўналтирилган сифатларни ривожлантириш улар томонидан педагогик, психологик ҳамда мутахассислик фанлари асосларидан тўла хабардор бўлиш, улар томонидан ўзлаштирилган билимларни амалиётда фаол қўллаш олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобига кечади.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамият таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълимни мақсадли ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шaroит яратишга имкон беради.

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида мутахассисларнинг креатив фикрлашга тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, АҚШнинг Гарвард университетида ташкил этилган Career Services маркази томонидан иш берувчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра иштирокчиларнинг 74,8% қисми малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида креативлик ва ностандарт тафаккур тарзи билан боғлиқ сифатларни белгилаган. Сингапурдаги Нанъян технология университети Бизнес мактабида ҳам айнан шунга ўхшаш сўровнома натижасида 62,5% иш берувчилар битирувчининг креативлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритишган.

Барча шахсларда бўлгани каби педагогларда ҳам креатив фикрлашга йўналтирилган сифатлар ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра тадқиқотларда шахс (жумладан, педагоглар)да креатив фикрлашга йўналтирилган сифатларни муваффақиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари ёритилади. Патти Дрепеау томонидан ҳам шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган.

1-йўл: креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш.

2-йўл: креатив амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш.

4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш².

“Креативлик юқумлилиқ хусусиятига эгадир; креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамиша изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, таълимнинг асосий мақсади шахс ривожланишининг оптимал шартларидан иборат. Бунда педагог нафақат

билим бериши балки берилган билимни талабалар ўзлаштириб олишлари учун ҳам ҳаракат қилиши керак. Шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ва инновацияларни яратишга йўналтириш, муаммо ва фаолият турларини таҳлил қилиш, муаммоларни мустақил тушуниш, имкониятларини ўз-ўзини ривожлантиришга сарфлаш кабиларни мақсад қилиб олингани айнан креатив фикрлашга бўлган эҳтиёжни талаб қилади. Шундай қилиб кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган ўқитувчиларни креатив фикрлашларини ривожлантиришнинг мақсади профессионал креатив компетентлик ва педагогик маҳоратни ривожлантириш, шунингдек тингловчиларни креатив фикрлашини ижодий таълим методлари орқали такомиллаштиришдир.

Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида педагогни креатив фикрлашга йўналтирилган сифатларни шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Булар жумласига кейс стади, лойиҳавий таълим, виттаген, дизайн фикрлаш, синергетик таълим, скампер кабиларни киритиш мумкин. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар ўқитувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шунинг учун креатив фикрлашни ривожлантириш учун машғулотларни интерфаол турларидан, креатив фикрлашни ривожлантириш методларидан ва ижодий таълим муҳитини яратиш учун скампердан фойдаланиш лозим. Бундай муҳит қулай вазият, ҳар қандай ижодий маҳсулотни қабул қилиш, рағбатлантириш билан характерланади.

SCAMPER инглиз тилидан олинган бўлиб, «тез югуриш ёки «югуриб ўтиш» деган маънони билдиради. Аслида бу метод муаммонинг ечимига саволлар ёрдамида «югуриб ўтиш»ни талаб қилади. Ушбу креатив метод Роберт Эберл томонидан 1997 йил таълимга киритилган. Унинг асосий мақсади муаммога аниқ савол қўйиш, ҳар бир савол турига қараб жавоб топиш, яъни муаммони ижодкорона таҳлил қилиш, билимларни ўзлаштириш ва излаш, муаммонинг ечимига янгича ёндашишдан иборат.

«SCAMPER»— бу:

S— Substitute (алмаштириш).

C— Combine (бирлаштириш).

A— Adapt (мослаштириш).

M— Modify/Magnify (модификациялаш, катталаштириш).

P— Put to Other Uses (бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш).

E— Eliminate (бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш).

R— Rearrange/Reverse (тартибини ўзгартириш).

SUBSTITUTE (алмаштириш) – мавжуд бўлган муаммонинг, жараённинг, ҳаракатлар тартибининг бир қисмини нима билан ва қандай қилиб алмаштириш ҳақида фикрлаш, бу ўз-ўзидан янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

Саволлар:

1. Таркибий қисмларни қандай қилиб ва нима билан алмаштира бўлади?
2. Мавжуд қоидаларни қандай қилиб ва нима билан ўзгартира бўлади?
3. Қандай қилиб ва нима билан шаклни алмаштира бўлади?
4. Жараён қатнашчиларини нима билан ва қандай қилиб алмаштира бўлади?
5. Ҳодиса ёки жараён номини ўзгартира бўладими?
6. Бир қисмни бошқаси билан алмаштира бўладими?
7. Ушбу ғояни янги йўналишда қўллаб бўладими?
8. Жараён ёки ҳодиса билан боғлиқ ҳиссиётларимизни ўзгартирсак бўладими?
9. Жараён ёки ҳодисага, объектга нисбатан ўзимизнинг муносабатимизни ўзгартирсак бўладими?

COMBINE (бирлаштириш) – олдингизга қўйилган муаммонинг ечимини топиш учун муаммони бир нечта қисмларини бирлаштириш ёки ушбу қисмларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш имконияти борлиги ҳақида ўйланг. Креатив фикрлаш ва ғояларни генерациялаш муаммонинг мавжуд бўлган, аммо азалдан ўзаро боғланмаган қисмларини қўшиш ёки йўқ нарсани яратишни тахмин қилади.

Саволлар:

1. Бир нечта ўй-фикрлар натижаларини ёки уларнинг қисмларини бирлаштириш мумкинми ва қандай қилиб?
2. Олдимизга қўйилган масалани бошқаси билан бирлаштириш мумкинми?
3. Қўллаш соҳасини кенгайтириш учун нимани бирлаштира бўлади?
4. Нималар бирлаштирилиши мумкин?
5. Натижага эришиш учун турли имкониятларни бирлаштира бўладими?

ADAPT (мослаштириш) – мавжуд бўлган ғоялар ва усуллар ёрдамида янги масалаларни ечиш ҳақида ўйлаб кўринг. Айнан шу нарса энг керакли ечим бўлиши мумкин. Бу ерда шунга асосланиш керак-ки, янги ғоялар ҳозирда мавжуд бўлган ғояларнинг қисмларидан ташкил топади.

Саволлар:

1. Аналоглар борми, ва у нимага ўхшаши мумкин?
2. Шунга ўхшаш нарса билан танишманми?

3. Бу вазиятдан яна нимани олиш мумкин?
4. Бу муаммони ҳал қилиш учун бор нарсаларнинг қайсисидан фойдалана олишим мумкин?
5. Ўзим учун ишлатиш мақсадида кимнингдир ғоясини қўллай оламанми?
6. Менинг концепциям бошқа контекстда намоён бўлиши мумкинми?
7. Қўллай олишим мумкин бўлган бошқа соҳадаги ғоялар борми?

MODIFY/MAGNIFY (модификациялаш, катталаштириш)—мавжуд ғояларни кенгайтириш ёки модификациялаш усуллари излаш. Бундай йўл билан нафақат муаммо ечимининг айна вақтдаги вариантларини ўзгартириш, балки муаммони янги ракурс остида кўриш имкониятига эга бўлиш, шунингдек ҳаракатлар самарасини ошириш мумкин.

Саволлар:

1. Нимани ва қандай қилиб модификациялаш мумкин?
2. Қайси ғояларни кенгайтириш мумкин ва қандай қилиб?
3. Энг катта самарага олиб келувчи нимани бажариш мумкин ва қандай қилиб?
4. Буни осонгина қайта қилиш иложи борми?
5. Мавжуд бўлган ғоя ва концепцияларга қўшимча баҳо берса бўладими?

PUT TO OTHER USES (бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш). Айнан шу вақтдаги ғояни бошқа соҳаларда қўллаш имкони борми? Олдин қўлланилган усуллар орасида ҳозирги муаммони ечимини топиш учун ёрдам берадиган бирон нарса борми? Кўпгина ҳолатларда бир нечта масалаларни фақат биттагина усул билан ечиш мумкин, фақат бу имкониятни кўра билиш керак.

Саволлар:

1. Буни яна қандай қилиб қўллаш мумкин?
2. Буни режалаштирилган нарсадан ташқари яна бошқасига қўллаш мумкинми?
3. Шу ғояни бошқалар қандай қилиб қўллай олиши мумкин?
4. Мавжуд ғояни ўзгартирган ҳолда қўллаш мумкинми?
5. Агар шу ғояни мен ҳозиргина билган бўлсам уни қандай баҳолаган бўлардим?

ELEMINATE (бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш). Сизнинг ҳозирги ғоя ёки концепциянгизни қайта ишлаш мақсадида унинг баъзи қисмлари олиб ташланса ёки минималлаштирилса нима содир бўлишини фараз қилинг. Бир нечта таркибий қисмларни олиб ташлашга ҳаракат қилинг – бу муаммолар доирасини кичиклаштиришга ёки умумийдан хусусийга ўтишга ёрдам беради.

Саволлар:

1. Муаммони соддалаштириш имкони борми?
2. Жиддий ўзгаришларга олиб келмасдан контекстан нималарни олиб ташлаш мумкин?
3. Қайси шарт мажбурий эмас?
4. Қоидаларга истисно қилиш мумкинми?
5. Муаммони бир нечта қисмларга ажратиш мумкинми ёки шартми?
6. Муаммони анча кам ҳажмда келтириш мумкинми?

REARRANGE/REVERSE (тартибини ўзгартириш). Тескари тартибда ҳаракат қилиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўзгартириш имкони бор ёки йўқлиги ҳақида ўйланг, бунинг учун нима қилиш керак ва бу қандай кўринишда бўлади? Баъзи вазиятларда бу муаммо ечимини тез топишга имкон беради ва янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

Саволлар:

1. Қандай тартиб энг оптимал бўлади?
2. Алоҳида қисмлар ўзаро алмашиш хусусиятига эгами?
3. Ҳаракатларнинг бошқа кетма-кетлиги бўлиши мумкинми?
4. Сабаб ва оқибатни ўзаро жойларини алмаштириш мумкинми?
5. Ижобий ва салбий жиҳатларни ўрнини алмаштира бўладими?
6. Муаммони тескари тартибда кўриб чиқсак нима бўлади?
7. Агар мен энг охиридан ҳаракат қилсам нима бўлади?

«SCAMPER» методи етарлича оддий, лекин биринчи қарашда бошқача туюлиши мумкин. Шу нарсани тушуниб олиш керак-ки, бу метод шаблонни парчалашни, муаммолар ечимини топишнинг янги усуллари излаш ва мавжуд ечимлар ҳамда ғояларга асосланган янги фикрлар генерациясини шакллантиришни белгилайди. Аммо бу методни тўғри ва самарали ишлатиш учун тажриба керак, бўлмаса ундан маълум бир самара олиш мураккаб.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. –Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2008.-15-б
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9

КОМПЕТЕНТЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Эсанбобоев Ф., Эшмаматов И.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

“Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизни эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”
Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти
И.А.Каримов.

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари шундан иборатки, маълум мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов ўқувчи тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб шундай ёзади: “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизни эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ” шундай экан таълим муассасаларида ёшларнинг шахсий ривожланиши уларнинг мустақил фикрлаш, ижодкорлик, фаоллик, муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ҳамда дунёқарашларининг турғунлиги, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжларнинг шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак касб эгалари учун таълим муассасаларида таълим олиш жараёни – бу инсонда меҳнат фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда аҳамиятли саналган касбий билим, сифат, компетентлик ва мезонлар асосида ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Бўлажак ҳар бир касб эгасини билим билан қуроллантириш эмас, балки тарбиялаш, илмий дунёқарашларини шакллантириш ва ўткир бир талаб қўйиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси саналмоқда. Таълим олувчилар ушбу жараёнда билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий фаолиятини ташкил этишда улардан самарали фойдаланиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Компетентлик деганда, алоҳида билимлар ва кўникмалар ёки фаолиятнинг алоҳида ҳаракатларининг йиғиндиси тўғрисида эмас, балки,

инсонга меҳнат фаолиятини тўла-тўқис амалга ошириш учун керак бўладиган хусусият ҳақида сўз юритилади.

Компетентликка йўналтирилган таълим инсоннинг ўз шахсий манфаатлари учун ҳам, жамият, давлат манфаатлари учун олиб борадиган фаолиятининг асосий соҳаларида муваффақиятини таъминловчи билимлар ва амалий фаолият усуллари комплекс равишда ўзлаштиришига қаратилган.

А.К. Маркова муайян инсоннинг компетентлиги унинг касбий маҳоратига нисбатан торроқ бўлади, деб ҳисоблайди, яъни: “Инсон умуман олганда ўз касбининг устаси бўлиши мумкин, лекин барча касбий масалаларни ҳал этишда компетентли бўлмаслиги мумкин”.

С.Е. Шишов томонидан компетентликнинг қуйидаги таърифлари келтирилган:

- ўқиш-ўрганиш туфайли эгалланган билимлар, тажриба, кадриятлар ва мойилликларга асосланган умумий лаёқатлилиқ;

- билим ва вазиятлар ўртасидаги алоқани ўрната билиш қобилияти, муаммога мос келадиган ҳал этиш йўлини топиш (компетентлик деб айтиш учун бирор-бир вазиятда намоён этиладиган тақдирдагина жоиз бўлади, намоён этилмаган компетентлик – компетентлик эмас, яширин имкониятлар бўлиб қолса ҳам катта гап).

Компетентликнинг муайян соҳага оид бўлиши унинг ўзига хослиги ва аниқлигини белгилайди. Шу нуқтаи назарга кўра компетентлик ҳар хил турларга ажратилади – ижтимоий ва касбий, махсус ва индивидуал, ахборотга оид ва коммуникатив, педагогик ва психологик, экологик ва ҳоказо. Шу билан бирга, тадқиқот муаммоси бўйича ишларнинг таҳлили кўрсатишича, компетентликнинг таклиф этилаётган тавсифлари ва типологияси компетентлик ёндошуви билан бевосита алоқадорликда ўрганилмайди.

Хорижий давлатлар ва ватанимиз тадқиқотчилари томонидан таклиф этилаётган таянч, базавий, универсал компетенциялар деб ҳисоблаш мумкин бўлган компетенцияларнинг турлича таснифларида компетенцияларнинг шундай барқарор гуруҳлари етарли даражада аниқ-равшан белгилаб берилдики, уларни эгалламасдан туриб, инсон замонавий жамиятда муваффақият билан, зиддиятларсиз, қарама-қаршиликларсиз яшаши ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– *ижтимоий-фуқаролик соҳасидаги компетенциялар* - субъектнинг ижтимоий фаоллигини ва фуқаролик масъулиятини, унинг демократик институтлар фаолиятида ва уни яхшилашда ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирокини ва ҳоказоларни таъминлайди;

– *ижтимоий муносабатлар соҳасидаги компетенциялар* - ёзма ва оғзаки ҳамда тиллараро (яъни бир неча тилларни билишлик) мулоқотни яхши билишни, шахслараро самарали ва зиддиятларсиз ўзаро муносабатларни оқилона амалга оширишни, ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенгликни, бошқа маданият ва диний эътиқодларни тўғри қабул қилиш ва ҳурмат билан қарай билишни ва ҳоказоларни таъминлайди;

– *ахборот соҳасидаги компетенциялар* - янги ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг аҳамиятини тушуниш, уларни эгаллаш ва ўз ўрнида қўлай билиш, турли ахборот манбаларидан фойдалана билиш, яхлит ахборот муҳитида ишлашга тайёрлик, ахборотга нисбатан танқидий муносабатда бўла олишни ва ҳоказоларни таъминлайди;

– *ижтимоий-индивидуал соҳадаги компетенциялар* – оилавий-қариндошчилик ва шахсий муносабатларни тўғри ўрната олиш, ўзининг соғлиғи ва маънавий-ахлоқий хислатларига онгли ва маъсулиятли равишда муносабатда бўлиш, бўш вақтини ўтказиш усуллари тўғри танлай билиш ва ҳоказоларни таъминлайди;

– *касбий-меҳнат соҳасидаги компетенциялар* - меҳнат бозоридаги вазиятларни таҳлил қила билиш, ўзининг касбий имкониятларини тўғри баҳолай олиш, меҳнат муносабатларидаги қонун-қоидалар ва ахлоқий меъёрларни билиш, ўз касбий фаолиятига тегишли чуқур билимларга ва кенг дунёқарашга эга бўлиш, амалий вазифаларни ҳал этишда ўз билим ва тажрибаларини эпчиллик билан моҳирона қўлай олиш, касбий-ахлоқий сифатларга эга бўлиш ва ҳоказоларни таъминлайди;

– *тизимли компетенциялар* - касбий жиҳатдан ҳам, шахсий ва ижтимоий ҳаётида ҳам мустақил равишда ўқиш-ўрганишга, жисмоний ва психик жиҳатлардан ўз-ўзини бошқара олиш ва ўз-ўзини такомиллаштира олиш малакаларини эгаллашга қодирлик ва ҳоказоларни таъминлайди.

Таянч компетенцияларни белгилашда жамият эҳтиёжлари ёки ижтимоий буюртма муҳим асос ва йўлланма бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, демократик, фуқаролик жамиятида ижтимоий буюртма давлат ва жамият манфаатларига ҳам, шахсий манфаатларга ҳам бирдай мос бўлиши керак. Ижтимоий буюртма асосида белгиланган таянч компетенциялар ўз навбатида таълимнинг мақсади ва натижаси сифатидаги компетентликни ташкил этадиган таркибий қисмларни белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни ташкил этиш // Ж. Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2006. – № 6. – Б. 25-27.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” /Баркамол авлод– Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
3. Искусственный интеллект: философия, методология, инновации // Сборник трудов VIII Всеросс.конф.студентов, аспирантов и молодых учёных. Под общей ред. Е.А.Никитиной. Часть II. – М.: Радио и Связь, 2014. – 184 с.
4. С.Е. Шишов, Лисицына Л.С. Теория и практика компетентностного обучения и аттестаций на основе сетевых информационных систем. – СПб.: СПбГУ ИТМО, 2006. – С. 147.
5. Osborn Marilyn. Changing the context of teachers’ work and professional development: A European perspective // International Journal of Educational. – New York: Research 45 (2006). – pp. 242–253.

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шаропов Ш., Кушарбаев Дж.У.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Мамлакатимизда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларини кўзда тутди. Шунингдек, сўнгги йилларда қабул қилинган олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар олий таълим ривожини ва мамлакат ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида инновацион омил масаласини ўрганиш энг катта илмий қизиқиш уйғотган илмий муаммолардан бири бўлиб, мазкур муаммо таълим тизими олдида турган долзарб масалалар билан ҳамоҳангликда ҳамда таълим тизимида амалга оширилган туб ислохотлар жараёни билан узвийликда ҳал этилди ва ўрганилди. Шунга кўра, таълимда инновация масаласи унинг кенг тармоқли ва моҳиятли амалий фаолиятини ўз мазмунига қамраб олган йўналишлардан бирига айланди. Уларнинг туб асосини мамлакат таълим тизимидаги туб ўзгаришлар ва қайта шакллантириш жараёнлари ташкил этмоқда. Мазкур ўзгаришлар таълим тизимини янги мазмундаги босқичларга ажратиш, инновацион йўналишлар, янги мутахассислик ва соҳалар киритиш, таълим тизимини узвийлик ва узлуксизликда ривожлантириш, унинг замонавий педагогик шакл, восита ва усуллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилди. Бинобарин:

биринчидан, инновацион жараёнлар бевосита педагогик жараённинг турли замонавий ахборот-коммуникация ва янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар билан бойитилишида намоён бўлди;

иккинчидан, таълимда инновация педагогик жараён мазмунининг ўзгаришларга юз тутганлиги билан, яъни унинг демократлашуви, халқчиллиги, мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ва маърифий ислохотлар жараёни, иқтисодий ўсиш ва ривож билан боғлиқлиги давлатнинг кадрлар сиёсати асосида шакллантирилганлиги билан белгиланди;

учинчидан, энг муҳим инновацион жараёнлар аудиторияда, турли ижтимоий гуманитар предметларнинг янгича мазмуни ва моҳиятида, уларнинг миллий мафкура ва миллий ғурур, миллий ўзликни англаш асосида қайта шакллантирилганлигида намоён бўлди.

Сўнгги йилларда педагогик муҳитни тубдан қайта қуриш жараёни бошланди. Педагогик инфраструктура мазмунан қайта шакллантирилди. Демак, мамлакат таълим тизимида олиб борилган инновацион жараёнлар ва туб ўзгаришларнинг мазмун моҳияти серкирра бўлиб, унинг ҳар бир йўналишида ўнлаб янги илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бевосита малака ошириш жараёнида инновацион талабларни жорий этиш масаласи асосий йўналишларидан бирига айланди.

Инновацион талабларни жорий этиш орқали педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш – тизимли таъсир кўрсатишга асосланган фаолият тури бўлиб, уларда янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва жорий этишга тайёргарлик даражаларини юксалтириш, инновацион фикрлаш, педагогик жараёнга креатив ёндашиш каби сифатларини қарор топтириш билан боғлиқдир.

Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш малака ошириш жараёнида мақсадга йўналтирилган методик ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Инновацион салоҳиятни ривожлантириш дастури деганда инновацион фаолиятни амалга оширишда педагог кадрларнинг билим, кўникма ва тажрибаларини такомиллаштириш, шунингдек, кўшимча интеллектуал имкониятларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Малака ошириш жараёнида ташкил этиладиган назарий ва амалий машғулотлар ҳатто замонавий талаблар асосида, ноанъанавий изланишли-тадқиқотчилик, ижодий шаклда ўтказилганда ҳам педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришни етарлича чуқур ва амалий йўналтирилган тарзда амалга ошириш имконини бермайди. Ана шу жиҳатларни, бундан ташқари педагог кадрларнинг рефлексив фаолиятга эҳтиёж сезишини ҳисобга олиб, уларни умуммаданий, касбий ва ижтимоий доирада ривожланишига имкон берувчи мустақил малака ошириш жараёнида инновацион салоҳиятни тизимли ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ РАХБАР ВА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛИ АСОСИДАГИ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Исомов И.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида мамлакатимизда ўқитувчиларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб боришини йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифалардан бири саналалиши таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарорида иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислохотларни тизимли амалга ошириш, шунингдек академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида академик лицейлар бўлган вазирлик ва идораларга академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш, таълим жараёнини мазмунли ва самарали ташкил этиш учун педагоглар малакасини узлуксиз ошириб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини амалиётга жорий этиш каби вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сон Қарорига асосан академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларида амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицейларда 3100 дан ортиқ педагог ходимлар фаолият юритаётган ҳолда,

охирги уч йил давомида минтақавий марказларда 21 та малака ошириш йўналишида академик лицейларнинг жами 217 нафар раҳбар ва 2844 нафар педагог ходимлари ўз малакаларини оширдилар.

Бугунги кунда академик лицей раҳбар ва педагог ходимлари малака оширишнинг асосан бевосита яъни минтақавий марказларда тўғридан-тўғри ўқиш шакли асосида амалиётга жорий этилмоқда. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг бошқа шакллари, хусусан, илмий анжуманларда иштирок этиш, хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ, очик машғулотларни ташкил этиш, докторлик диссертациялари ёки дарслик, қўлланмалар тайёрлаш, илмий журналларда мақолалар чоп этиш каби мустақил малакасини ошириш шакллари муқобил малака ошириш шакли сифатида ўз ўрнини етарлича топмаган.

Тингловчилар контингенти етарли бўлмаган йўналишларда, жумладан рус ёки қорақалпоқ тилида дарс олиб бориладиган гуруҳларда йил давомида тингловчилар контингентини етарли сонда шаклланмаслиги минтақаларда малака ошириш курсларини тўғридан-тўғри ташкил қилишда молиявий қийинчиликларга олиб келмоқда. Шунингдек, нафақа ёшидаги, ногиронлиги бўлган шахслар ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни ташкил этган педагог кадрларни бевосита бир ой давомида, ишдан ажраган ҳолда, ўз оиласидан узоқда, алоҳида парваришга муҳтож бўлишига қарамасдан 144 соат ҳажмдаги малака ошириш курсларида ўқиши уларнинг соғлиги, оилавий, ижтимоий ва молиявий шароитларига салбий таъсир кўрсатмоқда

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш, педагог кадрларнинг мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириш мотивациясини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. академик лицей педагог ходимларининг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга оладиган, уларга мунтазам равишда касбий ўз-ўзини ривожлантириб бориш имкониятини берувчи табақалаштирилган ва муқобил малака ошириш шаклларини амалиётга қўллаш;

2. нафақа ёшидаги, уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар ҳамда ногиронлиги бўлган педагог кадрларнинг малака ошириш курсларида ўқишини масофавий шаклда ташкил этиш;

3. тингловчилар контингенти етарли бўлмаган йўналишларда, жумладан рус ёки қорақалпоқ тилида дарс олиб бориладиган гуруҳларда, тингловчилар контингенти бир гуруҳ меъёрида йиғилмайдиган кам сонли алоҳида йўналишларда малака ошириш масофадан ўқитиш усуллари орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш таклиф этилади.

Ушбу ҳолда раҳбар ва педагог ходимларга уларнинг касбий, ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, муқобил малака ошириш ёки таълим дастурлари асосида ўқиш шаклларини танлаш имконияти берилади.

Бунда, мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш сифатида раҳбар ва педагог ходимларнинг очик ўқув машғулотлар ва маҳорат дарсларини ташкил этишлари, иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлашлари, илмий конференцияларда маъруза билан қатнашишлари, илмий журналларда, газета ва интернет нашрларида мақолалар чоп этишлари, кўргазма ва танловларда иштирок этишлари, мустақил тажриба орттиришлари назарда тутилса, раҳбар ва педагог ходимларнинг хорижий мамлакатларда малака ошириши, халқаро ҳамда республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаши, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиши, яқка муаллифликда дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаши ва нашрдан чиқариши муқобил малака ошириш шакллари сифатида эътироф этилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасида келтирилган вазифалар мамлакатимизда малака ошириш тизимини янги босқичга олиб чиқишимиз учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДАВР ТАЛАБИ

Эргашов Ё.С., Саъдиев В.А.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Таълимнинг глобаллашуви ва ахборотлар оқимининг тезкор ривожланиши билан кечаётган бугунги тараққиёт даврида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш таълим жараёнида билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Бу жараён ўз навбатида, инновацион жараёнларга боғлиқ равишда олий таълим муассасаларининг инфраструктурасидан унинг фаолият йўналишлари, миссияси, таълим мазмуни, профессор-ўқитувчилар, талабалар таркиби билан боғлиқ компонентларнинг ўзаро уйғун ривожланиши билан асосланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш,

шунингдек олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш юзасидан устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш ўз навбатида олий таълим муассасалари фаолиятини бошқариш жараёнининг замонавий инфратузилмасини яратиш, бошқарув жараёнига рақамли технологияларни татбиқ этиш ҳамда инновацион менежментнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш таълим менежменти олдида турган муҳим вазифадир.

Халқаро тажрибалар таҳлилидан маълум бўладики, олий таълим муассасалари фаолиятини модернизациялашнинг ижтимоий-иқтисодий зарурияти қуйидагиларда кўринади:

- инсон капитали (мотивация, билим, тажриба ва қобилиятлар), касбий тайёргарлик сифатининг инновацион иқтисодиёт талабларига тўлақонли мос келмаслиги;

- глобаллашув жараёнлари иқтисодиёт ва сиёсат билан бирга таълим, маданият, илм-фанни ҳам қамраб олаётганлиги, таълимнинг ривожланиш истикболлари нафақат ягона европа худуди, балким глобал таълим интеграциясига йўналтирилаётганлиги;

- таълимда замонавий парадигмаларнинг шаклланиши, ахборотлашган жамиятда фан ва таълимдаги инновацияларнинг ўзаро интеграциясини таъминлашга асосланган моделларни кенг жорий этиш;

- таълимда сифат менежментини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг самарали ечими ўз навбатида олий таълим муассасаларини инновацион ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири, яъни олий таълим муассасалари трансформациясини талаб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида, яқин келажакда илм-фан соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги асосий муаммолар сақланиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди:

биринчидан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг илм-фанга эътибори юқори эмаслиги;

иккинчидан, инновацион инфратузилманинг алоҳида элементлари (инновацион жамғармалар, технологияларни жорий этиш марказлари, муҳандислик лабораториялари, технопарклар ва бошқалар) ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги;

учинчидан, кичик инновацион тадбиркорлик ва илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги;

тўртинчидан, илмий ташкилотларда илм-фанни ташкил қилиш, илмий ишлар харажатларини прогношлаштириш ва натижаларнинг иқтисодий таҳлилини олиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;



бешинчидан, илмий салоҳиятни ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш ишларининг фаол эмаслиги каби масалалардир.

Юқоридаги муаммоларнинг самарали ечими ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, илғор хорижий тажрибалар асосида кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизимини яратиш, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ усувдор вазифаларни белгилаб беради.

Жамиятда кечаётган ўзгаришлар, юзага клаётган янги ижтимоий муносабатлар барча соҳада бўлгани каби олий таълим тизимини модернизациялашни, олий таълим муассасаларининг инновацион маданиятини ривожлантиришни тақозо этади. Таълим тизимидаги инновацион жараёнлар пухта асосланган механизмнинг мавжудлиги, замонавий ахборот-таълим ресурсларига эгалик, таълим сифатини ошириш, кадрлар салоҳияти, таълим-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган трансформацион инновацияларни жорий этилиши кутилган натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

INNOVATIVE ENGLISH TEACHING FOR IN-SERVICE CLASS LEARNING

Tashkenbaeva U.A., Khazratova G.Sh.

The branch center for retraining and in- service training of academic staff under Tashkent Medical Academy

One of the main determinants for enhancing the quality and relevance of education and learning is considered to be professional development. It has long been a major form of professional development for pre-service and in-service teachers in developing.

Professional development provides the ability for many teachers to gain new skills, to improve professionally and, eventually, to begin teaching online. However, if you're used to printing paper books, printed worksheets, it must be difficult to cut flashcards operating online. There are so many questions teachers have: how to start teaching online? What would I need? How to arrange work for pairs? How will additional materials be used? How to teach? Our solution has been to provide learning options for and assess one particular mode of online communication – the online presentation, which will be dealt with in greater detail soon.

We are building a culture of innovation as our educators of the future, in which our academic staff will be empowered to use new technology to advance their teaching practices. The conventional design of the curriculum and training of the class centered on the subjects considered beneficial to learners. This meant that the grammar and vocabulary that educators felt learners ought to know were learned by learners. The feedback from learners was scarce, to say the least. What we learned

from this is why it is important to build lesson plans for activities that can be comfortable for all learners to relate to. As the focus on content has changed to skills and competencies, a significant paradigm change is reflected in the task-based approach. Architecture and planning, then, are not about what is being learned, but about why it is being taught. This approach isolates individual skills and competencies in order to teach material teachers, so that they just need to know how to accomplish their goals and objectives.

Similar to the task-based approach, the project-based approach is intended to fulfill learners' specific needs by adapting language to the skills and competencies they currently require individually and professionally. The implementation of this method begins by defining the one, global objective that the individual or group of learners have.

Naturally, I taught them differently due to the nature of their jobs than I would teach interested in learning casual conversations in English. They had to produce particular monthly reports for different departments in English in their office. So, we split one sample report into portions and analyzed each section. Each instructor planned the sections as if they were the real thing.

In class, in addition to covering all the vocabulary and grammar necessary to complete each section, I addressed the difficulties my teachers experienced. Their final project was a full report that they must apply for approval to their supervisor, and their company handbook was based on the requirements we used to build the report. It was a lot of work, but with it, we had fun. But what if you have a class full of adults who, to start with, do not want to be in class because of their poor English especially online lesson? Start by doing an evaluation of need, looking at what they are interested in and what topics they really need to know. This evaluation will contribute to the creation of one overall project that will become the end product of the class. From an online presentation to a large-scale production like a class play, this project can be anything. Whatever the case, individual tasks that lead learners to the objectives in the evaluation must be part of the project. I think of the project as their final, thorough evaluation. Whereas cumulative evaluations are small tests or the completion of individual assignments. Just remember, your criteria for assessment must be clear so that teachers know what they are graded on. I think individual tasks enhance participants' self-confidence and self-efficacy as teachers. This induces a stronger belief in their own power and increased willingness and ability to take risks and try new methods and tools. This can enhance teaching and learning experience, efficiency, and lead to higher achievements. Academics are also more willing to adapt into their teaching good practices that they enjoyed as learners. Using a variety of innovative tools – such as multimedia materials, online courses, active learning, and peer mentoring – provides academics with a clear vision of the best and most suitable practices for their course.

Higher education systems around the world are facing new tendencies. One of them is resulting in the spread of a student-centred approach and the growing

importance of modern digital technologies. The advantages and disadvantages of these changes are disputable. However, it is clear that in light of these changes, the need for professionalism on the part of academics has grown and became a necessary condition for the competitiveness of the institution and an individual's career progression.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ ПЕРЕПОДГОТОВКИ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ: ЦЕЛИ, ЗАДАЧИ И НОВЫЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ

Швайко В.Г.

*Государственное учреждение образования «Республиканский институт
высшей школы», г. Минск, Республика Беларусь*

В Республике Беларусь в настоящее время большое внимание уделяется вопросам качественной подготовки и переподготовки высококвалифицированных кадров в целях удовлетворения потребностей национальной экономики. Эта задача является основной для системы профессионального образования страны в целом, и для системы дополнительного образования взрослых, в частности.

Стратегией совершенствования национальной системы квалификаций (далее – НСК) Республики Беларусь [1], поставлена задача гармонизации процесса взаимоотношений между системой образования и рынком труда, а также определены следующие векторы данного взаимодействия: разработка и внедрение новой концепции построения системы подготовки и переподготовки специалистов, основанной на результатах обучения; совершенствование структуры и содержания образовательного процесса; вовлеченность работодателей в процессы проектирования и реализации образовательных программ.

В настоящее время в Республике Беларусь система дополнительного образования взрослых представлена различными образовательными программами: от повышения квалификации, стажировок до длительных программ переподготовки руководящих работников и специалистов. Программа переподготовки является наиболее востребованной и в контексте реализации Стратегии совершенствования НСК: она предоставляет возможность приобретать новую полноценную квалификацию в процессе осуществления трудовой деятельности.

Переподготовка – единственная программа дополнительного образования взрослых, реализующаяся на основе образовательных стандартов

и типовых учебных планов, определяющих ее содержание по конкретной специальности. В настоящее время в Республике Беларусь остро стоит проблема модернизации процесса проектирования содержания образовательных программ дополнительного образования взрослых в целях обеспечения переподготовки и повышения квалификации специалистов, конкурентоспособных на рынке труда, обладающих тем уровнем профессиональных компетенций и профессионального мастерства, который востребован работодателями здесь и сейчас.

Задачи модернизации проектирования образовательных программ дополнительного образования взрослых в Республике Беларусь можно определить следующим образом. Во-первых, в процессе тесного взаимодействия с заказчиками кадров определять перспективные направления переподготовки, повышения квалификации и т.д. В связи с этим, система дополнительного образования взрослых должна активно интегрироваться в изменяющуюся Национальную систему квалификаций, обеспечивая, в первую очередь, решение задачи обучения и переподготовки кадров, осуществляющих трудовую деятельность. Во-вторых, разработать и внедрить новую модель образовательных стандартов переподготовки, построенную на компетентностном подходе, ориентированную на результаты обучения. В-третьих, разработать и внедрить новую структуру типовых учебных планов на основе модульно-кредитного построения, предусматривающую значительное увеличение доли компонента учреждения дополнительного образования. Это позволит создавать вариативные образовательные программы, ориентированные на целевые группы и даже на индивидуальную переподготовку, гибко реагировать на запросы рынка труда, а также своевременно обновлять содержание образовательной программы. В-четвертых, разработать и внедрить современный инструментарий диагностики качества профессиональной переподготовки слушателей, механизм контроля качества программ переподготовки.

Модель построения образовательной программы переподготовки, основанной на результатах обучения включает в себя следующие структурные элементы: формирование концепции и постановка целей образовательной программы; проектирование результатов обучения, как совокупности компетенций (*умений, знаний и навыков*), которыми должен обладать успешно прошедший переподготовку слушатель; наполнение образовательной программы содержанием: определить пути, формы и средства достижения результатов обучения (создается учебный план и стандарт); внедрение программы в образовательный процесс: выбор методов и средств обучения, эффективных средства диагностики результатов обучения; осуществление процедуры контроля качества.

В заключение хотелось бы подчеркнуть, что внедрение методики проектирования образовательных программ, основанной на результатах

обучения, в конечном итоге потребует значительно больших интеллектуальных, материальных и временных затрат, чем обычный процесс, основанный на описании содержания образовательной программы. Но все ресурсные затраты в конечном итоге компенсируются повышением качества дополнительного образования взрослых. Важным положительным эффектом станет гибкость и разнообразность образовательных программ, возможность их быстрой адаптации к ожиданиям и возможностями слушателей, возможность быстро реагировать на запросы рынка труда, а и как следствие – насыщать рынок труда специалистами, овладевшими различными компетенциями в пределах одной специальности.

Список литературы:

1. Стратегия совершенствования Национальной системы квалификаций Республики Беларусь (утв. Постановлением Совета Министров Республики Беларусь от 24.10.2018 № 764) // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 25 октября 2018 г. № 5/45736.

ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯ

Мирзаева З.И., Икромов У.Х.

ТошДўТАУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази

Бугун жаҳон миқёсида ривожланиб бораётган технологиялар инқилоби таълим соҳасида, хусусан ўқитиш билан боғлиқ жараёнларда жиддий ўзгаришларни талаб қилмоқда. Педагогик технологияларнинг таълим сифати ривожига ўрни ва аҳамияти масалаларига қаратилган, халқаро миқёсда олиб борилаётган тадқиқотлар ўрганилганда улардаги асосий эътибор технологиялар интеграцияси, ўрганувчининг педагогик технологияларга муносабати, ўқитишда синкретик ёндашув муаммолари, педагогик технологияларнинг турли хил назарий асосларини ёритиб берувчи масалаларга қаратилганлиги маълум бўлди. Дунё миқёсида олиб борилган статистик маълумотларда таълимида педагогик технологияларнинг қўлланилиши анъанавий таълимга нисбатан кўпроқ самара бериши таъкидланган.¹

Яқин йигирма йил мобайнида таълим тизимидаги педагогик технологиялар муаммоларига бағишланган жуда кўплаб лойиҳалар амалга оширилган. Улардан энг муҳимларидан 2008 йилда ишлаб чиқилган **“Apple Classroom for Tomorrow”** (ACOT) дастури бўлиб, бу дастур айнан тил ва адабиёт таълимида интегрatív технологияларнинг қўлланилиши, бундай ёндашувдаги ўрганиш жараёнлари масалаларига қаратилган. Мазкур

¹ Apple. (2008). Apple classroom of tomorrow today 2: Learning in the twenty-first century. Retrieved from http://ali.apple.com/acot2/global/files/ACOT2_Background.pdf:

лойиханинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда педагогик технологиялар модулли тизим асосида шаклланган бўлиб, улар ўқитиш ва ўрганишнинг энг сўнгги стратегияларига асосланади. Педагогик технологиялардан фойдаланишда ўрганувчи (тингловчи, талаба, ўқувчи) нинг аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув муҳитида (эдусатионал энвиронмент) да шаклланган танқидий фикрлаши, муаммоларни ечиш ҳамда ижодий фикрлаш компетенцияларини эътиборга олиш лозимлиги таъкидланган.²

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, таълимда педагогик технологиялар муайян мавзуни тушунтиришда фақат восита вазифасини бажармаслиги, уларнинг турлари ва функцияларига кўра муайян фан доирасидаги мавзуларга, дарснинг мақсад ва вазифаларига кўра таснифланиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, 1956 йилда Америкалик олим Бенжамин Блум томонидан яратилган, фанни ўқитишда муайян мақсадларни соддадан мураккабга қараб ривожлантириш концепциясини адабиёт фанларини, хусусан ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнларидаги педагогик технологияларга жорий этиш ижобий самаралар беради.

Адабиёт таълимида педагогик технологияларнинг аҳамияти ва авфзаллиги қуйидаги компонентлар бирлигида янаям аниқроқ кўзга ташланади. Яъни ўқитувчи муайян дарс мавзусини тушунтириш жараёнларида қуйидаги методик ва технологик интеграциялар ёндашувига амал қилиши талаб этилади:

1. Мавзу мундарижаси ва моҳиятини чуқур идрок этган бўлиши; (Бу халқаро стандартларда “content knowledge” деб аталади.
2. Педагогик маҳорат – (pedagogical knowledge) яъни ўқитувчи фойдаланаётган техник воситалар ҳақида тўла билим, тасаввур ва кўникмаларга эга бўлиши ҳамда ўрганувчиларнинг мавзуни тушунишига қаратилган муайян стратегияларни ишлаб чиққан бўлиши;
3. Технологик билим (technical knowledge) бунда ўқитувчидан ахборот технологиялар ҳақида махсус билимларга эга бўлиши (ҳар кунги фойдаланувчилардан фаркли равишда)

Демак, юқоридаги фикрлардан англашиладики, ўрганувчиларнинг **фанни билиш даражаси, педагогик ва технологик саводхонлигининг уйғунлашувидagina дасрдан** қўйилган мақсадга натижали эришиш мумкин бўлади.

Аммо шу ўринда айтиш жоизки, адабиёт фанларини интеграллашган технологиялар воситасида олиб бориш, хусусан технологияларни муваффақиятли қўллай олишга қаратилган тажриба, саводхонлик даражаси нафақат талабалар балки тингловчилар орасида ҳам талаб даражасида эмас. Педагогик технологиялар шиддат билан ривожаланаётган бўлсада, уни амалда қўллаш, бирор бир мавзуни ўрганишда ундан фойдаланиш кўникмасини

² Light, D. The role of ICT in enhancing education in developing countries: Findings from an evaluation of the Intel Teach Essentials Course in India, Turkey, and Chile. Journal of Education for International Development, 2009, 4(2)

қониқарли дея олмаймиз. Айрим ҳолатларда тингловчилар педагогик технологиялардан олган назарий билимларини амалиётга қўллай олмайдилар ёки айримлари анъанавий педагогик технологиялар (компютер, интернет ва дунё вебсайтлари) нинг энг оддий функцияларидан фойдаланиш билан чекланадилар. Зотан, бугун дунё миқёсидаги тажрибалар шуни кўрсатадики моделлаштириш, яъни таҳлил ва тажриба учун техник системалар аналогиясини яратиш; билим бошқарувига - янги билим ва малакаларга эга бўлиш учун билимлар интеграциясини ташкил қилиш шу асосда кичик тадқиқотлар яратиш кўникмасига эга бўлиш; мултимодаллик ва гипертекстлар яратиш, яъни турли хил шакллар ва ахборот технологияларни бирлаштириш усули орқали янги коммуникатив воситаларни яратиш ва уларни ўқиш усулларининг индивидуал йўллари кашф қилиш, ўйлаш ва ижодий фикрлашга қаратилган (Game play) датурлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш номунахассис педагог кадрларнинг педагогик технологиялардан фойдаланиш саводхонлигини белгиловчи энг муҳим мезонлар ҳисобланади.

Демак, бугунги технологиялар, муайян дарснинг фақат ташки жозибасига, шаклига ёки шахс фожеасига эмас балки тараққиёт учун хизмат қилишга йўналтирилиши лозим. Ҳолбуки, Ўзбекистон тез ривожланиб келаётган мамлакатлар қаторига киради. Тараққиётнинг янада юқориги босқичларга кўтариш учун юртга салоҳиятли, билимли, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга мутахассислар зарур. Тараққиёт ғоялари эса ҳар жиҳатдан кучли инсонлар томонидан туғилади.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА РАҲБАР КАДРЛАР КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Джурраев А.С.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Олий таълим тизимида самарали фаолият олиб бораётган раҳбар кадрларнинг ўз фаолият объекти, доираси, зарурияти, муаммолари, манбалари ва умуман, ўз иши билан боғлиқ барча масалалар, айниқса таълим сифатини ошириш йўллари яхши билишлари, ўзлари йўл қўядиган хатоларнинг вужудга келтирадиган оқибатлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари, булар воситасида эса мамлакатда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотларга катта зарар етишини бир бутун ҳолда англай олиши зарур.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида эндиликда нафақат яшаш балки, яхши яшаш учун кенг имкониятлар вужудга келди ва бу ҳолат ҳар бир кишининг илмий қобиляти, кучини тўла намоён

килишига шарт-шароит яратилиб берилаётганлигида ҳам яққол акс этмоқда. Зеро, ҳар бир раҳбар шахсининг у қайси ишда фаолият кўрсатмасин, янгилик яратиб боришга интилишини кундалик эҳтиёжга айлантириши замон талабига айланиб бормоқда.

Замонавий рақобат шароитида интеллектуал меҳнат бозорида олий таълим салоҳиятининг ортиши унинг сифатига бўлган талабнинг ортиб бориши билан тавсифланади. Билимларга асосланган жамиятни, билимларнинг сифатини, уларнинг етказилиш сифатини, олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокидаги ёндош жараёнлар сифатини таъминламасдан туриб, қуриб бўлмайди. Шу боисдан ҳам, олий таълим соҳасида раҳбар кадрларнинг касбий малакаси шакллантириш таълим тизими сифати стратегиясида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълимни стратегик бошқариш фақатгина, сифатни таъминлашга қаратилган бўлсагина, самарали ҳисобланади. Бу борадаги ишларни айрим олий таълим муассасаларини, шунингдек олий таълим тизимининг фаолиятини режалаштириш, сифатни таъминлаш ва уни бошқариш масалаларини ечишга нисбатан комплекс ёндашувсиз такомиллаштириб бўлмайди. Шу билан бирга, таълим сифати нима, у қандай бошқарилади, таълим сифатини бошқариш стратегияси қандай вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиши кераклиги, таълим тизимининг барча раҳбар кадрлари учун долзарбдир.

Таълим стратегияси олий таълим тизимининг бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Ташқи ва ички муҳитнинг бақарорлиги олий ўқув юртининг рақобатбардошлик даражасини оширувчи янги менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Таълим тизими сифати стратегиясининг асосий мақсади олий таълим муассасаларини бошқаришда профессор-ўқитувчилар таркибига бошқарувнинг асоси сифатида ёндошиш, истеъмолчиларнинг талаби ва эҳтиёжини мўлжал қилиш, олий таълим муассасаларига эгилувчан бошқарувни йўлга қўйиш, рақобат устунлигига имкон берадиган ташқи муҳит таъсирига нисбатан ўзгаришларни ўз вақтида амалга ошириш асосида таълим тизими раҳбарлари учун узоқ истикболдаги режаларни бажарилишини таъминлашдир.

Фикримизча, олий таълим муассасаларида сифатни бошқариш тизими унинг субъектига, ундаги ўзгаришларни ўз вақтида усталик билан бажара оладиган, аторофдаги ўзгаришларга рақобат устунликларига эришишига олиб келадиган, оқибат натижада узоқ муддатли истикболда ўз мақсадларига эришишини таъминлашга жавоб бера оладиган, раҳбарнинг касбий фаолиятига таянади.

Таълим муассасаси стратегиясини унинг ривожланишига мувофиқ келадиган бошқарувни аниқловчи фаолиятлар дастури деб қараш, ҳамда мазкур дастурни ривожланишнинг ҳар бир босқичи учун турли

кўрсаткичларни ўз ичига оладиган аниқ натижаларни мужассамлаштирган топшириқлар мажмуи кўринишида ифодалаш ҳам мумкин. Бунда стратегиянинг асосий босқичлари сифатида мақсад, миссия, устуворликлар, тўсиқлар, мўлжал ва босқичлар ҳисобланади.

Янги шароитларда олий таълим муассасалари мослашиш ва ривожланишлари учун нафақат, таълим хизматлари бозори ҳолатини доимий кузатиб боришлари, шу билан бирга ана шу бозордаги ўз ҳолатини баҳолаши, таълим бозори ривожланишини башоратлаш усулларида фойдаланиши, ўзининг келажакдаги ҳолатининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиши, хусусан ўзининг ҳолатини бошқаришга нисбатан стратегик ёндашувлардан фойдаланиши лозим.

Шунингдек, олий таълим муассасалари стратегиясини ишлаб чиқишда таълим хизматлари жуда турли-туман эканлигини, ҳам касбий, ҳам оммавий хизматлар турларининг белгиларига эга эканлигини ҳисобга олишимиз керак. Бундан ташқари, биз одатда таълим хизматлари деб атайдиган таълим хизматлари аслида, турли товар ва хизматлар мажмуидир (таълим, маслаҳат, ташкилий-бошқарув, ўқув жараёнини таъминловчи товарлар ва б.). Хусусан, таълим хизматлари ҳам мураккаб мажмуавий маҳсулотни ташкил этади. Уларга товар элементлари ҳам (ишлаб чиқилган дарсликлар ва ўқув кўлланмалар, талабаларга фойдаланиш учун берилган ўқув фондлари ва жиҳозлар), хизматларни тавсифловчи унсурлар ҳам киради.

Юқорида айтилганлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, таълим муассасасини ривожлантиришда сифатни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳар доим ҳам стратегик режалаштиришнинг стандарт шаклларида фойдаланиб бўлмайди.

Олий таълим муассасалари ҳолатини баҳолашнинг универсал мезонларидан бири бўлиб, мутахассисни шакллантиришнинг барча босқичларини, ўқув-тарбия жараёнининг шароитлари ва натижаларни мажмуавий кўрсаткич сифатида, шунингдек таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги мезони сифатида, эришилиши мумкин бўлган натижаларни меъёрий шартларга, ижтимоий ва шахсий истакларга мувофиқ бўлишини белгиловчи сифат кўрсаткичи хизмат қилади.

Таълим сифати – олий таълимни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи учун долзарб бўлган масаладир. Бугунги кунда у, таълим хизматлари бозорида – давлат таълим тизимида ҳам, шунингдек нодавлат таълим тизимида ҳам, таълим хизматлари бозорида рақобатнинг кескин кураши билан боғланган.

Сўнгги йилларда айнан таълим сифати стратегиясини ишлаб чиқиш мамлакатнинг ривожланиш даражасини кўпроқ белгилаб бермоқда, ўсиб келаётган авлодни мутахассис қилиб тайёрлаш ҳисобига унинг салоҳиятини таъминловчи стратегик соҳага айланмоқда.

Бугунги кунда таълим тизими раҳбарлари таълим олувчилардан сўровномалар ўтказиш асосида уларнинг таълим олиши, ҳамда ривожланиши

учун оптимал шароитларни яратилиши, таълимнинг юқори сифатини таъминлашнинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, касбий таълим учун иш берувчиларни сўроқ қилиш маълумотларига таяниш кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бунда, ҳал қилиниши керак бўлган стратегик режалаштириш вазифаларининг ечими сифатида қаралади ҳамда SWOT таҳлил ўтказиш орқали асосланади.

Халқаро даражада кўтарилган, мазкур муаммо тўлқинига эътиборни, биринчи навбатда, Европа давлатлари таълим тўғрисидаги ҳужжатларни, сифатни холис баҳолашнинг тизими бўлганда, ўзаро тан олиш билан боғлаш мумкин. Барча Европа давлатларининг миллий таълим тизимлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида ҳам, мазкур йўналишда ҳал этилиши кутилаётган бир қатор умумий муаммолар мавжуд:

- таълим сифатини таъминлаш масъулиятини давлат ва таълим муассасаси ўртасида тақсимлаш;
- таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимларини, шу жумладан сифатни ички баҳолаш стратегик тизимини такомиллаштириш;
- қийёслаш мумкин бўлган назорат – баҳолаш мезонларини, дастурларни ва таълим муассасаларини аккредитациялаш дастурларини ишлаб чиқиш тизимини таъминлаш, таълим соҳасини қийёслаш соҳасида халқаро қийёсий тадқиқотларга асосланиш.

Республикамизда мазкур муаммони яқин истиқболда ечишнинг асосий йўналишларига умумевропа, шунингдек дунё меҳнат бозорида ҳам, олий касбий таълимнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари(юклама, даража, таълимдаги ютуқлар натижалари, компетентлик, компетенция) тўпламини ишлаб чиқиш, баҳолаш тамойилларини асослаш, ҳамда барча даражада таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш масалаларини киритишимиз мумкин.

Меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб бера оладиган касбий таълим сифатини такомиллаштириш масалалари Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларида ҳам ўз аксини топомқда. Миллий олий таълим тизими сифатини ошириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

- давлат таълим стандартларини ва уларнинг ўқув-услугий базасини уларнинг мазмуни ва таълим технологияларининг қуйидагиларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқиш керак;
- замонавий жамият талабларига мувофиқлиги (“тайёр билимларни бериш”дан “компетенцияни шакллантириш”га ўтиш);
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шартларига мувофиқлиги (тармоқлар бўйича ва минтақалар кесимида меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқликни таъминлаш);

- мазкур соҳа ва фаннинг замонавий ривожланиш даражасига мувофиқлик;

- фуқоролик жамияти институтларини, хусусан касбий ва илмий ҳамжамиятларни, иш берувчилар бирлашмаларини таълим сифатини баҳолаш масалаларига, стандартларни ишлаб чиқишдан тортиб, то натижаларни назорат қилгунга қадар, жалб этишнинг самарали механизмини яратиш;

- касбий таълимни илмий-тадқиқот фаолияти, ҳамда инновацион университетлар, илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш орқали, амалий фаолият билан мустаҳкам алоқаларини ўрнатиш, илмий-тадқиқот ишланмаларини тижоратлашуви механизмини яратиш;

- холис экспертиза асосида, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва экспертларни жалб этиш орқали лицензиялаш, давлат аккредитацияси жараёнларини такомиллаштириш;

- илмий-педагогик кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишни такомиллаштириш;

- таълим муассасаларида сифатни назорат қилишнинг ички механизмларини яратиш.

Олий таълим муассасаси таълим сифатини таъминлашда, энг аввало, кадрлар стратегиясини оқилона шакллантириши зарур. Муассаса раҳбари бунинг учун ҳамкасблари билан турли муносабатларга киришиши, ишга доир барча муносабатларда ижодий ёндошиши, керакли ахборотларни ўзлаштириши ва ундан фойдаланишни тўғри ташкил этиши лозим. Олий таълимнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таълим сифатини таъминлашда кадрлар сиёсатини тўғри белгилашлари учун истикболли стратегияни ишлаб чиқишлари зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев А.С Improving Mechanism for Forming Reserve of Management Trainers in Higher Education system of Uzbekistan// Eastern European Scientific Journal Germany.- 2017. - № 4. – P. 208 – 213 (13.00.00; 1).

2. The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 pp.

3. https://en.wikipedia.org/wiki/Education_in_the_United_States

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Саъдиев В.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Олий таълим муассасаларидаги трансформацион жараёнлар, инновацион жараёнлардан фарқли равишда, таълим-тарбия жараёнларини барча ташкилий-таркибик компонентларини тўлиқ янги форматга ўтказиш, модификациялаш, қайта ташкил этишни тақозо этади. Яъни бунда, трансформацион жараён босқичлари институционал, ташкилий-тузилмавий ҳамда фаолиятли соҳаларига янгича шакл, метод ва воситаларни интенсив жорий этиш, меҳнат бозори талабларига мувофиқ ҳолда ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда таълим хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, рақобатбардошлигини таъминлашга ихзамат қилувчи ташкилий-педагогик шарт-шароитларни яратиш масалаларини қўяди. Мазкур жараёнларда қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади:

ОТМ фаолияти, таълим хизматларининг потенциал истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ва сўровларини ўрганиш;

зарур маълумотларни тўплаш мақсадида олий таълим ва меҳнат бозори интеграциясининг мониторингини ташкил қилиш;

трансформацион модел лойиҳасини ишлаш ва уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш;

ОТМни трансформациясининг асосий стратегик мақсади сифатида ОТМ инновацион ривожланиш ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тўғри бошқарув жараёнини йўлга қўйиш;

эксперт баҳолаш кўрсаткичлари умумий тизимини шакллантириш, улар асосида трансформацион жараёнларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва унинг динамикасини таҳлил қилиш;

трансформацияни квалитетрик баҳолашга умумий ёндашувлар йиғиндисини аниқлаш, у билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг хусусий усуллари, алгоритмлари ва тартиб-тамойилларини ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасалари трансформациясининг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишдаги узлуксизлигини таъминлашда муваффақият гарови улардаги барча ички элементлар (кадрлар, таълим-тарбия жараёнлари, талабалар, ички сифат назорати) фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни оптималлаштириш, шунингдек, ташқи муҳит билан (давлат, жамият, иш берувчилар, жамоатчилик, ота-оналар, ташқи таълим сифати назорати) оптимал муносабатларни ривожлантириш, ягона экотизим

сифатида рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилий педагогик шарт-шароитларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар - институционал, бошқарув ҳамда технологик механизмларни такомиллаштиришга қаратилган шарт-шароитлар, имкониятлар мажмуи ҳисобланади. Таҳлиллардан кўринадики, олий таълим муассасаларининг трансформацион жараёнларида кадрлар ресурслари, инсон капиталини ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ омиллар етакчи таъсир доирасига эга ҳисобланади. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинги индикаторларида ҳам кадрлар ресурслари, инсон капитали билан боғлиқ кўрсаткичлар асосий ўринни эгаллайди.

ОТМнинг трансформацияси жараёнларида мазкур омилларнинг таъсир доираси алоҳида фаолият йўналишларида эмас, балки уларнинг яхлитлиги билан ҳам белгиланади. Бунда, олий таълим тизимидаги трансформацион жараёнларнинг ўзига хосликларидан келиб чиқан ҳолда асосий омиллар ва тамойиллар йиғиндисини ОТМ бошқарувининг турли йўналишларида амалиётга жорий қилиниши мумкинлиги билан белгиланади. Яъни: мазкур омилларнинг қиймати ва натижадорлиги барча манфаатдор томонлар (давлат, жамият, ОТМ, иш берувчилар, талабалар, ота-оналар) учун фойдани таъминлашга йўналтирилганлиги; ташқи муҳитга йўналтирилганлиги; ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва турли шаклдаги тармоқлараро ҳамкорлик механизмларининг ривожлантиришга қаратилганлиги; ОТМнинг барча бўлинмалари фаолиятини трансформация жараёнларидан режалаштирилган мақсадларга эришишга қаратилган ички ва ташқи мувофиқлаштириш (интеграциялаш); ўзгаришларни ва инновацияларни бошқариш кабилардир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, айнан олий таълим муассасалари трансформациясидаги муҳим ташкилий шарт-шароитлар сифатида айнан давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати, норматив-ҳуқуқий базани шакллантирилганлиги, ташқи омиллар ҳамда таълимни халқаролаштириш борасидаги давлат таълим сиёсатининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга хулоса қиланади. Шундай экан, тадқиқотимиз доирасида олиб борилган эмпирик ўргаишлар ва назҳарий таҳлилларга таянган ҳолда, олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатдик:

- ОТМ трансформациясини амалга ошириш Стратегияси, норматив-меъёрий асосларининг белгиланганлиги;
- мустақил таълим сифати менежменти тизимининг жорий этилганлиги;
- ОТМ трансформациясига таъсир этувчи ташқи, ҳудудий, молиявий омиллар;

- технологиялар трансфери, халқаролаштириш борасидаги ташаббусларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

- кадрлар таъминоти, академик менежмент кабилардир.

Педагогик шарт-шароитлар сифатида эса:

- ОТМнинг трансформацион маданиятининг шаклланганлиги, раҳбар ва педагог кадрларда трансформацион лидерлик компетенцияларининг ривожланганлиги;

- моддий-техник таъминотнинг яратилганлиги;

- бошқарув ва таълим-тарбия жараёнига рақамли технологияларнинг жорий этилганлиги;

- инновацион ёндашувлар асосида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг таъминланганлиги;

- таълим хизматларини тижоратлаштириш механизмларининг жорий этилганлиги;

- таълим мазмунининг меҳнат бозори талабларига йўналганлиги кабилардир.

Хулоса қиладиган бўлсак, олий таълим муассасаларининг трансформациясини амалга ошириш мазкур жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи ташкилий-педагогик шарт-шароитларни белгилаш, омилларни аниқлаштириш, ҳар бир ҳаракат йўналиши бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш, трансформацион жараёнларни такомиллаштириш жараёнларини моделлаштириш, шунингдек самарадорлик натижасини назорат қилиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцева Е.И. Компетенция и менежмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Монография. Санкт Петербург.: 2012-340 с.

2. Управление качеством образование //Под ред. М.М.Поташкина. - М.: Пед. общест. России, 2001. – 448 с.

3. Гаранин М.А. Трансформация университета в центр пространства внедрения инноваций. Вопросы инновационной экономики Том 9/3, 2019 Russian Journal of Innovation Economics ISSN 2222-0372

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАЛАКА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирсолиева М.Т.

Тошкент давлат педагогика университети

Ривожланган давлатлардаги таълим сифати менежментининг устувор йўналишларидан бири - бу касбий мулоқот муҳитида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масаласидир. Бу борада АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, Франция каби давлатларнинг ўзига хос таълим моделлари мавжуд.

Жумладан, педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг Америка моделида ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини назорат қилиш ОТМлари, Миллий аккредитация тизими стандартлари (NCATE, TEAC), ОТМларининг техник ва технологик, табиий-илмий, ижтимоий-гуманитар ассоциациялар талаблари асосида амалга оширилади.

Америка қўшма штатлари олий таълим муассасаларида ўқитувчилар касбий-педагогик тайёргарлиги самарадорлигини ошириш ўқитувчиларни тайёрлашга доир фанлараро дастурларни шакллантириш, ассистентлик амалиётини ривожлантириш, докторлик дастурлар ва даражаларни диверсификация қилиш, “Олий таълим” қўшимча малакасини бериш тажрибасини кенгайтириш, ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи сертификатни олиш каби йўналишларда амалга оширилади.

Бунда олий таълим ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шакллари – бу шахсга йўналтирилган усуллардир, яъни ёш ўқитувчилар учун доимий конференциялар ўтказиш, педагогик устахоналар ташкил этиш, устоз-шогирд институтлари, касбий досъелар тузиш, индивидуал педагогик лойиҳалар билан ишлаш, педагогика ва психология бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш ва бошқалар.

Малака ошириш шакллари: кундузги, кечки, сиртқи, шанба, якшанба курслари, 1-2 ҳафтадан 3 ойгача давом этадиган курслардан иборат бўлиб, ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги постградуал, ассистентлик ва диссертациядан сўнгги босқичларда ўтказилади.

Америка Қўшма Штатлари олий таълим муассасаларида семестрлардан олдин ўқитувчилар учун қисқа муддатли (1-2 ҳафталик) курслар ташкил этилади. Уларнинг асосий ғояси ўзлаштирилган материалларни тезкорлик билан амалиётда қўллай олиш кўникмасини текшириб олишдан иборат. Шунингдек, ёш ўқитувчилар учун «Катталарни қандай ўқитиш керак», «Самарали ўқитиш методларидан фойдаланиш», «Маърузалар ўқиш», «Курсни режалаштириш ва дарс жадвалини тайёрлаш», «Турлича шаклларда мунозаралар ўтказиш», «Конфликтсиз ўқитиш», «Талабаларнинг

муаммолари», «Маъмурият билан низоларни бартараф этиш», «Катталарни ўқитиш тизимида ёш ўқитувчи», «Муаммоли ўқитиш методлари» ва бошқа йўналишларда индивидуал маслаҳатлар бериш, тренинглар ва амалий машғулотлар йўлга қўйилади.

Олий таълим муассасасининг ўқитувчиси ўзининг сертификат (лицензия)ни сақлаш учун беш йил ичида 180 та миқдорда кредит йиғиши талаб этилади. Кредит баллари ҳар хил турдаги ишларга, шунингдек, малака оширишга, яъни турли мавзулардаги мастер-классларда иштирок этиш учун берилади.

Кадрлар касбий компетентлигини ривожланиш механизмларидаги ўзига хослик бу педагог кадри иш вақтининг 30% ни касбий компетентлигини ривожлантиришга, мутахассислиги билан боғлиқ инновациялар ва меҳнат бозоридаги долзарб йўналишларни ўрганишга қаратилиши; малака ошириш курсларидан ўтиши ихтиёрий характер касб этиши; ўз ихтиёри билан мустақил равишда малака ошириш курсларидан ўтган педагог кадрларнинг ойлик иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланиши; малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаган педагогларга касбий лавозимларнинг навбатдаги поғоналарига (1-поғона: instructor, 2-поғона:assistant-professor, 3-поғона:associate-professor, 4-поғона:full professor) кўтарилиш имкониятининг берилиши, шунингдек, аттестация жараёнларида эътиборга олинishi.

Жанубий Корея олий таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг салоҳияти, уларнинг ўз устида изланиши ҳамда касбий ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришига алоҳида эътибор қаратилади ва бу омил олий таълим муассасаларининг рейтингини шакллантиришда алоҳида эътиборга олинади.

Юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатлар асосида раҳбар ва педагог концепцияси ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

- ўз соҳасида ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари борасида кенг билимга эга бўлиш;
- таълим олувчиларнинг индивидуал ўзига хосликлари хусусида билиш;
- доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, билимларини тўлдириши, шахсий сифатларини ривожлантириб бориш;
- ўз касбий фаолиятдан қониқиши, бошқарув ва педагогик фаолиятни ташкил этишга доир зарурий билим, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиш;
- инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдаги фаоллик, инновацияларга нисбатан очиқлик;

- толерантлик, кенг либерал қарашлар, таълимдаги замонавий-дунёвий тенденцияларни тушуниши, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш кабилар.

Жанубий Кореяда ҳар бир олий таълим муассаси ўз педагогларининг илмий-педагогик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасига эга.

Олий таълим муассасининг ҳар бир педагоги иш тажрибаси, илмий фаолияти, нашр этилган илмий-услубий ишлари, илмий-технологик лойиҳаларидаги иштироки ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда ҳар 3 йилда ички аттестациядан ўтиб, тоифасини ошириш ҳуқуқига эга.

Педагоглар таркиби ҳар 7 йилда бир маротаба иш ҳаққи сақланган ҳолда бир йилгача давом этадиган илмий-педагогик таътил олиш ҳуқуқига эга. Мазкур даврда улар Жанубий Корея ёки хорижий давлатларнинг етакчи илмий-амалий марказлари, олий таълим муассасаларида ўз малакасини ошириши, стажировкадан ўтиши мумкин бўлади.

Жанубий Кореядаги замонавий таълимни ривожланишининг беш жиҳатини қуйидагича изоҳлайдилар: таълимда касбий маҳорат даражасини ошириш, ҳар томонлама таълим олиш, узлуксиз таълим, таълимдаги инновациялар ва глобализация.

Жанубий Корея таълимидаги асосий йўналишлардан бири - бу педагогларнинг касбий компетентлигини ошириш ва улар учун амалий фаолиятда касбий ривожланишни ташкил этишдан иборат. Бунда педагогик-психологик билимлар, инновацион билимлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва фан бўйича билимлари муҳим йўналишлардан бири саналади. Кореяда раҳбар ва педагогнинг компетентлиги шахсий ва касбий компетентлик билан баҳоланади, бунда касбий компетентлик бу замонавий тенденциялар асосида белгиланса, яъни педагогик рефлексия, фаол жамоатчилик позицияси, баҳолаш ва бошқалар, шахсий сифатлари анъанавий ёндашувлар асосида белгиланади, яъни ахлоқийлик, инсонпарварлик, энтузиазм, бағрикенглик ва бошқ.

Жанубий Корея таълим тизими яна муҳим бир бутунжаҳон тамойили, яъни таълим ва фан интеграциясини амалга оширади. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ҳам стажировка асосий шакллардан бири сифатида эътироф этилади.

Жанубий Кореяда профессор-ўқитувчиларнинг компетентлигини баҳолаш талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Буни аниқлаш учун фан тугаганидан сўнг, лекин ўқитувчи талабаларга баҳо

қўймаган вазиятда талабалар ўртасида 5 балли тизим асосида профессор–ўқитувчилар баҳоланади. Бу баҳолаш тизими талабалар баҳоланмасдан олдин олиб борилишига сабаб–талаба ўқитувчига ноҳолис баҳо қўйишининг олдини олиш ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичга асосан жуда кўп паст балл олган профессор–ўқитувчи соати қисқартирилади ёки шартномаси бекор қилинади. Асосий олий ўқув юртларида профессор–ўқитувчилар билан шартнома бир йил муддатга тузилади.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос ёндошувлари билан ажралиб турувчи Буюк Британия модели муниципал характерга эга бўлиб, бунда ҳар бир олий таълим муассаси ўз педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқади. Шу боис ҳам Буюк Британияда дунёда рейтинги ва талаб даражаси юқори бўлган мутахассисликлар ва йўналишлар учун дастурлар яратиш ва курслар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ўқитиш жараёни педагог ва мутахассисларнинг компетентлик даражасини оширишда креативлик, ижодий ва коммуникатив, атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга тезкорлик билан киришишга қаратилган юмшоқ компетенцияларни (soft skills) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бундай компетенциялар иш берувчилар томонидан юқори баҳоланади.

Олий таълим секторидаги айрим ўқитиш дастурларини аккредитация ва молиялаштириш Буюк Британиянинг олий таълим Академияси, таълим ва персонални ривожлантириш Ассоциацияси томонидан миллий таълим тизимида инновацион жараёнларни ўрганадиган етакчи Фонд кўмагида амалга оширилади. Шунингдек улар замонавий илмий кашфиётлар ва инновацион педагогик технологияларга асосланган олий таълим муассасалари ва касбий ассоциацияларнинг фаол иштирокида олий мактабнинг илмий-педагог кадрлар касбий тайёргарлигини доимий равишда такомиллаштириб бориш дастурларини яратишади. Буюк Британияда нафақат гуруҳли дарслар, балки индивидуал машғулотлар ҳам олиб борилади. Унда кўпгина саволларга жавоб олиш ва маслаҳатлар олиш имкониятига эга. Бундай курсларда бошқарувга оид янги дастурлар, инновацион ёндашувлар, юзага келган ва ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашишади. Семинарда иштирок этиш учун турли хил идоралар, саноат корпорациялари ва фирмалари вакиллари, иш берувчилар таклиф этилади. Улар ихтисослаштирилган дастурларни яратиш бўйича керакли таклифларни беришади.

Бундай фаолият олий таълим муассасалари ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланиб, педагогик кадрларни ўқитиш, уларнинг иккинчи маълумот олишлари, ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллай олиш каби ишларни ҳам ўз ичига олади. ОТМлари персоналининг малакасини ошириш раҳбар ва педагог ходимлардан ўзлари мустақил равишда қўйилган вазифалар ечимини топишлари ҳамда ўзларининг

касбий фаолиятларида замонавий технологиялардан самарали фойдалана олишларини назарда тутди.

Кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг кундузги ва сиртки курслар; илмий марказлар ва консультатив фирмалар хузуридаги якшанбалик ўқишлар, теренинглар; амалий ёки назарий йўналтирилган ёзги мактаблар, фасилитация; масофавий ёки анъанавий индивидуал дастурлар; семинар-тренинглар, гуруҳий ва индивидуал мастер-класслар; вебинарлар, тьюторлик дастурлари; Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари, Канада, Германия ва шу каби давлатларнинг етакчи таълим-илмий муассасаларидаги стажировкалар каби механизмлари мавжуд. Мазкур йўналишлар асосида ўзининг касбий компетентлигини тизимли ва муваффақиятли ошириб боровчи профессор-ўқитувчиларга касбий лавозим даражасининг ортиши, профессор (Professor); профессор ёрдамчиси (Assistant Professor); бош маърузачи (Senior-Lecturer); тьютор (Tutor); маърузачи (Lecturer), иш ҳаққига қўшимчаларнинг белгиланиши, педагогларни аттестациядан ўтказиш жараёнларида эътиборга олиниши билан боғлиқ амалий рағбатлантириш тизимлари мавжуд.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ривожланган давлатларнинг тажрибасида, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини оширишда эҳтиёжларга йўналганликни таъминлаш, замонавий таълим технологиялари ва инновацион ёндошувларни ўзлаштириш асосида мустақил равишда доимий касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг вариатив тизими амалиётга жорий этилган. Бу ўз навбатида, кадрлар малакасини оширишда “Ҳаёт давомидаги таълим” концепциясига асосланувчи узлуксиз касбий ривожланиш тизимининг такомиллашувига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцева Е.И. Компетенция и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Монография. Санкт Петербург.: 2012-340 с.
2. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент, «Фан ва технологиялар», 2019. – 120 б.
3. Лукшаенко М.А. Профессиональные компетенции руководителя как фактор конкурентоспособности компании. Профессиональные компетенции. Материалы портала Smart education 2009/6/(18). Режим доступа: <http://www.smatr.edu.com>.
4. <http://uil.unesco.org/event/international-consultative-meeting-integrated-governance-lifelong-learning>

THE EFFICIENCY OF USING ROTATION METHOD IN TEACHING/LEARNING FOREIGN LANGUAGE IN THE PROFESSIONAL DEVELOPMENT SYSTEM

Giyasova U.E.

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Modern methods of teaching a foreign language are based on a communicative approach, therefore, the use of various Internet technologies in teaching English is relevant today, since modern pedagogical technologies provide an individual approach to teaching and take into account the abilities of learners.

However, the use of only the Internet resources, social services does not always guarantee the successful assimilation of the teaching/learning program, therefore the trainer must select the most successful combination of the available forms of presenting the material.

Today, the blended learning method is relevant, as it combines face-to-face learning and e-learning. This approach allows the use of modern teaching/learning resources as elements of e-learning. Thus, we can use information and educational resources partially in face-to-face learning. It is especially important to note that a mixed system is a single system where all components interact and complement each other.

The principles of blended learning are:

- Control and planning
- Modular material organization
- Availability of technical training aids
- Avoiding overloads

The advantages of blended learning are the following factors:

- Developing strategies for independent work
- Increasing the responsibility
- Developing self-regulation skills

Several models can be distinguished in blended learning. One of them is the rotation model. The rotation model allows to allocate time between individual e-learning and face-to-face learning in the most efficient way.

The purpose of using the rotation model is to increase the efficiency of training by reallocating time for explaining and mastering the training material. It makes possible to maximally cover the content of training in a given time frame and the individual characteristics of learners are taken into account: the pace, rhythm of mastering teaching/learning material and the educational needs of learners as well.

When using this method, it is necessary to analyze the technical capabilities, the degree of computer literacy and the level of proficiency in a foreign language.

The blended learning model is used as a tool to improve lexical and grammatical skills, which are necessary for such language skills as reading, listening, writing, monologue and dialogic speech. The successful combination of the rotation model and flipped classroom makes it possible to develop the activity and initiative of learners, as they acquire knowledge independently and share it in the classroom.

This model allows to form the skills of independent acquisition of knowledge and the formation of communicative competence. It is not difficult for the teacher to select the necessary exercises to consolidate or present a particular language material, check the progress of assignments and control the degree of mastery of the material. There is always an opportunity to support learners or to point out that the pace of work needs to be accelerated. Using this method, the trainer maintains the learners' interest in learning a foreign language and increases their motivation.

The opportunity to get theoretical information independently and then test their knowledge in practice increases learners' motivation.

If a learner wants to get a high score, then he/she has the opportunity to do the exercises several times and increase the percentage of the assignment. In addition, it is possible to analyze the nature of the errors and correct them later.

The trainer has the ability to control when and how often the learner started to complete the assignment, how much time he/she spent, how many attempts he/she made, what percentage of completion the learner received.

The advantages of using this model are that the learning process becomes more flexible, makes it possible to change the pace of learning and combine face-to-face and distance learning. And this is just one of the strengths of using this method when learning a foreign language. As it is known, emotions can play an important role in the process of language learning, and emotional response leads to better results. Both positive and negative emotions help learners achieve their goals. Using this method helps the learners to use the emotional sphere in the process of learning.

Rotation model of blended learning serves as a didactic tool that allows to timeserving of the educational process from the perspective of the presentation of teaching/learning material and the interaction of subjects and objects of teaching/learning process without compromising the language load.

List of references:

1. Бондарев М. Г. Принципы смешанного обучения английскому языку для специальных целей [Текст] / М. Г. Бондарев, А.С. Трач // Известия ЮФУ. Технические науки. – 2013. – № 10. – С. 42-47. – Режим доступа: <http://izv-tn.tti.sfedu.ru/wp-content/uploads/2013/11/7.pdf> (дата обращения: 22.01.2021).

2. Tomlinson, B. Blended Learning in English Language Teaching: Course De-sign and Implementation [Text] / B. Tomlinson, C. Whittaker. – British Council, 2013. – 258 p.

IN AN AMBITIOUS EDUCATION SYSTEM, IMPROVING THE STANDARD OF EDUCATION

Khazratova G., Suyinova E.

The branch center for retraining and in- service training of academic staff under Tashkent Medical Academy

When analyzing advancements of our time, we cannot come up short to see that an overpowering larger part of them are unmistakable, being either innovation devices (laptops, iPads, and smart phones) or technology-based learning frameworks and materials, learning management system, educational software, and web-based resources. Technology has always served as both a driving force and instrument of innovation in any area of human activity. Just remember when tape recorders, video recorders, TV, educational films, linguaphone classes, overhead projectors, and multimedia first appeared. They brought so much energy and trust into our classroom. Modern introduction designs catered to different learning styles. Visuals brought reality and liveliness into the classrooms. Information and computer technology (ICT) offered more ways to retrieve information and develop skills. With captivating communication tools (iPhones, iPads, Skype, FaceTime), we can communicate with anybody around the world in real time, visually, and on the go. Today we are excited about **online learning**, mobile learning, and social networking learning. But can we say all this is helping to produce better teaching?

Request for online learning is largely driven by working adult students willing to have broad access to education and, at the same time, to accommodate learning to their busy lives, rather than by its effectiveness as a cognitive tool, which is determined by its most attractive feature – convenience. In studies of student satisfaction, students commonly rate their online experiences as satisfactory, with convenience being the most cited reason.

We watch learners' preference for convenience as a consumer strategy, and regrettably, not only in online higher education but across the whole educational system. Convenience, along with comfort, helps reduce workload and complexity of learning, as well as the strain of face-to-face interaction with the class and instructor. It produces a sense of privacy and self-satisfaction. It also generates a false perception that online learning is easier than learning in the classroom, and often leads to online cheating. The convenience, like the happiness factor, however, means a less demanding and less rigorous school experience. Convenience can be a blessing for creative people, liberating them from the need to waste time and energy on trifles; however, it may moreover create self-gratification and laziness instead of struggling with obstacles and doing the hard job of digging in the knowledge mine.

So, availability and, particularly, convenience, enhanced by flexibility of the study schedule and comfortable learning environment of one's office or bedroom are evidently the key factors of its popularity among students. The motto of online education, "Any time, any place, and any pace" is extremely seductive. Yet, despite

a number of studies showing that online learning is on a par with traditional, campus-based learning, it is going to take more time and effort to really make online learning deliver outcomes comparable to the traditional classroom-based, face-to-face education.

We know very well online education suffers from confined interaction among adult learners and with the teachers, is lacking of live collaboration, and lacks opportunities for relationships that take form in a study group. These collective relationships are crucial for individual success. Productive online learning also depends on well-developed learning, technology, critical thinking, research, and even reading and writing skills, as well as strong intrinsic motivation, perseverance, and self-efficacy, which many students do not possess. At last, substituting real-life objects and processes with virtual reality is not helpful in developing practical skills, which makes real-world laboratory and experimental work less effective in virtual online situations.

Still, the question remains whether online education has helped improve teaching and learning. With the popularity of online education and enormous investment, do online college programs now prepare better specialists? Have we achieved the result we had expected, besides widening access to education for working adult learners, formerly marginalized groups, such as disabled students and minorities, and people geographically separated from the learning centers, thus reaching multi-million enrollments in online programs by 2020 and making sure that students enjoy convenience in their studies?

Innovative technology may bring performance enhancement in some ways but does not necessarily produce a direct benefit to education expressed by increased learning productivity. When improving online learning, we should not narrow our innovative focus down to only technical solutions in all educational issues. We need to develop a broader look at all aspects of teaching and learning rather than trying to resolve problems and overcome barriers with innovation alone.

MODULAR PRINCIPLE TRAINING: "SITUATION AND BEHAVIOUR MODELLING" IN THE POSTGRADUATE EDUCATION OF OBSTETRICIANS AND GYNAECOLOGISTS

Agababyan L.R., Makhmudova S.E., Nasirova Z.A.

*Samarkand State Medical institute, Faculty of Postgraduate Education,
Department of Obstetrics and Gynaecology*

Complications of pregnancy and childbirth, such as eclampsia, haemorrhage and sepsis, are not known to be common, but are also major causes of maternal morbidity and mortality. It is not always possible to train doctors in practice. Nevertheless, the outcome of pregnancy complications depends on the correct rapid clinical decision-making in an emergency situation and its implementation.

Decision-making does not depend entirely on the collection of data; it depends on the ability to interpret and act on these data. This skill is highly dependent on experience, knowledge and practice.

In order to develop doctors' experience, knowledge and practice, we have introduced the "Situation and behaviour modelling" training method to the Department of Obstetrics and Gynaecology, Faculty of Postgraduate Medical Education, which is based at the Samarkand Maternity Hospital No. 2. For the main emergency situations - haemorrhage, eclampsia and shock - scenarios have been drawn up and staff have been trained to simulate these complications.

Suddenly, in what is known as an emergency call, a 'patient' is brought to the maternity hospital with a complicated pregnancy. The team of all the trainees must then follow an algorithm for the care of this 'patient', including taking a medical history, examining her and carrying out appropriate diagnostic tests. The next step in clinical decision-making is to implement the chosen treatment. This step requires some clinical skills and attention while applying these skills. Some measures will have to be taken at the same time and others in a particular sequence one after the other. Sometimes the treatment is carried out by the patient (e.g. taking medication and monitoring the results), other times it is carried out by the health care team (e.g. procedures to treat postpartum haemorrhage). Preparing the equipment, materials and staff in advance (this is also part of the trainees' assessment) will facilitate the implementation of the planned treatment.

The outcome of the disease will depend on the correct decisions and actions taken. After completion of this work, a discussion is held to evaluate the work of each actor - the chief physician, senior gynaecologist, obstetricians, anaesthetist, nurses and midwives, laboratory technicians and technicians. Gaps and reasons for delays in emergency care are identified.

Clinical simulation is an activity in which the participant is presented with a carefully crafted plausible reproduction of a real clinical situation. The participant interacts with persons and objects under specific conditions, applies previously acquired knowledge to solve a problem, and receives feedback on their actions without worrying about the consequences that may occur in real life. The purpose of using clinical simulation is to develop the participant's decision-making skills in a clinical setting. Doctors in postgraduate training actively participate in this type of training because they are interested in the subject, want to improve their knowledge and skills and thus improve the quality of their work, and want to take an active part in training activities. It is known that the more realistic a learning situation is, the more effective the learning process is. The simulated situations are constructed in such a way that they accurately reflect the course of clinical situations and their development in real life. Only a limited amount of information is presented to the trainees in the beginning. As this information is analysed and additional relevant information is identified, further information is given to the participants. The participants can also perform any procedures or skills as required, if appropriate

models and equipment are available. From the information collected, the participants decide on the diagnosis, treatment and need for further investigations. The trainer asks questions about what the participants are doing, why a particular choice was made, whether there are other alternatives, what might have happened under different circumstances and outcomes, etc. In other words, the trainer examines the participant's decision-making process and the depth of their knowledge and understanding, and provides feedback on their actions and suggestions for improvement

Purpose: The purpose of this session is to provide a simulated experience for participants to practise the problem-solving and decision-making skills involved in early pregnancy vaginal bleeding therapy, emphasising quick thinking and reaction (intervention).

Instructions: The activity should take place in the most realistic setting, such as maternity wards of hospitals, clinics and maternal health centres, where equipment and materials for immediate intervention are available.

One participant plays the role of the patient and a second participant plays the role of a trained professional. Other participants can be enlisted to assist the specialist.

The trainer will provide the participant playing the role of the specialist with information about the patient's condition and will ask the relevant questions in the left-hand column of the table below.

When the trainer provides the information and asks the questions, the participant will be required to think quickly and react (intervene). The key reactions/responses expected from the participant are presented in the right column of the table below.

Intravenous procedures and bimanual examination are played out in roles, using appropriate equipment.

First, the trainer and the participant discuss the events that occur during the simulation to develop problem-solving and decision-making skills. The questions in the simulation, marked in italics, serve this purpose. Once the simulation is completed, further discussion can continue.

As the participant's skills become established, the focus of the simulation should shift to providing appropriate assistance in a dangerous situation in a quick, effective and skilled manner. All questions and discussion should take place after the simulation has been completed.

Resources: Training manual on post-abortion care and guidelines on post-abortion care and family planning, training mock-up, sphygmomanometer, stethoscope, IV equipment, syringes and tubes, waste basket, sterile surgical gloves, antiseptic solution.

Thus, although the available protocols and procedures for the management of obstetric complications are usually more clearly defined and standardised than the

process of implementing them in practice, a high degree of continuous attention and training on these situations is required. Simulation of the situation and behaviour is a humane method of mastering skills, as the skill is practised to a level of competence without risk to patients and without creating a stressful situation. It is very important that the practitioner is aware of how the treatment affects the patient and is prepared to modify the treatment depending on the results obtained. Such training methodology not only provides information for making plans and improving training methods, but also facilitates the development of next steps in clinical decision-making and the improvement of existing standards of care. Consequently, clinical simulated situations included in postgraduate training provide participants with the opportunity to develop the skills they need to deal with complex, rare or life-threatening situations before practising in a clinical setting. Clinical simulations may be virtually the only opportunity for participants to practise the management of some rare situations and are therefore the only way in which the trainer can assess a participant's ability to manage such situations. The introduction of such a technique into the practice of obstetric institutions will contribute to the implementation of a system of continuing professional education for health professionals.

List of references:

1. Blokhin N. V. Individualized training in modular technology / N. V. Blokhin // Innovative Technologies and Processes of Personal and Group Development in Transitive Society: Materials of International Scientific-Practical Conference. - Part 1. - Kostroma-Moscow: Publishing house of Kostroma State Univ. of N.A. Nekrasov, Kostroma, 2008. - — C. 48–50.
2. Zakoryukin V.B., Panchenko V.M., Tverdin L.M. Module Construction of Study Guides for Special Disciplines // Problems of University Textbooks. Vilnius : WSU, 2011. C. 73–74.
3. Koroleva V. V. Modular learning as one of the ways to improve the quality of specialist training // Young Scientist. - — 2015. - — №3. - — C. 787-790.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Насруллаев Т.И.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимида раҳбар кадрларнинг инновацион фаолиятни ривожлантириш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, хусусан бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 11 июлдаги 4391-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада асосий методологик вазифани ўтайди. Зеро, инновацион жамоанинг самарали

фаолиятига аввало раҳбар катта таъсир кўрсатади. У ўзининг раҳбарлик қобилияти билан жамоанинг жипслигини мустаҳкамлаши, унга доимо ҳар бир иш ва лойиҳанинг мақсадлари ва уларни бажариш муҳимлиги ҳақида эслатиб туриши, унинг руҳини кўтариши ва энг юқори натижага йўналтириши лозим. Шу билан бирга, авторитар ёки маъмурий-буйруқбозлик усулидаги раҳбарликка йўл қўйилмайди. Чунки инновацион гуруҳ аъзосининг мақоми, лавозим иерархиясида юқори поғона, маълумот даражаси билан эмас, балки илгари сурилаётган ғояларнинг қиммати, унинг ижодкорлик даражаси ва фикрлашдаги ўзгарувчанлик билан белгиланади. Чунки олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари, инновацион тадбиркорлик олий ўқув юртини ривожлантириш омили бўлиб, олий таълим тизими инновацион фаолиятнинг субъекти ва мамлакат илмий-техник салоҳиятининг манбаидир.

Таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ҳар бир раҳбар ва унинг қўл остидаги ходимлари учун зарурдир[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртларида амалга оширилаётган илмий-инновацион фаолиятнинг сифатини баҳолаш учун аввало, ушбу жараёнларнинг аниқ кўрсаткичларини белгилаб олиш зарурдир. Сабаби, бирон бир жараён ёки фаолиятнинг сифатини миқдор кўрсаткичларидан фойдаланмасдан туриб ёритишнинг имкони йўқ. Қолаверса, сифатни баҳолаш билан боғлиқ ҳар қандай иқтисодий муаммо ўз моҳият негизига кўра кузатилаётган объектни миқдор кўрсаткичлари воситасида тавсифлашни талаб қилади. Зотан, айнан шунинг учун бирон бир жараён ёки фаолиятнинг сифатини баҳолаш инновациянинг энг долзарб масалаларидан бири деб қаралади. Амалга оширилаётган илмий-инновацион фаолиятнинг айрим жиҳатларини ифода этувчи кўрсаткичларни баҳолаш учун учун субъектив хусусиятли “оғирлик коэффицентлари”дан эмас, балки объектив ва реал хусусиятли юқори ва қуйи даражали чегараларидан фойдаланиш ўринли бўлади. Яна ҳам аниқроғи, компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган олий ўқув юртида ҳар бир 10 та талабага 3 тадан компьютер тўғри келади. Бу миқдор кўрсаткичи ушбу турдаги кўрсаткичлар учун энг юқори даражали чегара ҳисобланса, кадрлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари бўйича юқори ўринларда турган олий ўқув юртининг штатлар жадвалида фан докторлари ва профессорларнинг умумий сони 25%-30% дан ошмайди. Бу миқдор кўрсаткичи ҳам ушбу турдаги кўрсаткичлар учун энг юқори даражали чегара ҳисобланади. Аҳамиятлиси шуки, бу миқдор кўрсаткичлари қандайдир мавҳум “оғирлик коэффицентлари” эмас, балки бугунги кундаги реал

ҳолатдан далолат берувчи маълумотлардир. Балки, эртага бу кўрсаткичлар ўзгариб кетиши мумкин, лекин нима бўлганида ҳам улар чинакам ҳолатдан хабар беришади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар марказининг инновацион дастурлар ва лойиҳалар бўйича кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, олий мактаб мамлакат инновацион жараёнларида, илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион фаолиятни ривожлантиришда, шубҳасиз, етакчи ролни эгаллайди. Бунда олий мактаб ютуқлари фундаментал табиатга эга бўлиб, у ўз тасдиғини қуйидаги амалий натижаларда топган:

- илмий тадқиқотларни ташкил қилишда – инновацион дастур ва лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишнинг дастурий-мақсадли усуллари жорий этиш;

- янги инновацион инфратузилмаларнинг самарали моделларини тадқиқ этиш ва синовдан ўтказишда - турли шаклдаги илмий-технологик парклар, бизнес-инкубаторлар, кичик илмий-техник тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инновацион марказларнинг яхлит тизимини яратиш ва амалга ошириш;

- республикаларaro инновация сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- инновацион менежмент соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;

- рақобатбардош илмталаб маҳсулотларни илгари сурувчи инфратузилмаларни яратиш.

Республика инновацион сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш республика инновацион тизимини яратиш зарурлигини тақозо қилади. Сабаби, ҳар бир мамлакат инновацион тизимининг марказида инновацион-технологик мажмуа туриши лозим. У таълим-тарбия тузилмаларининг ресурс салоҳияти асосида яратилиб, кенг доирадаги турли функцияларни бажаради[2].

Бундан кўринадики, Республикада инновацион-технологик мажмуани яратишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- иқтисодий тизимда, шунингдек, унинг асосий ишлаб чиқариш бўғинларида – инвестицион-инновацион фаолликни ривожлантириш;

- янги техника ва технологияларни яратиш ва ишлатишда - фан, ишлаб чиқариш ва бозор ўртасидаги интеграл алоқаларни мустаҳкамлаш;

- реал ишлаб чиқариш соҳасида илмталаб тармоқларни ривожлантиришга кўмак бериш.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, Давлат инновация сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим:

- инновацион фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини ва унинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда суръатларига муайян таъсирини тан олиш;

- олий мактаб илмий ресурсларидан кенг фойдаланиш, унинг Давлат саноат мажмуаси билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини танлаш, инновацион дастур ва лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш механизми мамлакат иқтисодиёти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши шарт;
- илмий-таълим, илмий-техник ва инвестицион-инновацион фаолиятни реал ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви;
- инновацион фаолиятни солиққа тортиш тизимини тартибга солиш, маъмурий ресурслардан фойдаланиш ҳамда давлат таъсир этишининг бошқа чора-тадбирлари ва усуллари орқали рағбатлантириш;
- илмий-инновацион салоҳиятни ривожлантиришни жадаллаштириш;
- инновацион соҳани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- Республика эҳтиёжлари ва экологик-иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда устувор инновацион лойиҳаларни саралаш танловини ўтказиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПҚ-4391-сонли қарори.
2. <https://mininnovation.uz/uz/activities/09-07-2019-hisobot>.

UMUMTA'LIM MAKTABLARINING PEDAGOG XODIMLARINI MALAKA OSHIRISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING ZARURIYATI VA AHAMIYATI

Ubaydullayeva M. Sh.

Samarqand davlat universiteti

Bugungi kunda umumta'lim maktablaridagi pedagog xodimlarning nufuzi va mavqei oshirish, jumladan ularga o'z salohiyatini to'liq namoyon etishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratish, ularni ijtimoiy, huquqiy, moddiy qo'llab-quvvatlash maqsadida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, umumta'lim maktablarida har bir fan bo'yicha dars jarayonlarini yanada sifatli va zamonaviy yondashilgan holda o'tkazilishini ta'minlash yuzasidan pedagog xodimlarning malakasini oshirish tizimiga ham alohida e'tibor qaratilmoqda.

Jumladan, bu borada joriy yilning 25-yanvar sanasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xalq ta'limi sohasidagi ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo'llab quvvatlash hamda uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4963-son qarori qabul qilindi. Ushbu qarorga muvofiq 2021-yil 1-martdan boshlab xalq ta'limi sohasida faoliyat ko'rsatayotgan rahbar, mutaxassis va pedagog xodimlarning malaka oshirish bo'yicha ehtiyojlari o'rganilishi hamda «Uzluksiz kasbiy ta'lim» maxsus elektron platformasi orqali ularning individual kasbiy rivojlanish trayektoriyasi tuzilishi, shuningdek ularning

elektron portfoliosi shakllantirilishi va unga xodimning individual trayektoriyasi, kasbiy rivojlanish natijalari va o'zlashtirgan o'quv dasturlari to'g'risidagi ma'lumotlar kiritilishi belgilandi.

Endilikda xalq ta'limi sohasidagi pedagog xodimlarning malaka darajasi, bilimi, ilmiy-pedagogik salohiyati, ish tajribasi, psixologik tayyorgarligi va individual kasbiy rivojlanish trayektoriyasiga mos keladigan tabaqalashgan malaka oshirish dasturlari bo'yicha o'qitish amaliyoti yo'lga qo'yiladi. An'anaviy malaka oshirish bilan bir qatorda kasbiy o'qitishning uyg'unlashgan, ish jarayoni bilan birlilikda olib boriladigan, masofaviy va boshqa turlari joriy etiladi.

Chunki bugungi kun pedagoglari ta'lim oluvchilarga nafaqat chuqur nazariy bilim berishi, balki malakalar va amaliy ko'nikmalar berishga, shuningdek ularning umumta'lim va kasbiy bilim, malaka hamda ko'nikmalarini shakllantirishga, qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan tizimli jarayonni tashkil qila bilishi kerak. Bir so'z bilan aytganda **har bir o'qituvchi va tarbiyachi ta'lim va ilm-fan sohasidagi eng so'nggi ijobiy yangiliklarni o'quv jarayonlariga tatbiq eta oladigan, chuqur bilim va dunyoqarash egasi, bir so'z bilan aytganda, zamonamiz va jamiyatimizning eng ilg'or vakillari bo'lishlari kerak.**³ Aynan pedagoglar yosh avlodni bilimli bo'lishi va kelajakda o'z o'rnini topishiga mas'ul hisoblanadi.

Pedagoglar soni va sifat tarkibi⁴

1-jadval

Hudud nomi	Ta'lim muassasalari soni	Jami pedagoglar soni	Shundan			
			oliy toifali	1-toifali	2-toifali	toifasiz mutaxassis
Qoraqalpog'iston Respublikasi	721	35 736	889	3 753	9 575	21 519
Andijon viloyati	753	39 126	1 571	5 703	12 665	19 187
Buxoro viloyati	527	28 009	1 002	4 269	8 009	14 729
Jizzax viloyati	544	22 266	697	3 124	6 257	12 188
Qashqadaryo viloyati	1 138	54 166	1 186	4 862	12 071	36 047
Navoiy viloyati	362	19 681	565	2 689	6 093	10 334
Namangan viloyati	698	36 090	1 505	5 759	9 335	19 491
Samargand viloyati	1 238	54 118	1 047	4 589	13 640	34 842
Sirdaryo viloyati	301	12 257	251	1 487	3 928	6 591
Surxondaryo viloyati	919	41 609	669	3 706	10 501	26 733
Toshkent viloyati	872	34 404	722	3 582	8 394	21 706
Farg'ona viloyati	935	49 940	1 543	6 856	18 169	23 372
Xorazm viloyati	533	29 824	1 365	4 458	9 358	14 643
Toshkent shahri	293	22 068	822	2 950	5 925	12 371
JAMI:	9 834	479 294	13 834	57 787	133 920	273 753

**Ushbu jadvalga maxsus maktab va maktab-internatlari kiritilmagan*

Yuqoridagi 2-jadval ma'lumotlari 2020-yil avgust oyida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat

³ <https://president.uz/uz/lists/view/3864> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqidan olingan

⁴ <https://www.tdi.uz/upload/iblock/938/938451e97c077de45d5ec17c054d6104.pdf>

inspeksiyasi, O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi va YUNISEF bilan hamkorlikda tayyorlangan statistik to'plamdan olingan bo'lib, unga ko'ra mavjud pedagoglarning 58 foizi toifasiz mutaxassislar hisoblanadi. Bu esa pedagog xodimlarning uzluksiz malakasini oshirish tizimini joriy etishni talab qiladi. Uzluksiz malaka oshirish tizimining asosiy samarasi fan va texnika taraqqiyoti, innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish bilan bog'liq bo'lib, ushbu jarayonda raqamli texnologiyalardan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa o'rnida shuni alohida ta'kidlash mumkinki, o'z sohasining har tomonlama yetuk bilimdoni bo'lgan pedagog xodimlarning mehnati natijasida yosh avlodning bilim darajasi ham yuksalib boradi. Prezidentimiz so'zi bilan aytganda, **farzandlarimiz maktabdan qanchalik bilimli bo'lib chiqsa, yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot tarmoqlari shuncha tez rivojlanadi, ko'plab ijtimoiy muammolarni yechish imkoni tug'iladi.**⁵

TILNING KREATIV KOMPETENTLIGI VA UNING TAKOMILLASHISHI

Muhammedova G.

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Kreativlik inglizcha create — "yaratish, ijod qilish" so'zidan olingan bo'lib, shaxsning muammoli vaziyatlardan tafakkurning mavjud andozalaridan chetlashgan holda benazir yo'l bilan chiqib ketish, unga ijodiylik bilan yondashish qobiliyati hisoblanadi.

Ruxshunoslar fikriga ko'ra, har qanday chaqaloq tug'ilganda kreativ qobiliyatga ega bo'ladi. Lekin uni rivojlantirish yoki so'ndirish tarbiyachilarga bog'liq. Demak, maktabda ta'limning barcha turlarida o'quvchining kreativ qobiliyatini rivojlantirishga e'tibor qaratish barkamol avlodni tarbiyalashning tayanch nuqtasi bo'lib xizmat qiladi. Kreativ tafakkur insonning barcha faoliyat turlari uchun xos bo'lib, undan lingvistik tafakkur mustasno emas. Lingvistik kreativlik tilning barcha sathlariga mansubdir. So'zlovchining tilning turli sath birliklaridan novatorona foydalanish mahorati, fikrni obrazli ifodalashda nostandart usullarni qo'llay olish ko'nikmasiga ega bo'lishi lingvistik kreativlik hisoblanadi. Tilda bir fikrni turlicha shaklda ifodalash imkoniyati mavjud. Aynan qaysi shaklni tanlash, muayyan muloqot vaziyati uchun mos ifodani topa olish ham so'zlovchining topqirlik, ijodiylik mahoratiga, kreativlik kopmetensiyasiga bog'liqdir. Ona tili ta'limining asosiy usuli talablariga ko'ra, o'quvchi mavzu bo'yicha belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni egallashi uchun darslikdagi mashq va topshiriqlarni o'n bosqichli mustaqil, ijodiy fikrlash mashqlari asosida bajarishi kerak. Ular

⁵ <https://president.uz/uz/lists/view/3864> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqidan olingan

quyidagilar: kuzatish, izlanish, alohidaliklarni sharhlash, umumiylikni topish, farqlarni aniqlash, qiyoslash, tasniflash, xulosa chiqarish, aloqadorliklarni ochish, amalda qo'llash.

Kuzatish: yuz, bet...

Izlanish: yuz, bet, aft turq, bashara, jamol, chehra...

Alohidaliklarni sharhlash: yuz — uslubiy betaraf, aft — salbiy, jamol — ijobiy...

Umumiylikni topish: kishi boshining old tomoni...

Farqlarni aniqlash: aft basharaga nisbatan kuchsiz salbiy...

Qiyoslash: yuz — uslubiy betaraf; bet — so'zlashuv uslubiga xos; jamol — ijobiy, turq - salbiy....

Tasniflash: ijobiy — salbiyligiga ko'ra: ijobiy ma'nodagi so'zlar: yuz, jamol, oraz, chehra, salbiy ma'nodagi so'zlar: turq, bashara, bet...

Xulosa chiqarish: ma'nodosh so'zlar ekanligiga ta'rif beriladi.

Aloqadorliklarni ochish: ma'nodosh so'zlar zid ma'noli so'zlar kabi ma'no asosida bog'lanadi. Masalan: yuz, ko'z, burun, quloq so'zlari bir uyaga mansub.

Amalda qo'llash: Gaplar tuzish. Masalan: Keksalarning nuroniy chehrasidan xonadonlar yorishganday bo'ladi.

Sotsiolingvistik kopmetensiya talabani jamiyat tarixiy taraqqiyotidagi o'zgarishlarning tilda aks etishini sotsial omil(tilning jamiyatga, jamiyatning tilga tahsiri)larning tilga ta'sirini, tinglovchining yoshi, jinsi, madaniyat darajasini e'tiborga olgan holda muloqot qilishiga doir bilim, ko'nikma va malakalaridir. Ya'ni "Yer yuzidagi tillar va har bir tilning rivoji, o'zbek tilining mavqei haqida, ya'ni "Yer yuzida tillar ko'p. Olimlarning hisob-kitobiga ko'ra ular 3000 dan ortiq.

Masalan: ingliz, rus, nemis, arab, fors, koreys va boshqa tillar. Tillarning barchasi insonlar o'rtasidagi aloqa-aralashuvni ta'minlash vazifasini bajaradi. Har bir til asrlar davomida rivojlanib, boyib boradi.

TAYANCH KOMP MOHIYATI VA UNI TA'LIM JARAYONIDAGI SAMARADORLIGI

Gafurova Z.O.

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Hayotimizning barcha sohalari kabi ta'lim tizimini ham modernizatsiyalash bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Innovatsion ta'lim muhitini yanada takomillashtirish va uni xalqaro andozalarga to'liq mosligini ta'minlash yoshlarimizni bugungi tez o'zgaruvchan ijtimoiy hayotga muvafaqiyatli ijtimoiylashtirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Bunda kasb hunar maktablari o'quvchilarining tayanch kompetensiyasining o'rnini beqiyos.

Kompetensiyalardan, tayanch kompetensiyalarni farqlash lozim. Tayanch kompetensiyasi o'quvchini kelajakdagi to'la qonli hayotidagi faoliyatini modellashtiradi. Masalan, fuqaro ma'lum bir yoshga yetgunga qadar ba'zi bir kompetensiyalarni tatbiq eta olmaydi. Lekin bu degani, ularni o'quvchida shakllantirilmaydi, degani emas. Bu holatda avvalo biz ta'lim kompetensiyasi haqida gapiramiz. Masalan, o'quvchi kasb-hunar maktabida fuqorolik kompetensiyasini o'zlashtirsa-da, uni to'la qonli ravishda muassasani tugatganidan so'ng ishlatadi. Shunga ko'ra bunday kompetensiyalar, o'qish davrida ta'lim kompetensiyasi sifatida namoyon bo'ladi. Kompetensiya – bu jamiyatning o'z fuqarolariga qo'ygan ijtimoiy buyurtmasi bo'lib, ularning ro'yxati ma'lum bir mamlakatdagi yoki regiondagi ijtimoiy muhit bilan belgilanadi. Bunday kelishuvga har doim ham erishib bo'lmaydi. Masalan, Shvetsariyaning va Amerika Qo'shma Shtatlarining iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti hamda ta'lim statistikasi Milliy institutining “Tayanch kompetensiyalarni tanlash va aniqlash” nomli loyihasida tayanch kompetensiyalarni qat'iy ravishda aniqlab olishning imkoniyati bo'lmagan. Shunga ko'ra kompetensiyalarning Yevropa varianti va Rossiya variantlarini qaraylik. “Yevropa uchun tayanch kompetensiyalar” nomli Yevropa kengashi simpoziumida belgilangan tayanch kompetensiyalarni o'rganishi kerak:

- tajribadan foydali biror narsani chiqarib olishi;
- o'z bilimlari orasidagi o'zaro aloqani tashkil qilish va ularni tartiblashtirish;
- o'zining shaxsiy o'rganish usullarini tashkil qilish(o'rnatish);
- muammolarni yecha olish.

Tayanch kompetensiyalarning Rossiya varianti:

- Qadr-qimmat, e'tiqod kompetensiyasi.
- Umummadaniy kompetensiyalar.
- O'quv-o'rganish kompetensiyasi .
- Axborot kompetensiyasi.
- Kommunikativ kompetensiya.

Kompetentlik, kompetensiyalarni qo'llay olishda ega bo'lishi kerak bo'lgan minimal tajribasi bo'lishni taqozo etadi. Bu haqda o'quvchining tayyorgarligiga qo'yiladigan talablarni shakllantirishda hamda o'quv jarayoni va darsliklarni loyihalashda esdan chiqarmaslik kerak. Didaktika va metodikalarda tayanch, umumpredmet va predmet kompetensiyalari mazmunini aks ettirish uchun ularni maxsus texnologiya asosida konstruksiyani tuzish kerak. O'quv predmetining tayanch kompetensiyalarni shakllantirishga qo'shishi mumkin bo'lgan hissasi aniqlanadi. So'ngra predmet kompetensiyalarini tuzish uchun o'quv predmetining tizimlashtirilgan komponentining minimal ro'yxati tuziladi: 1) Obyektiv borliq obyektlari (tabiiy, madaniy, ijtimoiy hodisalar, texnik qurilmalar, manba-asarlar va h.k.). Fan yoki faoliyat sohalaridan o'quv predmeti uchun real predmet va hodisalarni ajratib olinadi.. 2) O'rganilayotgan borliq haqidagi umummadaniy bilimlar: Insoniyat tomonidan tegishli obyektga nisbatan ishlab chiqilgan qoidalar, qonunlar, nazariyalar,

tushunchalar, qarama-qarshiliklar, madaniy ahamiyatga ega faktlar, g'oyalar, gipotezalar, muammolar, texnologiyalar, alternativ yondoshuvlar va boshqa bilimlar. 3) Umumiy va umumpredmet ko'nikmalar, malakalar, faoliyat turlari. O'quv predmetiga tegishli va umumpredmet ahamiyatiga ega bo'lgan konkret ko'nikmalar, malakalar, faoliyat turlarining guruhlar bo'yicha tizimlashtirilgan ro'yxati keltiriladi. Ta'lim jarayonida o'quvchilarning kasbiy ko'nikmalarini shakllantirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish o'quvchilarda zarur bilim va malakalarni hosil qilish yuksak insoniy fazilatlarini shakllantirishda muhim ahamiyatga egadir. Mashg'ulotlarga oid didaktik, ko'rgazmalar, multimediya, kompyuter vositalari va inovatsion texnologiyalardan foydalangan holda mashg'ulotlarni olib borish bu borada kutilgan natijani beradi.

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Абдуллаева Р.М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Бугунги янги Ўзбекистонни куришда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш долзарб масала қаторида ўз аксини топмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” га бағишланган “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бўлимида** “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” ва “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш” вазифалар қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг “Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” куйидаги белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади: мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш,

инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида “олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш, таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” каби вазифалар қўйилган.

Олий таълим педагог-ҳодимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: 1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари, ишчи фан дастурлари, магистрлар тайёргарлигининг шахсий режаларини тузиш; 2. Ўқув жараёнини таъминлашда фаол қатнашиш, дарслик, ўқув, ўқув - услубий қўлланмалар ва маъруза матнларини ёзиш; 3. Тегишли фан ёки фанлар бўйича дастурлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари устида ишлаш бўйича кўрсатмалар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш; 4. Ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш; 5. Юқори илмий-услубий савияда талабалар ўқишини амалга ошириш; 6. Битирув малакавий ишига ва магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш; 7. Таълим, фан, техника интеграциясининг ташкилий, илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда қатнашиш; 8. Илмий йўналиш ва илмий мактаблар очиш; 9. Магистрлар, катта илмий ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, стажёр ўқитувчиларга раҳбарликни амалга ошириш; 10. Ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ўқув-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва уларнинг натижаларини ўқув жараёнини ишлаб чиқишга татбиқ этиш; 11. Маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш; 12. Фанлар бўйича ишчи фан дастурларни ишлаб чиқиш, уларга тақризлар бериш; 13. Илмий, ўқув-услубий иш натижаларини нашр қилдириш; 14. Фанларни методик жиҳатидан таъминлашни назорат қилиш; 15. Кафедранинг илмий-тадқиқот мавзуси бўйича муаллифлик курсларини ўқиш; 16. ОТМ, факультет

ва кафедра ички тартиб қоидаларига риоя қилиш; 17. Кафедра профессор - ўқитувчиларининг малакасини оширишда фаол иштирок этиш ва уларга методик ёрдам кўрсатиш; 18. Профессор - ўқитувчиларининг педагогик маҳорат ва касбий малакага эга бўлиши учун методик ёрдам кўрсатиш; 19. Илмий-техник, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни ташвиқот қилишда қатнашиш. 20. Ўқув тарбия ва илмий жараёнларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш; 21. Талабаларда юқори маданият ва маънавиятни, ўз касбига, Ватанига, табиатга муҳаббатни, ватанпарварлик, фуқаролик нуқтаи назарни шакллантириш; 22. Қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар.

Педагог ходимларнинг мақоми ва улар фаолиятининг кафолатлари қуйидагилардан иборат: Педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинади. Педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, шунингдек ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар берилади. Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади. Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий фаолиятига аралашинишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек ушбу педагог ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Педагог ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш; ўқув дастурлари доирасида муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш, шунингдек тегишли ўқув фанлари, курслари, модулларидан фойдаланиш, ижодий фаоллик кўрсатиш; замонавий педагогик шаклларни, ўқитиш ва тарбия воситаларини, усулларини эркин танлаш ҳамда улардан фойдаланиш; касбий фаолиятини амалга ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш; ўқув, илмий ва услубий йўналишлардаги ахборот-ресурс марказларининг хизматларидан бепул фойдаланиш; давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; илмий, илмий-тадқиқот ва ижодий фаолиятни амалга ошириш, экспериментал фаолиятда иштирок этиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; таълим ташкилотини бошқаришда, шунингдек таълим ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш; касба уюшмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзоси бўлиш, ходимларининг вакиллари бўлиш, фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятида қатнашиш; ўз касбий ҳуқуқларини ва умумий манфаатларни ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагог ходимларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш; ўз касбий фаолиятига аралашувдан ҳимояланиш; давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан

ўтиш (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун); таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш. Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Педагог ходимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади.

Педагог ходимларнинг мажбуриятлари: таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши; ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши; ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларида фойдаланиши; таълим олувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши; вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши; таълим ташкилотининг уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши; ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши; тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши шарт. Педагог ходимларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига, шунингдек таълим олувчи ва таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Педагог ходимларга педагогик фаолиятни амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир этиш тақиқланади. Педагог ходимларнинг кийим-бошига доир талаблар таълим ташкилотлари томонидан белгиланади.

Мазкур талабларга ҳар бир педагог ўз фаолияти давомида албатта амал қилиши мақсадга мувофиқ. Таълим самарадорлиги айнан педагогнинг маҳоратига ҳам бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ОТМ педагоглари хизмат вазифаларини, мажбуриятларини англаб етиши ва амал қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

МАВЗУГА АМАЛИЁТ СИНГДИРИЛСА...

Артикбаев А., Эшқобилов А.

Тошкент давлат транспорт университети

Математика фанининг ахамияти зарурлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилган шу даврда ҳар бир математикадан маъруза олиб боровчи мутахассис ўз маърузасида ўргатаётган математик қонуниятни аниқ амалий қўлланиш имконини баён этиши давр талаби бўлиб бораяпти. Кўпинча математик тушунчаларни баён этишда унинг математик маъносига кўпроқ эътибор қаратамиз.

Масалан, аниқ интергал ҳақида у соҳа юзи эканини кўпроқ таъкидлаймиз. Аслида аниқ интеграл, интеграл йиғиндининг лимити, интеграл йиғинди эса тайин ҳаётий масалаларда пайдо бўладиган катталиқ эканига унча аҳамият бермаймиз.

Худди шунингдек аналитик геометрия курсида, бу курс барча муҳандислар учун ўтилади, вектор тушунчаси “вектор катталиқ”нинг математик ифодаси эканига урғу бермай унинг координата ифодаси ва координаталар ёрдамида вектор устида амаллар бажаришга катта эътибор берамиз. Аслида, векторларнинг скаляр, вектор кўпайтмаларини механик маъносини билиш муҳандис учун фойдали бўлиши муқаррар.

Эллипс, гипербола, параболани иккинчи тартибли сўряшй экани ва уларга боғлиқ кўплаб геометрик тушунчалар, дастурдан етарлича жой олган. Аммо бу чизиқларнинг ҳаётдаги ўрни, улар билан боғлиқ масалалар, техник масалаларни ҳал қилишдаги аҳамияти, окустик ва фокал хоссалари фақат баъзи бир масалалардагина учраб туради.

Шу ва шунга ўхшаш олий математиканинг ҳар бир бўлимларига оид, аниқ ҳаётий, муҳандислар учун манавий қурол бўла оладиган тушунчалар мавжуд.

Ўйлаймизки, техника олий ўқув юртлари учун математикага доир дастурларни қайта кўриб чиқиш ва ҳар бир олий ўқув юрти ўзи тайёрлаётган мутахассисликка мос келадиган амалий масалаларни ўқув дастурига сингдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВЛАР

Абдалова С.Р.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Педагог кадрларнинг ҳар томонлама ривожланиши уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими сифатига, ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда бу, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани мазкур тизимнинг сифатини яхшилаб боришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги давр ўқув машғулотларини тингловчиларни мустақил фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол усулларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни уларнинг касбий билимларини такомиллаштириш билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш лозим.

Ўқитишнинг анъанавий кўринишидан фарқ қиладиган замонавий ёндашувларни қўллаш, ўқитиш жараёнини ягона шаклга келтириш ва юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Шу боис ҳам илмий-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланаётган бугунги кунда ўқитишнинг анъанавий технологиялари шахсга йўналтирилган илғор технологиялар билан алмаштирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳар томонлама етук, жаҳон стандартлари даражаси талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими сифатининг ошиб бориши ўқув машғулотлари жараёнида фойдаланилаётган замонавий педагогик технологияларни турли йўналиш ва мақсадларда қўлланилаётганлигига боғлиқ. Педагогик технологиянинг асосий мақсади - пировард натижага эришиш йўллари кетма-кет аниқлаш, натижада унга эришишдан иборат. Бу технология педагогик лойиҳалаштириш, таълим жараёнини ташкил қилиш ва албатта педагог учун қулай шарт-шароит яратиш орқали ҳамкорликда ишлашдир. Унинг асосийларидан бири, бу шахсга йўналтирилган технологиядир. Мазкур технология тингловчи қобилияти ва тажрибасини юзага чиқаришга имкон беради, уни лойиҳалаштиришда уларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинади, у шахсдаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди. Бунда уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, ўзлигини намоён этиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун эркинлик

бериш, ижодий, танқидий фикрлашини ривожлантириш учун шароит яратилади.

Муаммоли ўқитиш технологиясидан ўқув машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш ҳам яхши натижалар беради. Ўқув машғулоти мавзусини мазкур технология ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим бериш давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш кабилардан фойдаланишни кўзда тутди. Бу технология кўпроқ ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланади, ижодкорликни ривожлантиради ва касбий тайёргарликни мустаҳкамлайди.

Муаммоли ўқитиш мазмуннинг қизиқарлиги жиҳатлари янги мазмун, эски билимга янгича нигоҳ, ҳаёт билан боғланиши, тингловчи амалий фаолияти, ҳозирги замон, тарих ва келажак билан боғлиқлигида.

Ижодий характердаги топшириқларни бажаришда тингловчи муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди, илмий тавсифдаги изланишларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилиш услублари билан танишади.

Замонавий ёндашувларда педагог биринчи навбатда машғулот ўтишдан аниқ мақсад ва натижани белгилаб олади. Анъанавий конспект ёзишдан воз кечади. Унинг ўрнига янги билимлар ва ахборот воситаларига асосланган таянч конспектлари тузади. Унда тингловчиларга етказилиши лозим бўлган билимлар аниқ кўрсатилади, шунингдек, ўзлаштиришдаги самарадорлик эътиборга олинади. Ана шу таянч конспектларга мувофиқ ўтмоқчи бўлган янги ўқув машғулотининг техник лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу ўқитишнинг афзаллиги шундаки, педагог турли усул ва воситалар орқали тингловчилар фаолиятини бошқаради.

Машғулот лойиҳасини амалга оширишда қуйидаги ишларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим: ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи), вазифалар билан тингловчиларни олдиндан таништириш; муаммоли топшириқларни ишлаб чиқиш ва уларни бажариш тартиби билан таништириш; мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар ва мезонларини айтиб бериш; олинган натижаларга асосланиб хулосалар чиқариш; уларнинг ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларидаги камчилақларини кўрсатиш ва бошқалар.

Лекин, таҳлиллар ва кузатишлар мазкур технологиялардан фойдаланишда жуда катта муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, педагогларимиз уларнинг мазмун ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларни, тамойилларини, қоидаларини, ўқув машғулотида киритиш механизмларини тўғри ҳамда аниқ тушунмасдан туриб улардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ўз самарасини бермаяпти. Бу борада педагогларимиз ўртасида мунтазам давра суҳбатлари ва семинарларни ташкил этиш ҳамда бу жараёнга республикамизнинг етакчи олим ва профессор-ўқитувчиларини жалб этиш лозим.

Ўқув машғулотли жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлашга, яъни методларни машғулотнинг вазифалари ва мазмунига мослигига, топшириқлар кетма-кетлигига, машғулотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга, асосий босқичларини тўғри жойлаштиришга, ҳар бир босқич учун ўқитишнинг метод, восита ва технологияларини танлашга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Шундай қилиб, замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилган ўқув машғулотли бу тизим сифатини оширади, тингловчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради ҳамда касбга қизиқишини кучайтиради.

БЕНЧМАРКИНГНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Искандаров М.Ю.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Бугунги кунда бутун дунёда таълим соҳасида рўй бераётган ўзгарувчан вазият шароитида маҳаллий ОТМларимиз қатор камчиликларга эга, уларни куйидагича келтириш мумкин:

- консерватив, пассив, бир хил корпоратив маданият;
- ташқи муҳтдаги ўзгаришларга жуда секин мослашувчанлик;
- янги буюртмачилар учун паст жозибадорлик;
- “инвесторлар” учун паст жозибадорлик.

Юқоридаги мазкур муаммоларни ОТМларда ҳал этиш учун фақатгина хорижий ОТМларнинг ижобий ва муваффақиятли тажрибаларидан фойдаланган ҳолда қайта ташкил этиш (реорганизация) ва бошқа янгиликларни жорий этиш лозим.

ОТМлар бошқа тармоқ ва соҳалардаги муваффақиятли фаолият юритишни хоҳлаган ташкилотлар каби ўз хизматларини такомиллаштиришга, уларни бир мунча муҳим, замонавий, талаби юқори бўлган товарларга айлантиришга интилишлари лозим. Бунда бечмаркинг ёрдам бериши керак.

Бенчмаркинг (ингл. Benchmarking) – бу ўз ташкилоти (ўз мамлакатида ёки хорижда фаолият кўрсатаётган тармоғига ёки тармоққа тааллуқлигидан қатъий назар жараёнлари ўхшаш ташкилотлардан) фаолиятини яхшилаш учун бошқа ташкилотларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, амалиётига мослашиш жараёни. У тенг даражада ўзида икки жараённи қамрам олади:

Одатда намуна сифатида ташкилотни ўзининг хусусий маҳсулотлари ва ишлаш усулларини такомиллаштириши мумкин бўлган усулларини аниқлаш учун бошқа шунга ўхшаш соҳаларда ишлайдиган бевосита рақобатчилар ва

ташкilotлар томонидан қўлланиладиган “энг зўр” маҳсулот ва маркетинг жараёни олинади.⁶

Бенчмаркингни стратегик йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг йўналишларидан бири сифатида қараш мумкин. Бечмаркинг шиори “Зўрдан зўрга”.

Бенчмаркинг усули 1972 йилда Кембриджа стратегик режалаштириш Институти томонидан бизнес самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган.

Биринчи марта мақсадга йўналтирилган тарзда бечмаркингни Хегох компанияси 1979 йилдаги оғир инқироз даврида ўз хусусий харажатлари таҳлили ва маҳсулотлари сифатини япон компаниялари билан таққослашда қўллади.

Таълим соҳасида бенчмаркингни қўллаш нисбатан яқинда бошланди. Қуйида олий таълим соҳасида бенчмаркингдан фойдаланиш борасидаги бир нечта таърифларни кўриб чиқамиз.

2002 йилда ENQA-Сифат кафолати Европа тармоғи семинарида гуруҳ бечмаркингга қуйидагича изоҳ беришган: “Бенчмаркинг – бу такомиллашиш мақсадида энг зўр амалиётларни танлаш ва мослашиш, ишонч, тушунишни талаб этадиган ўрганиш жараёни”.

Копенгаген бизнес-мактаби бенчмаркингни “бутун ташкилотни энг зўр амалиётларни излашга жалб этиш: нафақат, ҳаммадан зўр бажаришган, балки бунга қандай эришилган” усули сифатида таърифлайди.

Сифатни таъминлаш бўйича Агентлик – (QAA-Буюкбритания) бечмаркингни бошқа ракурсдан қарайди: “Бенчмаркинг – бу аниқ даражада малака мазмун-моҳияти ва стандартларини ифодаладиган, яъни даража олишга олиб борадиган дастурга киритилган предмет, профессионал ҳамжамият”. Ушбу агентлик «Subject benchmark statements» деб номланган қатор фан соҳалари бўйича даражалар стандартлари тўғрисидаги кутишларни белгиловчи мезонларни киритган. Улар фаннинг нима беришини, унинг асосланганлиги ва ўзига хослигини ва битирувчининг мазкур фан соҳасидаги тушуниши ва малакасининг ривожланиши учун зарур бўладиган қобилиятлари ва кўникмаларини ифодалайдилар.

Бизнинг республикада бечмаркинг янги ҳисобланади. У ҳали бизнес соҳасида ҳам етарлича ривожланмаган бўлиб, таълим соҳасида бенчмаркингни ўзлаштириш борасида айрим қадамлар ташланган холос.

Бенчмаркингдан фойдаланган ОТМлар амалда нима олишлари мумкин деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

Биринчидан, бу энг асосийси “ўзини ён тарафдан кўриш” - ўзининг кучли ва ожиз томонларини объектив таҳлил этиш имкониятини беради.

⁶ Азоев Г. Л. Конкурентные преимущества фирмы: учеб.пособие. М.: Новости, 2004. –с.18. 176 с.

Иккинчидан, етакчи - ОТМларни ўрганишга йўналтирилганлик ўз навбатида етакчи қаторларда бўлиш учун стратегик мўлжал олишларни аниқлашга ёрдам беради.

Учинчидан, бенчмаркинг ҳам ўқув жараёнини ташкил этишда ҳам маркетинг хизматлари соҳасидаги янги ғоялар билан тўқнаш келинади.

Тўртинчидан, доимий бенчмаркинг рақобатчиларнинг “қўлининг томир урушини билиб туриш” ва шунга мос фаолроқ ҳаракат қилишга имкон беради.

Бешинчидан, бенчмаркинг рақобатчилар кўрсаткичлари таҳлили асосида режалаштиришга ўтиш имкониятини яратган ҳолда эришилган ҳолатдан анъанавий стратегик режалаштиришга муқобилликни танлашга имкон беради.

Шундай қилиб, бенчмаркинг технологияси бутун соҳани ва рақобатчиларни таҳлил этган ҳолда ягона стратегияни ишлаб чиқишни намоён қилади.⁷

Бенчмаркингни амалда қўллаш нуқти назаридан тўртта кетма-кет хатти-ҳаракатларни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) ОТМ фаолиятининг ўқув, илмий ва инновацион жараёнларини бошқаришнинг ўзига хос деталларини англаш;
- 2) бошқа ОТМлар фаолиятини таҳлил этиш;
- 3) бошқа ОТМлар натижаларини таҳлил этилаётган ОТМ натижалари билан таққослаш;
- 4) фарқни қисқартириш бўйича керакли ўзгаришларни жорий этиш.

Шартли равишда **бенчмаркинг турларини** қуйидаги гуруҳларга киритиш мумкин: **ички** – хусусий институт бўлинмаларини ишини таққослаш, илғор тажрибаларни аниқлаш ва уни кенгайтириш; **рақобатчили** – рақобатчи ташкилотлар билан асосий кўрсаткичлардаги фарқларни кузатиш ва таҳлил этиш, улар тажрибаларини ўзлаштириш; **тармоқлараро/умумий** – ОТМларни турли компания ва ташкилотлар билан маълум бир параметрлари, функциялари, жараёнлари бўйича таққослаш.⁸

Ички бенчмаркинг аввало ОТМда ички тизимни таъминлаш ва мониторинг учун зарур.

Рақобатли бенчмаркинг қуйидаги саволларга жавоб беришга ундайди:

1. Биз бошқалар билан таққослаганда қандай ишляппмиз?
2. Биз нимага интилишимиз керак?
3. Ким буни ҳаммадан яхши қилади?
4. Улар қандай қилиб буни яхши қилишади?
5. Биз қандай қилиб бошқа ОТМлар фойдаланаётганларни қўллашимиз мумкин?

⁷ Алексунин В. А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности: учеб.пособие. – М.: Маркетинг, 2007. – с. 76.

⁸ Алексунин В. А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности: учеб.пособие. – М.: Маркетинг, 2007. – с. 78.

6. Биз қандай қилиб энг зўрлардан ҳам зўр бўлишимиз мумкин?

Тармоқлараро ёки умумий бечмаркингда ОТМни маълум бир функцияларда ёки бошқа компаниялар ёки ташкилотлар билан нима бирлаштиришини топиш керак, кейин эса зарурият бўлганда энг фойдалисини қўллаш “тўқнашиш нуқтаси” таққослаш керак бўлади.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА “POWER SAVING” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Рахимов З.Т.

Қариш муҳандислик – иқтисодиёт институти

Мамлакатимизда бу соҳада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай жараёнларга гувоҳ бўлиш, ҳисса қўшиш, ёрқин келажакни ҳис этиш ўзгача қувонч бағишлайди. Олий таълим тизими ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги кучли ва изчил сиёсат, бир томондан, жаҳон таълим стандартларининг юксак даражасига эришишга қаратилган, иккинчи томондан эса халқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини ҳисобга олади.

Қириш. Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бирга кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилди. Ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, таълим жараёнида педагогик технологияларни, ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини интегратив қўллаш бўйича салмоқли изланишлар олиб борилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасалари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган. Бу вазифаларни амалга ошириш таълим муассасаларида чет эл илғор тажрибалари асосида ўқитиш тизимини ривожлантиришни, ҳар бир ўқув фанидан электрон ўқув модули

ишланмаси яратишни жадаллаштиришни ва уларни ўқув жараёнига фаоллик билан татбиқ этишни талаб этади⁹. Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги педагогик категориялардан бири бўлмиш тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий қадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йуналтирилиб келинади. Жамиятнинг устувор қадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади.

Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот усуллари. Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида таълим инновацияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Таълим инновациялар қўламининг ортиб бориши мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим-тарбия соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ислохотлар тақдири кадрларга боғлиқ, деган ғоя бекорга илгари сурилмаган. Барча ютуқлар ва мағлубиятлар замирида биз тайёрлаётган кадрлар билими, ташкилотчилик кўникмаси, замонавий қарашлари ётади. Таълим ислохотларини амалга оширишда замонавий педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларида жорий қилиш зарурлиги қатъий уқтирилган. Шундай экан, педагогик жамоатчиликнинг бирдан – бир муҳим вазифаси ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланиб келинаётган таълим инновацияларини, технологияларини яхшилаб ўрганиб, ўзининг кундалик педагогик фаолияти ва дарс амалиётида қўллашдир.

Тадқиқот усуллари сифатида мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик манбалар, малака талаблар, ўқув режалар, дастурларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Замонавий таълим технологияларининг анъанавий дарс бериш услубларидан асосий фарқи ҳам дарсни бир-бири билан функционал алоқадорликда бўлган бир неча қисмлардан иборат бир бутунлик – тизим деб қарашдир.

“Дарс” деб аталувчи, тартиб ва тезликка эга, тикланувчан, мураккаб, марказлашган бир поғонали тизимнинг ўзаро функционал алоқадорликда бўлган қисмлари қуйидагилардир:

– тизимнинг марказида турувчи ва бошқа барча қисмлар алоқаларини ўзидан ўтказувчи талабалар хоҳиш-истаги;

– дарснинг мазмунини ташкил қилиб, талабалар истагидан ташқари барча қисмларни ўзига хизмат қилдирувчи дастур ва дарслик;

⁹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 448-бет.

- дарснинг умумий методологик асосини ташкил қилувчи ўғит бериш, тарбиялаш – дидактика тамойиллари;
- дарсни тушунишни осонлаштирувчи ҳамда дарсни тез ва сифатли ўқишига хизмат қилувчи дидактик материаллар;
- дарсга замонавий тус берувчи, унинг мазмуни ва моҳиятини тўлароқ очиб беришга ёрдамлашувчи ўқитишнинг техник воситалари;
- дарс ўтувчи ўқитувчининг касбий фаолият тайёргарлиги деган қисмлардир.

Ўқитувчи касбий фаолиятининг муҳим босқичи бу дидактик жараёни лойиҳалаш ҳисобланади. Айнан шу дидактик жараён замонавий таълим технологияларининг асосини ташкил қилади ёхуд у белгиланган вақт ичида таълим (тарбия) мақсадига эришиш учун ўқув элементи мазмунини талабаларга узатиш йўллари аниқлаб беради. Шу билан биргаликда дидактик жараённинг назарий асосларини яхши билмасдан туриб самарали замонавий таълим технологияни яратиш мумкин эмас¹⁰.

Педагогик жараёнда талабаларни дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хилдир. Шу ўринда бир мунча самарали бўлган “Пауэр сейвинг” технологиясини¹¹ таклиф қиламан. Мазкур технологияни қўллаш орқали ўқув машғулотларида юқари самарадорликка эришиш мумкин. “Пауэр сейвинг” (инг. “Power saving” сўздан олинган бўлиб, “Power” – куч қувват, “saving” – тежаш) технологияси мазмунига кўра моҳияти маъруза машғулотларида ёки назарий маълумотлар кўпроқ бериладиган машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг қувватини тежаш, зўриқишларини олдини олишга хизмат қилади. Замонавий шароитда таълимнинг сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур технолгиядан фойдаланиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Хусусан, ўқувчи-талабалар фаол бўлсагина таълим олиш самарали бўлиши, ўқув машғулотларининг дастлабки 20-15 дақиқасидагина талабаларнинг диққати барқарор бўлиши, кейин эса диққат чалғиб кетиши ва бунинг натижасида толиқишнинг вужудга келиши кузатилади. Мазкур вазиятни олдини олиш ҳамда зўриқишни бартараф этиш мақсадида мини-маъруза ва мунозаранинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маъруза машғулотининг бир неча қисмда ташкил этиш, ҳар 15-20 дақиқа ичида 10-15 дақиқали тўхталишлар қилган ҳолда мини-маъруза шаклида баён этилган режа саволи бўйича назорат топшириқларини бериш ва талабалар томонидан топшириқнинг бажарилишини таъминлаш. Бундан кўзланган мақсад: талабаларнинг эътиборларини хусусий масалаларга тортиш ва мини-маъруза шаклида ўрганилган масаланинг талабалар онгида узоқ вақт сақланишига эришиш.

¹⁰ Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000. 41-бет.

¹¹ Муаллиф Рахимов Зокир Тоштемирович (100%) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги №002084-рақамли муаллифлик гувоҳномаси

Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмунини ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар билан назорат қилиб бориши лозим. Олинган ахборотлар педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имкониятини беради ёки педагогик тизимдаги қайси элементнинг мазмунини тузатиш кераклигини белгилаб беради.

Демак, дидактик лойиҳалаш талабаларни таълим жараёнида пассив боғланиш – билимларни тайёр ҳолда ўрганиш, бунда хотирага асосланиш, ўқув материални вербал изоҳлашдан озод этиб, фаол боғланишга йўналтиради¹².

Фаол боғланиш – билимларни шахсий фаолият эвазига, шахсий интилиш, кизиқиш, билим эҳтиёжларини қондириш натижаси сифатида шаклланади.

Айнан, таълим жараёнини юқори босқичга кўтаришда координация қилишга боғлиқ. Координация таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат этишнинг бош тамойилига айланганда талаба таълим жараёнида ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектга айланади. Таълимни ўқитувчи ва талаба биргаликда амалга оширади, ўқиш ва ўрганишнинг таълим олувчи учун қиммати ошади.

Хулоса ва таклифлар. Инновацион технологиялар кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жарёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда география таълими соҳасида ҳам педагогик ва компьютер технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг кўламда қўллаш таълим самарадорлиги ошишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Дарс жараёнида замонавий таълим технологияларини қўллашга ўргатишнинг мақсади ва истикболлари порлоқ бўлиб, бу таълимни ташкил этиш жараёни устуворлигини таъминлабгина қолмай, балки ижтимоий буюртма сифатида бутун жамиятни педагоглаштириш юзага келади. Бу ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш учун таълим-тарбия жараёнини замонавий таълим технологиялари билан таъминлаш зарур деганидир.

Ҳар бир таълим муассасаси ўз педагогик жамоасининг умумпедагогик тайёрлиги, истак ва хоҳишларига мувофиқ замонавий таълим технологияларини жорий этиш стратегияси ва тактикасини ўзига мослаб режалаштириши мумкин.

Замонавий таълим технологияларини жорий этиш стратегияси ўқитувчи томонидан муайян кетма-кетликда амалга ошириш режалаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹² Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. –Т.: 2007. 54-бет.

БОШКАРУВ ОДОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Лутфуллаев У.Л., Лутфуллаев Ғ.У., Қобилова Ш.Ш.

Самарқанд давлат тиббиет институти

Инсонлар қанчалик тажрибали ва билимдон бўлсалар уларни одоб масалалари шунчалик қизиқтира бошлайди. Ходимларнинг ахлоқий юксаклиги замонавий раҳбарнинг бошқарув фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бунга эришиш учун, аввало, раҳбарнинг ижтимоий-одобий тайёргарлиги (назарий ва амалий) зарур. Ана шу мақсадда бошқарув одоби тузилади. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчиларининг ҳуқ-атвори тамойил ва меёрларини асослашдадир, хизмат ҳуқуқ ва мажбуриятига касб бурчи сифатида муносабатда бўлиш зарурлигидадир.

Бошқарув одоби маъмурий ва ҳўжалик фаолиятини сифатли адо этишга йўналтирилган назарий-амалий этика билимлари ва амалий тавсиялар тизимидан иборатдир. Ижтимоий адолат, шахс эркинлиги, касбий покизалик, масулиятни ҳис этиш, табиатни асраб-авайлаш унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Бошқарув одобида ахлоқий тавсифдаги, шахс ҳуқ-атворини ўрганиш билан боглик меёрий ҳужжатлар, бошқарув фаолиятига бўлган ахлоқий талаблар, ишга алоқадор этика қоидалари ишланмалари ва менежернинг хизматдан ташқари ҳуқли, муомала одоби бўйича маслаҳатлар тўпламлари муҳим ўрин эгаллайди.

Кўйидагилар раҳбарнинг асосий ахлоқий қоидалари ҳисобланади:

- одамларга кенг кўламда ўз фойдалилигини намоён этиш учун ҳокимиятга интилиши;
- бошқарув фаолиятида қатнашиш учун ходимларни фаол жалб этиш;
- фойдали танқидни самимий қабул қилиши ва жамоат фикрини ҳурматлаш;
- бўйсунувчиларга ишонган ҳолда муносабатга мойиллик, уларни ўз ҳамфикрлари деб билиш.

Ахлоқий баркамоллик раҳбарнинг ишбилармонлик сифатларидан бири ҳисобланади. Раҳбарнинг иши - қундалик хатти-ҳаракатлар занжири, бунда унинг бўйсунувчиларга, жамоага ўз фаолиятига муносабати намоён бўлади. Бу муносабатлар инсонни севишлик, фуқаролик виждони, касб шаъни каби ахлоқий қадриятлар асосига кўрилмоғи лозим. Ўз ҳуқ атвори билан раҳбар ўзига бўйсунувчиларни тарбиялабгина қолмай, балки “мендек иш тут” тамойилига амал қилишга ҳам ўргатади. Инсонлар ўз раҳбарини, аввало, улар ҳуқлий жихатлари ва одатларига кўра баҳолайдилар (“уст-бошига қараб қутиб оладилар, ақлига қараб қузатиб қўядилар”). Раҳбарнинг ахлоқий киёфаси - умумий, муайян ва ўзига ҳос ҳуқ сифатлар тизимидир.

Қуйидагилар умумий ахлоқий сифатлардир:

ўз Ватанига садоқат;

ўз халқининг энг яхши анъаналарига амал қилиш ва уларни кўпайтириш;

шахс эркинлигини ва унинг кадр-қиммати дахлсизлигини тан олиш;

инсондаги яхши хислатлар туганмаслигига ишонч;

ишчилар шахсий-ишбилармонлик сифатлари ва улар фаолиятини объектив баҳолаш, улар индивидуаллигини тан олиш;

муомалада очик кўнгиллилик ва ўзига танқидий ёндошиш;

вақтдан умумли фойдаланиш.

Қуйидагилар муайян ахлоқий сифатлар ҳисобланади:

фукаровий виждон - шахсий жавобгарликни кучли ҳис этиш;

ахлоқий ирода - кишилар ҳурматини қозона билиш;

* ҳалоллик - ишга астойдил киришиш, ишда талабчанлик ва тўғри фикрлай билиш;

ўзини тутат билиш - шахсий кўнгилсизлик ва ишдаги муваффақиятсизликни енгш кечириш;

субутлшиқ - ўз ахлоқий нуктаи назарида собит туриш;

жамоавийлик - ижтимоий уюшганлик ҳиссиёти.

Бу сифатлар раҳбар ахлоқий қиёфасини белгилайди.

Қуйидагилар ўзига ҳос ахлоқий сифатлар ҳисобланади:

меҳнатсеварлик - жисмоний қувватни ва ақлий қобилиятни тўлиқ ўз ишига бахш этиш;

камтарлик - ҳокимиятдан оқилонга фойдаланиш, ўз ютуқ ва камчиликларига танқидий муносабатда бўлиш;

маъсуллик - ишда таваккал қилишдан чўчимаслик, сўз билан иш бирлиги;

очик кўнгиллилик - кишиларга беъғараз ёрдам кўрсатиш, улар камчиликларига тоқат қила билиш ва ранжитганларга кечиримли бўлиш.

Юқорида келтирилган сифатлар бир-бири билан боғлиқ ва раҳбар ахлоқий қиёфасини ташкил этади.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Лутфуллаев У.Л., Лутфуллаев Ғ.У., Қобилова Ш.Ш.

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Оториноларингология фани – бурун, бурун ён бўшлиқлари, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қулоқ касалликларини килиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси ва замонавий даволаш усулларини ўрганади.

Тиббиётда, жумладан оториноларингология соҳасида эришилган ютуқларига қарамасдан, аҳоли ўртасида ЛОР аъзолари касалликларини ошиши кузатилмоқда. Шунинг учун, республикамизда малакали врач - оториноларингологларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам оториноларингология фанидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув дастуридаги ҳар бир мавзуда аниқ ва қатъий мақсад, вазифалар белгилаб қўйилган.

Малака ошириш мақсади: Оториноларинголог шифокорларининг касбий/профессионал компетенцияларини такомиллаштириш асосида, уларда кўплаб учрайдиган ЛОР касалликларида замонавий далилларга асосланган тиббиёт тамойилларида касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш, даволаш, зарур ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва профилактика тадбирлари мажмуаси бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини мукаммаллаштириш, янгिलाш ва тиббий санитария тизимидаги амалиётларига тадбиқ қилиш.

Қуйидагилар узлуксиз малака ошириш жараёнларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ЛОР касалликлари бўйича исботланган тиббиёт асосидаги клиник протоколлар ва стандартлар билан таништириб, улар асосида ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

ЛОР касалликларини эрта ташхислаш, бирламчи ва иккиламчи профилактик тадбирларни амалга ошириш, билим ва кўникмаларини шакллантириш;

ЛОР касалликларини замонавий текшириш усуллари натижаларига асосланган ҳолда, ташхислаш стандартларини ўзлаштириш;

ЛОР касалликлари бўйича клиник амалий кўникмаларни янгिलाш ва чуқурлаштириш;

Замонавий лаборатор ва инструментал текширувлар натижаларини интерпретация қилишни ўзлаштириш;

Қиёсий таққослаш ва якуний ташхисни асослай билишни чуқурлаштириш;

Даволаш стандартлари бўйича беморни олиб бориш дастурини тузиш;

Касалликларнинг атипик кечишида, кам учрайдиган касалликларнинг типик кечишида ташхисни асослаш, улар асоратлари ва даволаш тамойиллари кўникмаларини шакллантириш;

Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, профилактик чора тадбирларни амалга ошириш орқали кўп тарқалган касалликларни олдини олиш, соғлом аҳоли ўртасида скрининг ва беморларни диспансер кузатувини олиб боришни ташкиллаштириш ва ўргатиш;

Тиббиёт ходимларида ҳаётий ва илмий тассаввурни шакллантиришда миллий-маънавий қадриятларимизни инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли – туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган усуллар билан бойитиш, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона режалаштирилиши, ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларни таълим жараёнида фаоллигини доимий рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик – кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда “Блиц сўров”, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, ролли ўйинлар, “SWOT таҳлили” усули, Т-схема, Кейс технологиялари каби усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти Дипломдан кейинги таълим факультети Оториноларингология кафедрасида ҳам курсантларни ўқитиш жараёнида модулли ўқитиш тизимида интерфаол усуллар ва замонавий педагогик технологиялар кенг қўллаб келинмоқда. Услубни танлаш машғулот мавзусидан келиб чиқиб, курсантларни янада фаоллаштиришга йўналтирилган. Оториноларингология фанида турли жаррохлик видеолавҳаларни намойиши самарали қўлланилиб келмоқда. Дарс жараёнида вазиятли масалалардан ҳам фойдаланилади, курсантлар вазият билан танишгандан сўнг муаммони аниқлайди, ахборотларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва ташхис қўйиб, шифокор тактикасини кетма-кет алгоритм кўринишида белгилаб беради, шунингдек даволаш усуллари хам кўрсатиб беради. Курсантлар хоҳишларидан келиб чиқиб ҳақиқий вазиятни ўйин қилиб кўрсатиш (симуляция), яъни курсантлар ўйин давомида ўзига хос ролларни бажаришга шароит яратилади. Мураббий педагогларимиз учун ҳам ўз гуруҳидаги курсантлар яқиндан ўрганиш, таълим ва тарбияни биргаликда олиб бориш учун бир қанча усуллар қўлланилади. Бу усуллар курсантлар ва педагог учун қизиқарли ва ўзаро мулоқотга тез киришишни таъминлайди.

Инновацион таълим технологиялари ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтариб, олий таълимни модернизацияланишнинг асосий омилидир.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Каюмов С.Н.

Тошкент давлат транспорт университети

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, ҳамда 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли фармонларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда миллий таълим, хусусан олий таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Замонавий талабларни эътиборга олиб, олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва ўқув дастурларини мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши лозим.

Республикада таълим тизимида фаолият олиб борувчи педагог кадрларни малакасини оширишда замонавий ёндашув ривожланишининг ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини юқори даражада ташкил этилиши билан бир қаторда бўлғуси саноат, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа мутахассисларига мутахассислик фанларини чуқур ўргатиш ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш, ўқитиш ишларини амалиёт билан интеграцияланган ҳолда олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ижросини таъминлаш барча олий таълим муассасалари ходимларининг долзарб масаласи бўлиб турибди.

Ўзбекистон бугунги кунда дунёда ўзига муносиб обрў – эътиборга эга. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил бормоқда. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа ва ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма – босқич ўтказиш орқали раҳбар ходимларни ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлотни олий таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларни замонавий ёндашувлар асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш орқали эришилади.

Мамлакатимизда юқори сифатли ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган транспорт воситаларига хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган пайтда, соҳани ривожлантириш, унинг маҳсулотларини сифат жиҳатидан замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, хизмат кўрсатилаётган электр машиналарнинг, аппарат ва жиҳозларнинг ишончилигини, хавфсизлигини ва хизмат муддатини ошириш учун уларнинг сифатини ишончли текшириш орқали ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Транспорт тармоқлари учун янги энергия тежамловчи технологиялари ва усуллари энергия тежамкор автоматлаштирилган электр механик қурилмалари учун энергетик кўрсаткичларини оптималлаш мезонларини имкониятларидан келиб чиққан ҳолда энергия тежамловчи технологияларнинг назарий асосларини яратиш, функционал ҳамда тизим схемаларини ишлаб чиқиш ва бу техник ишламаларни амалиётда қўллаш усуллари таҳлил қилиш каби малака ва кўникмаларини шакллантириш лозим.

Президентимиз томонидан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилиниши муносабати билан, олий таълим тизимида фаолият олиб боровчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда замонавий ёндашувларларни талаб этади.

2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари, Инновацион технологияларни ҳаётга тадбиқ этиш, илм-фан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида илм-фаннинг замонавий ютуқларини жорий этиш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларни қўллаб қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида база корхоналар ва кафедра ўртасида ҳамкорлик фаолиятини олиб бориши тўғрисида шартнома тузиш керак.

Шартнома доирасида, ишлаб-чиқариш корхонасининг илмий техник ва технологик муаммолар банкини таҳлил қилиш ва саралаш асосида кафедранинг илмий-тадқиқот ва инновацион ишларининг йўналишлари ва намунавий мавзулари рўйхатини шакллантириш лозим. Намунавий мавзулар асосида битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари, ҳамда давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг мавзуларини шакллантириш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ МАТЕМАТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мовлонов М. Қ.

Қариш муҳандислик иқтисодиёт институти

Аннотация. Олий техника ўқув юртларида математика фанини ўқитишда касбий йўналтиришни амалга ошириш учун лойиҳалаштириш методларини ишлаб чиқиш ва касбга йўналтирилган вазифаларни тадқиқ қилиш зарур ҳисобланади.

Таянч сўзлар: муҳандис, касбий, математика, йўналтириш, метод, тизим.

XIX-XX асрларнинг таниқли олими. П.Ф. Лесгафт назария амалиётда ўзини оқлаган пайтдагина, амалиёт билан тўлиқ мос келсагина ва амалиёт учун бошқарувчи ва кўрсатма берувчи бўлиб хизмат қилгандагина аҳамиятга эга, деб ҳисоблаган. "Олий таълимда тингловчи ўз фикрини ўзи мустақил равишда ривожлантириши ва уни ҳаётда қўллай олиши керак".

Математикани ўқитишнинг замонавий назарияси ва методикасида таълимга фаолиятли ёндашуви асосида таълимнинг амалиётга жорий этишдаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ушбу ёндашув нафақат тайёр билимларга ўргатишни, балки математик билимларни егаллаш бўйича фаолиятларни, математикада қўлланиладиган мулоҳаза юритиш усуллари ҳам ўргатишни ўз ичига олади; таълим олувчилар томонидан математик фактлар, масалаларни ечишни, мустақил кашфиётларни рағбатлантирадиган педагогик вазиятларни яратишни кўзда тутди. М.А. Данилова, В.М. Монахова, В.А. Далингера, Н.Ф. Талызина, В.И. Загвязинский, М.И. Махмутова, Т.Н. Алешиналарнинг асарларида таълимнинг амалий йўналиши зарурлигини назарий жиҳатдан асослайди.

С.Я. Батышева, А.Я. Кудрявцев, М.И. Махмутов ва бошқаларнинг асарларида Касбий таълим муассасаларида умумтаълим фанларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалий йўналганлигини ўрганиш хусусиятларини очиқ беради.

Педагогик тадқиқотлар ва математикани ўқитиш амалиёти шуни кўрсатадики, таълимнинг амалий йўналганлигини амалга ошириш мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш усуллари билан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Математикани ўқитишда амалий йўналганликни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг мустақил билим фаолиятини, улар томонидан курс мазмунини онгли равишда ўзлаштиришни рағбатлантириш ва ривожлантириш учун дастлабки зарур шартлар мавжуд. Техника олий ўқув юртларида ўқиш даврида талабалар қизиқишлари муайян даражада шаклланган, танланган касбга йўналган бўлади. Математика курсининг маълум бир бўлимини ўрганишга қизиқишни уйғотадиган мотивлардан бири бу унинг амалий аҳамияти, келажакдаги касб билан боғлиқлиги ҳисобланади.

Математикани ўқитишнинг амалий йўналганлиги бу – таълим мазмуни ва усуллариининг масалалар ва машқларни ечишга, таълим олувчиларда математик характерга эга мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Ҳақиқий ўқув жараёнида одатда амалий ва амалиётга йўналганлик одатда биргаликда амал қилади, чунки математик аппаратда эркин фойдаланмаган ҳолда математиканинг енг оддий дастурлари билан ҳам шуғулланишни тасаввур қилиб бўлмайди.

М.И.Махмутовнинг фикрига кўра математик таълимнинг амалий йўналганлиги тамойили умумлаштирилган кўринишда қуйидагича ифодаланади:

- математикани ўрганишда фан қонунлари, тамойиллари, қоидаларининг моҳиятини очиб бериш уларни мазкур касбда қўллашнинг аниқ мисоллари билан ёритилган;

- Ушбу мутахассислик йўналишига мос келадиган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалалардан мунтазам фойдаланилади. Аммо, педагогик амалиётда математика дарсларида ишлаб чиқариш ва техник материаллардан фойдаланиш бўйича маълум бир тажриба бўлганлигига қарамай, кўп ҳолларда бу иш етарли даражада ташкиллашган ва математик алоқаларни таълим олувчиларнинг бўлажак касбий фаолиятида юзаки ишлатиш билан ажралиб турадиган, етарли даражада уюшмаган ва изчил равишда олиб борилмайди [1].

Шундай қилиб, математикани оммавий педагогик амалиётда математик таълимининг амалий йўналганлик тамойили тартибсиз равишда амалга оширилади, математика ўқитувчилари ҳамда умумтехник ва махсус фанларнинг ўқитувчилари фаолиятини мувофиқлаштириши ОТМлар маъмурияти томонидан етарли даражада мустақамланмайди. Ушбу қийинчиликлар математика ўқитувчиларини аксариятининг фаолияти талабанинг касбий соҳаси учун зарур бўлган техник билимларга эга эмаслиги туфайли янада мураккаблашади.

Ҳозирги вақтда математика фанини ўқитишнинг амалий йўналганлигини амалга ошириш талабаларни математик жиҳатдан тайёрлашнинг мақсади ҳисобланади. Бунинг учун математика фанини муҳандислик соҳасида ўқиётган талабаларнинг касбий амалиётига тадбиқ этишини эътиборга олиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмутов М.И. Проблемное обучение. М.: Педагогика, 1975. -368 с.
2. Батышев С.Я. О всеобщем профессиональном образовании // Советская педагогика. 1991. - №6. - С. 66-70.
3. Лесгафт П.Ф. Избранные педагогические сочинения. / Сост. И.Н.Решетень. М.: Педагогика 1988. - 400 с

ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Осланов А.А., Кадиров Ж.Ф.

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Аннотация. Таълим мавжуд реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўла олган тақдирдагина ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади. Дипломдан кейинги таълим тизимини ривожлантиришда асосий диққат эътибор, таълим хизматларини яхшилашдан таълим сифатини янада оширишга қаратилмоғи зарур. Балония жараёнига миллий таълим асосларни бузмасдан, давлат таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда, миллий тиббий таълим тизимимизни янада такомиллаштириш орқали кириб борилиши керак. Узлуксиз таълим тизимини тиббий ривожланишнинг воситаси сифатида шакллантириш билан, замон талаблари ва жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, тиббий таълимни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш стратегик мақсад бўлиши керак.

Калит сўзлар: врачлар малакасини ошириш, таълим сифати, тингловчи, кундалик тиббий муаммолар.

Масаланинг долзарблиги. Врачлар таълими ҳозирги даврнинг барча асосий ва глобал тиббий муаммоларини ҳал қилишнинг асосий воситаларидан биридир. Исталган эпидемиологик ва тиббий муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилиниши соҳа мутахассисларининг билим савияси билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли врачларга мунтазам машғулотлар ўтказиш, малакаларини доимо ошириб бориш, врач ҳаётининг барча соҳаларда бўлиши мумкин бўлган янги муаммоларга дош бера олиш имконини беради.

Таълим парадигмаси ўзгармоқда. Врачнинг ўзи таълим олиши, таълим олишга ўзи интилиши керак. Таълим олишнинг мантиғи врачни мустақил фаолият юритишга қаратмоғи ва врач ижодий ривожланишнинг янги босқичига ўтмоғи лозим. Замонавий таълим истеъмолчиси, таълим сифати ва мутахассиснинг тайёргарлигига, унинг компетентлиги нуқтаи назаридан баҳо беради.

Врач шахсининг психологияси, унинг руҳий ҳолатлари, кечинмалари, билиш жараёнлари, эмоционал ҳолатлари, индивидуал, психологик хусусиятларини билмасдан туриб, назарий ва амалий жиҳатдан лаёқатли врач тайёрлаб бўлмайди. Врач тингловчига таълим бериш тамойили уни ўрганиш тамойили билан белгиланади. Врач тингловчиларни таълим тамойили ўзликни англаш, мустақиллик, ўзини-ўзи тартибга солиш, қатъиятлик, ўзини такомиллаштиришнинг аҳамиятини англаш, ўз устида ишлаш, ўз таълим жараёнини оқилона бошқариш, бамаънилик ва бошқа хусусиятлар билан ажралиб туради.

Врачлар малакасини оширишда таълим берувчи эмас, тингловчи етакчилик қилиши, ўқитувчини хизмат вазифаси эса тингловчиларнинг касбий тажрибалари, эҳтиёжлари, камчиликларини аниқлаш, мотивациясини шакллантириш, билимларини тўлдириш ва тўғрилашда ёрдам беришдан

иборат бўлиши керак. Соғлиқни сақлаш тизими нафақат билимли, малакали мутахассисларга, балки ижодкор врачларга доимо эҳтиёж сезиб келган.

Врачлар малакасини ошириш жараёни андрогогик жараён бўлиши, таълим жараёни нафақат билим олишга, балки тингловчи учун муҳим бўлган тиббий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам бериши керак. Врачни онгли фаолияти ўзининг ҳатти-ҳаракатларини атроф муҳитда содир бўладиган доимий ўзгаришларга ўзини-ўзи ўзгартириш орқали доимо мослаштириб бориш зарурати билан белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсади: врачлар малакасини оширишда тингловчиларни касбга оид тиббий муаммоларини ҳал этилишини таълим сифатига таъсирини урганиш.

Текшириш материаллари ва усуллари; Тадқиқот ишлари юқумли касалликлар бўйича малакасини ошираётган инфекционистлар, УАШ, ОШ, педиатрлар, терапевтлар, тез тиббий ёрдам врачларидан иборат Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси врач тингловчиларидан иборат сайёр гуруҳда ўтказилди. Врач тингловчиларга кундалик режада белгиланган машғулотлар билан бирга кундалик касбга оид муаммолари ёзма равишда савол бериш орқали урганилиб, машғулотларга бўлган қизиқишлари ва фаолликларини ошиши қиёсий таққосланиб урганилди.

Кузатувга 37 киши олиниб, улар битта аудитория шароитида 2 гуруҳга ажратилиб урганилди. Биринчи гуруҳдаги (18 та врач тингловчи) тингловчиларга режада белгиланган машғулотлар билан бир қаторда уларнинг кундалик амалиётда учраб турадиган касалликларни диагностикаси ва даволаш бўйича муаммоларини ёзма равишда беришлари суралди. Иккинчи гуруҳга эса (19 та врач тингловчи) режада белгиланган дарс ждвали асосида машғулотлар олиб борилди.

Тадқиқот муҳокамаси; Кузатув остига олинган биринчи гуруҳдаги 18 та врач (инфекционистлар 3 тингловчи, УАШ 6 тингловчи, педиатр 4 тингловчи, терапевт 3 тингловчи, кардиолог 2 тингловчи) тингловчилардан 11 таси ўзларининг кундалик амалиётда учраб турадиган касалликларни диагностикаси ва даволаш бўйича тиббий муаммоларини ёзма равишда беришганлиги кузатилди. Саволлар асосан кундалик амалиётда тез тез учраб турадиган иситма, диарея, сариклик, гепатомегалия, ўткир жигар етишмовчилиги, экзантема, ўткир респиратор синдромлар ва бошқа клиник ҳолатларни қиёсий ташхислаш ва беморларни олиб бориш ҳамда даволаш тактикасига оидлиги аниқланди. Тингловчиларнинг 8 тасида эса бирор бир муаммо тўғрисида фикр билдиришмаганлиги аниқланди. Иккинчи клиник гуруҳда режада белгиланган мавзулар бўйича машғулотлар олиб борилди.

Биринчи гуруҳдаги 11 та врач тингловчилар томонидан берилган 11 та саволдан 7 тасига жавоб берилди. Саволларга берилган жавоблардан 2 та врач тингловчида қониқиш ҳосил қилинмаганлиги аниқланиб, улар ўз фикрларини

билдиришганлиги кузатилди. Туртта врач тингловчилар томонидан берилган 4 та клиник саволларга 3 кун давомида урганилиб жавоб берилиши маъум қилинди.

Уч кун давом этган кузатишларимизда саволлар билан мурожаат қилган 7 та врач тингловчилардан 5 тасида янги клиник саволлар пайдо бўлганлиги аниқланди. Берилган жавоблардан қониқиш ҳосил қилмаган 2 та врач тингловчидан бирида берилган ўз саволига ўзи жавоб топганлиги кузатилди. Туртта врач тингловчилар томонидан берилган 4 та клиник саволларга гарчи тўғри жавоб берилмаган бўлсада, улардан 2 тасида қушимча саволлар пайдо бўлганлиги аниқланди.

Кузатув остига олинган иккинчи гуруҳдаги врач тингловчилар ўртасида баҳс мунозараларга аралашуш ҳолатлари кузатилди. Иккинчи гуруҳдаги 19 та врач тингловчилардан (6 та УАШ, 4 та ОШ, 5 та педиатр, 2 та тез ёрдам врачлари, 2 та эндокринолог) 5 та врач тингловчи биринчи гуруҳ тингловчилари томонидан берилган саволларга ўз муносабатларини билдиришганлиги кузатилди. Иккинчи гуруҳдаги 3 та врач тингловчида оғзаки саволлар тўғилганлиги аниқланди.

Хулоса;

1. Врачлар малакасини ошириш бўйича ўтказилаётган машғулотларда белгиланган режадаги мавзуий машғулотлар билан бир қаторда уларнинг кундалик амалиётда учрайдиган тиббий муаммоларини урганиш ва ҳал қилиниши, машғулотларни мазмун жиҳатдан бойишга, тингловчиларда касбга бўлган қизиқишларни ортатишга олиб келганлиги аниқланди.

2. Тингловчиларни кундалик тиббий муаммоларни ҳал қилиниши таълим сифатини оширишга, тиббий хизмат самарадорлигини оширишга олиб келиши аниқланди.

Тавсиялар;

1. Врачлар малакасини ошириш бўйича ўтказилаётган машғулотлар мавзуий иш режалари ҳудуддаги тез тез учраб турадиган касалликлар иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2. Врачлар малакасини ошириш бўйича ўтказилаётган машғулотлар давомида режада белгиланган мавзуларни муҳокама қилиш билан бирга кундалик тиббий муаммоларни ҳам ҳал қилиб бориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1, Осланов А.А. Юлдашев С.Ж. Байжанов А.К. Врачлар малакасини оширишга янги педагогик ёндашув. Ўқув услубий кўрсатма. Самарқанд 2020.

2. Ющук Н.Д., Мартынов Ю.В. Непрерывное обучение врачей – требование современной практики здравоохранения. Медицинское образование и профессиональное развитие, 2013. –№ 1. –С. 16-25.



ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРГА ДОИР ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Эргашев З., Жумаев Ҳ.

Тошкент давлат транспорт университети

Педагоглик касби бутун дунёда ўзининг кадр қийматини топиб бормоқда. Қайсидир маънода кадрини йўқотаётган “Устоз отангдан улуғ” халқ мақоли яна ўз кадрини топмоқда.

Президентимиз томонидан профессор ўқитувчиларга берилаётган эътибор барчамизни қувонтирмоқда. Бунга жавобан, янада сифатлироқ ва замон талабларига жавоб берадиган даражада ишлашга ҳаракат қил-моқдамиз. Педагоглик касбига доғ туширадиган иллатлардан воз ке-чишга аҳд қилмоқдамиз.

Педагоглар малакасини ошириш йилдан-йилга янада сифатли ва за-мон талабларига мос кўриниш олаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб ту-рибмиз. Малака ошираётган тингловчилар устозлардан жуда кўп билим ва тажриба олмақдалар. Айниқса, онлайн масофавий таълим курслари-нинг сифати таҳсинга лойиқдир.

Биз педагоглар, малака ошириш курслари самарадорлигидан бево-сита ва билвосита манфаатдормиз. Шунинг учун Президентимиз ва Вазирлигимиз томонидан яратилаётган шароитларга жавобан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимиз билан ҳисса қўшишни лозим топдик.

- Малака ошириш курсларига қабул қилишда педагог тўғри-сида тўлиқ маълумотга эга бўлиш муҳим. Унинг жамоада тутган ўрни, хато ва камчиликлари холис таърифланган бўлиши лозим;

- Тингловчиларнинг малака ошириш дарсларига тўлиқ қатна-шини назорат қилиш лозим. Бу талаб устозларнинг тингловчиларга баҳо бериши учун зарур. Яъни малака ошириш курслари натижаларида дарс бераётган устозлар баҳосини ҳисобга олиш лозим. Бошқача айтганда, ас-сисмент баҳолашга жиддий эътибор бериш лозим;

- Дарслар сифатини интернетга жойлаштирилган маърузалар сифати даражасига кўтариш лозим. Республикадаги маҳоратли педа-гогларни маъруза ўқишга таклиф қилиш амалиётини қўллаш лозим. Тингловчилар ва устозлар телеграмм гуруҳларига БИММ раҳбариятидан ва хатто Вазирликнинг тегишли бўлимларидан мутахассисларни киритиш лозим;

- Малака ошириш курслари, тингловчиларнинг ҳақиқатан ма-лакасини ошириш масалаларини ҳал қилиши лозим. Бу курслар чиқиш тестлари сонини кўпайтириш ва бошқа чекловлар воситасида, кейинги курсга қолдириш мақсадидан йироқ бўлиши лозим;

- Тингловчиларда педагогик маҳоратни, жумладан, унинг элементларидан ҳисобланган, педагогик одоб сифатларини ҳосил қилишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Маърифатпарвар алломаларимиз ўз асарларида муаллим ва талаба одоби тўғрисида ажойиб фикрларни ай-тишган. Жумладан, муаллим, талабаларига ўз фарзандларидек муноса-батда бўлиши лозим. Шу билан биргаликда, халқимизда, “бола азиз, одоби ундан азиз” мақол ҳам бор. Бу билан ҳозирги кунда одоб маса-ласига янада жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаймиз;

- Малака оширишни асосан соҳа ва педагогика буйича ошириш керак. Олий таълим ва умуман таълим соҳасида педагогларнинг ўз мутахассислигини чуқур билиши ва педагогик маҳорати ҳал қилувчи рол ўйнайди;

- Курслар тугагандан сўнг ҳам БИММ онлайн масофавий курслари тингловчилар учун очик туриши зарур деб ўйлаймиз. Тингловчилар ўрганган билимларини қайтаришга эҳтиёж сезадилар.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар, келгусида малака ошириш курслари сифатини оширишга озгина бўлса ҳам ҳисса қўшса, ўзимизни кўзланган мақсадга эришган деб ҳисоблаймиз.

ОТМ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ - ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Мамажонов И.Ғ.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Бугунги кунда Ўзбекистонда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган олий таълим соҳасида фаолият олиб бора оладиган, инновацион технологиялар билан қуролланган ҳамда рақамли иқтисодиёт даврида инновацион фаолият билан шуғуллана оладиган педагог кадрларни тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак. Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсмоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди. Бундай нотўғри иш тақсмотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат

хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим”¹³, деб таъкидлаган эди, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида. Мавжуд муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда таълим муассасаларининг моддий техник базаси. Олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда таълим муассасаларининг моддий техника базаси мустаҳкам бўлиши зарур. Шунингдек, аудиторияларнинг энг замонавий техника ва технологиялар билан қуролланмаганлиги, яъни баъзи олий таълим (айниқса, вилоят олий таълим) муассасаларида аудиториялар замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаган. Таълим муассасаларидаги лаборатория хоналарнинг етишмаслиги.

2. Ўқув-услубий таъминот. Олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишга таъсир этиб келаётган омиллардан бири бўлиб, унда таянч олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқиладиган тайёрланаётган ўқув режаларнинг ҳар йили ўзгариб туришидир. Шунингдек, таянч олий таълим муассасаларида ўқув режаларни ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларнинг мутахассисларини иштирок этмаслиги ёки улар томонидан бериладиган таклифлар инobatга олинмаслиги ҳолатлари учрайди. Бу ўз навбатида турдош олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимларнинг фаолиятига салбий таъсир этади.

3. Ўқув режаларга киритилган фанларнинг фан дастурларини сифат жиҳатдан пастлиги. Фанларнинг фан дастурини ишлаб чиқишда меъёр талабаларига риоя қилинмаслиги, хорижий тажрибалардан фойдаланмаслиги ҳолатлари натижасида фан дастурларининг сифати пастлигича қолмоқда.

4. Ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланмаслик. Ўқув жараёнида нафақат касбий билимларни олиш, балки амалий вазифаларни ҳал этишда зарур касбий қобилият ва кўникмаларни ривожлантириш имконини ҳам берувчи фаол ўқитиш усулларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айнан фаол ўқитиш усуллари ижодий ташаббус, мустақиллик, жавобгарлик ҳиссининг ривожланишига, жамоада ишлай олиш, ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш ва асослаш ҳамда креатив қобилиятларининг шаклланишига хизмат қилади.

5. Олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда қийинчиликлар келтириб чиқарадиган муаммолардан яна бири, **бу фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияланмаганлигидир**. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, олий таълим муассасаларида педагог

¹³Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. 2016 йил, 15 декабрь. <https://kun.uz/>

ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу жараёнлар олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлайди.

Шунингдек, олий таълим муассасалари педагог ходимларини хорижнинг нуфузли таълим муассасаларига стажировкага юборишда моддий таъминот билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш зарур. Амалиётдан маълумки, олий таълим муассасалари томонидан педагог ходимларни хорижнинг нуфузли таълим муассасаларига юборишда иқтисодий мутақиллик берилмаган.

6. Профессор-ходимларнинг касбий компетенциясининг пастлиги. Олий таълим тизими педагог ходимларининг ўзи, у қайси фандан дарс беришидан қатъий назар инновацион фаолиятга тайёр бўлиш кераклигини тақозо этади. Бугунги замон педагоги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий янгиликлардан тўлиқ хабардор бўлиши, иқтисодиётнинг қонун қоидалари, тамойилларини сўзсиз билиши, ташкил этилаётган маъруза, амалий машғулотларда инновацион педагогик ҳамда ахборот технологияларидан тўлақонли фойдалана олиши, иқтисодий педагогик, психологик билимларни чуқур ўзлаштирган бўлиши, педагогик маҳорати юксак даражада бўлиши, тайёрланаётган мутахассисларнинг фаолиятга тайёрлашда бор маҳоратини ишлата оладиган бўлиши, талабаларнинг ёши, билим даражаси, индивидуал хусусиятлари инобатга олиши натижасида улар билан индивидуал ишлаш олиши, илмий ва инновацион билимлар билан шахсан ўзи қуролланган бўлиши ҳамда талабаларни илмга йўналтира олиши, ҳар бир машғулотни ўзига хос тарзда, талабаларни зериктирмасдан, илғор педагогик ва ахборот технологиялар асосида ташкил этилишига эриши натижасида, уларда бўлғуси иқтисодчи мутахассис бўлиб етишишлари учун ўз касбига бўлган меҳр, қизиқишларини ортиб боришига эриша олиши, хорижий давлатлар тажрибаларини ўзлаштирган бўлиши, энг аввало хорижий тилларни ўзлаштирган бўлиши ҳамда энг асосийси этнопсихологик (дилкашлик, самимийлик, адалатлилик, хушмуомалаик, ҳазил-мutoйиббага мойил кабир) хусусиятларга эга бўлиши талаб этилади.

7. Ўқув жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланилмаётганлиги натижасида таълим сифатини пасайиши. Бунда, олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг замири, таълим тизимидаги сифат ва сарадорликка эришишни тақозо этади. Бунда юқори компетентли, юксак педагогик маҳоратга эга бўлган педагоглар томонидан ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаши натижасида юқори самара бериш кафолатнади.



Мазкур муаммолар бугунги кунда Олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этишга таъсир этувчи салбий омиллардир. Мазкур омиллар таъсирида республикада мавжуд олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятига бевосита ва билвосита тўсиқ бўлмоқда. Мазкур муаммоларни тизимли ҳал қилиниши натижасида олий таълим муассасаларида педагог ходимларининг касбий инновацион фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги ортади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. – Тошкент 2018 йил 5 июн.

3. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил 9 www.iqtisodiyot.uz

4. pedagogy.ru

НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИ ИҚТИСОДЧИ-МУҲАНДИС КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Бобожонова З. Ш.

Тошкент давлат техника университети

Нефт ва газ саноати мураккаб билим ва кўникма талаб қилувчи соҳа саналади, унинг иқтисодий масалаларини юритиш ўзига хос нозик ишлар, пухта стратегик режалар ҳамда ишончли ҳамкорлар билан иш фаолиятини олиб бориш маъсулиятини англатади. “Нефтни назорат қилар экансиз, сиз бутун ҳукуматни назорат қилаётганингизни, хўжаликни назорат қилар экансиз халқни назорат қилаётганингизни англатади”¹⁴: -, дея бежизга таъкидламаган буюк америкалик дипломат Герни Киссинджер. Нефт ва газ саноати корхоналарининг кадрлар масаласидаги энг долзарб муаммоларидан бири иқтисодий блок ходимлари саналади. Нефт ва газ саноати бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёти, молиявий таҳлил ҳамда стратегик режалаштирилиши дунёнинг нуфузли ОТМларида ҳам тўлиқ ўргатиб борилмайди. Рақобат кадрлар орасида ҳам бўлишини инобатга олганда, рақамлаштириш технологиялари инноваторлар томонидан илгари сурилаётган даврда ҳар бир ёш кадр ўз ўрнини нефт ва газ саноатининг иқтисодий блокада топиши ўта мураккаб синовга айланиши табиий. Мамлакатимизда нефт ва газ саноати билан машғул

¹⁴ <https://ru.citaty.net/temy/neft/>

бўлган 270 дан ортиқ корхоналар фаолият юритади. Ҳар бир корхонанинг иқтисодий бўлим ходимлари авлод алмашинувига дуч келиши жараёнида иқтисодий билимлардан кўпроқ билим талаб қилинишига тўқнаш келишади. Кадрлар сифатини юқорилигини таъминлаш таълим жараёнининг энг асосий вазифаларидан бири саналади, нефт ва газ саноати корхоналарининг иқтисодий бўлимига кадрлар тайёрлашда уларнинг техника фанларига ҳам жалб этилишини талаб қилади.

Хорижий мамлакатларда, жумладан Франция, Германия, Исроил ҳамда Японияда нефт ва газ саноати корхоналарига йўлланмага эга бўлиш учун махсус сўровномалар орқали талабалар сараланиб, уларнинг техник фанларга жалб этилиши таъминланилади ҳамда улар техника фанларида таълим олаётган талабалар билан бир фаторда имтихон топширадilar, шу тарзда кўрсаткичи юқори бўлган талабаларни корхоналар ўзларига жалб этишади ҳамда шартнома таклифлари билан чиқишади. Ушбу жаҳон тажрибасини мамлакатимиздаги ҳолат билан таққослашда иқтисодий таълим йўналишида таълим оладиган талабаларга билим бериш жараёни ўз ичига техник жиҳатларни олмаслиги кадрларни корхонада амалий фаолиятини эркин тарзда олиб боришида қийинчиликлар яратади. Олий математика, математик моделлаштириш ҳамда статистика сингари фанларни ўзлаштирган талабалар ҳам ушбу муаммодан ҳоли эмаслар. Шунга кўра юқоридаги муаммодан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар қилинди:

1. Иқтисодий таълим йўналишида таълим оладиган талабаларнинг иккинчи босқични бошлаганларида соҳаларга тақсимлаш амалга оширилиши лозим.

2. “Карьера куни” жараёнида мақсадли ва манзилли тарзда талабаларни корхоналар билан шартнома имзолашга тайёрлаш.

3. Талабаларнинг соҳа танловига кўра тегишли корхоналарга кадрлар тайёрлаш ва йўлланма бериш.

4. Талабаларнинг соҳа танлови асосида соҳага доир техник фанларга жалб этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини техник таълим олувчилар сингари амалиётга юбориш ҳамда синов имтихонларидан ўтказиш.

Юқоридаги таклифлар асосида иқтисод таълимида билим олувчи талабаларнинг ОТМни тамомлагач кутилаётган натижа қуйидагилардан иборат:

1. Кадрлар қўнимсизлиги (нефт ва газ) саноат корхоналарида сезиларли қисқаради.

2. Кадрлар орасидаги рақобат муҳити ошади ҳамда иқтисодни рақамлаштириш шaroитида ходимларнинг салоҳияти юқорироқ баҳоланади.

3. Корхоналарда кадрлар борасидаги авлод алмашинувида “Япон модели” асосида иш олиб боришга якун ясалади ҳамда корхоналараро муносабатлар жадаллашади.

4. Лойиҳалаштириш, стратегик режалаштириш молиялаштириш сингари масалаларнинг техник иқтисодий жиҳатларини инобатга олган ҳолда

лойиҳалар, йўл хариталарини тузилиши ҳамда юритилиши корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини, техник иқтисодий салоҳиятини ҳамда тажрибали жамоясини кенгайтишига олиб келади.

Нефт ва газ саноати корхоналари нафақат иқтисодчи муҳандислар, балки бошқа соҳа вакилларининг малака ва тажрибасининг юқори бўлишини талаб этувчи тармоқ саналади. бу ҳолат бошқа соҳаларда ўзига аҳамият касб этади. Аммо нефт ва газ саноати корхоналарининг иқтисодчи муҳандислари томонидан материалларга бўлган талан талабдан тортиб, ишчи кучини таъминлашга қаратилган озиқ-овқатни ҳам инobatга олган ҳолда иш фаолиятини йўлга қўйиши, нефт ва газ саноати вакилларининг иш жойлари (бурғулаш майдонлари, қайта ишлов бериш қудуқлари, цилиндрлари, заводлари, ташиш қувурлари ва ҳ.к.лар)га етказилиши вақти, логистикаси ҳамда молиявий масалаларини эътироф этишлари фақатгина иқтисодий ёки математик билимларни эмас, балки шу соҳага доир таълим олган тармоқ вакилларининг таълим ва кўникмаларини ҳам билишларини талаб этиши техник фанларга жалб этилишини долзарблигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан дунёнинг ривожланган мамлакатларининг нуфузли олий таълим муассасалари ҳамда кадрлари билан рақобатлашишига қадам ташлаб борар экан, уларнинг тажрибалариданда устун таълим жараёнини йўлга қўйишимиз зарурлигини англади. Ёш авлод келажаги учун билдирилган ҳар бир таклиф эса бежизга ҳавола этиладиган муаммо тарзида олиб чиқилмайди - бунинг ортида ечимларни инobatга олиниши орқали келгуси кадрлар салоҳиятини сезиларли равишда ошишига ишонч билдирилади. Зеро, ҳар бир технология таълим ва илмдан иборат.

ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Очилов Х.А.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Илмий-таълим соҳасидан бизнесга технологиялар трансферининг хорижий тажрибаси таҳлилининг кўрсатишича, ушбу соҳада етакчи бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ушбу масалага катта эътибор қаратишади. Бунда АҚШ, Финляндия каби мамлакатларда технологиялар трансфери таълим ва илмий-тадқиқот фаолияти билан тенг ҳолатда мажбурий фаолиятга киритилган. Трансфер технологияларнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича:

1. Технологияларни фаолият юритаётган компанияларга тўғридан-тўғри ўтказиш.

2. Илмий ёки таълим муассасалари қошида start-up ва spin-off-компанияларини яратиш.

3. Илмий ёки таълим муассаси ва бизнес орасида воситачи бўладиган махсус тузилмага технологияни узатиш.

Технологиялар трансфери фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқасини таъминлайди, бунда асосий ўринни давлат илмий ва таълим муассасалари таркибидаги трансфер марказлари эгаллайди. Турли хил номланишлар – технологиялар трансфери марказлари (офислар, агентликлар); патентлаштириш ва лицензиялаш офислари (бўлимлар, бюролар) ва бошқаларнинг асосий функциялари инновацион жараён иштирокчиларини “битта дарча” тамойили бўйича уларнинг салоҳиятини ва инновацион имкониятларини ривожлантиришни амалга ошириш учун барча зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Замонавий тушунишдаги бундай марказларнинг дастлабки қалдирғочлари ўтган асрнинг 40-50 йилларида Европа ва АҚШда ҳарбий технологиялар асосида ҳам ҳарбий соҳа ҳам аҳоли учун мўлжалланган кенг қўламдаги маҳсулотни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида пайдо бўлган. Йигирманчи асрнинг 80-90 йилларида бундай ташкилий шаклнинг кенг ривожланиши давлат томонидан молиялаштириш ҳисобига яратилган университетларга итшланмаларни яратиш ҳуқуқи берилиши асосида қатор қонунлар қабул қилинди. Улардан дастлабки ва бир мунча машҳурлари американинг “Университетларда ва кичик бизнесда патентлаштириш процедуралари тўғрисида”(University and Small Business Patent Procedure Act of 1980), Бэй-Доула (Bayh-Dole Act of 1980),”ги ва «Стивенсон-Уайдлернинг технологик инновациялари тўғрисида» (Stevenson – Wydler Technology Innovation Act of 1980)ги қонунлари ҳисобланади.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва кейинги 1986 йилдаги “Технологияларни узатиш тўғрисида (Federal Technology Transfer Act)”ги норматив актлар-федерал қонун, 1988 йилдаги “Савдо ва ҳамкорлик тўғрисида”ги, 1989 йилдаги “Миллий рақобатбардошлик тўғрисидаги (Omnibus Trade and Competitiveness Act)ги қонунлар АҚШда илмий-таълим соҳасида замонавий технологиялар трансфери инфратузилмасини яратиш борасида яшил чироқ вазифасини ўтади.

АҚШнинг изидан бу йўл бўйича бошқа саноати ривожланган мамлакатлар боришди. Хусусан, Японияда фан ва технология ҳақида 1995 йилда қабул қилинган базавий қонун илмий муассасалар ва саноат компаниялари ўртасидаги инновацион ишланмалар соҳасида кооперацияларни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чоратadbирларни ўз ичига олган. 1998 йилда Японияда американинг “Университетларда ва кичик бизнесда патентлаштириш процедуралари

тўғрисида(Bayh Dole Act” ги қонунга ўхшаган “Олий таълим муассасалари ва саноат ўртасида технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тўғрисида («Law of Promoting University- Industry TechnologyTransfer»))”ги қонун қабул қилинди ва шунга мувофиқ равишда кейинроқ «Саноатни рағбатлантиришнинг махсус чора-тадбирлари тўғрисида» (1999 й.)ги қонун ва «саноат техник салоҳиятни мустаҳкамлаш тўғрисида» (2000 й.)ги қонунга асосан илмий-таълим соҳасида технологиялар трансферини ривожлантиришга турки берувчи қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.¹⁵

2004 йилда япон қонунчилиги барча миллий университетларга технологиялар трансфери маркази (ТТМ)ни яратиш билан боғлиқ бўлган ташаббусларда иштирок этишлари учун мустақил юридик мақомни тақдим этди.¹⁶

Францияда технологиялар трансферини тартибга солиш соҳасидаги кўпгина мавжуд тўсиқларни “Инновациялар ва илмий тадқиқотлар тўғрисида (Loi no 99-587 du 12 juillet 1999 sur l'innovation et la recherche)”ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида бартараф этилди. Шунингдек, университетлар, илмий тадқиқот институтлари, давлат тузилмалари ва хусусий компаниялар орасидаги кооперация масалалари “Илмий тадқиқотлар тўғрисида (Loi de programme du 18 avril 2006 pour la recherche, traduction législative du «Pacte pour la Recherche» entre l'État et les citoyens)”ги дастурий қонунда, давлат ва аҳолининг тадқиқотларни олиб боришидаги ўзаро муносабатларнинг қонуний асосларини белгиловчи университетлар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги (Loi du 10 août 2007 sur les libertés et responsabilités des universités)¹⁷ қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Ҳозирги даврда аксарият хорижий университетлар тузилмасида университет ва бизнеснинг ўзаро хатти-ҳаракатлари масъулиятини олувчи бўлимлар мавжуд. Уларга университетлар ишланмаларини тижоратлаштириш борасида ёрдам кўрсатадиган технологиялар трансфери марказлари, илғор технологиялар маркази ёки илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш марказлари (Швейцария, Швеция, Буюкбритания, Германия, АҚШ, Хитой, Япония ва бошқалар) тааллуқли. Хусусан, Хитойда ҳар бир йирик илмий-тадқиқот университети ўз таркибий тузилмасида технологиялар трансфери билан шуғулланадиган ва ХХР ҳукумати томонидан университетга ажратилган умумий маблағлар ичида ўз улушига эга бўладиган бўлим мавжуд.

¹⁵ Глобальная трансформация инновационных систем / Отв. ред. Н.И. Иванова. М.: ИМЭМО РАН, 2010. 163 с.

¹⁶ Грибовский А.В. Приоритетные направления государственно-частного партнерства в научнотехнической и инновационной сферах (зарубежный опыт) / А.В. Грибовский, А.Л. Судариков // Наука, Инновации, Образование. 2011. № 10. С. 175-191.

¹⁷ Судариков А.Л. Государственно-частные партнерства в сфере науки, технологий и инноваций: зарубежный опыт / А.Л. Судариков, А.В. Грибовский // Инновации. 2012. № 7. С. 47-59.

Университетларнинг технологиялар трансфери марказларининг бажарадиган функциялари ҳажми ва мазмуни бўйича иккита асосий турга бўлинади.¹⁸

Биринчи тури – “маслаҳатчи-маъмур” ёки “илмий дўкон”. Бундай марказ потенциал ҳамкорлар ва илмий-тадқиқотлар буюртмачиларининг мурожаатлари учун расмий контакт пунктлари функцияларини, шунингдек, университет ходимларига турли тарздаги консултив ва маълумот бериш хизматларини кўрсатишади. Буларга Германиянинг Аугсбург университетининг технологиялар офиси (Transferstelle der Universität Augsburg) ва Нидерландиянинг Твенте университетининг илмий дўкони (The Science Shop at the University of Twente)ни мисол қилиш мумкин.

Технологиялар трансферига мос келадиган кўпгина ишлар – патенлаштириш, лицензиялаш, экспертизалаш масалалари шундай марказлар орқали аутсорсинга берилади.

Университет технологиялар трансфери марказининг иккинчи тури – “тадбиркор”. Биринчидан бундай марказларнинг фарқи, марказ технологиялар трансферининг барча босқичларида кашфиётнинг потенциал қийматини дастлабки баҳолашдан тортиб то саноат корхоналари билан технологияни жорий этиш ва эксплуатациялаш босқичини ташкил этишни мувофиқлаштирувчи ва фаол иштирокчи сифатида намоён бўлади. Масалан, Германиянинг Мюнстерс университетининг технологиялар трансфери Агентлиги (Technologietransfer-Agentur der Westfälischen Wilhelms-Universität Münster)нинг вазифаларига жамоатчиликни илмий ютуқлар билан хабардор қилиш, университетнинг маркетинг тадқиқотларини ишлаб чиқиш ва келишиш, бошқа ташкилотларнинг кўргазма ва ярмаркаларида ўзининг иштирокини ташкил этиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, олимларнинг саноат вакиллари билан алоқаларини ташкил этиш, трансфер лойиҳаларини бошқариш ва дизайн, реклама ва информацион қўллаб-қувватлаш, патенлаштириш фаолиятига раҳбарлик қилиш, стартапларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ва шу кабилар қиради.

Орегон Штатининг давлат университетининг корпоратив ривожлантириш ва тижоратлаштириш офиси (Office for Commercialization and Corporate Development of the Oregon State University) ўзининг венчур фондига эга бўлиб, кенг хизмат турларини, шунингдек, кашфиётларни баҳолаш, патентларни ҳимоялаш, маркетинг ва PR, лицензиялаш, прототиплар яратиш борасида ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.ларни тақдим этади. Технологиялар трансферини таъминловчи тузилмалар ўз ичига бир қатор элементларни олади.

Масалан, Германиянинг Саарланд университетида (Universität des Saarlandes) бундай элементлар тўртта бўлиб, улар қуйидагича:

¹⁸ Лебедева С.В. Управление коммерциализацией научных исследований.

1. Технологиялар трансфери бюроси, штат бўлинмаси.
2. У билан аффилирланган компания “Илмий-технологик трансфер”.
3. Патент агентлиги.
4. “Бизнесни юритиш майдони-бизнес инкубаторлар”.

Қатор мамлакатларда университетлар ва илмий муассасалар томонидан ташкил этиладиган технологиялар трансфери бўйича тузилмаларда янги технологик ишланмаларда сотувчилар ва харидорлар ўртасида воситачи сифатида фаолият юритадиган махсус компаниялар яратилади. Уларнинг таъсисчилари сифатида ҳам ҳукумат органлари бошқаруви (минтақавий ва маҳаллий) ҳам хусусий компаниялар намоён бўлади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАХБАР КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ

Махмудова Д.Р.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Мақолада “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шaroитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда раҳбар кадрларнинг ўрни” ва аҳамияти хусусида юртимизда олиб борилаётган кенг қўлламли ислохотлар ёритилган бўлиб, соҳадаги муаммолар юзасидан атрофлича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, раҳбар кадрлар, IT технология, автоматлаштириш.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ривожлантириш асосида иқтисодий қудратимизни мустаҳкамлаш ва мамлакат барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари стратегик вазифалар қаторига киритилди. Бу вазифаларни юқори даражада самарали бошқарилишида албатта юқори малакали раҳбар кадрларнинг ўрни муҳимдир. Мазкур масала биринчи президентимиз Ислom Абдуғаниевич Каримов томонидан пухта ўйланган 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни ва юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида яна бир қатор 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада такомиллаштириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, ПФ-4947-сон, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-5139-сон Фармонлари ва 2017 йил 19 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Бошқарув қарорларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 745-сон Қарори кадрлар масаласининг нақадар

долзарб аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда кадрлар малакасини ошириш бўйича «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори¹⁹ қабул қилинди.

Жорий 2021-йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланиши ҳам давлатимиз сиёсатида ёшларга берилаётган улкан эътибордан далолатдир. Мамлакатимизда учинчи ренесанс пойдеворини барпо этишдек мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз бунда албатта ёшларнинг, етук мутахассис кадрларларнинг ўрни бекиёсдир. Аёллар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қувватловчи амалга оширилмоқда, жумладан аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.²⁰ Бундан ташқари, 587 минг нафар кишини, шу жумладан “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаштириш масалалари режага киритилди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шaroитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда раҳбар кадрларни ҳозирги замон технологиялари ҳамда, инновацион ёндашувлар асосида ўқитиш ва уларни қайта тайёрлаш жараёни долзарб ҳисобланиб, бу ўринда таълим тизими ҳам эътибор кучайиши натижасида, бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.²¹

Амалга оширилаётган барча ислохотларимиз ёшларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-797 сон Қарори. 23.09.2019 йил.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4862 сон Қарори. 13.10.2020 й.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.

тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда раҳбар кадрларнинг ўрнини янада оширишда қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга тувофиқдир, яъни:

- кичик бизнес бошқарувини амалга оширувчи кадрларни замонавий ИТ технология асосида ўқитишни тубдан такомиллаштириш;

- аналитик фикрлаш қобилиятига эга ва лидерлик салоҳияти мавжуд профессионал кадрларнинг бошқарувда иштирокини кучайтириш;

- замонавий инновацион технологиялар асосида иш юритишни ташкил этувчи, рақамли билимларни амалиётга жорий қила оладиган интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни шакллантириш;

- кичик бизнес бошқарувда раҳбар кадрларда инқилобий фикрлаш доирасини кенгайтириб, бошқарувда автоматлаштиришни кенг жорий қилиш;

- техника-технологияларни соҳаларга мақсадли йўналтириган ҳолда профессионал мутахассислар асосида ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришни чуқур интеграциялаш каби қатор таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, уйланманки кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда, соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

РЕФОРМА МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ — ВАЖНЫЙ КОМПОНЕНТ СВЕТСКОГО ОБЩЕСТВА

Хакимова С.З., Гаффарова П.А., Шомирзаева Ш.С.

Самаркандский государственный медицинский институт

Каждая эпоха нуждается в преобразовании, отвечающей своему времени. Реформы в медицинском преобразовании являются наиболее важными, так как являются основными ценностями жизни и здоровья человека. Достичь можно этого повышая профессиональный уровень врачей. Высокий уровень медицинского образования врачей приведет к образованию нового грамотного медицинского сообщества.

Этого невозможно достичь без перемен в системе подготовки медицинских специалистов. Именно поэтому реформа медицинского образования — это критически важно. Конечным ее результатом должно стать создание нового медицинского сообщества.

В развитых светских государствах интеллектуально развитое медицинское сообщество с высокими образовательными системами и организацией системы здравоохранения. Такая среда способствует рождению

нового поколения доцентов и профессоров для ВУЗов с соблюдением норм академической благородности.

Какие же принципы построения медицинского образования можно предложить?

1. Космополитизация медицинского образования и науки, которая включает ориентацию на лучшие медицинские стандарты в мире, с их лицензированием при отборе, обучении и оценке.

2. Отбор и содействие обладателям новой академической медицинской культуре среди студентов, преподавателей и ученых.

3. Контактность, или коммуникация. Таким образом, чтобы медицинское образование стало привлекательным для средств массовой информации. Информированное сообщество сможет защитить и поддержать преобразования в медицинском образовании.

Вышеперечисленные предложения в реформировании медицинского образования в полной мере вписываются в логику преобразования высшего образования, предложенного президентом Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым, в указе от 05.09.2018 г. N УП-5538 «о дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием»

Этот вопрос особенно важен для т.н. регулируемых профессий — тех, работа в которых предполагает особенно высокий уровень ответственности за безопасность и здоровье людей. К ним относятся, например, юристы, пилоты, врачи, в отдельных странах регулируется также доступ к профессии учителя, архитектора и т.п. Регулируемый статус профессии предполагает, что доступ к ней возможен лишь через выполнение обязательных требований относительно уровня образования, сдачи специальных экзаменов, получения лицензии или членства в профессиональной ассоциации.

ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Раджабова С. Ф., Умиджанова М. Л.

Бухоро давлат университети

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотининг туб мақсади баркамол инсонни шакллантиришдир. Бу вазифани муваффақиятли ечиш ўқитувчининг касб маҳоратини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки мустақиллик комил инсонни шакллантиришни давлат сиёсатининг устувор масаласига айлантирди. Бу вазифани ҳар жихатдан баркамол инсон-тажрибали педагог амалга ошириши мумкин. Педагог инсон шахсини, маънавий

дунёсини ўзгартириши учун ундан жуда катта педагогик маҳорат талаб этилиди.

Касбий маҳорат - бу моҳирона ўқув тарбиянинг ҳамма шакллари ташкил қила олиш, уни мақсадга қаратиб шахснинг баркамоллиги, дунёқараши, қобилиятини ривожлантиришга қарата олишдир.

Бундай вазифани фақат моҳир педагог амалга ошириши мумкин. Ҳар қандай маҳорат каби касбий маҳорат ҳам фаолиятда намоён бўлади ва унда шаклланиб ривожланади. Аммо касбий маҳорат билан фаолият айнан бир нарса эмас. Педагогик фаолият ўзининг мураккаб тузилишига эга бўлганидек, унинг ҳосиласи бўлган касбий маҳорат ҳам мураккаб ва маълум шаклланиш жараёнининг маҳсулидир. Ижтимоий педагогик жараён сифатида касбий маҳорат ҳам ўз тузилишига ва шаклланиш босқичларига эга. Касбий педагогик маҳорат шаклланишининг бошланиши ва тугалланиши олий ўқув юртидан ташқарида малака ошириш курсларида ҳам давом этади.

Ҳар қандай маҳорат ҳам билим асосида шаклланади. Касбий педагогик маҳорат ҳам маълум билимлар пойдеворида шаклланиб ривожланади. Билим-кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳамда ўзлари ҳақидаги ҳосил қилган аниқ маълумотларидир. Ўз навбатида билим ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, мавжуд оламнинг объектив қонуний алоқаларини тил воситаси билан ифода қилади. Инсоннинг билимлари илмий-техник, фан тараққиёти асосида доимо чуқурлашиб боради. Билим асосида инсон табиат ва жамият ривожланиш қонунларини ва ўзининг моҳиятини, касбининг сирларини эгаллаб олади. Ўз навбатида билим ҳам ўз тузилишига эга. У ўз таркибига кўникма ва малакаларни олади.

Кўникма – инсоннинг аввалги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилиятидир. Кўникма малака билан узвий боғлиқ. Кўникмалар асосида кишида маълум касб малакаси шаклланади.

Малака – муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашишидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти турли даражада шаклланган малакалардан иборат бўлади. Малакалар машқ қилиш натижасида таркиб топади.

Инсон фаолиятида малакаларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, бизни педагогик маҳорат асосини ташкил этувчи малакалар кўпроқ қизиқтиради. Касбий малакалар ривожланиб, юқори педагогик маҳоратнинг шаклланиш пойдевори бўлиши лозим. Педагогик фаолият таркибида педагогик ҳаракат ҳисобланади. Ҳаракатлар педагогик машқлар воситасида малакага айланиб, педагогик вазифаларни ечишни осонлаштиради. Демак, педагогик малакалар касбий маҳорат асосини ташкил этади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини масофавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин .

Шундан келиб чиқиб, Б. С. Нуриддинов, О. А. Абдуқуддусовлар, касбий педагогик маҳорат – бир томондан, шахснинг жами хислат ва фазилатларидир,

хар қандай фазилат каби касбий маҳорат ҳам фаолият кўрсатишда шаклланади, деб эътироф этадилар. Иккинчидан, у фаолият натижаси ҳисобланади. Педагогнинг касбий маҳорати унинг фуқаролик бурчи, етуклиги ва шу кабилар билан боғлиқ шахсий фаолият моҳиятининг умумлашган кўрсаткичидир.

Ж. Ғ. Йўлдошевнинг фикрича, зикр қилинган ўқув, илм ва ақл беҳисоб меҳнат, машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда малака дейилади. Инсон яхши меҳнат қилишни, меҳнатининг яхши самара беришини, меҳнат натижасининг яхши сифатлигига эришишни истар экан, унга малака керак.

Малака машқ қилиш, ўқув билим, кўникма, маҳорат ва ақл ҳосиласидир. Чунки, ўқитиш жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малака доим такрорланиб келадиган меҳнат – машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда илм дейилади. Илм – машқ қилиш, билим, кўникма ва малака ҳосиласидир.

Малака ошириш ҳам инсон ҳаёти ва турмушида муҳим аҳамиятга эга. Малака таълим – тарбия беришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Профессional таълим тизими педагогларининг малакасини ошириш деганда, энг аввало уларнинг билим доирасини кенгайтириш ва замонавий таълим технологиялари асосида дарс ўтиш методикасини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришни назарда тутиш керак. Бу зарурий вазифаларни ўқитувчилар турли усуллар билан амалга оширишлари мумкин. Масалан: ўз устларида мустақил ишлайдилар, методик бирлашмаларда фаол иштирок этадилар, малака ошириш институтларида фан асослари бўйича маърузалар тинглаб, амалиётчилар раҳбарлигида амалий машғулотлар ўтказадилар. Педагоглар тинмай турли йўллар билан малака оширишлари натижасида амалий фаолиятлари жараёнида юқори маҳоратга эришадилар.

Педагогик маҳорат – педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бирга педагогик техника соҳасидаги малакаларни ҳам ўз ичига оладики, унинг воситасида таълим-тарбияда оз куч сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш мумкин.

Малака педагогик воситаларни танлаш, уларнинг таълим- тарбия мақсадларига мувофиқлиги билан белгиланади. Мақсад ўзига хос ички йўл кўрсаткич сифатида педагогик фаолиятни ечилиши лозим бўлган вазифага йўналтиради.

Таълим – тарбия мақсадлари, воситалари ва натижалари ўртасида, шунингдек ўқувчилар ва ўқитувчилар тафаккури, мотивлари ўртасида ғоят мураккаб боғлиқлик мавжуд. Бунда педагогик воситалар педагогик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Восита мақсад билан натижа ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Буларнинг ўзaro муносабати ва салоҳиятини доимо таҳлил қилиб бориш лозим.

Ўқитувчи нафақат ўзининг маҳорати ва малакасини шакллантириш ҳақида ўйлаши, балким ўқувчиларда ҳам мукаммал малакалар шаклланишини таъминлаши лозим. Бу айниқса профессионал таълим ўқитувчиси учун муҳимдир. Чунки ҳозир шу тизимда таълим олаётганлар келажақда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ишлаб чиқариш малакалари, уларнинг шаклланиш жараёнлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши лозим.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЎРНИ

Раджабова С.Ф., Умиджанова М.Л.

Бухоро давлат университети

Мамлакатимизда узлуксиз таълимга ўтишнинг зарурияти қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ташкилий-педагогик омиллар билан бирга инсон шахсининг комиллигини таъминлаш билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари янги ахборот ва инфорацион воситаларнинг ҳаётга кенг кириб келиши, кишилар ўртасидаги муносабатларга кескин таъсир қилиб, инсоннинг таълим муассасасида олган билимини доимий тўлдириб туриш заруриятини тақозо қилмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларига кенг кириб бораётган ахборот технологиялари инсоннинг билим олиш имкониятларини кенгайтирсада, кўп соҳаларда билимининг етарли эмаслиги каби зиддиятли вазият билан ҳар биримизни рўбарў қилмоқда. Инсон касбий фаолиятининг ва меҳнатининг сифати, характери ва йўналишининг тез ўзгариши таълимнинг моҳиятини, унинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнининг ўзгаришига олиб келди.

Булар таъсирида педагогнинг таълим муассасасида олган маълумоти етарли бўлмай, меҳнат фаолиятини тўла бажаришига ноқулайлик ёки айрим ҳолларда касбий ва технологик саводсизликни келтириб чиқармоқда. Ижтимоий тараққиётнинг тезлашуви ва мураккаблашуви оқибатида инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, экологик, ижтимоий-психологик билимларга кучли эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Узлуксиз таълим педагогик тизим сифатида турли-туман йўл, восита ва шакллар орқали билим олиш, уни чуқурлаштириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш, фуқаро сифатида ўзлигини намоён қилиш, маънавий қизиқишларини қондиришдир. Бундан ташқари таълимнинг ҳамма турлари ўртасида алоқадорлик, узвийликни таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишда рухий, иқтисодий, ташкилий қийинчиликларга дучор бўлишининг олдини олиш, босқичлар ва турлар ўртасидаги ворисликни мустаҳкамлаб, улар ўртасида

тарихий эволюцион ривожланишни таъминлаш орқали инсонга қулайлик яратишда ҳам узлуксиз таълим муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг доимий равишда касбий ва маънавий қизиқишларини қондириш учун узлуксиз таълимнинг кенг тармоқлари мавжуд. Инсон ўз шахсининг имконият ва хусусиятларидан келиб чиқиб, таълимнинг босқич ва кўламини танлаши, унинг таркибий қисмларига талаб қўйиб, ўз мақсадларини қондириши мумкин. Бунинг учун таълим турли босқич ва турлари ўртасидаги узвий боғланишни шакллантириш муҳимдир.

Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш доимий равишда ғоявий-сиёсий, умуммаданий, касбий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш асосида юксак педагогик маҳоратни шакллантиришдир. Шу асосда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаб, давр талаблари асосида қайта қуриш мумкин. Шунинг учун педагоглар малакасини ошириш жараёни узлуксизлиги энг аввало уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришни тақозо қилади. Узлуксизлик принципи аввалги ўқув юртида олган билимлари билан малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашни ҳам талаб қилади. Бундан ташқари малака ошириш курсларида олган тайёргарлиги билан ўз устида мустақил ишлаш жараёнларининг узвий боғлиқлигини ҳам тақозо қилади. Шу билан бирга педагогларнинг реал эҳтиёжларини, ижтимоий заруратини, унинг субъектив имкониятларига мос келишини таъминлаш зарур.

Педагоглар малака оширишнинг ҳамма босқич ва бўғинларини индивидуал ва дифференциаллаштириш асосида унинг мазмуни, муддати, шакл ва методларини мустақил танлаш имкониятини таъминлаш ҳам унинг узлуксизлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Педагог ходимлар малака оширишини, улар аттестацияси билан узвий боғлиқлигини, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг мақбул меъёрларини белгилаш асосида ташкил этиш узлуксизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Профессор Ж.Ғ. Йўлдошев педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар кескин таъсир этишини таъкидлайди. Ўқитувчи таълим олишида ўзини бутунлай таълим ва тарбияга бағишловчи, касбий виждон ва маҳоратнинг юқори чўққиларини эгаллаган шахс бўлиб шаклланади.

Педагог кадрлар малака ошириш тизими-тўлдириш, мослаштириш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Узлуксиз таълимнинг бўғини ҳисобланмиш малакани оширишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган функциялари шахсни такомиллаштиришга йўналтирилган, технологик ва иқтисодий томонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим вазифаси шахсни ҳар томонлама камол топтириш, маданиятини оширишдан иборатдир.

Узлуксиз таълим билан ўқитувчилар малака ошириш тизими (ЎМОТ)нинг ўзаро боғлиқлиги шунда намоён бўладики, ўқитувчи шахс ва касб соҳибси сифатида қаралиб, унинг мунтазам камолоти жараён тарзида амалий ҳаётининг бутун давомида амалга оширилиши ижтимоий зарурият сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари ўзаро боғлиқлик яна шунда намоён бўладики, ўқитувчи фаолиятида ижтимоий фаолликнинг таъсири кучайиб бориб, малака оширишда ўқитувчи шахси ва касбий шаклланиши тезлашади. Бунинг оқибатида ўқитувчи доимий ўзининг касбий маҳоратини такомиллаштириб, шахс сифатида ўзини маънавий бойитади.

Хўш, узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малака ошириши ва қайта тайёрлаши қандай ўрин эгаллайди? Энг аввало улар ўртасидаги боғлиқлик уларнинг ягона тизим эканлиги, яъни педагоглар малака ошириши ва қайта тайёрлаш педагогик тизим сифатида, катта тизим-узлуксиз таълимнинг таркибий қисми эканлиги билан характерланади.

Тизимли ёндашув талабига кўра улар ўзаро таъсирда бўлади. Катта тизимдаги ўзгаришлар кичик тизимга таъсир қилади. Бундан ташқари педагог кадрлар малака ошириши ва қайта тайёрлаш тизими узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинлари учун тўлдирувчилик ва мослашувчанлик вазифасини бажаради. Малака ошириш тизимида янги шакллар ва воситалар пайдо бўлиб, унинг таркибий қисмларининг интеграциялашуви кучаяди. Тизимнинг имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш мақсадида унинг илмий-амалий масалаларини тадқиқ қилишга эътибор ошиб боради. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда янги имкониятлар ва манбалар, воситалар пайдо бўлади. Масалан: ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳалари ривожига компьютерга асосланган ахборот ва информацион технологияларнинг кенг кириб келиши оқибатида касб-хунар ўрганиш, малака ошириш имкониятлари кенгайиб боради. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда интернет, масофадан туриб таълим олиш ва малака ошириш, маънавий ва касбий қизиқишларини қондириш имконияти ошиб боради. Булар воситасида нафақат фан-техника, касбга доир янгиликларни билиб олиш, балки қайта тайёрлаш ва малака ошириш муддатлари, уларга сарфланадиган куч ва маблағ тежалиши мумкин.

Демак узлуксиз таълим тизимида ўқитувчининг педагогик, касбий маҳоратини оширишга илмий-услубий жиҳатдан ёндашиш; ўқитувчининг педагогик, касбий фаолиятини дарс жараёнида илмий тадқиқот объекти сифатида ҳисобга олиш; ўқитувчининг касбий ва педагогик сифатларини малака ошириш ва қайта тайёрлашда меъёр даражасида ишлаб чиқиш илмий ишмизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Шундай қилиб, мавжуд узлуксиз таълим тизимида кадрларнинг малака ошириши ва қайта тайёрлаш шахснинг моддий ва маънавий, касбий ва шахсий эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида интеграциялашувга, яъни узлуксизликни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ОПТИМАЛ ТАНЛАШ – УНИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Раджабова С.Ф.

Бухоро давлат университети

Ҳозирги вақтда малака ошириш курсларидаги таълим мазмунини ҳамда ўқитувчининг малака ошириш умумтаълим ва махсус фан ўқитувчиларининг курслардаги малака ошириш мазмунини белгилайдиган ўқув режалари, ўқув дастурлари ва меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Бироқ бу борада яна бир қанча ишларни амалга ошириш зарур. Шундан келиб чиқиб, биз умумтаълим фан ўқитувчилари малакасини бевосита курсларда ташкил қилиш мазмуни ва назарий асослари ҳамда босқичлари ҳақида фикр юритамиз.

Малака ошириш ташкилотчилари курс машғулотларини илмий-методик, ташкилий жиҳатдан яхши савияда бўлишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Энг аввало, таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатлар- ўқув режалари ва ўқув дастурларини шундай тузиш керакки, улар ўқитувчининг касбий ва шахсий эҳтиёжларини қондира олсин.

Ўқитувчи фаолиятини ўрганиш унинг кўп қиррали ва улкан вазифаларни бажаришга йўналганлигини кўрсатади. Чунончи, у фан ўқитувчиси, тарбиячи ва ўқувчилар билиш фаолиятининг ташкилотчисидир. Шунинг учун курс машғулотлари ўз мазмуни ва ташкил қилиниши билан ҳамда ўқув ахборотининг мазмуни билан ўқитувчининг ўзи бажарадиган долзарб ижтимоий- педагогик ишининг мазмунини ифодалаш ва уни амалга ошириши учун шароит яратиши керак. Бунинг учун ўқиш жараёнида малака ошириш муассасаси педагоги қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- тингловчиларнинг ўз фаолиятига танқидий қараш ва уни ўзгартиришини англаши;
- аниқ бир илғор педагогик тажрибани ўрганиб уни умумлаштиришни ҳамда тингловчиларнинг фаолият субъекти сифатида тажрибаларни таҳлил қила олишга ўргатиши;
- тингловчиларда педагогик вазиятни таҳлил қила олиш кўникмаларини ўстириши;
- тингловчиларни ижодий ишлаш, таълим-тарбиянинг яқуний мақсадига фаолиятини йўналтира олишга ўргатиши;
- курсдан кейин ўзи устида мустақил ишлаш хоҳиш-истагини шакллантириш.

➤ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида замонавий ёндашувлар орқали амалга ошириш.

Ўқитувчилар фаолиятини монографик тарзда ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг асосий базада билим олишида амалий фаолиятга тайёрлашда баъзи камчиликлар мавжуд. Шуни бартараф қилиш, амалий фаолиятида тўплаган тажрибасини тартибга солиш, мустақил ишлашга малака ошириш курсларида ташкил этилган машғулотларнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Шунинг учун малака оширишнинг ҳозирги босқичида ўқув мазмунини мақсадга мувофиқ танлаш ва ўқув режа, дастурларини тўғри туза олиш ўта мураккаб вазифадир.

Буни амалга оширишда ўқитувчининг касбий фаолияти ва педагогик фаолиятининг таснифланиши, ундаги илмий-услубий мазмуннинг ўқитувчи онгида мужассамлашганлиги энг муҳим омилдир.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг дунёвий билимларни эгаллаши, жаҳон стандартларига мослашуви ана шу тушунчаларни, билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллашларига боғлиқ бўлади.

Малака ошириш жараёнида таълим мазмунини тўғри танлашнинг илмий-методик масалалари билан олимларимиз К. З. Зарипов, Ж. Ғ. Йулдошевлар шуғулланганлар. Шундан келиб чиқиб, биз курс машғулотларида таълим мазмунини танлаш ва шу асосда ўқув хужжатлари, ўқув режаси, дастурини тузишда қуйидаги уч омилга эътибор берилиши лозим деб ўйлаймиз:

- таълим тизимида ижтимоий ва умумпедагогик жиҳатдан ёндашиш;
- ўқитувчисининг таълим-тарбияни ташкил қилишда ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш;
- курс машғулотларининг узлуксиз таълим тизими сифатидаги хусусиятларини унутмаслик.

Биринчи гуруҳ талаблари таълим ислоҳоти хужжатларида, айниқса “Таълим тўғрисида”ги қонундан келиб чиқади.

Иккинчи гуруҳ омилар ўқитучининг фаолияти ва шахсини ўрганиш асосида эҳтиёж, талаб ва қийинчиликлар ҳамда таълим-тарбия, ва маълум бир касб - ҳунар ўргатишни муваффақиятли амалга оширишга эҳтиёжидан келиб чиқади.

Учинчи гуруҳ омилар эса узлуксиз таълим талаблари ҳамда тингловчиларнинг хоҳиш - истаклари асосида белгиланиши мумкин.

Таълим жараёнига замонавий информатсион-техник воситаларининг қўлланилиши ўқитиш методикасига, таълим мазмунига, таълимни бошқариш соҳаларига кескин таъсир қилиб, уларни ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда. Ўз навбатида билим олиш ва малака ошириш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Бунинг оқибатида интернет орқали фан соҳасида дунёда рўй бераётган янгиликларни билиб олиш, улардан ўз амалий фаолияти, маънавий эҳтиёжлари, таълим-тарбияда фойдаланиш имконияти туғилмоқда. Шу асосда

масофавий таълим олиш, малака ошириш мустақил билим олиш асосида касбий маҳоратни такомиллаштиришнинг қулай шакллари пайдо бўлмоқда.

Шундай қилиб, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш борасидаги талабларни ҳаётга тадбиқ этиш, энг аввало малака ошириш мазмунини, яъни ўқув жараёнини ташкил этишга доир меъёрий ҳужжатларни илмий-назарий ва методик ҳамда педагогик амалиёт эҳтиёжи асосида тузишни тақозо қилади.

Малака ошириш курсларининг сифатини оширишда ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил қилиш муҳимдир. Шу билан бирга тингловчиларни таълимга қизиқтиришда курс мазмунини педагоглар амалий фаолияти билан боғлаб, таълим-тарбия жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилишга йўналтириши катта аҳамиятга эга.

ПОЗИТИВНЫЕ СТОРОНЫ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ США ДЛЯ УЗБЕКСКИХ СПЕЦИАЛИСТОВ

Махамадалиева М.А., Ахунова Д.Х., Норматова Г.К.

Ташкентский государственный транспортный университет

В современных условиях изучение опыта развития высшего образования США представляет большой научный и практический интерес. Безусловно, нашего внимания заслуживают многие элементы американской высшей школы, но национальная образовательная реформа в Республике Узбекистан формирует свои положительные условия. Среди наиболее глобальных изменений национальная программа образования в Узбекистане планирует провести интеграцию науки и высшего образования с необходимыми государственными вложениями финансовых средств. Кроме того, планируется финансовая поддержка высшего образования и науки отраслевыми министерствами и ведомствами, а также частными фирмами. Это делается по аналогии с системой финансирования высшего образования США, где активность частного капитала одна из самых высоких [1].

Другим глобальным направлением реформирования высшего образования в Республике Узбекистан является создание условий для официального признания узбекских дипломов мировым сообществом. Актуальность проблемы чрезвычайно велика, поэтому узбекская высшая школа должна приложить максимум усилий для ее решения. Узбекистану необходимо подготовить все необходимые предпосылки по реформированию и модернизации высшего образования для вступления в ближайшем будущем в так называемый Болонский процесс, который формирует единое европейское пространство высшего образования. Поэтому изучение функционирования этих условий в других высших школах, в том числе и в высшей школе США, достаточно актуально [2,3]. Дипломы американской

высшей школы признаны во всем мире, а система высшего образования США имеет много общего с европейской системой [4]. Среди обязательных условий вступления в Болонский процесс для Узбекистана названы: трехуровневая система высшего образования, система зачетных единиц (академических кредитов) и академическая мобильность студентов. Среди рекомендуемых условий названы: социальная поддержка малообеспеченных студентов, избирательные учебные программы, а также дистанционное обучение.

Специалистам Узбекистана следует обратить внимание на следующие позитивные стороны американской высшей школы:

- исследовательские университеты как единые научно-образовательные комплексы, являющие ядром системы;
- учебный процесс, соответствующий последним требованиям НТП и информационного общества, особенно его техническую оснащенность и широкое использование дистанционного образования; федеральную систему финансовой помощи студентам из малообеспеченных семей, особенно систему кредитования;
- связь высшего образования с рынком труда, особенно на местном уровне.

Но специалистам также следует обратить внимание и на следующие негативные стороны американской высшей школы с целью недопущения их формирования в условиях Республики Узбекистан:

- неоднородность системы вузов с резкими различиями в качестве предлагаемого образования;
- значительное сокращение теоретического объема курсов с целью расширения его информационной части, а также сокращение фундаментальных дисциплин с целью расширения количества и объемов специальных предметов; сокращение выпуска определенных категорий специалистов, необходимых для эффективного функционирования не только экономики, но и общества в целом;
- постоянный значительный рост стоимости высшего образования опережающий рост доходов населения;
- превращение сферы высшего образования в сферу рыночной экономики, связанное с дальнейшим развитием рынка.

Безусловно, узбекская и американская системы имеют глубокие национальные различия, но вместе с тем их объединяет не менее важный момент - рыночная экономика.

Американская высшая школа считается сегодня лучшей в мире, поэтому узбекская сфера образования может извлечь максимум полезного из полученного ею опыта, при этом ни в коем случае не стремясь к американизации нашего высшего образования, а, напротив, учитывая и сохраняя особенности уже сформированной узбекской системы.

Список литературы:

1. Беспалова О.И. Особенности и основные тенденции развития высшей школы США. // Известия ВГПУ. 2014, № 3. С.96-99.
2. Каверина Э.Ю. Тенденции развития высшего образования США: дис. – М., 2007.
3. Алтайцев А.М. Аналитический обзор № 9. Смена приоритетов в развитии высшего и университетского образования в системах образования стран мира. Смена приоритетов образовательной политики в некоторых странах с переходной экономикой (1990-2004 гг.). Двухступенчатая модель и кредитная система в высшем образовании США и Западной Европы: опыт для постсоветских стран. – 2004.
4. Bok D., Universities in the marketplace: the commercialization of higher education, N.J., Oxford: Princeton university press., 2003, 256 p.

ПРИМЕНЕНИЕ МЕДИАОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАГИСТРАНТОВ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКОВ НА БАЗЕ ТГТРУ

Раджибаев Д.О., Махмасалаев Т.М.

Ташкентский государственный транспортный университет

Современное медиаобразование - важный фактор, предопределяющий процесс взаимодействия человека с миром медиакультуры. Это приводит к актуализации интереса современных исследователей к проблемам медиапедагогики, к процессу установления социокультурных связей между человеком и медиакультурными процессами современности. В связи с этим проблема развития медиакомпетентности современных студентов в современной информационной среде становится все более актуальной [1]. Рекомендации ЮНЕСКО, принятые в Париже (2007 г.), имеют отношение к национальной средней школе. Эти рекомендации помогут реализовать четыре ключевых положения Грюнвальдской декларации:

- 1) разработать комплексные программы медиаобразования на всех уровнях образования;
- 2) подготовка преподавателей в области медиаобразования и повышение медиаграмотности всех заинтересованных сторон;
- 3) проведение исследований в области медиаобразования и распространение его результатов посредством интернет-вещания;
- 4) международное сотрудничество в области медиаобразования.

Образовательные медиаобразовательные курсы включают разработку теоретического материала по теме медиаобразования, а также активное использование различных творческих заданий на медиа-материале для выполнения практических упражнений. В результате прохождения курсов медиаобразования будущие магистры не только приобретают необходимые теоретические знания, но и учатся использовать эти знания в процессе профессиональной практики [2].

Особое значение медиапроектированию уделяется в медиаобразовании будущих магистрантов. Проектирование в области медиакультуры позволяет студентам создать модель будущей профессиональной деятельности, которая будет отвечать актуальным проблемам современного информационного общества.

Работа над реализацией проекта включает несколько этапов:

- 1) подготовительно-организационная, в том числе выбор и обоснование проекта, анализ будущей работы, выбор организационных форм, методов и средств обучения проектной деятельности;
- 2) информация, включая анализ проблемы, постановку проблемы, уточнение информации и синтез идей;
- 3) планирование и прогнозирование, включая мозговой штурм, обсуждение альтернатив и выбор оптимального варианта работы;
- 4) технологические и исполнительные, в том числе проектирование, разработку конструкторско-технологической документации;
- 5) контрольно-оценочный, предполагающий самооценку и оценку результата проектной деятельности, выяснение причин удач и неудач;
- 6) итоговый - выводы, защита проекта и коллективный анализ деятельности [3].

В целом, среди наиболее важных перспектив дальнейшего развития медиаобразования, в контексте подготовки будущих магистров, можно выделить следующие: научно-исследовательские работы по темам медиаобразования (включая теоретические, методологические и практические аспекты); совершенствование учебно-методического обеспечения медиаобразования в университете (учебно-методические пособия, подготовка рекомендаций, совершенствование учебно-методических комплексов); расширение поля практико-ориентированного медиаобразования в учреждениях и организациях социально-культурной и общественной сфер и др.

Список литературы:

1. Чельшева И.В. Медиаобразование в профессиональном обучении магистрантов по направлениям подготовки «организация работы с молодёжью» и «социально-культурная деятельность» // Crede Experto: транспорт, общество, образование, язык. – 2016. – №. 1.
2. Федоров А. В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогических вузов. М.: МОО «Информация для всех», 2007. 615 с.
3. Зольников А.П. Психологические особенности саморегуляции учебно-профессиональной деятельности обучаемых // Научное наследие Алексея Николаевича Леонтьева и развитие современной психологии: материалы Всерос. науч.-практ. конф., Челябинск, 14 февр. 2003 г. / сост. В. К. Шишмаренков. Челябинск: Околица, 2003. С. 55-59.

МЕХАНИЗМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ, ПРОЕКТИРОВАНИЯ И МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

Мавлянов А., Ачилов Г., Зарипов Э.

*Филиал Астраханского государственного технического университета в
Ташкентской области*

Реформы в системе переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров сегодня направлены на всестороннее развитие педагогов, формирование у них образовательных компетенций. Сам педагогический опыт наглядно показывает, что такая цель не может быть достигнута без современной организации, проектирования и моделирования этого процесса. Потому что теперь только человек, сформированный в результате учебного процесса, ориентированного на проектирование и моделирование, может внести достойный вклад в подготовку почвы для государства и его будущего.

Многие педагоги сегодня имеют ряд недостатков в своей профессиональной подготовке, в том числе отсутствие современных знаний, навыков и умений.

В целях организации процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров в соответствии с целью и устранения указанных недостатков необходимо: развитие позитивного взаимодействия между слушателями и педагогами; достижение эффективного обучения за счет сочетания современных педагогических и информационных технологий в обучении; развитие самостоятельной деятельности педагогов; необходимо разработать и внедрить научно-методические основы инновационного подхода к обучению с учетом интересов, потребностей и способностей слушателей.

Эффективное выполнение этих задач зависит от профессиональных и педагогических навыков педагога. Поэтому сегодня в образовательных учреждениях должны работать педагоги, отвечающие научным и методическим требованиям, способные выполнять перспективные задачи, обладающие творческой и социальной активностью, способностью самостоятельно ставить цели в общественно-политической жизни.

Основная проблема заключается в совершенствовании механизмов проектирования и моделирования этого процесса, определении методологической основы использования педагогических технологий и совершенствовании содержания, методов, средств и форм этого процесса с учетом основных направлений и принципов процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

Поэтому сегодня актуальны следующие задачи:

- повышать эффективность на основе современных подходов процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров и в связи с этим совершенствовать механизмы организации, проектирования и моделирования этого процесса;

- разработка рекомендаций, которые позволят усовершенствовать механизмы проектирования и моделирования процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров;

- научно-методическое обоснование способов достижения эффективности за счет совершенствования механизмов организации, проектирования и моделирования процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров, создания педагогических условий, разработки и реализации его содержания, средств, методов и форм как методологической системы;

- выявить причины достижений и недостатков в совершенствовании организации, проектирования и моделирования механизмов процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров, определить задачи на текущем этапе и на перспективу.

Безусловно, дальнейшая реализация этих и подобных задач требует разработки содержательно-методической системы совершенствования современной организации, проектирования и моделирования процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров, а также научно-методического обоснования способов достижения эффективности в этой области служит для улучшения научных и методологических основ использования информационных технологий.

Сегодня модернизация процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров требует реализации следующих задач по совершенствованию механизмов проектирования и моделирования:

- анализ современного состояния механизмов совершенствования современной организации, проектирования и моделирования процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров;

- совершенствование составляющих процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров, разработка и внедрение эффективных форм и методов его организации;

- совершенствование механизмов проектирования и моделирования и организации процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров с использованием современных педагогических и информационных технологий;

- совершенствование дидактического и информационного обеспечения этого процесса;

- кардинально повысить квалификацию педагогов и повысить их профессиональный престиж, создать конкурентную среду в их работе и т. д.

Выявленные в этой связи современные подходы, обогащение курса педагогической теории разработанными рекомендациями, совершенствование

учебных планов, создание программ и учебников нового поколения, реструктуризация процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров, обогащение профессиональных и педагогических знаний, можно использовать при обучении и переподготовке. Это, безусловно, повысит эффективность процесса переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров в будущем.

ТошДТУ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Хромова Г.А., Таджиева Ш.Г.

Тошкент давлат транспорт университети

2018-йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” бўлгани барча соҳаларда инновацион технологияларни қўлланилишига олиб келди. Хусусан, таълим соҳасида энг замонавий технологиялардан фойдаланилиши таълим сифатини яхшилашга, олий таълим муассасаларида талабаларнинг лаборатория ишларини бажаришлари учун керакли ускуналарнинг ўрнатилиши ўқитувчилар педагогик фаолиятида назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда фанларни ўргатишига имконият берди.

Педагогика жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. “Инновацион фаолият – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолиятдир”, - деб таъкидлайди В.И.Слободчиков [1]. Инновацион фаолият бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга қаратилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими, у маълум доирадаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдир, яъни таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув асосида унинг такомиллашишига ва самарадорлигига эришишдир.

Инновацион таълим:

- таълим-тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиш;
- юқори самарадорликни қўлга киритиш;
- ижодкорликка йўналтириш ҳамда таълим технологияларини янги босқичга кўтариш;
- таълим-тарбияга янгича ёндашувни таъминлайди.

Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи

инновацион фаолиятининг хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб

бориш.

М.Жуманиёзованинг фикрича, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосига мурожаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бориши натижасида вужудга келди. Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларни ҳам қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг тузилишини ўрганиб чиққан олимлардан бири В.А.Сластенин уни қуйидагича тузилишга эга деб кўрсатиб ўтади: “Инновацион фаолиятнинг тузилиши – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг даражалари: репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин” [2].

Инновацион фаолият янги ғояни излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимига йўналтирилганлиги сабабли ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қилади.

Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилишини таҳлил қилишга турли хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.Никольскаянинг фикрича, фаолиятни янгилаш уч босқичда, яъни тайёргарлик, режалаштириш ва жорий этиш босқичларида амалга оширилади.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор тўсиқлар мавжуд. Буларнинг биринчиси ўқитувчининг ўзи кўниккан фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши ҳамда қийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарли эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиш ва хавфсирашни келтириб чиқаришидадир.

А.М.Хон ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантиришда учрайдиган психологик тўсиқларнинг икки турини ажратади: когнитив психологик тўсиқлар ва мунтазам пайдо бўладиган тўсиқлар. Когнитив психологик тўсиқлар янгилик ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги, янгиликни ҳис қилмаслик ва нофаол хатти-ҳаракатлар ҳисобланса, мунтазам

психологик тўсиқлар янгиликка нисбатан ишончсизлик, раҳбариятга ишонмаслик, ташаббускорларни қўллаб-қувватламаслик ва одатда янгиликни киритувчиларга қарши курашиш каби кўринишларда намоён бўлади.

Ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлиги қуйидагиларда кўринади [3]:

- бажарилиши лозим бўлган ишнинг мақсадини аниқлай олишида;
- ностандарт вазиятларни таҳлил этиб, тезкор хулосалар чиқара билишида;
- ўқув-тадқиқот жараёни билан боғлиқ масалаларни ечиш усуллари эгаллаганлигида;
- муаммоларни ҳал этишнинг мақбул восита ва усуллари излаб топиш, кузатиш ва тажриба натижаларини тизимлаштиришда;
- ўз устида мустақил ишлашни режалаштира олишида;
- ўз иши натижасини назорат ва таҳлил қила олишида;
- янги ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасининг мавжудлигида;
- янги ғояларни излаб топа олиши, педагогик масалаларни алгоритмлаштириш малакасига эгаллигида.

Инновацион салоҳият деганда, алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва кутилган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади. Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода – таълим муассасасининг инновацион салоҳияти, тор маънода – ўқитувчининг инновацион салоҳияти. Таълим муассасаси инновацион салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида педагог учун эса, бу – унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мавжудлигидир.

Инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар:

- профессор-ўқитувчиларнинг ижод қилиши учун эркинликнинг тақдим этилганлиги;
- новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;
- жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга қўйилганлиги;
- касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилганлиги;
- педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг тақдим этилиши;
- юқори даражадаги ахборот таъминотининг йўлга қўйилганлиги;

- ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;
- жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-қувватланиши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухина С.А., Соловьева А.А. Современные инновационные технологии обучения. -М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008. - 360 с.
2. Полат Е.С. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования. - М.: «Академия», 2007. - 368 с.
3. Зенкина С. В. Педагогические основы ориентации информационно-коммуникационной среды на новые образовательные ресурсы: автореф. дисс. ... д-ра. пед. наук: (13.00.02 - теория и методика обучения и воспитания). - М., 2007. - 48 с.

МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМДА: ТАРИХГА НАЗАР

Бўриев Э. А.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация: Ушбу мақолада мультимедиа технологияларинг пайдо бўлиш тарихи, мультимедиа технологияларининг маълум соҳаларга, шу жумладан таълим тизимига тадбиқи борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: медиа, гиперматн, гипермедиа, мультимедиа, видео, аудио, анимация.

Ахборот технологиялари ва компьютер техникасини ўзлаштириш билан тавсифланган замонавий жамият муваффақиятли ривожланиб бораётган таълимнинг ютуқлари билан боғлиқ. Бу соҳада ижтимоий, психологик, умумий маданий ва касбий ривожланиш учун шарт-шароитлар яратилганлигидан далолатдир.

Кўпгина олимлар, ахборот технологияларинг ривожланиши одамларга ахборот манбаларига кенг кириш имконини беради, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг ривожини юқори чўққиларга олиб чиқади деб хисоблайди.[1] Юқоридагиларни хисобга олган ҳолда замонавий жамиятни ахборотлаштириш жараёни, таълимга бўлган талаб ошишига олиб келади. Таълимни ахборотлаштириш, таълим соҳасини ўқитиш ва тарбиялашнинг ижтимоий, психологик ва педагогик мақсадларини амалга оширишга қаратилган ахборот технологияларидан оптимал фойдаланиш методологияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёни тушунилади.[2] Замонавий таълимни ахборотлаштириш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дарсларга таркиби мультимедиа технолгияларидан иборат бўлган ахборот технологияларини қўллашдан бошланган

"**Мультимедиа**" атамаси латин тилидан олинган бўлиб, multum - media - medium оралик, кўп ва media -марказ; воситалар, яъни унинг бир нечта

турларини (матн, расм, анимация ва бошқаларни) ўз ичига олган электрон ахборот воситасидир.[3]

"Мультимедиа технологияси" атамасининг умумий маъноси қуйидагилардан иборат: – бу ҳаракатсиз тасвирлар, видео тасвирлар, анимация, матн ва овозли қатор билан ишлашни таъминлайдиган интерактив технологиялар.[4] Таълим соҳасига нисбатан С. Г. Григорев ва В. В. Гриншкун "мультимедиа" атамасининг қуйидаги таърифини беради: "Мультимедиа-фойдаланувчиларга (ўқувчи, тингловчи ва томошабин) энг самарали таъсир кўрсатиш мақсадида турли дастурий ва техник воситалардан фойдаланадиган ахборот технологиялари спектридир".[5]

Мультимедиа технологияларининг чизиқли ва чизиқли бўлмаган турлари мавжуд. Ахборотни тақдим этишнинг *чизиқли* усулига кино мисол бўлиши мумкин. Уни кўриб чиқадиган шахс унинг мазмунига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Ахборотни тақдим этишнинг *чизиқли бўлмаган* усули, мультимедиа маълумотларини кўрсатиш воситаси билан ўзаро алоқада бўлиб, ахборотни олишда иштирок этиш имконини беради. Ушбу жараёнда инсоннинг иштироки "интерактивлик"деб аталади. Инсон ва компьютернинг ўзаро таъсирининг бу усули компьютер ўйинлари тўлиқ намоён бўлади. [6]

Мультимедиа технологияларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши жараёни ахборот технологияларининг ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда ахборот технолгиялари ривожланишининг босқичлари аниқ белгиланган. [7] Тадқиқот давомида мультимедиа технологияларининг даврийлиги аниқланмаган, шунинг учун биз асосий воқеалар ва уларнинг шаклланиши ва эволюцияси соҳасидаги ютуқларнинг аҳамиятини эътироф этиш асосида мультимедиа технологияларини ривожлантириш босқичларини белгилаймиз:

Биринчи босқичда (1945 – 1960-ларнинг бошланиши;) мультимедиа технологиялари пайдо бўла бошлайди. Унинг ғоявий асоси сифатида 1945 йилда Америкалик олим Ваннивер Буш томонидан таклиф этилган "Мемех" хотирасини ташкил этиш концепцияси ҳисобланади. Ушбу хотира маълумотни формал жихатларига қараб эмас, балки унинг семантик мазмунига мувофиқ маълумотни қидирган. Ушбу ғоя, гипермедиа ва мультимедиа тизимларини яратиш учун асос бўлган, *гиперматн* кўринишида ўз ривожини топди.[8]

Иккинчи босқичда (1960-х – 1975 бошланиши;) инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўплаб соҳаларида, шу жумладан таълим тизимида ҳам қўлланиладиган, самарадорликни ошириш ва ўқитиш муддатини қисқартириш имконини берадиган мультимедиа дастурини яратиш жараёни боради.

Учинчи босқичда (1975 – 1990-ларнинг бошланиши;) ўз ичига матн, графикалар, рақамлаштирилган нутқ, овоз ёзиш, фотосуратлар, анимация, видеоклиплар ва бошқаларни олган мультимедиа технологияларининг тарқалиши кузатилади.[9] Бир томондан, шахсий компьютерларнинг жадал ўсиб бориши ва имкониятларини кенгайтиши ҳамда объектга йўналтирилган

дастурлаш ғояларини ривожланиши, бошқа томондан, мультимедияни техник жиҳатдан амалга ошириш учун идеал муҳит яратилади.

Замонавий тўртинчи босқичда (XX-XXI асрнинг бошлари) мультимедиа технологияларинг янада ривожланиши кузатилади. Мультимедиа (асосан гипермедиа) иловалар, ўқувчиларнинг сўровларига тармоқлашган ва мослашган ўқув материалларини етказиб беришнинг самарали воситаси бўлиб, таълим жараёнини бошқаришда кенг қўлланилган. Бундан ташқари иловалар зарур кўникмаларга эга бўлиш ва ахборотни ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш ва боҳолаш имкониятлари билан таъминланган.[10]

Шундай қилиб, шуни таъкидлаш керакки мультимедиа технология инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб келди: илм-фан, ишлаб чиқариш, бошқарув, таълим, маданият ва бошқалар. Мультимедиа технологияларининг яратилиши дастлаб таълимга йўналтирилмаганига қарамасдан, унга юқори таъсир кўрсатди.

Таълим соҳасида мультимедиа технологиялари кенг қўлланилди: тарих, (рус тарихчилари ҳақида бир қатор энциклопедиялар: Карамзин, Соловьёв, Ключевский, уларнинг асарларидан парчалар, "Россия ва унинг қўшнилари тарихи"энциклопедияси [11]) музейлар, шаҳарлар бўйича мультимедиа энциклопедиялари яратилди. Янги ўқув методларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш имконини берувчи мультимедиа дарсликлари ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воронина Т. П. Информационное общество: Сущность, черты, проблемы Издательство «Издательский отдел ЦАГИ», заказ 78а, Москва, 1995; Масуда Ё. Информационное общество. Вашингтон, 1981, пер. с англ.; Тоффлер А. Третья волна / А. Тоффлер. – М.: Изд-во АСТ, 1999. – 776 с.
2. Долинер Л.И. Информационные и телекоммуникационные технологии в обучении: психолого-педагогические и методические аспекты. - Екатеринбург : Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2003. - 344 с.
3. Большой энциклопедический словарь. 2-е изд. перераб. и доп. М.-СПб. 1998. - 1456 с. / <http://dic.academic.ru>
4. Троян Г.М. Универсальные информационные и телекоммуникационные технологии в дистанционном образовании / Учебное пособие для системы повышения квалификации и профессиональной переподготовки специалистов. – М., 2002. –153с.
5. Григорьев С.Г., Гриншкун В.В. Мультимедиа в образовании / <http://www.ido.edu.ru/open/multimedia/index.html>
6. Мультимедиа — Википедия / <http://ru.wikipedia.org/wiki/Мультимедиа>
7. Информационные технологии в научной деятельности / Составители Богатырева Ю.И., Косарев П.А. 2005
8. Коул Б. Гипертекст решает проблему информационного обслуживания // Электроника, 1990, N 4, с.38-42.
9. Электронный учебник по дисциплине «Использование информационных технологий в социальной сфере» / Автор-составитель Соломатова В.В. - Тула, ТГПУ им. Л.Н. Толстого, 2005 / <http://www.tspu.tula.ru/res/informat/Uchebnik/index.htm>
10. Балыкина Е.Н., Комличенко В.Н., Сидорцов В.Н. Мультимедиа системы. Попытка сравнительной характеристики // Круг идей: модели и технологии исторической информатики. Материалы III международной конференции АИК / Ред. Бородин Л.И. и Тяжельникова В.С. М., 1996. 345 с.
11. История России и ее соседей, «Аванта», 1999 г.

THE USE OF ONLINE TESTING FOR MONITORING QUALITY ASSURANCE IN QUALIFICATION UPGRADING AND PROFESSIONAL DEVELOPMENT

Taktasheva D. R.

*Branch of the Russian State University of oil and gas (NRU)
named after I.M. Gubkin in Tashkent*

Currently one of the essential objectives of the society informatization is the use of innovative technologies in education. The process of informatization and computerization of all spheres of human activity creates preconditions for widespread introduction of information and communication technologies into pedagogical practice.

Within the framework of the formation and development of a single educational space, information support, efficient use of information and communication technologies in all types of educational activities are of particular significance. It should be noted that effective management of the industry is possible only if there is created a unified national information and educational environment, educational institutions are equipped with electronic teaching aids and telecommunications means of access to information and educational resources. This refers not just to the academic process of students at higher educational institutions, but to the process of retraining, qualification upgrading and professional development of the teaching staff.

The most important area in the development of a unified educational information space in higher educational institutions in terms of qualification upgrading and professional development of the teaching staff implies the use of information and telecommunication technologies in the educational process, including creation and implementation of modern electronic means of information technology support and development of the educational process along with traditional methods and teaching aids in the educational process, as well as educating the personnel able to effectively use the most advanced information technologies in their professional performance.

Moreover, it should be noted, that the beginning of the XXI century is distinguished by the active growth of scientific knowledge and, as a consequence, rapid development of various industries. The processes of globalization, which makes an impact on all spheres of human activity, results in the integration of the world economy and international cooperation in many areas of industry, science, culture. The list of information and communication innovations that are used in e-learning is constantly updated with new services, both stand-alone and built-in into modern e-learning environments and education management systems.

It seems fair to say that these areas of innovation have made a significant impact on the modernization and rethinking of various aspects of current education, enhanced the creative activity of instructors enabling them to use with new tools for

teaching and managing the educational process, as well as the process of retraining, qualification upgrading and professional development of future teachers.

The problem of choosing an assessment technique of knowledge digestion is of those involved in the retraining and professional development process, essential and significant when executing the standard of an educational program. In this regard, currently the question of how to more accurately and more fairly determine this quality is considered to be relevant. In this regard, the system of knowledge assessment, in particular, testing system deserves a particular consideration.

Testing is the process of determining the quality of students' knowledge through test materials. Computer testing represents an essential form of testing, which, on the one hand, can minimize the amount of printed forms used during testing, and, on the other hand, bring an innovative component to the activities of an educational institution. Computer tests are done either offline with a connection to the internal network of an educational institution, or online with an Internet connection. Internet - testing is one of the most important forms of quality control of used in the system of retraining teaching staff, which makes it possible to fairly reliably estimate the volume of learned educational and scientific information. Internet tests are the system of tasks specially arranged and aimed not only at determining the level of formation of knowledge, skills and abilities of students, but also at identifying a range of topics that cause difficulties, at determining deep causes of errors, both real ones made in the testing process and potential ones that can be committed by students in the future, in the changed conditions of control.

The online testing system is a universal tool for determining the quality of preparation of those involved in retraining, at all levels of the educational process, which, in addition to its undeniable advantages, has its drawbacks as well. So advantages of the online testing system are opportunity to carry out distant testing (the ability to carry out testing in real time at any place where there is Internet access), instant processing of results and obtaining complete reporting, access to the results of only authorized persons, saving testing reports as file data, testing can be carried out at any time and in any order, as well as possibility to cover several topics of a specific issue. However, there are several disadvantages such as it is a rather laborious compilation of the tests themselves and impossibility to control creative knowledge and skills.

In conclusion, it should be noted that online testing is a significant step towards the development of a methodology for monitoring the assimilation of educational material by those who undergo qualification upgrading and professional development. The introduction of testing enables smooth transition from subjective and largely intuitive assessments to objective, substantiated methods of assessing learning outcomes.

ГЕРМАНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: “ДУАЛ” ТАЪЛИМИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Авезова Г.С.

*Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни тайёрлаш,
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази*

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, жумладан таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунда дуал таълимга оид қоидалар белгиланиб, у таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Дуал таълим тизимини республикамизга жорий этишда ривожланган мамлакатлар, хусусан Германия таълим тизимини чуқур ўрганиш лозимдир.

Германияда касб-хунар таълими дуал тизимга асосан ташкил этилган. “Дуал” тушунчаси иккилик деган маънони билдиради ва унинг асосий элементида бири корхона бўлса, иккинчиси касб-хунар мактаби ҳисобланади. Корхона ва касб-хунар мактаби ҳамкорликда касб-хунар таълими жараёнини таъминлайди. Корхона ва касб-хунар мактаби ўрнашган жойи ва ишлаш вақти турли хил бўлсада, бир-бири билан ҳамкорлик қилади. Дуал тизим, ҳатто ўзини оқлаган бўлса ҳам, уни камдан кам мамлакатларда учратиш мумкин. У касб-хунар таълимининг бир неча ўқитиш жойлари (касб-хунар мактаби ва касб-хунар таълими берувчи корхоналар)га бўлинганлиги билан характерланади ва баъзида корхоналараро ўқув марказига юборилади. Касб-хунар мактаби махсус назарий ва умумий таълимни беради. Улар аниқ бирор бир касбга боғлиқ фанларни, умумий касбий фанларни ёки сиёсий ва умумтаълим фанларни ўқитади. Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгашида тасдиқланган намунавий ўқув режага асосланган ҳолда ҳар бир касб-хунар мактаби ўзининг ўқув режасини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш корхонасида, яъни иш жойидаги таълим амалий касб-хунар таълимини беради. «Касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом»да белгилаб берилгандек, корхона ўз вақтини режалаштиришни, ўқитиш жойини ва ўқитиш методини эркин танлайди. Корхоналараро ва корхона ичидаги ўқув марказда қисман таълим курслари ўтказилади.

Одатда корхона ва касб-хунар мактабининг вазифалари қуйидагича тақсимланган: корхона амалий кўникмаларни ўргатишга, касб-хунар мактаби эса назарий билимларни беришга масъул. Реал ҳаётда корхона назарий машғулотларни ҳам ўтказиши, касб-хунар мактабида эса назарий машғулотларга қўшимча равишда амалий машғулотлар ҳам ўтказилади.

Бундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, дуал тизимида бир-бирини такрорлаш ўрнига, бир-бирини тўлдириб бориш жуда муҳимдир.

Корхона ва касб-хунар мактаби ўртасидаги ҳамкорликдан бир мисол келтирсак. Корхонанинг устахонасида ўқувчи «Форд» ва «Фольксваген» автомобиль моделлари асосий қисмларининг тузилиши ва вазифасини ўрганади. Касб-хунар мактабида ўқувчи автомобилнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш бўйича назарий билимларни ўрганади ва бўлажак меҳнат фаолиятида бошқа фирма автомобиллари моделларининг эҳтиёт қисмларини ҳам алмаштира олиши керак.

Ўқувчи назарий машғулотларда нимани ўрганса, шуни амалий машғулотларда қўллай олиши лозим. Ўқувчи автомобил асосий қисмларини кўриши етарли эмас, балки уни ўрната олишни ҳам билиши керак. Бундан ташқари ўқувчи ўрганган билим ва кўникмаларини шунга ўхшаш вазифа ва машқларда ҳам қўллай олиши лозим.

“Дуал тизими” асосан қуйидаги жойларда: корхонада; давлат ташкилотларида, шунингдек давлат бошқармаларида ва идораларида; эркин касблар бўйича муассасаларда (мисол учун: шифохоналарда, адвокатлар идорасида, архитектура бўлимларида); таълим муассасаларида ва махсус мактабларда, шунингдек, ишлаб чиқариш таълим усталарини тайёрлаш мактабларида, ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларида ўтказилади.

Германияда касб-хунар таълим тизими асосан ўқувчиларнинг корхонадаги касбий фаолияти билан бошланади. Германияда давлат томонидан тан олинган 350 та касблар бўйича корхоналарда ўқувчиларга касб-хунар таълими берилади.

Германия таълими ўзига хос йўналишга жуда мураккаб тизимга эга бўлиб, уни ўрганиш ва ижобий хусусиятларини Ўзбекистон таълим тизимига жорий этиш лозим. Бунинг учун:

– ўқув режадаги умумий фанлар сонини камайтириш, танлов фанлар ҳажмини ошириш, аудитория соатларини камайтириш ва мустақил таълим мазмунини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш;

• Германия касб-хунар таълимининг дуал тизимини тамойилларидан кенг жорий этиш – бунда кадрлар истеъмолчиларини бошланғич курслардан бошлаб фанлар мазмунига ва ўқиш жараёнига кенг жалб қилиш, фан дастурларини мазмунини такомиллаштириш;

• мавжуд дастурлар, дарслик ва қўлланмалар мазмунида хорижий мамлакатлар таълимидан фойдаланишига эришиш, улар мазмунини такомиллаштириш;

• ўқувчиларга таълим беришда дуал тизимидан унумли фойдаланиш лозим.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДИДАКТИКА ВА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШИ

Қурбонова Ў.У.

Бухоро давлат университети

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларидан бошлаб узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини кескин ошириш, халқаро стандартлар даражасига мос рақобатбардош олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида ОТМ фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”²²устувор вазифа сифатида белгиланаётганлиги, билимни эгаллашнинг замонавий методикаларини ишлаб чиқиш, таълим олиш жараёнини такомиллаштиришда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабига айланмоқда. Барча соҳаларда олиб борилаётган янгиланиш, маънавий юксалишлар даврида ҳар томонлама етук, билимдон, ижодкор ёшларни тарбиялаш, бунда “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш”²³устувор йўналишлардан саналади. “Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақтоптириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, раобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босичга кўтариш масадида 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”²⁴сифатида номланиши, қисқа давр ичида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустакамлаш учун катта маблағ ажратилиши бунинг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда дидактика ҳамда ўқитиш методикалари соҳасидаги фикрларнинг ривожланиш ҳолатини илмий

²²2017 – 2021

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони 1-илоvasи.

²³Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 28 б.

²⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020

ўрганиш, уни бугунги кун талаби доирасида маълум бир тизимга солиш ва ривожланиш жараёнларини илмий таҳлил этиш асосий муаммолардан биридир. Педагогик кадрларнинг юксак профессионализми кўп жиҳатдан олий таълим муассасаларида шакллантирилган салоҳият, унинг таълимий эҳтиёжларини қондириш ва касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан «бутун таълим тизимимизни тубдан қайта кўриб чиқиш, профессионал билимларни эгаллаш учун имкониятларни кенгайтириш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашга йўналганликни кучайтириш»²⁵ зарурати юзага келди. Шунга кўра, олий таълим тизимини аниқ, илмий асосланган, алоҳида технологик лойиҳалардан тузиладиган, алгоритмик, маълум натижани кафолатлайдиган, қўйилган мақсадларга диагностик йўналтирилган таълимий жараёнлар билан такомиллаштиришни долзарб аҳамият касб этади. Шу муносабат билан «таълим тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш»²⁶ муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

Мустақиллик йилларида Республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, узлуксиз таълим тизими, жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими янада такомиллаштирилди, мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб ва коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш йўлида ўн бир йиллик таълим тизимига ўтилди, таълим мазмунини янгилаш ҳамда таълим жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Мазкур жараёнларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологиялари муҳитидан самарали фойдаланиб, миллий кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни баркамол ва етук этиб вояга етказиш ўқитувчи-педагогларнинг асосий вазифалари сирасига киради. Мазкур муаммо таҳлили юзасидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилган.

Жумладан, А.Абдукадиров²⁷, Н.Н.Азизходжаева²⁸, У.Ш.Бегимкулов²⁹ У.К.Толипов³⁰, Н.С.Сайидахметов, Э.Р.Юзликаева³¹ларнинг олий таълим муассасаларида таълимни интенсивлаштириш ва педагогик ҳамда ахборот

²⁵Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Йигирматомлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Т.5. – Б.329.

²⁶Кадрлартайёрлашмиллийдастури // Баркамолавлод – Ўзбекистонтаракқиётинингпойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.50.

²⁷Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180б.

²⁸Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство/ Учеб. пособие для магистров всех специальностей. – Ташкент: ТГПУ, 2003. – 193с.

²⁹Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим замонавий ахбороттехнологияларни жорий этишининг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Фан, 2007. –143 б.

³⁰Толипов У.К. Педагогические развития общетрудовых и профессиональных умений и навыков в системе высшего образования: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент, 2004. – 51 с.

³¹Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2012. – 42 с.

технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этишга доир тадқиқотлари амалга оширилган.

Р.Ахлиддинов, У.И.Иноят, Э.А.Сейтхалилов, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликаевалар³²нинг тадқиқотларида республикамизда таълим муассасаларини бошқариш моделларини яратиш ва жорий қилишнинг айрим қирралари таҳлил этилган.

М.Х.Махмудов³³ илмий-тадқиқот ишларида таълим жараёнини дидактик лойиҳалаштириш муаммоси тадқиқ этилган.

Р.Г.Исянов³⁴, Н.А.Муслимов³⁵, М.Б.Уразова³⁶, Ш.С.Шарипов³⁷ларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўқув жараёни ва бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоси тадқиқ қилинган

Бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий педагогик сифатларни шакллантиришнинг илмий-методик асосларини, мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаш каби муаммолар педагог олим Н.А.Муслимовтомонидан тадқиқ этилган.

М.Б.Уразованинг диссертация ишида педагогнинг касбий компетентлиги тузилмасида лойиҳалаштириш фаолиятининг янги билимни лойиҳа кўринишида индивидуал маҳсуллашга йўналтирадиган оригинал фикрлаш салоҳияти ривожланганлигини очиб берадиган рефлексия ва педагогнинг мустақиллигини тавсифловчи ижодий даражалари аниқланган ҳамда педагогик фанлар таълимида инновацион технологияларни қўллаш бўйича муаммоли-модулли ва мақсадли ёндашувлар самарадорлигини аниқлашга қаратилган ноанъанавий шакл – машғулот - концепт ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи олим У.Ш.Бегимкулов Олий таълим муассасаларида замонавий ахборот технологияларни қўллаш ва амалга татбиқ этиш масалалари бўйича таълим тизимига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиққан.

³²Қурбонов Ш.Е., Сейтхалилов Е.А., Иноят У.И., Юзликаева Е.Р., Шарипов Ш.С. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури: «Ислом Каримов модели» - Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси./ Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2013. – 234 б.

³³Махмудов М.Х. Таълим дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари : Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2004- 269 б.

³⁴Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Ташкент: ТГПУ, 2014. – 69 с.

³⁵Муслимов Н.А. Касб таълими уқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – 47 б.

³⁶Уразова М.Б.Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Пед.фан.докт. ... дисс. –Т., 2016. -260 б.

³⁷Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (На примере факультетов Труда и профессионального образования): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент: УзНИИПН, 2000 - 20 с

“Янгиликларни киритиш”ни яратиш, ўзлаштириш, баҳолаш ва қўллаш доим ижодий фаолият билан бирга қўйилганлиги учун “инновация” ва “ижод” тушунчаларининг нисбатини кўриб чиқиш зарурияти мавжуд. Бу масалани ҳал этишга ёндашувларбевоcитаШ.С.Шарипов тадқиқотларида тадқиқ этилган.

Зиямухаммедов Б., С.Зиямухаммедоваларнинг “Новая педагогическая технология” қўлланмасида, педагогнинг инновациялардан самарали фойдаланиши асосан педагогнинг касбий тайёргарлигига ҳамда унинг шахсий тажрибасига боғлиқ бўлади. Педагогда шахсий тайёргарликнинг етарли эмаслиги, янгиликлар ҳақида тасаввурларининг ва шахсий имкониятларининг торлиги ўқув муаммосини атрофлича англаб ета олмаслигида намоён бўлиши мумкинлиги, айтилади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган педагогик тадқиқотларда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий-тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш механизминини ишлаб чиқиш, илмий-педагогик кадрлар тайёргарлик даражаси билан боғлиқ вазифаларнинг айрим қирралари тадқиқ этилди.

ПРЕВРАЩЕНИЕ ЦЕЛЕЙ ОБУЧЕНИЯ В ТЕСТОВЫЕ ЗАДАНИЯ

Юсупова Ш. Б., Алламова Ш.Т.

Ургенчский филиал Ташкентского университета информационных технологии имени Мухаммада ал-Хоразмий

Под тестом (англ. test— проба, испытание, проверка) понимается ансамбль стандартизированных, стимулирующих определенную форму активности, часто ограниченных по времени выполнения заданий, результаты которых поддаются количественной (и качественной) оценке и позволяют установить индивидуально-психологические особенности личности [3, 113 ст.].

Помимо нормативных знаний, умений и навыков в содержание учебных дисциплин полезно включить представления - мыслимые образы предметов, которые в некоторых случаях могут быть ближе к действительности, чем ряд абстрактных понятий. Представления сейчас мало или почти не отражаются в учебных планах и программах. Между тем, в условиях быстро изменяющегося и обновляющегося образования прочное знание всего материала учебной дисциплины становится малореальным и трудным делом. Если признать, что

"остаточные знания" у многих редко превышают 15 % спустя год после сдачи экзамена, то возникает вопрос: - а знания ли это? И не лучше ли некоторые учебные материалы давать в виде представлений, часть которых может быть забыта, но затем, в нужный момент, легко и самостоятельно могут быть превращены в знания? Вспомним слова выдающегося немецкого педагога А. Дистервега: "Не следует прочно изучать то, что может быть легко забыто". Представления решают важную задачу ориентации в мире знаний, а это иной раз не менее важно, чем обладать теми или иными частными знаниями. Тем не менее, представления не заменяют знания, а дополняют их, в той мере, в какой требует хорошо организованный учебный процесс.

Чем полнее отображение учебной дисциплины в тесте, тем увереннее можно говорить о так называемой содержательной валидности тестовых результатов. Ориентировочный (далеко не полный в рассматриваемом случае) смысл английского слова "valid" означает "пригодность для поставленной цели". Тест не может быть пригодным для измерения знаний по любой учебной дисциплине, в любое время, у испытуемых с любым уровнем подготовленности. Таких тестов не бывает. Тест создается для определения уровня подготовленности учащихся и его результаты интерпретируются в зависимости от степени достижения поставленной цели. Именно поэтому результаты тестирования могут быть признаны валидными в различной степени, а то и вовсе невалидными [3,ст. 22].

Основная цель тестов: информировать учителя об уровне усвоения усвоенных уроков, а также об объеме уроков, которые необходимо изучить по очереди; был призван помочь учителю в выборе метода обучения.

Анализируя различные способы оценки знаний студентов, тесты были разделены на группы. Гл. Грин (1926) в своей монографии «Тест нового типа» (New type test) проанализировал преимущества и недостатки ранее созданных и используемых тестов и дал следующие рекомендации:

1. Четко определить объем материала, предназначенного для тестирования, и выделить наиболее важные части его состава;
2. Экспериментально определить наиболее подходящую форму тестирования этого материала;
3. Определение продолжительности теста с учетом практических данных о средней скорости ответа студентов во время тестирования;
4. Проверить правильность и логичность языка выражения идей в тесте;
5. Расставляйте задания в порядке возрастания сложности, избегая постоянного обмена правильными и неправильными ответами.

Массовое использование тестирования для объективной оценки достижений человечества создало тестовую индустрию и тестовый рынок в экономически развитых странах.

Рекомендуется начинать разработку тестового задания по теме с разработки ее плана. Сначала определяется общее количество тестовых заданий по предмету. Решение по этому поводу примет соответствующий

департамент. При этом учитывается общее количество часов, выделенных на изучение этого предмета, и требования к тесту. Для курсов с большим объемом аудиторных занятий рекомендуется выбирать больше тестовых заданий, чем количество часов этого предмета в учебной программе. Это позволяет вам задавать 1-2 вопроса по тесту за каждый учебный час занятия. Например, можно разработать 150-160 заданий на один вариант в 144-часовом курсе. Если количество часов изучения предмета невелико (например, 36 часов), при определении количества тестовых заданий работа выполняется на основе соображений, связанных с ее надежностью. Исходя из этого, надежность (точность измерения знаний) в 50 задачах будет около 0,7, количество задач должно быть 130, чтобы довести надежность до 0,9. Задания с достоверностью менее 0,7 считаются недействительными для итоговой оценки. Поэтому было решено, что количество тестовых заданий для окончательной оценки должно быть не менее 50.

Задание в тестовой форме – первое основное понятие педагогической теории измерений. Оно определяется как педагогическое средство, отвечающее требованиям:

- цель;
- краткость;
- технологичность;
- логическая форма высказывания;
- определенность места для ответов;
- одинаковость правил оценки ответов;
- правильность расположения элементов задания;
- одинаковость инструкции для всех испытуемых;
- адекватность инструкции форме и содержанию задания.

С помощью перечисленных требований – а это одновременно и признаки оценка качества заданий – появляется практическая возможность отличить задания в тестовой форме от остальных [2, ст.10].

В настоящее время, когда в нашей стране применяются образовательные стандарты, все учителя должны достичь единого учебного результата, отвечающего требованиям этого стандарта, то есть процесс обучения должен быть таким же повторяющимся, как и производственный процесс. Для этого, прежде всего, важно определить цели обучения. Сторонники педагогической технологии предполагают, что цели каждой сессии должны соответствовать количеству новых учебных единиц в ней и что они должны выражаться через внешнее наблюдение учеников. Желательно, чтобы количество таких учебных единиц составляло 6-7 за сеанс, поскольку было обнаружено, что больше новой информации не может быть полностью осмыслено и запомнено студентами.

В настоящее время в Ургенчском филиале ТУИТ имени Мухаммада аль-Харезми также широко используется практика компьютерного тестирования с использованием LMS-Learning Management System.

Тесты создаются в области науки с помощью профессоров естественных наук и размещаются на сайте филиала <https://moodle.ubtuit.uz/>.

Компьютерное тестирование - это позволяет в короткие сроки оценить знания большого количества студентов.

Компьютерные тесты хорошо воспринимаются студентами. Его преимущество в том, что результаты автоматически контролируются и реализуются без учета человеческого фактора.

Дидактические возможности бесплатной программной среды с открытым кодом Moodle [1] и успешное ее использование в ряде Узбекистанских вузов позволяют рекомендовать ее применение в высшем и среднем профессиональном образовании при внедрении интернет-технологий в учебный процесс. Наличие качественной встроенной тестовой системы дает возможность эффективно использовать среду отдельно для проведения дистанционного и очного тестирования.

Список литературы:

1. Аванесов В.С. Основы педагогической теории измерений // Педагогические Измерения, 1, 2004г. С. 17.
2. Аванесов В. С. Теория и методика педагогических измерений (материалы публикаций) //М.: ЦТ и МКО УГТУ-УПИ. – 2005.
3. Бурлачук Л. Ф. Психодиагностика: Учебник для вузов. — СПб.: Питер, 2006. — 351 с.
4. Юсупова Ш.Б., Аллаберганова М.Р. контроль знаний студентов с помощью программы Moodle // “XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истикболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни” мавзусидаги Республика 2-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 март 2019 йил. –Тошкент: Tadqiqot, 2019.-409 б.

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЯЗЫКОВОЙ ПОРТФЕЛЬ И МОДУЛЬ «НАВЫКИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЯ» В ПРОГРАММЕ ПОДГОТОВКИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Уразбаев Х.И.

Вестминстерский международный университет в Ташкенте

Abstract: The author considers general features of “Independent Study Skills” module delivered within Pre-Service English teacher training program, and suggests integrating the technology of language portfolio in expanding the module's capacity for developing autonomous learning, lifelong learning, and reflective thinking skills of would-be English teachers.

Key words: autonomous learning, English teachers, language portfolio.

Повышение качества подготовки учителей иностранных языков, разработка целенаправленного плана повышения их личностных и профессиональных качеств, и подготовка учителей, готовых продолжать свое профессиональное развитие в контексте быстро развивающегося общества, требуют внесения изменений в большинство существующих систем и

подходов. Внедрение передовых технологий в образование может стать одним из способов ускорения необходимых изменений.

Принятие ряда нормативных документов, направленных на реформирование системы преподавания и обучения иностранным языкам в Узбекистане, заложило основы для пересмотра подходов к обучению иностранным языкам на всех уровнях и этапах образовательного процесса. Этот процесс коснулся и системы подготовки учителей иностранных языков в стране. Реформы в сфере подготовки преподавателей иностранных языков повлекли за собой отказ от старомодных методов и подходов к преподаванию языков и переход к более коммуникативным и личностно-ориентированным подходам преподавания, которые в настоящий момент осуществляются посредством сравнительно новой программы преддипломной подготовки учителей иностранных языков, который известен нам как программа PRESETT (Pre-Service English Teacher Training Programme) [1].

Одним значительных вкладов программы PRESETT в переосмысление способа передачи знаний в высшем образовании является включение модулей, направленных на развитие у студентов навыков автономного обучения, рефлексивного мышления и самооценки. В этой связи «Навыки самостоятельного обучения», который включен учебный план 1 курса PRESETT, можно рассматривать как самым первым модулем во всей системе высшего образования Узбекистана, предназначенный для подготовки студентов к среде высшего образования и развитию навыков самостоятельного обучения. Проведенный нами анализ существующих учебных планов и программ курсов, читаемых в вузах Узбекистана, показывает, что не существует идентичного предмета или модуля, который готовил бы студентов к обучению в вузе и развивал бы их стратегии самостоятельного обучения.

В программе модуля «Навыки самостоятельного обучения» в качестве целей обучения указываются нижеследующие:

- информирование студентов о концепции самостоятельности учащихся и ее значении в высшем образовании;
- повышение самосознания студентов относительно их стилей обучения и предпочтений;
- повышение осведомленности студентов о важности рефлексии в обучении;
- помощь студентам в самооценке, постановке целей и планировании дальнейших действий по улучшению в соответствии с CEFR;
- помогать студентам адаптироваться к высшей образовательной среде, эффективно управляя своим временем и стрессом, учась справляться с заданиями и готовиться к экзаменам;
- помочь студентам понять навыки, необходимые не только для обучения, но и для будущей работы [2].

Оценочные характеристики модуля декларируют использование рефлексивных письменных заданий и рефлексий самооценки для облегчения самооценки студентов и навыков рефлексивного мышления, а также оценки их с помощью формирующих и суммирующих оценочных заданий.

Тем не менее, контактных часов, выделенных на модуль в течение первого семестра (34 часа) и самостоятельных учебных часов может быть недостаточно для развития автономного обучения студентов, и в помощи им в самооценке и совершенствовании навыков рефлексивного мышления. Для полноценного достижения предусмотренных целей модуля, необходимо внедрения новых педагогических технологии, которые могли бы расширить возможности усовершенствования вышеперечисленных навыков. В данном случае внедрения таких технологии как электронная версия Узбекской модели Европейского языкового портфель [5], [6], [7] послужило бы дополнительным дидактическим инструментом, способствующим усилению методического обеспечения модуля «Навыки самостоятельного изучения», поскольку он является основным модулем, охватывающим такие понятия, предусмотренные в философии языкового портфель, как автономное обучение, самооценка и рефлексивное мышление. Обзор соответствующей литературы по использованию электронного портфеля предполагает гибкость электронного портфеля с точки зрения развития навыков обучения, обратной связи, рефлексии, оценки, доступности, обслуживания, экономической эффективности и конфиденциальности. По словам Абрами и Барретта [3], электронный портфель позволяет студентам оттачивать свои технологические навыки. Студенты, работающие с электронными портфелями, наряду с развитием навыков самостоятельного обучения и самооценки, повышают свои навыки цифровой грамотности. Миллер и Паккард [8] считают электронные портфели отличным инструментом для развития критического мышления пользователей и навыков решения проблем. Простота доступа к электронным портфелям, встроенные в электронные портфели дополнения, такие как загрузка мультимедийных файлов в виде изображений, учебных артефактов и образцов прогресса обучения студентов, предлагают широкий спектр способов демонстрации обучения студентов, а также документирования их прогресса в обучении.

Учитывая важность рефлексивного мышления и учитывая, как электронный портфель может помочь студентам практиковать эти навыки, введение языкового портфель студентам программы PRESETT представляется необходимым. Она должна быть запланирована заранее и представлена во время самостоятельного изучения модуля. Данный модуль может послужить отправной точкой для студентов первого курса, чтобы начать использовать языковой портфель. Кроме того, поскольку лингвистический курс программы PRESETT служит мостом для перехода студентов на следующий уровень профессионального образования, важность совершенствования их стратегий изучения языка, осознание этих стратегий имеет решающее значение. Модуль

«Навыки самостоятельного обучения» как модуль, направленный на формирование переводных умений студентов и их автономных умений обучения, основан на концепции переходной педагогики. Сторонники переходной педагогики считают, что первый год обучения студентов в вузе – это поворотный момент, когда студенты готовятся к дальнейшему обучению в вузе и который позволяет им стать лучшими, самосознательными учениками, готовыми идти по избранному ими пути [3, 6]. Кроме того, переходная педагогика делает упор на успешную интеграцию студентов в учебную среду высшего учебного заведения, формируя их с точки зрения вовлеченности в образовательный процесс, приспособляя и расширяя их способности к обучению, оснащая необходимыми навыками, необходимыми в контексте, где автономия играет центральную роль.

Навыки самостоятельного обучения частично, если не полностью, совпадают с принципами, изложенными в подходе переходной педагогики, поскольку он “способствует переходу студентов от их предыдущего образовательного опыта к характеру обучения в высшем учебном заведении и обучению по их дисциплине как части их непрерывного обучения” [4, 12].

Цели обучения навыкам самостоятельного обучения предполагают предоставление учащимся возможности развивать навыки автономного обучения. Студентов в модуле «Навыки самостоятельного изучения» учатся определять свои стили обучения, которые основаны на выявлении собственных стратегий обучения. Эта цель модуля, может быть, реализована через педагогические функции электронного языкового портфеля, так как общая компоновка модуля соответствует основным педагогическим функциям данного средства обучения.

Список литературы:

1. Иргашева С. Ўзбекистонда инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга бўлган ёндашув: ютуқ ва камчиликлар. Ўзбекистонда хорижий тиллар онлайн методик журнали, № 4 (18) / 2017.
2. Носиров А. ва б. Мустақил таълим кўникмалари. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти бакалавриат таълим йиғналиши фан дастури. Т.: ЎзДЖТУ, 2017. Б.4.
3. Abrami P., Barrett H. Directions for research and development on electronic portfolios //Canadian Journal of Learning and Technology/La revue canadienne de l'apprentissage et de la technologie. – 2005. – Т. 31. – №. 3.
4. Nelson K. J. et al. Transition pedagogy handbook: A good practice guide for policy and practice in the first-year experience at QUT. – 2014.
5. Urazbaev Kh. Uzbek Model of European Language Portfolio. Т., 2019. <https://ipcenter.uz/web/uploads/1571996649.8922copyright.jpg>
6. Urazbaev Kh. Uzbek Model of European Language Portfolio. Electronic Version 1.0.0. Google Play <https://play.google.com/store/apps/details?id=com.jafar.portfolia>
7. Urazbaev K. Investigating the Acceptance of Mobile E-Portfolio as an E-Learning Tool by Pre-Service Teacher Education Program Students //EurasianUnionScientists. – 2020. – Т. 1. – №. 11 (80). – С. 8-14.
8. Wall K. et al. Developing digital portfolios: Investigating how digital portfolios can facilitate pupil talk about learning //Technology, Pedagogy and Education. – 2006. – Т. 15. – №. 3. – С. 261-273.

ВВЕДЕНИЕ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ПРОГРАММУ РЕЗИДЕНТОВ МАГИСТРАТУРЫ ВО 2-КЛИНИКЕ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА

**Шамсиев Ж.А., Махмудов З.М.,
Данияров Э.С., Исаков А.М.**

Самаркандский государственный медицинский институт

Некоторые клиницисты считают, что медицинское образование должно быть консервативным, ссылаясь на то, что традиционное медицинское образование, формирующее практические навыки и умения при работе с пациентом, вполне обеспечивает функционирование системы здравоохранения. Поэтому введение в процесс медицинского образования «искусственного пациента», т.е. симуляционного обучения, является, по их мнению, не более чем данью моде, обладает низкой эффективностью обучения, неспособно развивать клиническое мышление будущего врача. В этих условиях важным средством обучения врачей всех специальностей является развитие симуляционного обучения. Симуляционное обучение и обучение «у постели пациента» – взаимодополняющие составные части медицинского образования. Наличие симуляционных средств различного уровня реалистичности должно сочетаться с системой их надежного технического обслуживания и разработкой методического обеспечения симуляционного обучения – созданием эталонов практических навыков (симуляционных модулей). Наличие симуляторов и тренажеров позволяет отработать без вреда для пациентов любые манипуляции и практические навыки.

С 2019 года во 2-клинике Самаркандского медицинского института начато внедрение симуляционного обучения. На базе клиники был создан симуляционный центр (учебно-тренировочный центр) «Обучение первичным навыкам эндоскопической хирургии детского возраста» и предназначен для последиplomной подготовки врачей по программе «детская хирургия». Центр оснащен симуляционными средствами высокой реалистичности, позволяющими отрабатывать навыки лапароскопических операций. В нашем центре обучаются резиденты магистратуры при кафедре детской хирургии СамМИ. Исходя из опыта работы ведущих симуляционных центров, на определенных этапах лучше усваиваются знания без реальных пациентов – курсанты не боятся пробовать и ошибаться, охотнее задаются вопросы, общение с преподавателем из монолога становится диалогом. Демократичная атмосфера занятий в симуляционном центре гораздо больше приближена к условиям работы в подразделениях лечебных учреждений, нежели классические профессорские обходы, чередующиеся с лекциями.

Симуляционное обучение помимо вышеперечисленных достоинств имеет еще одно важное преимущество. Это возможность объективного контроля знаний и умений. Работа на тренажере может быть зафиксирована, проанализирована и оценена. В ситуациях, когда мы хотим сравнить не только теоретические знания, но и качество практической работы обучаемого, симуляторы даже достовернее системы тестового контроля. С другой стороны, симуляционное обучение не является противопоставлением традиционному обучению «у постели пациента». Каким бы высокотехнологичным ни был симулятор-тренажер пациента, он не сможет заменить реального пациента. Образование, полученное только с использованием симуляционных технологий, будет односторонним и ущербным, заменяя многогранное «лечение пациента» выполнением ограниченного комплекса практических навыков, пусть и детально отработанных. Симуляционное обучение и обучение «у постели пациента» – взаимодополняющие составные части современного медицинского образования.

Симуляционное обучение обладает определенными положительными характеристиками, недоступными при обучении «у постели пациента». Во-первых, это клинический опыт в виртуальной среде без риска для пациента, особенно при отработке инвазивных диагностических и лечебных процедур, жизнеугрожающей патологии. Во-вторых, тренинги в удобное время, независимо от работы клиники и наличия пациентов, отработка действий при редкой патологии, когда в период клинических занятий пациенты с данными заболеваниями отсутствуют. В-третьих, неограниченное число повторов отработки навыка. Только в рамках симуляционного обучения можно довести многократными повторениями до автоматизма способность не только выполнять действие, но и отработать способ выполнения сложных действий, обеспечиваемый совокупностью знаний и навыков.

Таким образом, для бесперебойной и эффективной работы системы симуляционного обучения необходимо интеграция симуляционного обучения в действующую систему медицинского образования на всех уровнях. Ступенчатое построение программы симуляционного обучения с нарастанием уровня сложности навыков и умений от индивидуальных элементарных навыков до высокотехнологичных навыков и умений групповой слаженности оказания помощи при динамических клинических сценариях.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ТАЪЛИМНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДАНОҚ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР

Юлдашева Д.Н.

Бухоро давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази

Таълим мақсади—давлат томонидан таълим олдига қўйилган ижтимоий буюртмадир. Ижтимоий буюртма: «Муайян фан ёки ўқув предмети таълим тизимида нима учун ўқитилипти?» деган саволга жавоб беради.

Давлат жамиятнинг тараққиёт даражасидан ҳамда уни ривожлантириш учун белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим тизими олдига муайян буюртма беради. Бу буюртманинг бажарилиши жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиради, иқтисодий салоҳиятини юксалтиради, давлат томонидан белгиланган ягона мақсад йўлида фуқароларнинг маънавий-маърифий қиёфасини уйғунлаштиради, ривожланишга тўсиқ бўлувчи муаммоларни ҳал этади. Бу эса пировард натижада жамият аъзоларининг умумий фаровонлигини таъминлашга олиб келади. Давлат буюртмасида фан ва таълимнинг ривожланиш ҳамда интегратсион ҳолати, бошқарув, таъминот тизимининг даражаси, жамият ва шахс орзу-умидларининг муштараклиги кабилар диққат марказда бўлиб, муайян ҳужжат билан расмийлаштирилади. Бу республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун (2020) ҳамда малака талаб(ДТС)ларидир.

Давлат буюртмаси асосида таълимнинг умумий мақсади белгилаб берилади. Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида таълим-тарбиянинг мақсади ягона бўлиб, бу яхлитлик давлат, жамият ва унинг аъзолари муносабатлари билан белгиланади. Шу боис республикамизда таълимнинг умумий мақсади негизида ижодий ва мустақил фикрловчи ҳамда маънавий-мафкуравий қиёфаси жамиятнинг бош ғояси билан уйғунлашган шахсни тарбиялаш мўлжали ётади. Таълимнинг умумий мақсади эса ҳар бир ўқув предмети ёки фаннинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишни тақозо этадики, бу, хусусан, умумий ўрта, ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида берилган она тили таълими мақсадида ўзининг яққол ифодасини топган: “Она тили таълими олдига қуйидаги бош мақсад туради: у болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шaroитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим.” Кўринадики, она тили таълими мақсади таълимнинг умумий мақсадига уйғун бўлиб, унинг икки талабини ўзида жузъийлаштиради:

1) таълим олувчида ижодий ва мустақил фикрлаш малакасини қарор топтириш;



2) таълим олувчининг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топишини таъминлаш.

Демак, она тили имкониятларини эгаллаш ҳамда шу асосда баркамол инсон сифатида шаклланишига бўлган талаб бу ўқув предмети ёки фан тадриси (методикаси) олдига жуда кўп вазифаларни қўяди. Кўринадики, таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар ўқувчиларнинг ўзи мазкур малака ва кўникмаларни шакллантиришига қаратилади. Таълим усули, мазмуни, таълим воситалари ана шу улкан ва улуг вазифаларнинг аниқ ва пухта бажарилишига йўналтирилган бўлиши лозим.

XX асрнинг 90-йиллигидан бошлаб, яъни миллий истиқлол даврида ўрта умумтаълим ўқувчиларини мустақил фикрлашга ва уларда ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга – фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон, содда, шунингдек, тингловчига тушунарли тарзда етказа оладиган ижодий тафаккур соҳибини етиштиришга эътибор кучайди. Ўрта махсус таълимнинг она тили машғулотлари зиммасига эса ихтисосий нутқи шаклланган ва ривожланган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга тайёрлаб бериш масъулияти юкланди. Барча ўқув фанларининг хусусий мақсадлари таълимнинг умумий бош мақсадига мутаносиб тарзда белгиланади ва бугунги кун таълим мазмунига мувофиқ ўқувчига таълим жараёнида назарий билим асосларидан фойдаланиш ижодий фаолият кўрсатиш, яъни ижодий амалий фаолият учунгина зарур бўлади, холос. Том маънода, бугунги кун мактаб, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи таълим-тарбиясини кўрган ўқувчи назарий билимлар соҳибига эмас, балки билимлардан ижодий фойдалана оладиган ижодкор, тадбиркор бўлиб етишиши назарда тутилмоқда. Таълимни рақамлаштириш шароитида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишининг бош талаби ҳам ана шу масала билан ҳамоҳангдир.

Кейинги йилларда яратилаётган ўқув-методик мажмуаларда иллюстратив материалларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида таълим жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш имконини беради. Жумладан, она тилидан яратилган ўқув-методик мажмуаларнинг муҳим аҳамияти шундаки, улар таълим жараёнини чуқур таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг она тили бойликларини эгаллаш ва унинг кенг имкониятларидан фойдаланиш соҳасида тўплаган малака ва кўникмаларини текшириш натижаларига асосланган илмий хулосаларга таяниб такомиллаштириляпти. Бу яхши, албатта. (Аммо ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус таълимнинг она тили дарсликларида айнан бир мавзунинг гоҳ анъанавий, гоҳ шакл-вазифавий, гоҳ тавсифий талқинларига мурожаат этилган ҳолатда турлича фойдаланиши, боз устига, бундай «кемтиклик»ларнинг олий таълимга кириш тестларига ҳам айнан кўчиши ҳафсалани пир этади. Зеро, республикамизда амалда бўлган бир неча тилшунослик мактабларининг назарий қарашлари айрим ўринларда бир-бирини рад этишини яхши биламиз. Назариётчиларнинг ўзлари бир тўхтамга

келмаган талқинлар(масалан, *-дек, -дай, -ча* аффиксларини анъанавий тилшунослик равиш ясовчи (эскича, янгича) сифатида талқин этса, шакл-вазифавий талқинчилар *-дек, -дай, -ча* аффиксларини *каби* кўмакчисининг маънодоши (*ой каби мафтункор, ойдек мафтункор, ойча мафтункор, ой мисоли мафтункор*) деб тушунтирадилар ва ҳ.)ни мактаб ёки ўрта бўғин дарсликлари орқали ўқувчилар ҳукмига чиқарилаётганлиги ачинарли.)

Жамият тараққий этиб борган сари таълимнинг жамият ҳаёти, шахс фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ортади. Дастлаб бу соҳадаги камчиликлар кўзга ташланди ва ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар кўлами белгиланди. Ана шундай эҳтиёж туфайли XX асрнинг 90-йилларидан кейин Ўзбекистонимизда бутун таълим тизимининг мазмунини, шу жумладан, она тили ўқув предмети мазмунини янгилашга зарурат туғилди[1]. Шу ўринда таълим жараёни олдида давлат ва жамият томонидан қўйилган ижтимоий буюртма талабидан келиб чиқиб она тили таълимининг мақсади, мазмуни, воситалари, усул ва методлари янгидан белгиланди. Табиийки, таълим мақсади ва мазмунини ҳар бир давлат ўзи яшаётган жамият эҳтиёжларига, ўқув жараёни хусусиятларига мос равишда белгилайди.

Таълим мақсади таълим жараёнини, таълим моҳиятини, унинг мазмуни, воситалари, усули, ўқитувчи~ўқувчи муносабатлари ва, ниҳоят, унинг самарасини белгилаб берадики, бу жамиятнинг бўлғуси тараққиёт йўналишини белгилайди. Демак, таълим олдида қўйилган ижтимоий буюртма талаби жамиятдан озикланади ва айни замонда жамият келажагини белгилайди. Ижтимоий буюртма талаби, табиийки, муайян синф учун танланган ўқув материалларининг ҳажми, мазмуни, тил қурилиши ва баён этилиш усулининг давр руҳиятига мос равишда ўзгариб туришини тақозо этади. Ижтимоий тараққиётнинг жадаллашуви, фан-техниканинг юксалиши, ижтимоий-педагогик омилларнинг кўпайиши, тўғрироғи, илм-фан, техника тараққиёти баъзан «ортидан қувиб етолмайдиган даражада» ривожланаётган даврда улғаяётган болани бир қолипга тушиб қолган меъёрлар асосида шунчаки ўқитиб бўлмайди. Буни оддий ўқитувчидан тортиб методист-олиму дидактларгача аниқ сезиб турибди. Шундай бўлса-да, бугунги кунда таълим мақсади ва таълим мазмуни уйғунлашувида тўла мувофиқлик бор деб айта олмаймиз. Бу куйидагилар мисолида яққол намоён бўлади:

–таълим жараёнининг тўғри шаклланиши кўп жиҳатдан ўқувчи учун тушунарли ва самарали бўлган ўқув материалга, унинг таълим мақсади талабларига айнан мос келишига боғлиқ. Ўқув материалининг фақат дарслик билангина чегараланаётганлиги, зарурий ахборот банкларининг (жумладан, она тилини ўқитишда хилма-хил мақсадли луғат, қомус, маълумотнома, кўргазмали қурооллар, уларнинг электрон вариантлари, компьютер дастурлари в.ҳ.) ҳамон етишмаслиги;

–таълим жараёнининг ҳажми, материали, усули–оддийдан то мураккабгача таълим мақсади ва мазмунига мос педагогик, психологик меъёрларга таянилган ҳолда танланишига чуқур эътибор қаратмаслик;

– дедуктив усуллар асосида дарс ўтишга одатланиб қолган ўқитувчининг ўқувчи шахсига таълим жараёнининг субъекти сифатида қарашни назардан кочириши.

Ҳар қандай таълим жараёни эмас, балки ўқувчида ижодий, мустақил фаолият кўрсатиш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган ўқув-билув жараёнигина ўқувчиларнинг ақлий интеллектуал тараққиёти, ижодий мустақил фикрлашини таъминлашга хизмат қила олади[2]. Ўқув материални, шу жумладан, она тили дарсларида тилшунослик фани асосларини ташкил этган қоида ва таърифларни қуруқ ёдлаш, уни тушуниб тушунмай қабул қилиш, олдинги дарсларнинг материалларини амалий жиҳатдан ўзлаштирмай туриб янги материални ўрганишга уриниш ўқувчининг билиш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик каби кўпқиррали фаолиятини ривожлантиришга муайян даражада тўсқинлик қилади. Бундай ҳолларда ўзлаштирилган билимлар, назарий тушунчалар ўқувчи томонидан тўла қабул қилинмай, ўзлаштирилмай қолиб кетади ёки ўзлаштирилганда ҳам ўқувчи хотирасида «ортиқча юк»ка айланади. (Она тили дарсларида прагматика таълим мазмунида берилган назарий маълумотларни ўқувчига сингдириш «соя»сида қолдими, ўша ерда мақсадга бориш йўлига тўсиқ қўйилади.)

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини оширишда «Она тили ва адабиёт ўқув предметларини ўқитишда замонавий ёндашувлар» ўқув модули мавжудлигини биламиз. Академик лицей (КХК)лари ўқитувчилари малакасини ошириш курси ўқув режасидаги мазкур ўқув модулини ўқитишда юқорида кўрсатилган жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими она тили таълими йўналишида Б.Менглиев ва б.ларнинг тўрт қисмдан иборат «Она тили» дастур ва дарсликларидан фойдаланилмоқда. Афсуски, бу манбалар ҳозирги кун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун ишлаб чиқарилган ДТС талабларига тўла жавоб бера олмайди. Сабабки, она тили дарсликлари ҳамон тилшунослик фанига айлантириб қўйиляпти, натижада академик лицей (КХК)лари ўқувчиларининг ихтисосий нутқини ўстириш мақсади грамматизм соясида қолиб кетмоқда. (Педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчисига ҳам, тиббиёт ёки қурилиш ёки санъат касб-ҳунар коллежи ўқувчисига ҳам она тили дарсларида ҳамон унлилар таснифи, ундошлар таснифи каби мавзулар ўргатилмоқдаки, она тили дарслари болада ихтисосий нутқни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадидан четда қолмоқда.) Хўш, мазкур муаммоларни бизга ким ва қачон ечиб беради?

Бизнингча, давр ҳар бир соҳа мутахассисидан бу каби муаммолар ечимини ҳал қилишда жонбозлик кўрсатишни талаб этмоқда. Демак, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрларининг малакасини ошириш тизими бу

борада соҳа мутахассисларининг муаммо ечимига қаратилган ишларини тизимлаштиришда етакчи бўлмоғи зарур. Табиийки, бу муайян йўналиш, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрларининг малакасини ошириш тизимида она тили таълимига қаратилган ўқув дастурларида ўз ифодасини топтоғи зарур. Бунинг учун:

–ўрта махсус, касб-ҳунар таълими она тили ўқув предмети ўқитувчиларига дарсларда фақат дарсликлардан эмас, бола йўналтирилган соҳага мос ўқув топшириқлари тизимидан фойдаланишни, бундай алгоритмик топшириқлар тизимини ҳар бир ўқитувчининг ўзи ишлаб чиқиши ва қўллаши лозимлиги сингдириш; шунингдек, алгоритмик топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш йўл ва усуллари ўргатиш; (Таъкидлаш жоизки, алгоритмик топшириқлар тизимини кимдир тайёрлаб беришини кутиш ўқитувчи учун ўз касбига эътиборсизликдир.)

–Элимизда «Бировнинг чайнаб бергани ош бўлмас» деган мақол бор. Ўзбек педагогикаси, дидактикаси ва психологиясида бихеовиристик назарияга асосланган ҳамда XIX аср охири XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-иқтисодий талабларга жавоб берадиган ретроскопик-рецептив усулда билимдон ижрочини етиштиришга қаратилган таълим тизими ўз вазифасини ўтаб бўлганлигини, янги давр – тугал бозор иқтисоди даври тамоман бошқа шахсга – мустақил ижодий тафаккурга қодир тадбиркор шахсга муҳтож эканлиги масаласи муҳокамаси қарийб ўттиз йил олдин кун тартибига қўйганлигини ҳисобга олсак, энди ўқувчиларимизга мавзуларни «тайёр ош» сифатида беришимиз таълим мақсади ва мазмуни орасидаги мутаносибликнинг таъминланишига тўсқинлик қилади. Шу боис ўқувчиларни «Ахборот банки»дан фойдаланишга кўниктириш, малака ошириш тизимида эса соҳа мутахассислари томонидан тўпланган тажрибаларга таяниб «Ахборот банки» яратиш муаммосини ҳал этиш.

Зеро, давр ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларга ўзбек тили қурилиши ҳақидаги билимни эмас, балки она тили имкониятларини эгаллаш механизм ва усулини беришини тақозо қилмоқда. «Она тили ва адабиёт ўқув предметларини ўқитишда замонавий ёндашувлар» ўқув модулида шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди.

Хуллас, давр юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига таълимнинг куйи бўғинлариданоқ эътибор қаратишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.–Тошкент, 2020.
2. Юлдашева Д.Н. Мактабда она тили таълими муаммолари// ВухDU ilmiy axboroti (ISSN 2181-6875).–Buxoro, 2020, № 3 (75).– 268-277-б.
3. Юлдашева Д.Н. Развитие целей обучения родному (узбекскому) языку. – Germaniya: “LAP LAMBERT Academic Publishing RU” ISBN: 978-620-0-56786-4.– 2020.–125 с.

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Юсупов А.И.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Маълумки, таълим тизимини ривожлантиришнинг асосида унинг барча босқичларида таълим беришнинг сифат ва самарадорлигини ошириш етади. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишдаги муҳим омиллардан бири таълим тизимидаги асосий фигура дарс берувчи педагогнинг салоҳиятидир. Шу сабабли таълим тизимининг барча бугунидаги педагогик кадрларга жуда катта маъсулият юклатилаёпти ва юқори билим ҳамда малакага эга бўлиш талаблари қўйилмоқда. Педагог юқори билим ва касбий малакага эга бўлишлари учун тинимсиз ўз устида ишлаши, билим ва касбий малакасини ошириб бориши зарур. Педагог кадрлар касбий малакаларини мустақил равишда ва малака ошириш марказларида ташкил этиладиган курсларда оширадilar. Олий таълим муассасалари педагогик ходимларини малакасини ошириш бўйича айрим фикр мулоҳазалар ва таклифларимни билдирмоқчиман. Маълумки, олий таълимда фаолият юритувчи педагогик кадрлар дипломли мутахассислар, магистрлар, маълум қисми илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлган мутахассислар бўлиб, улар илмий педагогик фаолият билан шуғулланишадилар. Аксарияти ўзи эгаллаб турган лавозими доирасида етарли салоҳиятга эга. Малака ошириш курсларини тугатган ҳамкасблар билан амалдаги малака ошириш жараёнини ташкил этилиши, унинг самараси тўғрисида кўплаб мунозаралар бўлиб туради. Ўзим ҳам малака оширишда бўлиб жараёни тўлиқ гувоҳи бўлдим. Амалдаги малака оширишдан ўтган педагогларни малака ошириш жараёнини ташкил этилиши, унинг сифати ва самарадорлиги ҳақидаги фикрлари унчалик ижобий эмас. Ҳар бир мутахассисни, жумладан педагог кадрнинг малакасини ошириш деганда у ўзининг касбий маҳоратини ошириши тушунилади. Демак, малака ошириш курсининг мақсади ҳам, вазифаси ҳам шунга қаратилган бўлиши керак. Амалдаги малака ошириш тизимини ҳам баъзи бир ижобий томонлари бордир. Лекин афсуски тингловчининг касбий маҳоратини ошириш самараси жуда паст. Шу сабабли тизимни такомиллаштириш, уни янада самаралироқ қилиш зарур. Аниқ илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор тажрибаларни ўрганиш, тингловчилар орасида сўровномалар ўтказиб, таклифларини ўрганиб бориш ва улар асосида малака ошириш жараёнини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги таклифларимни билдирмоқчиман:

Портфолио бўйича. Албатта портфолиони бўлиши яхши, лекин негадир фақат кейинги уч йилда қилинган ишлар ҳисобга олинади. Дарслик, ўқув кўлланма, монография кабиларни яхши профессор ёки доцент бутун фаолияти давомида 1-2 та яратиб, нашрдан чиқариши мумкин. Профессор ўқитувчининг салоҳиятини белгиловчи энг муҳим мезонлардан ҳисобланган ўқув-услubbий, илмий адабиётлар яратган педагогни ишлари олдинги йилларда нашр қилинган бўлса ҳисобга олинмайди ёки илмий мақолалар ва шу каби салоҳиятни белгиловчи жиҳатларига балл ҳам чегараланган. Салоҳиятли профессор ҳам портфолиодан балл тўплай олмаслиги мумкин. Профессор-ўқитувчини портфолиоси деганда унинг бутун умри давомида амалга оширган ишлари жамланмаси тушунилмайдими? Портфолиони бутунлай қайта кўриб чиқиш зарур. Портфолиода тўпланадиган балл адолатли бўлсин.

Йўналишлар бўйича гуруҳларни ташкил қилиш ҳақида. Математика йўналиши мисолида тушунтираман. Амалдаги малака оширишда олий таълим муассаларининг математика таълим йўналишларининг мутахассислик кафедраси ўқитувчилари билан бирга муҳандислик-техника, қишлоқ хўжалиги, технология, иқтисодиёт ва бошқа “Олий математика” курси турли ҳажмли дастурларда (1 семестрдан 3 семестргача) ўқитиладиган таълим соҳалари ўқитувчилари бир гуруҳда малака оширадилар. Ҳаттоки мактабгача таълим, бошланғич таълим йўналишларида ёки математика ўқитиш методикасидан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам шу гуруҳга киритилади. Гуруҳдаги тингловчиларни кўпчилиги 20-30 йилдан ошиқ математиканинг қайсидир махсус бўлимидан ёки “Олий математика” курсининг қисқа дастурида дарс беришиб келишган. Малака ошириш курсида математиканинг 3-4 та махсус курсларидан 8-10 соатдан машҳулот ўтилади. Бундай гуруҳ учун ҳеч қандай самараси йўқ. Малака ошириш курсининг математика йўналишларини ташкил қилишда юқоридаги хусусиятлардан келиб чиқиб ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, техника йўналишида математика гуруҳига техника таълим йўналишлари “Олий математика” фан дастури бўйича ўқитиш бўйича совринлар олган, юқори методикага эга тажрибали ўқитувчилар маҳорат дарслари ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ҳар бир тингловчини дастур бўйича дарс ўтиб бериши белгилаб қўйилиши керак. Ўтилаётган дарсни гуруҳни бошқа тингловчилари таҳлил қилиб махсус ишлаб чиқилган варақда балл билан баҳолайдилар. Марказ ходими ўртача балини чиқаради. Ўқитувчилар ўзларининг дарс беришдаги ютуқ ва камчиликларини билиб оладилар. Бир-бирларидан турли ўқитиш усулларини ўрганадилар. Энг асосийси ўзаро тажриба алмашадилар. Битта таълим соҳасидаги ёки битта фандан дарс берувчи ўқитувчилар гуруҳи бўлса фан дастури, ўқув режаларни, шунингдек тайёрлаган ўқув-услubbий адабиётларини муҳокама қиладилар.

Бир нечта йўналишдаги гуруҳлардан иборат потокларда Вазирлар Маҳкамаси, вазирликни маъсул ходимлари мамлакатда таълимни ривожлантириш бўйича давлатимизни сиёсати, хориж тажрибалари тўғрисида

маърузалар ва савол-жавоблар қилиши мақсадга мувофиқ. Раҳбарлар бевосита ўқитувчилар билан юзма-юз учрашиб, муаммоларни, таклифларни ўрганади. Курс якунида тингловчи дарс берадиган фан дастури бўйича тест топшириши ва дастурдаги бирор мавзу бўйича очик дарс (профессор, доцент, катта ўқитувчи маъруза; ассистент амалий машғулоти) ўтиб бериши белгилаб қўйилиши мумкин. Бу ерда тингловчини олдинги ўтган дарсларининг ҳам ўртача бали ҳисобга олинади. Янги педагогик технологиялар, Талаба ёшлар психологияси, АКТ каби фанлар (4-6 соат) ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Айрим ўқитувчининг педагогик фаолияти учун унчалик зарур бўлмаган фанлар (Қарор қабул қилиш, чет тили)ни ўқитилишидан, ҳозирда мавжуд кириш ва чиқиш тестлари ҳамда битирув малакавий ишидан воз кечиш керак деб ўйлайман.

ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

УДК 159.9

Қудратов А.М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, мақолада “волонтер” тушунчаси очиқ берилган, волонтерликнинг сабаблари санаб ўтилган, “ижтимоий фаоллик” ни аниқлаш бўйича турли олимларнинг фикрлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: волонтерлик ҳаракати, волонтерлар, шахсий фазилат, ижтимоий фаоллик, кўнгиллилар.

Ҳозирги кунда дунёда волонтерлик ҳаракати кенг тарқалаётган машҳур соҳалардан бирига айланмоқда. Волонтерлик ҳаракати орқали, жамиятда ҳар хил муаммога дуч бўлган, ёрдамга муҳтож инсонларга, уларнинг ҳаётини ҳар томонлама яхшиланишига қаратилган бепул хизмат кўрсатилади.

“Волонтерлик” сўзи французча “волонтира” сўзидан олинган бўлиб, «ихтиёрий», “ўз хоҳишига кўра иш қилувчи” деган маъноларни англатади.

Волонтерлар - бу ўзларининг шахсий ҳиссалари орқали ихтиёрий равишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширадиган ва ўзларининг ёрдамларини бепул тақдим этадиган одамлардир.

С.И. Ожеговнинг луғатида, “Волонтерлик” ногиронлар, касаллар ва қарияларга, шунингдек, ўзларини қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган аҳолининг ижтимоий ва ижтимоий гуруҳларига бепул ижтимоий ёрдам, хизматлар кўрсатиш, ихтиёрий ҳомийлик кўрсатиш бўйича мажбуриятларни ихтиёрий бажариш” деб талқин этилади.[2]

“Волонтерлик” фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий

фаоллигини ошириш бир қатор омилларга боғлиқ. Яъни:

- волонтерларнинг ёрдамига муҳтож одамларнинг мавжудлиги;
- бутун дунё бўйлаб, волонтерлар фаолиятини кенг ёритиш;
- оммавий ахборот воситаларида волонтерлар кадриятларини тарғиб қилиш;
- кўнгилли сифатида ишлашнинг жозибадорлиги.

Бугунги кунда республикада коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб вазиятда волонтерлар (кўнгиллилар) гуруҳларининг ташаббус билан чиққанлиги, уларнинг Ягона мувофиқлаштирувчи марказ, “Хавфсиз ёрдам” акцияси, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати, “Сардоба сари саховат карвони” каби хайрия акцияларидаги фаол иштирокини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, 2019 йил 2 декабрда қабул қилинган “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг ижроси айнан шу синобли кунларда амалиётга татбиқ этилди. [1]

Қонундан кўзланган мақсад ҳам юртимизда кўнгиллилар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, волонтерлик фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишни таъминлаш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Жорий йилнинг апрель ойида таниқли эстрада хонандаси Севара Назархон Тошкентда ташкил этилган хайрия ишларини ягона мувофиқлаштирувчи марказда волонтерлик қилганини кўпчилик эътироф этди.

Шу билан бирга, ҳозирда волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

COVID-19 короновирус пандемияси билан боғлиқ ҳолат “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонунни амалиётга тадбиқ этишда хал этилиши лозим бўлган муаммоларни юзага чиқарди. Хусусан, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг 90 фоизи ўз фаолиятида волонтерлардан фойдаланади. Лекин ҳозиргача кўнгиллилар ҳаракати билан боғлиқ тегишли концептуал аппарат яратилмаган, волонтерлик фаолияти билан шуғулланадиган бирорта нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатдан ўтмаган. [3]

Республикада карантин даврининг май ойига келиб, давлат идораларида ишлаётганларнинг кўпчилиги ўз ҳисобидан таътилга чиқишга мажбур бўлганлиги натижасида, уларнинг оилалари даромади пасайиб, эҳтиёжманд оилаларнинг бошқа категорияси пайдо бўлди.

Шу билан бирга, хориждан мамлакатимизга қайтариб олиб келинаётган шахслар ва уларнинг оилаларининг маблағлари захираси тугагандан сўнг, маҳалладан ёрдам сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқидан тўғри фойдалана олмасликлари муаммоси келиб чиқди. Бу эса, ўз навбатида, маҳалла

масъулларининг ушбу категория билан ишлашда тажрибасизликка йўл қўйишига сабаб бўлди. Ёрдам фақат пул кўринишида эмас, балки кундалик даромад билан оила боқувчисига ижтимоий маслаҳат, инқирозли вазиятдаги оилаларга патронаж хизмати, ёлғиз кексаларни, ногиронларни парваришlash каби ижтимоий шакллар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Зеро, ижтимоий химоя хайрияга эмас, инсон ҳуқуқларига асосланиши лозим, шу билан бирга карантин туфайли ишсиз қолган ҳар бир фуқаро давлат қарамоғида бўлишга ҳақли ҳисобланади.

Ҳозирда нодавлат-нотижорат ташкилотлари, кўнгилли гуруҳлар билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиши долзарб масалага айланган. Фуқаролик жамияти институтларининг эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш учун маҳаллий ҳокимиятлардан молиялаштириладиган ижтимоий буюртмаларни қабул қилиши юзасидан меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини қайта ишлаш зарурати ортган.

Ўзбекистон Республикасининг “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 2 декабрь куни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади волонтерлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунга мувофиқ, волонтерлик фаолияти – жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият ҳисобланади.

Волонтерлик фаолияти қонунийлик, инсонпарварлик, тенглик, ихтиёрийлик, беғаразлик принципларига асосланади.

Волонтерлик фаолияти яқка тартибда, волонтерлар гуруҳи таркибида ҳамда волонтерлик ташкилоти орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур Қонунда белгиланишича, 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини, башарти бу фаолият уларнинг соғлиғига ҳамда ахлоқий ривожланишига зарар етказмаса ва ўқув жараёнини бузмаса, амалга ошириши мумкин.

Волонтер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

➤ ўзининг волонтерлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этишини ушбу Қонунда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда эркин танлаш;

➤ агар волонтер ҳамда волонтерлик ташкилоти ўртасида тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай вақтда волонтерлик фаолиятини эркин равишда тугатиш;

➤ волонтерлик фаолиятининг ташкилотчиси тўғрисида ва волонтерлик ташкилоти ҳақида ишончли ахборот олиш;

➤ волонтерлик дастурларини бажариш, волонтерлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ёки тавсия қилинадиган волонтерлик акцияларини ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

➤ волонтерлик фаолияти ташкилотчисидан ва волонтерлик

ташкilotидан махсус кийим-бош олиш ҳамда йўл ҳақиға, яшашға, овқатланишға, зарур якка тартибда ҳимояланиш воситаларини, асбоб-ускуналарни олишға сарфланган харажатларнинг ва бошқа харажатларнинг ўрни қопланиши;

➤ волонтерлик фаолияти ташкilotчиси ва волонтерлик ташкilotидан тавсиянома тусидаги хатларни олиш;

➤ таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ташкilotларига ва табиатни муҳофаза қилувчи ҳамда ўрмон муассасаларининг ҳудудига мазкур ташкilotлар ва муассасалар раҳбарияти билан келишувға кўра волонтерлик фаолиятини амалға ошириш учун кириш;

➤ волонтерлик ташкilotининг, волонтерлик фаолияти ташкilotчисининг маблағлари ҳисобидан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилдириш.

Волонтерлик қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя этган ҳолда волонтер ва волонтерлик фаолиятининг ташкilotчиси ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалға оширилиши мумкин.

Шунингдек, волонтерлик фаолиятини илгари суриш ҳамда амалға ошириш борасидаги хизматларини эътироф этиш ва баҳолаш белгиси сифатида жисмоний ва юридик шахслар муқофотланиши мумкин.

Волонтерлик фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалға оширилади:

- кам таъминланганлар, ишсизлар, кўп болалилар, бошпанасизлар, қаровсиз қолганлар, шунингдек ижтимоий реабилитацияға муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтерлик ёрдами кўрсатиш;

- беморлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғизлар, қариялар ҳамда ўзининг жисмоний, моддий ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли қўллаб-қувватлашға ва ёрдамға муҳтож бўлган шахсларни парваришлашни амалға ошириш;

- табиий ёки техноген тусдаги фавқулодда вазият оқибатида, алоҳида режим, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, ижтимоий можаролар, бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларға, шунингдек жиноятлардан жабрланганларға, қочқинларға, мамлакат ичкарасида кўчиб юрганларға ёрдам кўрсатиш;

- ўзининг жисмоний ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалға ошириши чекланган шахсларға ёрдам кўрсатиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий мерос, тарихий-маданий муҳит, тарихий ва маданий ёдгорликлар, дафн этиш жойларини сақлаб қолиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

- оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятға молик тадбирларни ўтказишға кўмаклашиш;

- алоҳида давр ва фавқулодда ҳолат ҳуқуқий режимларининг амал қилиши вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, бошқа ҳарбий

идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтерлик ёрдами кўрсатиш.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки волонтерлик фаолияти ижтимоий фаоллик билан бевосита чамбарчас боғлиқ.

Ижтимоий фаолият ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларга асосланган шахсий мотивлар ва рағбатлантиришлар таъсири остида амалга ошириладиган ижтимоий фойдали (ижтимоий) ҳаракатлар шаклида амалга оширилади.

Ижтимоий фаолият шахнинг жамият манфаатларига йўналтирилган ижтимоий намоён бўлишининг ўзига хос мажмуаси сифатида амалга оширилади, унинг ифода даражаси эришилган ижтимоий тажрибага, қадрият йўналишларининг мавжудлигига ва шахнинг маданий ривожланишининг умумий даражасига боғлиқдир.

Ўзбекистонда волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва кўнгиллилар ҳаракати ривожланишининг асосий омили ёшларни кўнгиллилар фаолиятида рағбатлантириш (мотивация) ҳисобланади.

Мотивация - бу одамни бошқа одамлар ёки жамият манфаати учун пайдо бўлган эҳтиёжга мувофиқ ҳаракатни бажаришга ундайдиган рағбатдир.

Америкалик психологлар М. Олчман и П. Джордан волонтерлик фаолиятининг мотивацияси сифатида қуйидаги омилларни илгари суришган:

1. Мухтож одамларга ёрдам беришни хоҳлайман;
2. Бирор бир янгиликни ўрганишга умид қиламан;
3. Мен ўзимни завқим учун бирор бир ишни қилишни хоҳлайман;
4. Янги одамлар билан танишишни хоҳлайман;
5. Инсонларнинг қилган яхшиликларига яхшилик билан жавоб бермоқчиман;
6. Маълум бир муаммо билан курашмоқчиман;
7. Менинг кўнгилли сифатида фаолият юритиш учун бўш вақтим бор.

Фикримизча, волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда кўнгиллиларни рағбатлантиришнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилишда қуйидаги таклифларни инобатга олиш лозим:

- республикамызда минтақавий ва маҳаллий даражада волонтерлар (кўнгиллилар) марказларини яратиш ва ривожлантириш;

- волонтерликни ривожлантирадиган ташкилотларни молиялаштириш ва зарур ресурсларни қўллаб-қувватлаш;

-кўнгиллилар ҳаракати етакчиларини тайёрлаш учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

-хайрия ташкилотларида кўнгиллилар иштирок этишидаги ҳуқуқий ва бошқа тўсиқларни бартараф этадиган ҳуқуқий муҳитни яратиш;

-кўнгиллилар ҳаракатини ривожлантириш учун жамоат ва давлат рағбатлантириш тизимини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда албатта чуқур эътибор талаб этадиган тамойиллар мавжуд. Хусусан, волонтерлик фаолиятини амалга оширишда беихтиёр зарар етказмаслик, маъсулиятсизлик натижасида зарар етказиш, волонтерларнинг ўзларига зарар етиши, ходимлар билан юзага келиши мумкин бўлган низолар, тизимли фаолиятнинг мавжуд эмаслиги, ижтимоий волонтерларнинг обрўсизланиши каби муаммоларни ечимини топиш муҳим масалалардан биридир.

Волонтерлиكنинг асосий тамойили - "зарар етказмаслик"дир. Волонтерлар одатда ёрдамга мухтож одамлар - ривожланишида сусткашлик ёки ногиронлиги бўлган болалар, касалхонадаги беморлар, ёлғиз қариялар ва бошқа жуда ҳимоясиз ва ишонувчан, таъсирчан инсонлар билан ишлашига тўғри келади. Волонтер агарда касалхонада ўзини қандай тутишни, қайси рағбатлантирувчи сўзлар билан мухтож беморларга таскин беришни билмаса, улар билан ҳушмуомалалик ва вазминлик билан муомалада эҳтиёткор бўлмаса ногиронлиги бор болалар ва қарияларнинг яшаш шароитидаги ўзига ҳос хусусиятларни инобатга олмаса(ёқимсиз хид ёки бошқа ҳолатлардан ирганлигини билдириб қўйса), шу билан бирга, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаса, уларга ёрдам бериш ўрнига катта зарар етказишини, ҳамда эҳтиётсизлик натижасида беморларнинг ёки ижтимоий ҳимояга мухтож рухий ҳолатида ноқислик мавжуд инсонларнинг тажовузкорлиги ортишига сабабчи бўлиши оқибатида ўзига ҳам зиён етишини тушуниши керак.

Шу билан бирга, республикамызда волонтерликни ривожлантиришга ихтисослашган нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш зарур. Бундай ташкилот ва марказларда ёшларни волонтерликка тайёрлашда ақлий ва руҳан соғлом инсонларни психологик тест ўтказиш орқали танлаб олиш ва уларни тизимли равишда стрессга барқарор чидамли қилиб тайёрлаш ва ўқитиш зарур. Шунингдек, ёрдамга мухтож ногирон, заиф, таъсирчан одамларга волонтерлик ниқоби остида фирибгарлар, зўравонларни бўлишини олдини олиш мақадида волонтер ходимларни доимий назорат қилиб борилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Волонтерлик фаолияти тўғрисида қонуни. ЎРҚ-585-сон 02.12.2019. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 6 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган.

2. Ожегов С. И, Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова - 4-е изд., дополненное. - М.: ООО «ИТИ ТЕХНОЛОГИИ», 2003. - 94 бет.

3. <http://www.adolat.uz/news/izhtimoiylashayotgan-volontyorlik-startaplari> (Мурожаат этилган сана: 3.09.2020)

2-ШҶЪБА.
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ

*Гайсёнок В.А., Брезгунова И.В., Наумович О.А.,
Максимов С.И., Швайко В.Г.*

*Государственное учреждение образования «Республиканский институт
высшей школы», г. Минск, Республика Беларусь*

Электронное обучение – это система обучения при помощи информационных и электронных технологий, которые в настоящее время главным образом базируются на цифровом представлении, передаче и хранении информации. В связи с применением информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в образовании, термин «электронное обучение» (ЭО) в широкой трактовке в Республике Беларусь понимается как всевозможное полезное применение ИКТ в учебном процессе. Официально ЭО в Республике Беларусь существует сегодня в форме дистанционного обучения (ДО), которое, согласно действующему в стране Кодексу об образовании [1], является формой заочного обучения, т.е. позволяет получить в результате документ об образовании государственного образца.

ДО в Республике Беларусь предлагаются целым рядом учебных заведений и бизнес-структур, в том числе 10-12 учреждениями высшего образования. При этом общее количество дистанционных студентов в стране невелико – численность не превышает 5000. Одной из причин является недостаточный уровень развития кадрового потенциала (администраторов и профессорско-преподавательского состава), осуществляющего ДО. Для этого, рядом учреждений образования, в числе ГУО РИВШ, на постоянной основе реализуется повышение квалификации педагогических кадров, направленное на развитие необходимых общих и специальных компетенций в сфере ИКТ для организации и ресурсного обеспечения ЭО.

К причинам недостаточных темпов внедрения ЭО можно отнести неполноту необходимой нормативной правовой базы, недостаточную квалификацию и отсутствие глубокой мотивации педагогических кадров, существенные трудозатраты на производство электронных образовательных ресурсов (ЭОР), сложности с решением проблем (имущественного) авторского права на ЭОР, гарантии качества образования на основе ЭО, боязнь преподавателей стать «ненужными» при массовом ДО, отсутствие единых программно-технических (технологических) платформ отраслевого уровня для разработки, структурированного хранения и транспорта ЭОР средствами ИКТ.

В целях активизации расширения и внедрения ЭО в образовательный процесс, качественной подготовки педагогических кадров, владеющих

технологиями ЭО, на фоне достаточно позитивной динамики развития телекоммуникационной инфраструктуры Республики Беларусь, представляется целесообразным реализация ряда мероприятий. Во-первых, создание отраслевой республиканской облачной платформы с единым набором программного инструментария (прикладные программы) для конструирования, структурированного хранения, транспорта и управления цифровыми электронными образовательными ресурсами системы высшего образования, для организации образовательного процесса в дистанционной форме. Во-вторых, расширение доступа к соответствующей инфраструктуре цифрового образования (аппаратное обеспечение, программное обеспечение и широкополосное соединение) и на адаптацию образовательных программ к цифровой форме обучения. В-третьих, создание в университетах центров развития цифровых компетенций педагогических и управленческих кадров системы высшего образования, формирования у обучающихся ИКТ-компетенций. В-четвертых, развитие в университетах цифрового обучения посредством «цифровизации» отдельных компонентов образовательной программы или всей образовательной программы. Кроме того, важным является формирование системы признания предшествующего обучения в цифровой форме и признания квалификаций (документов об образовании) в цифровой форме, а также расширение использования в содержании образования национальных открытых образовательных курсов, обеспечение (на конкурсной основе) разработки цифровых ЭОР физическими и юридическими лицами в системе высшего образования.

В результате предполагается создание облачного сегмента центра обработки данных при Министерстве образования с размещенной на нем программно-технической платформой отраслевого уровня для цифровизации учебного процесса в учреждениях высшего образования Республики Беларусь. Платформа предполагает наличие и использование единого инструментария для разработки и блочно-модульного оформления ЭОР, системы структурированного хранения библиотек ЭОР, а также транспорта мультимедийного образовательного контента для обеспечения очной формы образования, а также организации дистанционного обучения с возможностью формирования индивидуальных образовательных траекторий обучающихся. В университетах предполагается создание центров развития цифровых компетенций профессорско-преподавательского состава и стимулирования разработки «цифрового» образовательного контента. Целью деятельности этих центров станет интеграция опыта классических методов и технологий обучения с современными инновационными технологиями преподавания, основанным на интенсивном использовании цифровых ЭОР и средств телекоммуникаций.

Полагается, что реализация данных мероприятий будет способствовать формированию современного нормативно-правового и методического

обеспечения организации ЭО, эффективного контроля его качества и признания результатов – квалификаций (документов об образовании) в цифровой форме в Республике Беларусь.

Источники:

1. Кодекс Республики Беларусь об образовании: принят Палатой представителей 2 дек. 2010 г.: одобрен Советом Респ. 22 дек. 2010 г. – Минск: Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь, 2010. – 400 с.

МАСОФАВИЙ КУРС ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шоймардонов Т., Буриев Э.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация: *Ҳар қандай ҳаракат ёки фаолият негизда у асосланадиган устувор ғоялар ётади. Устувор ғоялар назарий жиҳатдан “тамойил” деб номланади. Ҳаракат ёки фаолиятнинг устувор тамойилларга асосланиши унинг когнитив, ташкилий-методик ва эмпирик жиҳатидан тўғри ташқил этилишини таъминлайди. Шу сабабли мақолада масофавий курсларни ташқил этишида устувор бўлган тамойиллар, уларнинг назарий мазмуни ҳусусида сўз юритилган.*

Таянч тушунчалар: *мультимедиа, контент, электрон контент, мультимедияли электрон контент, масофавий, масофавий курс, тамойил.*

Ижтимоий ҳаётнинг динамик характери мавжуд анъаналар ўрнини янгиси эгаллашини тақозо қилади. Илгари сурилган ҳар қандай янги ғоя ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик асосида ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг юзага келиши, ривожланиши ҳамда мустакамланишига ўз таъсирини ўтказади. Гарчи янги ғояларнинг мавжуд қарашлар ўрнини эгаллаши осон кечмаса-да, бироқ, ижтимоий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда субъектлар ўртасидаги муносабатларда уларнинг устуворлиги таъминланади.

Глобал ахборотлашув шароитида эса янги ғояларнинг мавжуд қарашлар билан тўқнашуви, уларнинг ўрнини олиши янада кескинлашди. Шу боис “маълумотлар эскиришининг тезкор суръати ва ахборот оқимининг кўпайиши педагогларни доимий равишда билимларни доимий равишда янгиллаб бориш муаммосига рўпара қилмоқда. Бу билан боғлиқ ҳолда самарали узлуксиз таълим, унинг асосий босқичларидан бири бўлган малака ошириш тизимини яратиш муаммосини долзарблик касб этишига олиб келмоқда” [4].

Техника, технология, ишлаб чиқариш соҳалари таълим тизими билан чамбарчас боғлиқ. Бу соҳаларда эришилаётган ютуқлар сабабли таълим тизимида янги йўналишлар пайдо бўлади, ўқитиш мазмуни такомиллашади, таълимнинг янги турлари шаклланади, замонавий методлари асосланади. Қайтар алоқа тамойили асосида эса таълим тизими бевосита ишлаб чиқариш,

техника, технология соҳаларини янада ривожланишини таъминлаб, уларни ҳаракатга келтирувчи куч – малакали мутахассисларни тайёрлаб беради.

Масофавий таълим ўқитиш тизимининг технология соҳаси билан ўзаро алоқадорлигига кўра шаклланган бўлиб, тобора оммалашиб бормоқда. Бу турдаги таълим айнан технологик бошқарув хусусиятларига эгалик нуктаи назаридан ўтган асрнинг 60-йилларида асосланган бўлса-да, халқаро миқёсда сўнгги икки ўн йилликда гегемонлик ўрнини эгалламоқда. COVID-19 пандемияси даврида эса масофавий таълим жаҳон миқёсида ўқитишнинг асосий тури сифатида эътироф этилди.

Масофавий таълим “ўқитувчилар ва талабаларнинг бир-бирларидан макон ва вақт (вақтинчалик йироқлашиш) тамойили асосига қурилган, ўқитишнинг ўзи эса компьютер ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган таълим” саналади. Манбалардан бирида ушбу таълимнинг асосий мақсади “ўз касбини ўзгартирмоқчи ёки янги касбни ўрганмоқчи бўлган кишилар учун ўқиш имкониятини яратишдан иборат” [11] экани айтилади.

Бизнингча, мазкур фикр масофавий таълимнинг асосий мақсадини эмас, иккиламчи мақсадини ифодалайди. Бинобарин, масофавий таълимнинг асосий мақсади макон, вақт, ҳудуд черагаларини инкор этган ҳолда аҳоли, хусусан, ёшларни муайян соҳа бўйича ўқитиш орқали малакали мутахассисни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдир.

“Масофавий таълим” тушунчаси орқали: таълим берувчи ва таълим олувчилар, шунингдек, ўқитиш воситалари ўртасида уларнинг макон ва вақтдаги жойлашувига нисбатан ўзгармас (инвариант) бўлган махсус ҳамда дидактик шаклдаги ўзаро интерфаол, мақсадга йўналтирилган жараён; талабанинг мустақил таълим олишига асосланган ҳолда ўқув жараёнининг янгича ташкил этилиши [10]; ўқув муассасасига келмай туриб, талаба учун қулай жой ва унинг учун қулай вақтда таълим олиш [7] тушунилади.

Бугунги кунга қадар масофавий таълимнинг “экстернат таълими, университет таълими, бир нечта таълим муассасаларининг ҳамкорлигига асосланувчи таълим, масофавий таълимга ихтисослашган муассасалардаги таълим, автоном ўқув тизимларига асосланган таълим, мультимедиа курслари негизида яхлитлаштирилган таълим каби олтита шакли қабул қилинган” [11]. Масофавий таълимнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар унинг сифатли ташкил этилиши, самарадорлиги устуворлик касб этувчи тамойилларга бевосита боғлиқ.

Мультимедиа курслари негизида яхлитлаштирилган таълим сирасига кирадиган масофавий курс Ўзбекистон шароитида педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида кенг қўлланилаётган ўқитишнинг асосий шакли; масофавий таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ўқитишни ташкил этишнинг асосий элементи [3] саналади.

Жаҳон таълимида “масофавий курс” деганда “Интернетга жойлаштирилган ўқув курси; муайян ўқув фани бўйича дастурий воситалар мажмуи ва ташкилий-методик таъминот (матнлар, ўқув топшириқлари, методик тавсияномалар, тестлар)” [2] тушунилади.

Ўзбекистонда эса узлуксиз таълим, унинг муҳим босқичи – олий таълимдан кейинги таълим нуқтаи назардан эса бу тушунча бироз ўзгача талқин қилинади. Яъни: масофавий курс – АКТнинг техник, технологик ва функционал имкониятлари асосида ташкил этилиб, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг мазмунини характерловчи курс. Ушбу таъриф турли соҳалар бўйича ташкил этиладиган масофавий курсларнинг умумий моҳиятини ифодалайди. Муайян соҳа бўйича сўз юритилганда эса тегишли фаолият туридан келиб чиққан ҳолда умумий ифодаланган “мутахассисларни” атамаси аниқлаштирилади (масалан, педагогларни тарзида).

И.В.Варганова мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида масофавий курсларнинг ташкил этишда бир қатор шартлар инобатга олиниши зарур. Улар: матн уни сатр боши (абзацлар)га ажратиш, фақатгина аҳамиятли сўз (ибора)ларни рангли ёки қалин шрифт ёрдамида қайд этиш; схема, график, диаграмма кўрнишидаги катта ҳажмли ахборотларни кўзгазмали тақдим этиш; матн билан мазмунан боғлиқ тасвирларни бериш (бунда матнни безаш эмас, балки ундаги ахборотларни ёдда сақланишига имкон бериш назарда тутилиши зарур); тингловчиларга мавзуларни ўзлаштириш даражасини (назорат саволлари, практикум ва бошқалар орқали) мустақил назорат қилиш имкониятини яратиш; курс материалларини тингловчининг компютерида сақланиши ҳамда улардан кейинчалик педагогик фаолиятда фойдаланишга имконият яратиш; масофавий курсда ўзлаштирилган мавзуларни қўшимча тўлдириш имконини берувчи иловани тақдим қилиш [1].

Назарий таҳлил натижаларига кўра “тамойил” тушунчаси “педагогик концепцияни акс эттирувчи фаолият категорияларидаги маълумотлар; бошқарувчи меъёрлар сифатида фойдаланишга имкон берадиган шаклда ифодаланувчи таълимнинг мақсади, моҳияти, мазмуни ва таркибий тузилмасига оид, шунингдек, назарий қарашларни амалиёт билан боғловчи билимлар; амалиётни ташкил этишнинг бошланғич ҳолати; илмий билимлар ривожининг натижаси” [8]; “ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини инобатга олган ҳолда уни ташкил этишга қўйиладиган меъёрий талаблардан келиб чиқувчи умумий раҳбарий ғоялар” [9; 5] тушунилиши маълум бўлади.

Тамойиллар ҳар қандай ҳолатдаги педагогик жараённинг мазмуни ва боришини белгилаб беради. Шунга кўра тамойиллар ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён қилади: “педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талабларини ёритади; педагогик фаолиятни ривожлантириш йўналишларини кўрсатиб беради; қонуниятлардан келиб чиқади; ягона методологик ҳамда объектив асосга эга бўлади; педагог ва таълим олувчилар

ўртасидаги объектив қонуний алоқаларни ифодалайди; педагогик жараёнини қуришга ижодий ёндашиш имкониятини яратади [8].

Таълим тамойиллари тарихий тажриба, илмий тадқиқотлар натижаси, шунингдек, ўқув жараёнига хос характерли хусусиятларнинг намоён бўлиши асосида шаклланади.

Масофавий курсларни ташкил этиш тамойиллари тўғрисида сўз юритишдан аввал таълим моҳиятини ёритувчи умумий дидактик тамойиллардан хабардор бўлиш талаб қилинади. Обьективлик, илмийлик; назария ва амалиётнинг алоқадорлиги; изчиллик, тизимлилик; мураккабликнинг зарурий даражасида қўллаш имкониятига эгалик; кўргазмалилик, методларнинг хилма-хиллиги; таълим олувчиларнинг фаоллиги; ижодий фаолият тажрибалари билан уйғунлашган ҳолда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларнинг пухталиги [9; 5] каби тамойиллар ўқитишнинг умумий тамойиллари саналади.

Барча таълим турлари каби масофавий таълимнинг когнитив мазмунида ҳам унинг учун характерли бўлган муайян тамойиллар устуворлик қилади. Масофавий таълим ва уни ташкил этишга оид манбаларда қуйидаги тамойилларнинг замонавий ўқитишда устуворлик касб этаётганига эътибор қаратилади: интерфаоллик; бошланғич билимларга эгалик; индивидуаллик; тенглаштириш (идентификациялаш); таълимнинг аниқ белгиланган вақтга эгаллиги; педагогик мақсадга мувофиқлик; таълимнинг очиқлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш [7]; педагогик ёндашувнинг устуворлиги; модулли ёндашув; мослашувчанлик ва динамиклик [6; 3].

ОТМ педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида масофавий курсларни ташкил этишда қуйидаги дидактик тамойилларнинг устуворлик касб этишига гувоҳ бўлинди: таълимий мақсадга мувофиқлик; инновацион ёндашув; гуруҳли ёндашув; модулли ёндашув; муаммоли ва креатив ёндашув; интерфаоллик; индивидуаллик; мослашувчанлик ва динамиклик; рефлексив ёндашув.

Қайд этиб ўтилган тамойиллар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

1. Таълимий мақсадга мувофиқлик тамойили. Мазкур тамойил тегишли мавзулар бўйича лойиҳалаштирилган масофавий курс мазмунининг таълимий мақсадга мувофиқ, мос бўлишини англатади.

2. Инновацион ёндашув тамойили. Бу тамойил тақдим этилаётган ўқув материали, масофавий курс педагог ва тингловчилари фаолиятининг инновацион характерини ёритишга хизмат қилади.

3. Гуруҳли ёндашув тамойили. Ушбу тамойил тегишли гуруҳнинг ихтисослик йўналишини инобатга олган ҳолда ўқув материали ҳамда топшириқлар мажмуини тақдим этиш мақсадга мувофиқ эканини билдиради.

4. Модулли ёндашув тамойили. Мазкур тамойил масофавий курс доирасида ўқув машғулотларининг модул бирликлари бўйича ташкил этилишини, шу орқали таълим сифати ҳамда самарадорлигига эришишни кўрсатишга хизмат қилади.

5. Муаммоли ва креатив ёндашув тамойили. Бу тамойил масофавий курс ўқув материали ҳамда топшириқларининг муаммоли бўлишига эришиш, тингловчиларни улар юзасидан креатив фикрлашга ундаш зарурият эканлигини англатади.

6. Интерфаоллик тамойили. Ушбу тамойил масофавий курс ўқув материални ўзлаштириш жараёнида тингловчиларнинг жуфтликда, кичик ва катта гуруҳларда ҳаракатланишини, ўқув топшириқларининг ўзаро ҳамкорликда бажарилишини ифодалайди. Шу билан бирга тингловчилар томонидан Интернетдаги махсус платформалар ёрдамида масофавий курс материални қўшимча равишда мустақил ўрганишда АКТ билан “мулоқотга киришиш” имконияти мавжудлигини ёритади.

7. Индивидуаллик тамойили. Мазкур тамойил белгиланган вақтдан ташқари шaroitда ҳам тингловчиларнинг ўқув материаллари билан индивидуал танишиш имкониятига эгаллигини ифодалайди.

8. Мослашувчанлик ва динамиклик тамойили. Бу тамойилга кўра масофавий курс тингловчилари турли сабаблар (техник – Интернетга боғлана олмаслик, компьютер қурилмасининг ишдан чиқиши; субъектив – бетоб бўлиш, шахсий сабаблар)га кўра ноодатий вазиятлар (ўқув машғулотларидан ташқари шaroitда) ўқув материалларини қабул қилиб олиш мумкинлиги назарда тутилади. Динамиклик тингловчи томонидан ўқув материалларининг ўзлаштирилиш даражаси таълим жараёнида бошланғич ҳамда якуний босқичлар бўйича ўсишга эришиш зарурлигини билдиради.

9. Рефлексив ёндашув тамойили. Ушбу тамойил тингловчиларнинг ўз фаолиятини мустақил равишда қайт таҳлил қобилиятига эга бўлиши муҳим эканлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, анъанавий таълим жараёнида бўлгани каби масофавий курсларни ташкил этишда ҳам ўқитиш тамойиллари устуворлик касб этади. Масофавий курс тамойиллари ҳам ўз моҳиятига кўра назарий ғояларнинг амалиёт билан ўзаро боғловчи билимлар сифатида аҳамиятли саналади. Шу сабабли масофавий курсларни ташкил этиш даврида ўқитиш сифати ва самарадорлигини таъминловчи устувор тамойилларни аниқлаш, амалий жараёнда улар асосида иш кўриш кутилган натижаларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Варганова И.В. Дистанционное повышение квалификации педагогических работников в системе непрерывного образования // <https://cyberleninka.ru/article/n/distantcionnoe-povyshenie-kvalifikatsii-pedagogicheskikh-rabotnikov-v-sisteme-nepreryvnogo-obrazovaniya>.

2. Дистанционный курс // https://methodological_terms.academic.ru/408/Дистанционный_курс.

3. Дистанционные курсы повышения квалификации // <https://shkola9.edusite.ru/p387aa1.html>.

4. Копытова Н.Е., Лоскутова В.И. Использование дистанционных технологий в повышении квалификации педагогических кадров // <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-distantcionnyh-tehnologiy-v-povyshenii-kvalifikatsii-pedagogicheskikh-kadrov>.

5. Общие принципы дидактики и их реализация в конкретных методиках обучения // https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pedagog/dashina2/04.php.
6. Петрушова М. В. Основные принципы организации дистанционного обучения // <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-printipy-organizatsii-distantionnogo-obucheniya>.
7. Принципы дистанционного обучения // https://spravochnik.ru/pedagogika/printipy_obucheniya/printipy_distancionnogo_obucheniya.
8. Принципы обучения. Понятие принципа обучения // https://studme.org/49807/pedagogika/printipy_obucheniya.
9. Принципы обучения // <https://www.grandars.ru/college/psihologiya/printipy-obucheniya.html>.
10. Сущность и основные понятия дистанционного обучения // <http://www.eduguides.ru/gicods-582-1.html>.
11. Сущность дистанционного обучения // <https://mydocx.ru/12-39826.html>.

МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Инназаров М., Обидов А.

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Бош илмий-методик марказ*

Юқори ва самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини доимий янгилаш олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш, касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини узлуксиз малакасини ошириш курсларининг 223 та йўналишлари бўйича намунавий ўқув режа ва фан дастурлари илғор хорижий тажрибалар асосида мутахассислик модуллари ҳажмини оширган ҳолда янгиланиб ишлаб чиқилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

26 сентябрда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-3290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида академик лицейлар раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш курсларининг 33 та йўналишлари бўйича намунавий ўқув режа ва фан дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқдан ўтказилди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг билимларини доимий равишда ошириш мақсадида “Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари”, “Инглиз тили”, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси ҳамкорлигида “Касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари” бўйича қисқа муддатли масофавий курсларнинг ўқув-режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Олий таълим муассасалари академик лицейлар раҳбар ва педагог кадрлари учун масофадан ўқитишнинг онлайн ва офлайн шаклларида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг электрон таълим ресурслари яратилиб, уларни Бош илмий-методик марказ порталининг масофавий малака ошириш саҳифасига жойлаштирилди. Бу жараёнлар ўз навбатида замонавий таълимнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган масфовий таълим курсларига ахборот коммуникация технологияларни фаол тадбиқ этган ҳолда, ўқув машғулотларини масофадан олиб боришнинг тезкор ва самарали ташкил этилишини тaminлайди. Бугунги кунда Ер шарининг муайян нуқтасидан туриб, хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасасида таълим олиш ёки касбий малака ошириш имконияти мавжуд. Бунда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, улар ёрдамида ташкил этилаётган ўқитиш жараёнини масофадан туриб кузатиш, унда иштирок этиш, берилган ўқув топшириқларини қабул қилиб олиш ҳамда топшириқларнинг ечимларини таълим муассасасига тезкор етказиб бериш мумкин.

Шу билан бирга бугунги кунда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрлар учун 576 соатга мўлжалланган касбий қайта тайёрлаш, педагогик қайта тайёрлаш курсларининг намунавий ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув дастурларига АҚШ, Англия, Германия, Франция, Венгрия, Латвия, Япония, Хитой, Корея, Россия ва Қозоғистон каби давлатларнинг мутахассислари томонидан хулосалар олинмоқда. Барча ўқув режа ва дастурлар хорижий мутахассисларнинг хулосалари асосида такомиллаштирилиб амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, Белоруссиянинг “Республика олий мактаби институти” билан ҳамкорликда “Таълимда рақамли технологиялар” йўналиши

бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг намунавий ўқув режа ва фан дастури ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан тасдиқдан ўтказилди, ҳамда мазкур курснинг ўқув модуллари бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқув-услубий мажмуалар яратилди.

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” умумблок модуллари бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқув ресурслари белгиланган тартибда ишлаб чиқилди. Илғор педагогик технологиялар асосида такомиллаштирилган намунавий ўқув режа ва фан дастурларини электрон шаклда Бош илмий-методик марказнинг ягона ахборот-таълим порталига жойлаштирилиши таъминланмоқда.

Бугунги кунга келиб олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари учун масофадан ўқитишнинг онлайн ва офлайн шаклларида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун 223 та йўналишга электрон таълим ресурслари жойлаштирилди. Масофадан ўқитиш шакллари орқали амалга ошириладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини самарали ташкил этиш мақсадида, масофавий таълим кенг жорий этилган етакчи хорижий таълим муассасаларини тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида масофавий курслар платформаси такомиллаштирилди. Масофавий курсларнинг электрон таълим ресурсларини сифатини яхшилаш, тингловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида медиапортал ишлаб чиқилиб, видео маърузалар жойлаштириб борилмоқда. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида масофавий курсларнинг модераторлари ва тьюторлари учун махсус йўриқнома ҳамда ягона ахборот-таълим порталидан фойдаланган ҳолда иш жараёнларини тўғри ташкил этиш бўйича видео роликлар тайёрланди.

Амалга ошириладиган мазкур ишлар олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг доимий янгиланиб, такомиллашиб борадиган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари орқали олий таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва педагог кадрларни ҳамда академик лицей ўқитувчиларнинг фаолиятини зарур даражада ташкил этишда, уларнинг касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Обидов А.Э., Педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларини вебинар технологияси асосида такомиллаштириш. П.ф.д.д... дисс.-Т.: 2020 й.
2. www.Lex.uz // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНФОГРАФИКАНИНГ ЎРНИ

Адашбоев Ш.

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Бош илмий-методик марказ*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юсак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этилиши белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозимлигини тақозо этади [1].

Шундай экан, олий таълим тизимида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жалаёнларига рақамли технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида масофавий ўқитиш усулларида кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Масафадан малака ошириш жараёнида курсларнинг педагогик ҳамда мазмуний жиҳатлари юқори аҳамият касб этади. Курсларининг мазмуни самарадорлигини ошириш учун интерактив тақдимотлар ва инфографикадан фойдаланиш масофавий малака ошириш курсларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Таълим инфографикасидан фойдаланиш тинловчи фаолиятини самарали ташкил этиш тамойилига таянади.

Инфографика таълимнинг ажралмас қисмига айланган даврни аниқлаш кийин, аммо унинг келиб чиқиш йўлини ишончли тарзда кузатиб бориш мумкин: диаграммалар, чизмалар ва жадвалларни иллюстрациялар учун ишлатишга биринчи уринишлар XIX асрнинг охирларида дунёнинг турли мамлакатларида газета ва журналларда амалга оширилган.

Унинг асосий афзалликларидан бири бу унинг кўп қирралилигидадир – деярли ҳар қандай маълумот рангли график ёки интерактив жадвал кўринишида тақдим этилиши мумкин. Инсонлар маълумотларни тасвирларда эслашади ва шунинг учун нафақат содда ва қулай шаклда, балки жозибали шаклда ҳам тақдим этилган маълумотларни анча яхши ёдлашади. Шунинг учун ҳам ўқитишда ҳар хил инфографикадан фойдаланиш ўқув курсини ўзлаштиришни анча соддалаштиради.

Фаолият тамойилига кўра, тинловчилар инфографикага оид ижодий топшириқларни бажариш жараёнида билимларини мустаҳкамлаш ва таҳлил қилишни, уни тасвирлаш учун турли дастурий воситалардан фойдаланишни

ўрганадилар. Буларнинг барчаси тингловчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиради.

Таълим инфографикасидан фойдаланишнинг энг муҳим тамойили кўргазмалилик тамойилидир. Кўргазмалилик тизимли диаграммалар ва визуал тасвирларни ишлашга асосланган визуал фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради.

Замонавий инфографиканинг асосчиларидан бири Эдвард Р. Туфте бўлиб, у концепцияни ҳамда инфографиканинг ажойиб тўпламини яратди. Унинг асарларидаги иллюстрация элементларига компьютер ёрдамида яратиладиган тасвирлар, хариталар, гравюралар, фотосуратлар, шунингдек, бу иллюстрацияларда фойдаланувчига таъсир кўрсатишдан олдин ҳам, кейин ҳам қиёсий ўзгаришларни кўрсатувчи объектлар киради. Таълимда инфографикадан фойдаланишни назарий маълумотларни англашнинг самарали усули эканлигини айнан Туфте тадқиқ этган [2].

Матнни чизмага айлантиришда ўқувчи ёзилганларни тушунади ва яхши идрок этади. “Визуал фикрлаш” атамаси визуал тасвирлар хотирада узоқ вақт сақланиб қолиши сабабли вужудга келди [3].

Инфографика – бу ахборот дизайни шаклларида биридир.

Ахборот дизайни – бу эргономикани, функционалликини, инсоннинг ахборотни идрок этишининг психологик мезонларини, ахборотни тақдим этишнинг визуал шакллари эстетикасини ва бошқа омилларни ҳисобга олган дизайннинг бир соҳаси ҳисобланиб, бадий-техник дизайн ва турли хил маълумотларни тақдим этиш амалиётидир.

Ахборот дизайнининг мақсади – алоқа аниқлиги, яъни хабар нафақат жўнатувчи томонидан аниқ етказилиши, балки уни қабул қилувчи томонидан тўғри тушунилишини таъминлашдан иборат.

Инфографика яратиш технологияси

1-қадам - инфографика ёрдамида эришиладиган мақсад ва вазифаларни аниқлаш (мавзу йўналишига қараб). Графикада ҳақиқатда мавжуд бўлган ахборотларни намоиш қилиш жуда осон, лекин мавҳум тушунчаларни визуал текисликка ўтказиш анча қийин ва бу деярли имконсизлигини ёдда тутиш лозим.

2-қадам – маълумотни бўлимларга, қисмларга, пунктларга ажратиш. Ҳар бир бўлимни алоҳида расм ёки графикада тақдим этилиши лозим. Тингловчиларга таниш ва тез-тез ишлатиладиган визуал образларни танлаш лозим.

3-қадам – фокусни яратиш, яъни инфографиканинг атрофида қуриладиган асосий визуал метафора ҳақидаги ҳикояни ишлаб чиқиш лозим. Бу содда ва ҳаммага маълум бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчиларни ахборотни визуаллаштириш асосларига

тайёрлаш таълим бериш сифатини кўтаришга ёрдам беради. Масофавий таълим технологияларини ривожлантиришнинг муҳим элементларидан бири - янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли замонавий дарсликлар яратишдир. Бундай ўқув материалларини талабаларга етказиб берувчи диаграммалар, графиклар ва иллюстрациялардан фойдаланмасдан туриб тақдим этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25 январь 2020 йил.
2. Tufte, E. Visual Explanations / E. Tufte // Graphics Press. - 1997. - P. 78.
3. Масылюк Т. С. Инфографика как средство визуализации информации. Методические рекомендации. г. Добрянка, 2017 г. – с. 4.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Исканова Г.Х., Ташкенбаева У.А.

Тошкент тиббиёт академияси

Долзарблиги. Таълим-инсонни фан ва маданият дунёсига киришининг энг мақбул ва интенсив усулларида биридир. Таълимнинг мазмуни турли мамлакатлар ва халқларнинг маданий меросидан, доимий ривожланаётган илм-фаннинг турли соҳаларидан, шунингдек, инсон ҳаёти ва амалиётидан олинади ва доимий равишда тўлдирилади, чунки таълим жараёнида инсон маданий қадриятларни ўрганади. Жаҳон таълим майдони ҳозирги информацион асрда жадал ривожланмоқда. Шу боис, жаҳон ҳамжамиятида инсон таълимнинг глобал стратегиясини шакллантириш талабларини (унинг жойлашган жойи ва мамлакати, таълим тури ва даражасидан қатъий назар) ифодалайди. [2].

Таълим-оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари каби ижтимоий институтлар тизими орқали инсонларни билим олиш, ақлий ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш ва кўникмаларини олиш йўли билан шахсни шакллантиришнинг бир усулидир. Таълим ҳар қандай инсон ҳаётининг асосий жиҳатларидан биридир. Агар инсон юқори даражадаги таълимга эга бўлса, у турли ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўз билимларини ва кўникмаларини амалда қўллаши мумкин. Бизнинг давримизда айниқса, жаҳон молиявий инқирози даврида, олий таълим кадрланади, чунки бу моддий маблағларни яхши инвестициялаш мумкин бўлган муҳим соҳадир.

Замонавий жамиятда таълим инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бирига айланди. Унда бир миллиарддан зиёд ўқувчи ва қарийб 50 миллион ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Таълимнинг ижтимоий роли сезиларли даражада ошмоқда: Инсониятнинг ривожланиш истиқболлари бутунги кунда таълимнинг йўналиши ва самарадорлигига боғлиқ. Сўнгги ўн йил ичида дунё

барча таълим турларига бўлган муносабатини ўзгартиради. Таълим, айниқса, олий маълумот, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг асосий, етакчи омили сифатида қаралади. Ушбу эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қиймати ва асосий капитали янги билимларни топиш ва ривожлантиришга ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахс эканлигини тушунишдир [1].

Республика олий ўқув юртларида онлайн таълимнинг кенг тарқалиши кўплаб талабалар учун таълим олиш имкониятини яратиши мумкин, шунингдек, географик ва вақт чекловларини бартараф этиш орқали ўқишни истаган кишиларнинг касбий кўникмаларини аста-секин оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, интернет-таълими истеъмолчилар учун таълим хизматлари нархини пасайтиради, бу эса молиявий имконияти чекланган оилаларга керакли мутахассислик бўйича таълим олиш имконини беради.

Масофавий таълимнинг асосий принципи-ўқитувчининг талаба билан ўзаро алоқаси учун виртуал макондан фойдаланишдир. Шу билан бирга эсда тутиш керакки, таълим олиш юз фоиз мустақил бўлиши керак эмас, балки материални тушуниш учун зарур бўлган ҳажмда ўқитувчи билан жуда яқин алоқа ҳам лозимдир[2,3].

Таълим вазифалари: - иқтисодий - жамиятнинг ижтимоий - профессионал тузилмасини шакллантириш, одамлар томонидан илмий ва техник янгиликларни ўзлаштирилишига ва уларни профессионал фаолиятда самарали ишлатилишига ёрдам беришдир. Таълимнинг ижтимоий вазифаси шахсни ижтимоийлаштириш, жамиятнинг ижтимоий тузилмасини қайта тиклаш бўлса, маданий вазифаси шахсни тарбиялаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тарих давомида тўпланган маданий бойликлардан фойдаланишдир. Таълимнинг мақсади-инсонни цивилизация ютуқларига жалб қилиш, ўз ўрни ва маданий меросини сақлаб қолишдир[2,4]. Таълим тизимининг табиати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизим, маданий-тарихий ва миллий хусусиятларни белгилайди. Таълимни ривожлантиришнинг умумий тенденциялари: таълим тизимини демократлаштиришдир, бу ўз навбатида кўплаб мамлакатларда саводсизлик тугатилишига олиб келди, ўрта ва олий таълим оммавий тарқатилди. Таълим аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилди, гарчи таълим муассасаларининг сифати ва туридаги фарқлар ҳали ҳам сақланиб қолаётган бўлса ҳам. Таълимнинг узлуксизлиги - илмий ва технологик инқилоб шароитида инсонни янги турдаги касбларга, янги технологияларга тезкор ўтишига имконият яратди. Таълим жараёнини компютерлаштириш - янги замонавий таълим технологиялари, глобал миқёсдаги телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятини берди. Замонавий педагогикада илм-фаннинг роли икки жиҳатдан кўриб чиқилади. Биринчиси, шахснинг ўзи томонидан бошқариладиган мақсадли билим фаолиятидир. Иккинчидан, инсоннинг илм-фан, технология, маданият, сиёсий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасидаги тизимли билимларини мустақил равишда ўзлаштиришидир. Бундан ташқари таълимга ўз-ўзини

тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралади. Сўнгги йилларда ўз-ўзини тарбиялаш асосий таълим (умумий ва касб-ҳунар) ва мутахассисларни малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш вақти-вақти билан такомиллаштириш ўртасидаги боғлиқлик вазифасини ўтайдиган узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади[4].

Жамият ўзгариши билан таълимни тушунишнинг ёндашувлари ҳам ўзгаради, чунки бугунги кунда ўқимишли инсон-бу ҳаётга тайёр, замонавий маданиятнинг мураккаб муаммоларига эркин йўналтирилган, ҳаётдаги ўрнини тушунишга қодир бўлган инсондир.

Мақсад. Олий таълимнинг малака ошириш тизимида илғор таълим технологияларининг киритилиши билан боғлиқ муаммо ва ижобий натижаларни таҳлил қилиш.

Натижалар. Илғор технологиялар сиртдан ва масофадан туриб олий маълумот олиш учун ишлатилади. Бутун дунёда пандемияга сабаб бўлган коронавирус туфайли карантин даврида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги олий тиббий таълим педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ҳам дарслар масофавий кўринишда олиб борилди. Марказ тингловчилари учун – видеоконференциялар, вебинарлар, тест синовлари Zoom, Moodle платформаларида ва ўқитувчилар билан суҳбатда шахсий ёзишмалар телеграм канали орқали ташкил этилди. Бу тингловчилар диққатига электрон масофавий таълим тизими орқали дарс материаллари, тест топшириқлари, дарс видеоёзувлари ва ҳ.к. лардан фойдаланиш имконини берди. Тақдиротлар, видео маърузалар, интерактив вазифалар ва бошқа замонавий таълим технологиялари тақдим этилди. Марказда таълим олаётган барча тиббиёт йўналишлари тингловчилари ўзлар истиқомат қилаётган жойларидан туриб малака оширдилар. Тингловчиларнинг фикри билан қизиққанимизда уларнинг 75% ига мазкур таълим олиш шакли маъқул келганлигини, чунки интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган ҳар қандай муҳитда оммавий очик онлайн дарсларга кира олиш имконияти бўлганлигини айтишди. 20% тингловчилар эса ўзлари яшаб турган жойдан интернетга уланиш муаммоси бўлганлигини таъкидлашди. 5% тингловчиларнинг соғлиқлари билан муаммолари борлиги, ёш болали бўлганликлари учун бу таълим тури уларга маъқул келганлигини билдиришди. Аммо бундай ўқитиш тури камчиликлардан ҳам холи эмас. Аввало тиббиёт олийгохлари тингловчилари учун бемор билан бевосита алоқанинг йўқлиги муаммо ҳисобланади. Бундан ташқари баъзи тингловчилар маърузалар пайтида ижтимоий тармоқларга ташриф буюриш туфайли дарсдан чалғишлари ва топшириқларни бажаришда бошқа сайтлардан кўчириш муаммолари ҳам йўқ эмас. Шу ерда айтиш жоизки, ушбу таълим усули талабаларда нутқ маданиятининг яхши шаклланмаслиги, шунингдек интерактив таълимнинг асоси ҳисобланган «талаба ва ўқитувчи», «талаба ва талаба» орасидаги алоқанинг бўлмаслиги бу таълим турининг камчиликларидандир.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра масофавий ўқитиш тизими баъзи таълим муассасаларида кенг тарқалган коррупция схемаларининг иш бермаслигига; айрим таълим муассасаларида баъзи фанлар бўйича ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммосининг хал этилишига; талаба онлайн ўқиш учун қулай вақт ва жойни танлаши мумкинлиги, (масалан, ётоқхонада, уй шароитида); ривожланаётган мамлакатлардаги талабалар учун дунёнинг етакчи таълим муассасалари ўқитувчилари билан боғлана олиш имкониятини беришига: бир вақтнинг ўзида кўплаб тилларда ўқиш мумкинлиги ва ҳар қандай онлайн воситалардан фойдаланиш имконияти; кўплаб жисмоний камчилиги бўлган ногиронлар онлайн курсларда бемалол таҳсил олиши мумкинлиги масофавий ўқитишнинг самарадорлиги натижасидир[1,2] .

Хулоса шуки, ҳозирги кунда инсонлар доимий ҳаракатда, жамият эса тинмай ривожланмоқда. Бундай шароитда фақат ўзи устида доимий мустақил иш олиб борадиган, янги технологиялардан фойдалана оладиган ва узлуксиз таълим олишга мослаша оладиган мобил инсонларгина яхши тақдирланадилар ва бундай инсонларнинг кўплиги мамлакат тараққиётига ҳам ўз хиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байденко В.И. Мониторинговое исследование болонского процесса: некоторые результаты и взгляд в будущее //Высшее образование в России- 2009.
2. Ерохина К. С. Социальная мобильность ученых и проблемы её государственного регулирования / СОЦИС 2008 г.
3. Ключарев Г.А. Дополнительное профессиональное образование: особенности, эффективность, перспективы. / СОЦИС 2010 г.
4. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. (ред. М. В. Буланова-Топоркова). 2012.

ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИГИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ УСУЛЛАРИ

Хабибуллаев Р.А., Умаров И.С., Мирзақулов Х.Ч.

Тошкент кимё-технология институти

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида кундузги таълим ва онлайн таълим асосида гибридлашган Blended Learning (аралаш таълим) усули тобора кенг тарқалмоқда ва ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда [1]. Шунга кўра, тингловчиларнинг рақамли саводхонлигини ошириш таълим соҳасидаги энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тошкент кимё-технология институтида кейинги 5 йил давомида мобил таълимни ташкил қилиш, талабаларнинг ва тингловчиларнинг рақамли саводхонлигини ошириш ва илғор хорижий давлатларда кенг оммалашаётган Blended Learning усулини қўллаш бўйича самарали ишлар амалга ошириб

келинмокда. Хусусан, тармоқ марказида “2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш”, “3.2. Технологик фанлар учун Flash-анимация ва симуляторлар ишлаб чиқиш”, “6.1. Органик бирикмалар технологиясидаги инновациялар”, “6.3. Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” модулларини олиб боришда Ziyonet сайт-сателлитлари, Google Classroom веб-сервисларида талабаларнинг мустақил таълимини онлайн шаклда ташкил қилиш бўйича бир қатор тажрибалар қўлга киритилди [2,3].

Биз яратган мустақил таълим топшириқлари мобиль қурилмаларда навигация амаллари ёрдамида бажарилади. Фанни ўзлаштиришнинг бу янги усули тингловчиларда жуда катта қизиқиш ўйғотмокда, улар қулай вақтда онлайн тизимида биз тақдим қилган мустақил таълим топшириқларни бажариб модулни муваффақиятли ўзлаштиришмокда.

Биз ўз тадқиқотларимизда кўпроқ вариант танлаш, очиладиган рўйхатдан жавоб танлаш, фаол ҳудудни кўрсатиш, матн ёки сон киритиш, объектни ушлаб бошқа жойга кўчириш, қўшиб бириктириш каби навигация амаллари ёрдамида бажариладиган мустақил таълим топшириқлари шакллари ишлаб чиқдик. Ушбу мустақил таълим топшириқларида тингловчилар фан материалларини билиш, тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш, қарор қабул қилиш даражаларигача ўзлаштиришлари мумкин.

Биз, энг аввало, тарқатма материалларни (маъруза матни, йўриқномалар, глоссарийлар, адабиётлар, силлабус, календар режа, амалий машғулотларни бажариш тартиби, youtube видео роликлари, интернет ҳаволалари ва ҳ.к.) талабаларга онлайн тизимида етказишни йўлга қўйдик. Кейин эса амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида қуйида келтирилган шакллардаги топшириқларни ишлаб чиқдик:

- FAQ форуми. Тингловчи ўқитувчидан ўзини ўйлантирган ва тушунишга қийналаётган саволларига жавоб олади. Савол ҳажми чекланган (30-50 сўз). Бу савол-жавоблар асосида кейинчалик FAQ-банки яратилади.

- Q/A форуми. Тингловчи саволга чекланган ҳажмда (50-70 сўз) жавоб ёзади. Бу усул талабанинг мустақил ишлашини таъминлайди ва ҳатто назорат қилинмайдиган ҳолатда ҳам плагиатнинг олди олинади.

- SWOT форуми. Тингловчи бирор тушунчани SWOT-таҳлил қилади. Жавоб ҳажмини чеклаш (50-90 сўз) плагиатнинг олдини олади.

- LINK форуми. Тингловчи тақдим этилган Link ни босиб, материал билан танишади ва у ҳақдаги ўз фикрини 50-70 сўз билан изоҳлайди.

- Ўргатувчи тест топшириғи. Ушбу махсус веб-саҳифада Google Classroom формаларида ишланган тест топшириқлари жойлаштирилади, тингловчи тест якунида жавобларни кўриб, таҳлил қилиб материални ўрганади.

- Google Classroom формалари. Бу формаларда саволга жавоб сифатида бир нечта сўз ёки каттароқ матн ёзиши, бир ва кўп жавобли тестни ечиш,

очиладиган рўйхатдан жавоб танлаш, akkaунт эгасининг Google Disk ига хужжат юклаш, шкала (сўз билан ифодаланадиган баҳо), сетка (бир ва кўп жавобли), сана ҳамда вақт қўйиш имкониятлари мавжуд.

- Google Classroom презентацияси. Тингловчиларга гуруҳ бўлиб такдимот қилиш, берилган топшириқларни PowerPoint да биргаликда параллел бажариш имконини беради.

- Google Classroom хужжати. Тингловчиларга гуруҳ бўлиб топшириқларни бажаришга, масалан, курс ишлари ва лойиҳаларини ҳамкорликда параллел равишда бажаришларига имкон беради.

- Google Classroom жадвали. Электрон жадваллар гуруҳнинг барча тингловчиларига биргаликда параллел ишлашига имкон беради.

Биз ишлаб чиққан ушбу мустақил таълим шакллари мураккаб масалаларни мобиль қурилмасида оддий навигация амаллари ёрдамида тез ва осон бажаришга имкон беради. Бу шакллар ёрдамида тингловчи юқори даражадаги рақамли саводхонликни намоён қилмоқда ва фанни ўзлаштириш самараси ортмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. P. Shea and T. Bidjerano. "Understanding distinctions in learning in hibrid, and online environments: an empirical investigation of the community of inquiry framework, "Interact. Learn. Environ, vol. 21, no. 4, pp. 355-370, 2013.

2. https://te-st.ru/entries/google_classroom/

3. <http://rashidxabibullayev.zn.uz/3-1-modul/>

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Баратов Д.Х., Жуманиязов Б.Ж.

Тошкент давлат транспорт университети

Анотация: Мамлакатимиздаги ОТМ битирувчилари келажакда етук муҳандис-мутахассис бўлиб етишиши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Инсон қандай касб эгаси бўлмасин, унда психология тушунчаси шаклланган бўлиши керак. Кейс-стади методи ана шундай тушунчаларни инсон онгида пайдо бўлиши ҳамда ушбу тушунчани ҳаётга қўллашда ёрдам берувчи методлардан бири саналади.


Калит сўзлар: Кейс-стади, психология, Case, эксперт баҳо, Case study, альтернатив.

Республикамызда муҳандис-мутахассислар тайёрлашда таълим жараёнига кейс-стади усулларини татбиқ этиш амалий аҳамиятга эга. Бу янги фикрловчи ижодкор-психолог мутахассисни шакллантиришга олиб келади. Кейс-стади қандай метод? Интерфаол таълим методларидан бири бўлиб, кейс-стади ёки аниқ вазиятлар методи (инглизча "case" – "ҳодиса, вазият" сўзидан келиб чиққан) – муаммоли вазиятни таҳлил қилиш методи бўлиб, у таълимда аниқ бир вазифа (топшириқ)ни – муаммоли вазият(кейс)ни ечишга асосланган. Кейс-стади ёки аниқ вазиятлар методи фаол имитацияга тааллуқли. Кейс-стади методининг бевосита мақсади таҳсил олувчиларнинг

хамкорликдаги аниқ бир иш жараёнида содир бўлган вазиятни (кейсни) психологик таҳлил қилиш орқали амалий ечиш йўллари топиш, ишлаб чиқиш ҳамда жараёни натижаси таклиф этилган алгоритмлар (ечимлар)га баҳо бериш ва қўйилган муаммо ечимининг мақбулини танлаш. Кейс-стади методи чет элда асосан иқтисодиёт ўқув фанини, бизнесни ўқитишда кенг қўлланилади. Биринчи маротаба кейс-стади методи Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби ўқув жараёнида 1970 йилда қўлланилган. Бу методни Гарвард бизнес мактабида татбиқ этиш 1920 йилда бошланган. Кейсларни биринчи бор танлаш 1925 йили Гарвард университетининг бизнес тўғрисидаги ҳисоботларида акс эттирилган. Ҳозирги вақтда иккита классик кейс-стади мактаблари мавжуд: Гарвард (Америка) ва Манчестер (Европа) мактаблари. Биринчи (Америка) мактабдаги методнинг мақсади – ягона (конвергент) тўғри ечимни излашга ўқитилса, иккинчи (Европа) мактабдаги методни мақсади эса муаммонинг кўп вариантли (дивергент) ечимларини топишга қаратилган.

Бугунги кунда кейс-стади методи таълимда етакчи ўринда турибди, чет элда бизнес таълимда фаол қўлланилаяпти ва таҳсил олувчилар томонидан муаммоларни ечишни энг муҳим самарали усули ҳисобланади. Кейс-стади методи турли амалий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилади. “У битта жумла билан ифодаланган бўлиши мумкин, ўша жумла муаммонинг ижодий ечими ва вазиятни таҳлил қилиш кўникмасини шаклланганлигини ҳамда қарор қабул қилиш кўникмасини билдиради”.

Кейс-стади тузиш технологияси. Кейс-стади тузишни қуйидаги асосий босқичлари мавжуд:



Кейсга тайёргарлик жараёнининг барчаси ахборот технологиялари билан ишлаш кўникма ва малакаларига асосланганлиги боис, мавжуд билимларни, илмий-тадқиқот фаолиятни фаоллаштиришга имкон беради. Кейс-стади методининг ажралиб турадиган хусусияти шундан иборатки, реал ҳаётдаги далилларга асосланган ҳолда муаммоли вазиятни яратиш, ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу Кейс-стади методи талабаларда қуйидаги кўникмаларни ривожлантиради:



- Аналитик: далилларни ахборотлардан фарқлаш кўникмасини, ахборотларни таснифлаш, муҳим ва муҳим бўлмаганларини ажрата олиш, таҳлил қилиш, тасаввур қилиш ва уларни излаб топиш. Тиниқ ва мантиқий фикрлаш.

- Амалий: Муаммонинг мураккаблик, қийинлик даражаси аниқ ҳаётий вазиятга нисбатан кейсда пасайтирилган ҳолларда амалда иқтисодиёт назарияси, принциплари ва методларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга ундайди.

- Ижодий(лик): Битта мантиқ билан кейсдаги вазиятни ечиб бўлмайди. Мантиқий фикрлаш билан мақбул ечимни топиш қийин бўлган ҳолларда муқобил (альтернатив) қарорларни генерация қилишда ижодий кўникма жуда муҳим ҳисобланади.

- Коммуникативлик (мулоқотмандлик): Баҳс-мунозара олиб бориш, атрофдагиларни ишонтира олиш, кўргазмали материаллардан ва бошқа медиа-воситалардан фойдаланиш, ўз фикр-мулоҳазасини ҳимоя қила олиш, оппонентларни ишонтириш, қисқа ишонарли ҳисобот туза олиш.

- Ижтимоий: Кейсни муҳокама қилишда маълум бир ижтимоий кўникмалар ҳосил бўлади, инсонлар хулқ-атворини баҳолаш, эшита олиш, баҳс-мунозарада қўллаб-қувватлаш ёки қарама-қарши фикрни асослай олиш, ўзини назорат қилиш ва шу кабилар.

- Ўз-ўзини таҳлил қилиш: Баҳс-мунозарада фикрларга қўшилмаслик, бошқалар ва ўз фикрини англаб етиш ва таҳлил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мутахассисларни тайёрлашда Кейс-стади методи қўлланилиши назарий билимларни реал ҳаётга эркин қўллашни тезлаштиради ва таълим-тарбия жараёни иштирокчилари доимо фаол, изланувчан, ижодкор

бўлишига шароит яратилади. Натижада эса тахсил олувчи психология йўналиш бўйича рақобатбардош кадр бўлиб етишишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.А. Ишмухамедов, А. Абдуқодиров Таълимда инновацион технологиялар Т.: 2010.
2. Р. Ишмухамедов, М. Юлдашев Таълим ва тарбия жараёнида инновацион технологиялар Т.: 2013.
3. Д.М. Файзуллаева, М.А. Ганиева, И. Неъматов Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. Методик қўлланма Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013.

AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O'QUV JARAYONIDAGI O'RNI

Begimqulov H.Sh.

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilinishi, yangi ta'lim standartlari asosida ta'lim va tarbiya jarayonini qayta tashkil etishga kirishilgan hozirgi kunda talabalarning bilim va ko'nikmalarini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

XXI asr – axborot texnologiyalari asrida axborot-kommunikatsion texnologiya- larning roli va o'rni beqiyosdir. Xozirda hayotimizni axborot-kommunikatsiya texnologiyalarisiz tassavur etib bo'lmaydi. O'zbekistonda ta'lim jarayonida AKTni qo'llash bo'yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda va uning huquqiy va me'yoriy asoslari yaratilgan.

Shu bilan bir qatorda dunyo xamjamiyatini larzaga solgan pandemiya davri AKT ning hayotimizdagi o'rni beqiyos ekanligini ko'rsatib berdi.

Ayni vaqtda globallashuv jarayoni ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. O'qitishning zamonaviy usullaridan foydalanmasdan va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llamasdan turib ta'limda samarali natijalarga erishish mumkin emas. Bunday vaqtda ta'limning maqsad va mazmunini anglagan holda, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to'g'ri tanlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Bizga ma'lumki o'quv fanlarini o'qitishda axborot texnologiyalaridan foydalanish yuqori samaradorlikga erishish imkoniyatlarini hamda o'quv resurslarini oson tushunish va soha bo'yicha malaka-ko'nikmalarni shakillantiradi.

O'qitishning ilmiyligi, natijaviyligi va ko'rgazmaviyligini ta'minlash maqsadida axborot texnologiyalarining elektron ta'lim resurslarini imkoniyatlaridan keng foydalanish yo'l-yo'ruqlarini va ularni joriy qilish hamda usul-vositalaridan to'g'ri foydalanish zarurdir.

Bizga ma'lumki hozirgi kunda talabalarni bilim olishlari uchun pandemiya sharoitida bir qancha muommolarga duch kelindi. Buning yechimi sifatida Moodle

tizimidan keng foydalanish yo'lga qo'yildi. Moodle tizimi - bu ochiq kodli masofaviy ta'lim vositasidir. Moodle MTT (masofaviy ta'lim tizimi) bilan keng ahamiyat kasb etadi, ayrim hollarda esa ulardan ustun hisoblanadi. Hozirgi kunda bu tizimdan dunyoning barcha mamlakatlarda keng foydalanda.

Moodle MTT (masofaviy ta'lim tizimi) sifatli masofaviy o'quv kurslarini yaratish uchun mo'ljallangan.

Moodle ochiq kodli shaklda tarqatiladi va har bir o'quv loyihasiga quyidagi qulayliklar bilan yo'naltiriladi:

1. Boshqa axborot tizimlari bilan integrasiyalash mumkinligi;
 2. Yangi servislar, yordamchi funksiyalar yoki hisobotlar qo'shish mumkinligi;
 3. Yangi qo'shimcha modullar yaratish yoki tayyorlarini o'rnatish mumkinligi.
- Bundan tashqari yana Moodle-bu barcha resurslarni bitta joyda ekanligi bilan alohida ajralib turadi ya'ni:

1. Tizimda elektron o'quv materiallarini yaratish va saqlash hamda ularni o'rganish ketma-ketlikda amalga oshirilishi mumkin. Shu sababli, Moodlega kirish internet yoki boshqa tarmoqlar orqali amalga oshiriladi, talabalar aniq bir joy va vaqtga bog'lanib qolmasdan, yer sharining xohlagan joyidan, xohlagan tezlikda materiallar bo'yicha ma'lumotlar olishlari mumkin va o'zlari qiziqqan mavzularni chuqurroq o'rganish uchun ko'proq vaqt ajratishlari hamda fanlarni oson o'zlashtirishlariga zamin yaratiladi.

2. Elektron «darslik» sifatida nafaqat matn balki videoroliklarning turli formatdagi resurslardan foydalanish imkonini beradi. Barcha materiallar tizimda saqlanadi, ularni fayllar, yorliqlar, teglar va gipermatnli yuklamalar yordamida tashkillashtirish mumkin.

3. Kommunikasiya uchun keng imkoniyatlar - Moodle ning eng kuchli tomonla- ridan biridir.

Ta'lim muassasasining elektron ta'lim muhitini yaratish sof texnik masala bo'lib qolmasdan, buning uchun muassasaning ilmiy-metodik, tashkiliy va pedagogik imkoniyatlarni tizimli yondashuv asosida ishga solish talab etiladi.

Moodle tizimida elektron ta'lim muhitinining maqsadi ta'lim oluvchi shaxsiga qo'yiladigan talablar bilan bevosita bog'liq holda ishlab chiqiladi. Bunda albatta electron ta'lim resurlariga talab ortadi.

Elektron ta'lim resurslariga- fan bo'yicha yaratilgan elektron darslik, o'quv qo'llanma, ko'rsatmalar, multimediyali vositalar, ma'lumotnomalar va lug'atlar, gipermatnlar, elektron testlar va topshiriqlar hamda shunga o'xshash talabaning mustaqil bilim olishining ta'minlovchi, o'rganishga qiziqish uyg'otuvchi resurslar kiradi.

Har bir elektron o'quv adabiyoti o'quvchilar yoshiga, fanning o'quv dasturiga mos bo'lishi, mavzular to'la yoritilishi, fanlararo bog'liqlik, o'quv fani mavzularga mos dizaynlar tanlanishi, fanga nisbatan qiziqishini orttirishi, ta'limda samaradorlikka erishilishiga xizmat qilishi lozim. Shundagina electron ta'lim resurlari samara beradi.

COMMUNITY OF INQUIRY FRAMEWORK

Kosimov A.

Westminster International University in Tashkent

Online learning currently can provide technology to enable effective conversations, interactions, and collaborations, which are viewed to be important for all learning. It is also important to note that these forms of interaction do not happen without skillful support or moderation by tutors (Anderson, 2008; Guldborg & Pilkington, 2007; Rourke & Anderson, 2002 as cited in Feng et al, 2017). Instructors of online learning who decide to integrate socio-cultural approaches to development promote dialogic interactions, which can be in the form Socratic Method of questioning that entails mediating students learning through questions (Harwood & Brett, 2019). Similar to face-to-face classes, students in online learning can also be engaged in interaction with a teacher or in a collaborative work. The Community of Inquiry is a framework that helps online instructors to structure the course so that students are provided necessary support needed for a meaningful and effective educational experience.

Community of Inquiry Framework

The Community of Inquiry (CoI) Framework was proposed by Garrison, Anderson and Archer. The model promotes the idea that deep and meaningful learning happens when sufficient levels of three component presences of the approach is evident (Feng et al, 2017). The three components are teaching presence, cognitive presence and social presence.

Social presence is the extent to which a student's true-self is presented and perceived in online learning environment (Rourke, Anderson, Garrison & Archer, 2001, as cited in Feng et al, 2017). Social presence can be measured in three dimensions: group cohesion, open communication and emotional expression (Garrison et al, 2000, as cited in Feng et al, 2017). Environmental acclimation has been added as the fourth type because it is important for students to be able to use the software in order to be able to present their true – self to a sufficient degree. Because online learning environment lack much of the non-verbal environment and that learners interaction with other students is only available using the technology, online instructors should carefully plan their scaffolding strategies to encourage students to effectively interact with other learners and instructors.

Cognitive presence is engaging students in tasks such as information exchange, connecting ideas and applying new ideas (Garrison & Arbaugh, 2007). This type of presence is operationalized through Dewey's construction of practical inquiry and the critical inquiry. Garrison, Anderson and Archer (2001) define cognitive presence as “the extent to which learners are able to construct and confirm meaning through sustained reflection and discourse” (Garrison & Arbaugh, 2007).

Teaching presence is necessary to ensure that interactions in online learning have clearly defined parameters and that they are focused in a specific direction (Garrison et al. 2001, as cited in Garrison & Arbaugh, 2007). In online learning environment, clear instructions, questions posed by the instructor, assessment description, syllabus and course goals presented to students can be used to ensure that interactions are focused and that learners are aware of what is expected of them. There is a consensus that teaching presence is significant factor that affects students' satisfaction, perceived learning and sense of community (Garrison & Arbaugh, 2007).

If we look at this framework through socio-cultural perspective, we can see that this framework acknowledges the role of interaction and scaffolding in development. Social presence allows learners to engage in interactions that help them construct, shape and transform ideas and concepts. Socio-cultural theory posits that any learning first happens externally and then internally, In this regard, social presence should allow learners opportunities to interact with others. Teaching presence can be seen as the carefully designed scaffolding or mediation that directs learners' development and facilitates learning. Cognitive presence can also be viewed from SCT perspective because various reflective tasks that a student does allow them to externalize their ideas, which may then be reshaped as the learner receives feedback and eventually be internalized.

Strategies that can be applied in the context of online learning

Social Presence. In order to help learners present their true-self in the online learning, the instructors may use a variety of strategies some of which are incorporating audio and video recordings, incorporating activities where learners can communicate with each other and giving some verbal feedback in addition to written feedback.

Cognitive Presence. It is also important to provide students opportunities to construct and confirm meaning through activities that requires reflection and higher order thinking. Some scaffolding strategies that may be applied are providing opportunities to exchange information, providing opportunities for learners to teach or present a topic. It is important to know that cognitive presence is not students simply doing what is asked to do. But it is students being cognitively aware of why they are doing each activity and how it relates to the course goals.

Teaching Presence. Some examples of strategies applied to enable sufficient level of teaching presence are sending weekly notes, letting students know what the expectations are by sending them a letter at or before the beginning of the course and providing an evaluation rubric for online discussions.

Conclusion

Community of Inquire is a framework that guides online instructors on how to organize an online course so that the learning experience is interactive and effective. Three elements of the framework are all important because an insufficient level of

presence in any of these presence types will affect the overall educational experience,

List of references:

1. Feng, X., Xie, J. and Liu, Y., 2017. Using the Community of Inquiry Framework to Scaffold Online Tutoring. *The International Review of Research in Open and Distributed Learning*, 18(2), pp.162-188.
2. Garrison, D., Anderson, T. and Archer, W., 2010. The first decade of the community of inquiry framework: A retrospective. *The Internet and Higher Education*, 13(1-2), pp.5-9.
3. Garrison, D. and Arbaugh, J., 2007. Researching the community of inquiry framework: Review, issues, and future directions. *The Internet and Higher Education*, 10(3), pp.157-172.
4. Harwood, C. and Brett, C., 2019. Obuchenie Online: The Applicability of Vygotskian Pedagogy to Online Teaching and Learning. *Cognition and Learning*, 11, pp.141-161.

PROFESSIONAL TAYYORGARLIKNI TA'MINLASHDA AXBOROTLASHTIRILGAN TA'LIM MUHITINI TAKOMILLASHTIRISH

Gaffarov L.X.

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002-yil 30-mayda qabul qilingan «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarorda kadrlar tayyorlash sohasini takomillashtirish, mamlakatimiz salohiyatini oshirishning demokratik davlat va bozor iqtisodiyotiga asoslangan fuqarolik jamiyati qurishning muhim shartlaridan biri sifatida belgilandi.

Jamiyatni axborotlashtirish muommosi ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. Ammo hozirgi vaqtda axborotlashtirilgan ta'lim muhiti (ATM)ni yaratish va ta'lim jarayonida AKT dan foydalanish bo'yicha ilmiy ishlanma va uslubiy majmualar yetarli emas. ATM ta'lim oluvchilarning yashash joyi ko'rsatiladigan ta'lim xizmati turlaridan qat'iy nazar, zamonaviy axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarida erkin foydalanib, tanlangan mutaxassisligi bo'yicha bilim olishi va uni puxta egallashiga imkon beradi.

Foydalanuvchilarni qo'llab-quvvatlash mexanizmi:

O'quv jarayonini tashkil etish texnologiyasi va usuli buyicha "on-line" rejimida maslahat(konsultatsiya)ni tashkil etish; muntazam ravshda simenar tashkil etish; o'quv-uslubiy taminotlardan tajriba almashish .

ATM ning axborot resurslari: kompyuter ta'lim dasturlari; matematik modellar; muayyan ta'lim yo'nalishiga oid mul'timediyali materiallar; standart amaliy dasturlar; amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini bajarishga mo'ljallangan qurulma va standartlarning funksional vazifalarini aks ettiruvchi dasturli majmua. Bundan

tashqari, tajribaviy tadqiqotlar natijalari; ijtimoiy tadqiqotlar natijalaridan ham maqsadga muvofiq. Ular ko'maklashuvchi resurslar hisoblanadi.

Bugungi kunda taraqqiyot juda tez rivojlanmoqda va juda tez o'zgarimoqda. Deyarli har daqiqada sayyoramizning turli burchaklarida o'zgarishlar, yangilanishlar va kutilmagan voqea hodisalar sodir bo'lmoqda. Har bir kunimiz kuchli informatsiya oqimi ostida kechmoqda. Informatsiya oqimi bizni uyda, ishxona va ta'tilda ta'qib etadi. Inson informatsiya ta'siridan xoli normal faoliyat yurita olmaydi. Hayotni anglash, uni o'rganish informatsiyalarni yig'ish va o'zlashtirish orqali kechadi. Insonning bilimlilik darajasi ham ma'lum davr ichida shaxs tomonidan o'zlashtirilgan informatsiyalarning ko'p yoki ozligi bilan belgilanadi. Shuning uchun zamonaviy bilimlar sari keng yo'l ochish ta'limotni takomillashtirishda yangi informatsiya texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kunning talabiga aylandi. Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi hamda O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» gi qonuni ham zimmamizga shu ma'suliyatni yuklaydi. Va'holanki ta'lim tizimida sezilarli o'zgarishlar ro'y bermoqda. Ta'lim tizimida masofadan o'qitish uslubi shakllari qo'llanilmoqda. Masofadan o'qitish uslubi bu sirtqi o'qishning yangi shaklidir. Masofadan o'qitish bu mustaqil o'qishdir. Mustaqil o'qish insonning mustaqil fikrlash, holatni baholash, xulosa va bashorat qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Masofadan o'qitishning yana bir afzalligi shundaki, unda o'quvchi o'ziga qulay vaqtda va hattoki ishdan ajralmagan holda o'qishi mumkin. Aynan shu afzalliklari tufayli bu uslub dunyoda hozirgi kunda keng tarqalgan. Ko'pgina yirik korxonalar mutaxassislari malakasini oshirish yoki o'zgartirish uchun shu uslubdan foydalanib, yiliga millionlab dollarlarni tejamoqdalar.

Yuqoridagi tahlillarga ko'ra, xulosa sifatida aytish mumkinki, O'zbekiston Respublikasi ta'limi, xususan, oliy ta'limga talab yillar davomida ortib borayotganligidan dalolatdir. Shu bilan birga, O'zbekistonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining yuqori darajada rivojlanganligi ham masofaviy ta'limni amalga oshirish uchun yetarli shart-sharoitlar mavjudligini bildiradi.

TIBBIY XIZMAT KO'RSATUVCHI TADBIRKORLIK MUASSASALARNING YAGONA ELEKTRON NAVBAT AXBOROT TIZIMI AHAMIYATI

Babadjanov E.S., Asqarov Q.

TATU Nukus filiali

“Elektron hukumat” tizimini davlatimizda jadallik bilan rivojlantirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. “Elektron hukumat” tizimida barcha soha va tarmoqlarga tegishli davlat tashkilotlari tomonidan aholiga ko'rsatilayotgan xizmatlar elektron shaklda amalga oshiriladi.

Jumladan sog'liqni saqlash tizimida ham elektron xizmatlar ko'rsatish borasida ham bir qancha axborot tizimlar amaliyotga tatbiq etilgan. Bunga yagona elektron ro'yxatga olish va internet tarmog'i orqali shifokor qabuliga yozilish "e registratura" avtomatlashtirilgan axborot tizimini misol qilish mumkin.


Ammo aholini sog'liqni saqlash tizimidagi biznes sub'ektlariga tegishli klinika va stomatologiya kabi tashkilotlar to'g'risida markaziy ma'lumotlar berish, shifokorlar qabuliga onlayn yozilish masalasi ochiq qolmoqda. Shuning uchun ham xususiy tibbiy muassasalar bo'yicha elektron navbat va uning monitoringini olib boruvchi axborot tizim ishlab chiqilishi muhim sanaladi.

Qoraqalpog'iston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirligi tasarrufidagi tadbirkorlik faoliyatidagi tibbiy muassasalar, jumladan, klinika va stomatologiya shifokorlari qabuliga bemor yoki maslahat oluvchilar onlayn ravishda navbatga yozilishi, elektron navbatlarning bajarilishini nazorat qiluvchi axborot tizimi ishlab chiqish muammoning yechimi hisoblanadi. Bunday tizim ushbu hududdagi barcha xususiy tibbiy muassasalarning ma'lumotlarini o'z ichiga olgan bo'lib, ma'lumotlar yagona elektron bazaga kiritiladi.

Tizim veb sayt hamda mobil ilova ko'rinishida foydalanuvchiga xizmat qiladi. Foydalanuvchi tizimdan foydalanish uchun ro'yxatdan o'tadi. Ro'yxatdan o'tish jarayonida o'zi haqidagi tibbiy ma'lumotlarni tizimga kiritadi. Ushbu ma'lumotlar tizimning ma'lumotlar bazasida saqlanadi. Bu ma'lumotlarni kiritish asosida foydalanuvchining tibbiy ma'lumotnomasi va uning shaxsiy kabineti yaratiladi. Ma'lumotlarni fayl ko'rinishida tizimga kiritish imkoniyati yaratiladi. Ushbu fayl ko'rinishidagi ma'lumotlar bemorga oldin qanday tibbiy tashxislar qo'yilgan, qanday davolash usullaridan foydalanishga maslaxatlar berilgan hamda qanday dorilarni qabul qilish haqida berilgan ko'rsatmalar haqida yozilgan hujjatlarni skaner yoki mobil telefon kamerasidan foydalanib tizimga kiritiladi. Shifokor o'z ro'yhatiga yozilgan foydalanuvchining tibbiy ma'lumotnomasi ko'zdan kechirib unga to'g'ri tashxis qo'yishi hamda kerakli maslaxatlar beradi.

Tizimni yaratishda uchun birinchi navbatda tibbiy muassasalar haqidagi ma'lumotlar o'rganib chiqilib ular asosida ma'lumotlar bazasi yaratiladi. Ma'lumotlar bazasida muassasalarning manzillari, shifokorlar haqidagi ma'lumotlar kiritiladi. Bundan tashqari tizimga shifokorlar xizmatlari uchun elektron to'lovlarni amalga oshirish imkoniyatini ham birlashtirish mumkin. Bemorlar shifokorga yozilishi onlayn monitoring qilib boriladi. Bunda shifokor bemorni qabul qilishi aniq vaqti kiritiladi. Bu o'z - o'zidan bemorning vaqtini tejaydi hamda muassasada soatlab navbat kutishdan xalos qiladi. Shu bilan birga muassasalar joylashgan manzilni geolokatsiyaga ulash imkoniyati yaratiladi. Bu tibbiy muassasaning joylashgan manzilini haritada ko'rish va unga qanday yetib olishni ko'rsatish imkonini beradi.






1-рasm. Harita orqali kerakli tibbiy muassasani izlash

Ushbu tizimda shifokor qabulining natijalari bo'yicha foydalanuvchi o'z fikr mulohazalarini qoldirish imkoniyati yaratiladi. Bunda be'mor o'ziga qo'yilgan tibbiy tashxis va berilgan maslahat haqida o'z fikr muloxazasini yozib qoldiradi. Bu fikr mulohazalarni muassasadagi shifokorning saxifasida ko'rish mumkin. Bundan tashqari ushbu tizimda shifokorlar bilan chat orqali onlayn muloqot qilish imkoniyati yaratiladi. Shifokor bemorga tashxis qo'ygandan so'ng masofadan turib maslahatlar berib boriladi.

Shifokor qabuliga elektron navbatga yozilishni 3 xil turda amalga oshiriladi.

- Tizim veb sayt orqali
- Mobil ilova orqali
- Xizmat ko'rsatuvchi terminallar orqali

Bemor shifokor qabuliga yozilish so'rovini jo'natganda, so'rov ma'lumotlar bazasi joylashgan boshqaruvchi server kompyuteriga jo'natiladi. Elektron navbatni boshqaruvchi operator so'rovni qabul qilib uni navbatga qo'yadi. Bemor navbatga qo'yilganidan so'ng uning ism sharifi tibbiy muassasada joylashgan tabloda aks etadi. Shu bilan birgalikda bemor elektron navbatga qo'yilganida uning mobil ilovasiga yoki bo'lmasa elektron pochtaiga bildirishnoma kelip tushadi. Bemor bildirishnomani olganidan so'ng navbat yozilgan tabloni mobil ilovaga yoki veb saytga kirib ko'rishi mumkin. Tizim ishga tushganidan keyin tibbiy muassasalarga va jamoat joylariga elektron terminallar joylashtiriladi. Mobil ilova va veb saytga kirish imkoniyati mavjud bo'lmaganda ushbu terminallar orqali shifokor qabuliga yozilish mumkin.



2-rasm. Tizim ishlash prinsipi

Tizimning yana bir afzallik taraflaridan biri tibbiy muassasalar va ulardagi shifokorlarni baholash imkoniyati mavjud. Bunda xususiy tibbiy muassasalar va shifokorlar kesimida reyting tuziladi. Bemorlar tibbiy muassasaning va shifokorlarning bemorga ko'rsatgan xizmatlarini baxolaydi. Ushbu baxolar va bemorlarning qoldirgan fikr muloxazalari asosida reyting tuziladi. Reyting ko'rsatkichlari har bir tibbiy muassasa haqida keltirilgan ma'lumotlar bilan birgalikda ball ko'rinishida tizim foydalanuvchiga ko'rinish turadi. Bu reyting o'z-o'zidan muassasalar o'rtasida raqobatni keltirib chiqaradi. Har bir muassasa o'z mijozlarini yo'qotib qo'ymaslik uchun bemorga ko'rsatadigan xizmatlarini yaxshilab borishadi.

Shu bilan birgalikda ushbu tizim tashqi axborot tizimlari bilan bog'lana oladigan hamda ma'lumotlarni o'zaro almasha oladigan darajada integratsiyalashgan bo'ladi. Masalan foydalanuvchi tizim mobil ilovasida muassasa joylashgan o'rnini ko'rish uchun murojat qiladi. Bunda tizim mobil ilovasi foydalanuvchi yuborgan murojatni mobil telefondagi geolokatsiya xizmati hamda Googlening mobil harita ilovasiga jo'natadi. Bundan tashqari foydalanuvchi shifokorlar xizmatiga elektron to'lovlarni amalga oshirmoqchi bo'lsa yuborilgan murojat elektron to'lov tizimlarining ilovalariga jo'natiladi. Ushbu tizim hozirda yaratilgan "E registratura" tizimi bilan bog'lana oladigan hamda o'zaro ma'lumot almasha oladigan tarzda yaratiladi.

Ushbu loyihaaning maqsadi tibbiy xizmat ko'rsatuvchi muassasalarni yagona elektron tizimga birlashtirish va shifokorlar qabuliga turda ro'yhatga yozilishni ta'minlashdan iborat

Ushbu tizim quyidagi vazifalarni bajaradi:

- 1) Tizimdan foydalanuvchi bemorlar uchun:
 - a) Tibbiy muassasa haqida ma'lumot berish
 - b) Shifokorlar bilan maslahatlashish
 - c) Masofadan turib elektron navbatga yozilish
 - d) Tibbiy muassasa xizmatlarini baholash
- 2) Tibbiy muassasalar uchun:

- a) Bemorlar sog'lig'ini nazorat qilish
 - b) Bemorlar kasallik tarixi haqida qo'shimcha ma'lumotlar olish
 - c) Tizimdagi tibbiy muassasalar reytingida yuzaga kelgan raqobat evaziga o'z xizmat sifatlarini oshirish
 - d) Mijozlarni jalb qilish
- 3) Tibbiy muassasadan yuqori turuvchi tashkilot uchun:
- a) Tibbiy muassasalar faoliyatini nazorat qilish
 - b) Tibbiy muassasalar haqidagi bemorlar fikrini bilish
 - c) Tibbiy muassasalarni yagona tizimga jamlash

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda elektron tizimlar turmush tarzimizni yengillashtiribgina qolmay, vaqtimizni ham tejaydi. Tibbiy muassasalardagi shifokor qabuliga elektron navbat tizimi ham shular jumlasidandir. Ushbu tizimning asosiy maqsadi bemorlarga yengillik yaratish, ularni vaqtini tejash hamda o'ziga kerakli kerakli tibbiyot muassasasi tezda topish imkoninini yaratadi. Shu bilan birga tizimning kamchilik tomonlari mavjud. Tizimdan foydalanish uchun internet tarmog'iga ulanish, hamda AKTdan foydalanish bilimlari talab etiladi. Hozirda mobil ilovalardan foydalanish yoshlar orasida keng tarqalgan. Shifokorlarga ko'p murojat qiladigan keksa yoshdagi aholida ilovadan foydalanish bilimlari yetishmasligi mumkin. Shuning uchun, tizim yaratilib foydalanishga topshirilganda ushbu yosh doirasidagi aholini ilovadan foydalanish uchun tushuntirish ishlari olib borilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB TA'LIMNI TASHKIL ETISH

To'xtasheva N. Q.

Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Axborot texnologiyalari sohasi jadal sur'atlar bilan rivojlanib, takomillashib borayotgan bugungi kunda ta'limni axborot texnologiyalari asosida tashkil etish, uning mazmunini talabalar ongiga to'laqonli singdirish dolzarb muammo sifatida ko'tarilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida o'qitishning muammoli usuli axborot-retseptiv va reproduktiv metodlari bilan birgalikda keng qo'llaniladi. Bu esa o'quv-uslubiy ta'minot hamda fanlarni o'zlashtirish samaradorligining ortishiga olib kelmoqda. Shu munosabat bilan talabalarda uzluksiz ta'lim tizimida o'qitiladigan barcha fanlarga doir tushunchalarni tarkib toptirish, o'z ustida mustaqil ishlash, axborot to'plash va tahlil qilish ko'nikmalarini shakllantirish zarur. Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta'lim muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lim tizimi barpo etilmoqda. Bu ta'lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o'zgarishlar bilan kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim sohasiga kirib kelishi

ta'lim usullari va o'qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkil etish shakllarini sifatli ravishda qulaylashtirib, o'zgartirish imkonini bermoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim tizimini modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. AKT — bu turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan axborotga ishlov berish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur dasturiy ta'minotga ega bo'lgan kompyuterlar va ma'lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir. Ta'lim jarayonida multimedia vositalari yordamida darslarning samaradorligini oshirish hozirgi kunning dolzarb masalalaridandir. Amaliyot shuni ko'rsatmoqdaki, multimedia vositalari yordamida talabalarni o'qitish ikki barobar samarali bo'lmoqda. Mazkur vosita yordamida o'qitishda an'anaviy ta'lim usullariga nisbatan o'rtacha 30 foizgacha vaqtni tejash mumkin hamda olingan bilimlar talabalar hotirasida uzoq muddat saqlanib qoladi. Ma'lumki, eshitgan materialning to'rtidan bir qismi hotirada qoladigan bo'lsa, talabaga berilayotgan materiallarni video (ko'rish) orqali amalga oshirsak, axborotni hotirada saqlanib qolishi va tasavvur qilish imkoniyati 25-30 foizgacha oshadi. Shuningdek, mazkur o'quv materiallari audio, video va grafik ko'rinishida mujassamlashtirilgan holatda o'quvchilarga berilsa, materiallarni hotirada saqlab qolish 75 foizga oshish kuzatilmoqda. Ta'lim sohasida multimedia vositalari yordamida talabalarga bilim berish quyidagi afzalliklarga ega:

- ta'lim jarayonida berilayotgan materiallarni chuqurroq va mukammalroq o'zlashtirish imkoniyatining mavjudligi;
- ma'lumotlarni vizuallashtirish imkoniyati;
- olingan bilimlar kishi hotirasida uzoq muddat saqlanib, kerak bo'lganda amaliyotda qo'llash imkoniyatiga erishuvi.

Microsoft Power Point - universal, imkoniyatlari keng bo'lgan, ko'rgazmali grafika amaliy dasturlari sirasiga kiradi va matn, rasm, chizma, grafiklar, animatsiya effektlari, ovoz, videorolik va boshqalardan tashkil topgan slaydlarni yaratish imkonini beradi.

Slayd - ma'lum bir o'lchamga ega bo'lgan muloqot varaqalari hisoblanadi. Unda biror maqsad bilan yaratilayotgan namoyish elementlari joylanadi.

Slaydlar ketma-ketligidan iborat tayyor taqdimotni kompyuter ekranida, videoproektor yordamida katta ekranda namoyish qilish mumkin. Taqdimotni tashkil qilish - slaydlar ketama-ketligini loyihalash va jihozlash demakdir.

Power Point dasturida taqdimot materiallarini tayyorlash quyidagi bosqichlardan iborat:

- g'oyaning shakllanishi;
- ma'lumot yig'ish;
- reja tuzish;
- matn tanlash;
- dizayn tanlash;
- animatsiya tanlash.

Taqdimot materiallarini tayyorlashning birinchi bosqichi tayyorlanadigan material bo'yicha g'oyaning shakllanishidir. Ya'ni material kimlar uchun mo'ljallangan va qanday ko'rinishda bo'lishi to'g'risida yaratuvchida bir necha g'oyalar shakllanadi. Ikkinchi bosqichda material bo'yicha kerakli ma'lumot yig'iladi. Uchinchi bosqich reja tuzish bosqichi hisoblanib, unda materiallar saralanib olinadi va mantiqiy ketma-ketlikda joylashtirish rejalashtiriladi. To'rtinchi bosqichda saralab olingan materiallar ichidan slaydga beriladigan matn tanlab olinadi. Slaydlardagi matnlar juda ko'p bo'lishi maqsadga muvofiq emas. Dizayn tanlash bosqichida matnning shrifti, matnga qo'shimcha rasm, chizma, grafika va ranglar tanlab olinadi, barcha tanlab olingan materiallarga animatsiya qo'yiladi. Animatsiyada matn va tasvirlarni harakatlantirish, unga ovoz berish imkoniyatlari mavjud. Animatsiyadan foydalanish materialni yanada jonliroq va qiziqarli bo'lishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida ta'lim oluvchiga berilgan materialning uzoq vaqt hotirasida saqlanib qolishiga va ularning motivatsiyasining oshishiga yordam beradi.. Xulosa qilib aytganda ta'lim jarayonida AKT dan foydalanish yuqori sanaradorlik kasb etadi.

ALOQA TARMOQLARI RIVOJLANISHINING TA'LIM RESURSLARIGA TA'SIRI (MASOFAVIY MALAKA OSHIRISH TIZIMI MISOLIDA)

Nomozov H. S.

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent Axborot Texnologiyalari
universiteti*

Kalit so'zlar: optik aloqa vositalari, masofaviy ta'lim, AON (All-optical Networks), TOO (Trans-Osiyo-Ovropa), milliy segment.

O'zbekistonda oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirishga so'nggi yillarda yuqori darajada e'tibor qaratilar ekan, o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarining roli kun sayin ortib borayotganini kuzatish mumkin. Xususan, malaka oshirish tizimida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish pedagog kadrlarning imkoniyatlarini yanada kengaytiradi. Shu bilan birga olib borilayotgan an'anaviy ta'lim o'z mavqeini saqlab tursa-da, malaka oshirish tizimida masofaviy o'qitish kundan-kun ommaviylashib bormoqda.

Masofaviy malaka oshirish odatda mutaxassis-foydalanuvchilar uchun maxsus axborot-ta'lim muhiti orqali har qanday masofada ta'lim xizmatlari kompleksi sifatida aniqlanadi. Uning asosiy maqsadi:

- malaka oshirish dasturi bo'yicha nazariy materiallarni o'rganish va kasbiy mahoratni oshirishning maqbul (optimal) kombinatsiyasi;
- kunduzgi ta'lim uchun sarflanadigan mablag'larning katta qismini tejash orqali ko'p sonli mutaxassislarning malakasini oshirish;

– o'qish vaqti, shakli va metodini tanlash erkinligi tinglovchilarga o'qish va o'z lavozim vazifalarini optimal bajarishga imkon yaratadi.

Masofaviy malaka oshirish dasturlarini samarali amalga oshirishning asosiy aspektlari sifatida quyidagilarni ko'rsatib o'tish mumkin:

- yangi nazariy bilimlar va amaliy ko'nikmalarni olish, so'ngra – malaka oshirganligi haqida sertifikat olish uchun o'qishga motivatsiyaning mavjudligi;
- tinglovchining faol mustaqil faoliyati, o'zining professional faoliyatida turli masalalarni yechish uchun ularni mustaqil qo'llay olish;
- ishtirokchilarning o'zaro ta'siri;
- zamonaviy axborot manbalari va telekommunikatsiya, interaktiv texnologiyalar, aniq tashkilliy, metodik va boshqaruv yechimlaridan foydalanish;
- ta'limga individual va differensial yondoshuv;
- o'qitishning modulli tizimi;
- uzliksiz malaka oshirish tizimi.

Ma'lumki, masofaviy ta'limda axborot oqimining uzatish hajmi, tezligi va uning sifatini oshirish muhim bo'lib, axborot qabul qilish uchun yuqori darajadagi o'tkazuvchanlikka ega bo'lgan maxsus yo'naltiruvchi muhit bo'lishi kerak, agarda internet tarmog'iga bog'lanish yomon bo'lib, tizimda tez-tez uzilishlar sodir bo'lsa, o'z-o'zidan sifatli o'qitish va ta'lim olishning imkoniyati bo'lmaydi. Bunday holat asosan markazlardan uzoqdagi hududlarda mavjud bo'lib, bu imkon qadar tezroq bartaraf etilishi kerak bo'lgan holat hisoblanadi. Optoelektronika asosidagi optik aloqa, ya'ni to'liq optik tarmoqlar AON (All-optical Networks) telekommunikatsiya tarmoqlarining kelajagi hisoblanadi va ta'lim sifatining oshishiga katta ta'sir ko'rsatadi.

Zamonaviy talablarga mos keluvchi optik aloqa vositalari bilan raqobatlashuvchi vositalar hozirgi kunda mavjud emas. Bundan tashqari, optik aloqa vositalari katta hajmdagi axborotlarni istalgan masofalarga tezkor uzatish hususiyatiga ega. Shu sababli optik aloqa jamiyatni axborotlashtirish, malaka oshirish tizimida masofaviy ta'lim texnologiyalarini rivojlantiruvchi mukammal va istiqbolli aloqa vositasi hisoblanadi.

To'liq optik aloqa tarmoqlari orqali foydalanuvchilar keng polosali ulanishlarni amalga oshiradi, bu esa o'z o'rnida tarmoqda 2 mb/s dan yuqori bo'lgan tezlikda axborotlarni almashish imkoniyatini beradi. Respublikamizda jamiyatni axborotlashtirish, malaka oshirish, telekommunikatsiya tarmoqlarini rivojlantirish borasida ko'pgina ishlar amalga oshirildi va bu ishlar hozir ham davom etmoqda. Bu maqsadda o'tgan yillarda TOO (Trans-Osiyo-Ovropa) magistralining jahon standartlariga mos keluvchi, raqamli transport tarmog'i Milliy segmentini qurish boshlandi va uzunligi 830 km dan ortiq magistral tolali optik aloqa liniyasi foydalanishga topshirildi. Tolali optik aloqadan Milliy segmentda Germaniyaning Siemens firmasining tolali optik kabellaridan foydalanildi.[2] Hozirda aloqa va telekommunikatsiya tizimlari uchun turli vazifali va tuzilishli optik tolali kabellar

ishlab chiqarilmoqda. Bu esa masofaviy malaka oshirishda pedagog kadrlar, qolaversa barcha masofaviy ta'lim tizimidan foydalanuvchilar uchun ulkan qulayliklarni yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Maxarov Q.T., Alimova F.Z. Kadrlar malakasini oshirishda masofaviy ta'limning o'rni// "Science and Education" Scientific Journal. June 2020.
2. Abdullaev Sh.U. O'zbekistonda optik aloqa tarmoqlarining qo'llanilishi haqida// Научно-практический электронный журнал. №2 2020 года 32-b.

PEDAGOG KADRLARNING MILLIY ELEKTRON TARMOQ ASOSIDA MASOFADAN MALAKASINI OSHIRISHNI TASHKIL ETISHNING METODIK TIZIMI

Nomozov H.S.

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti*

Kalit so'zlar: masofaviy ta'lim, on-line va off-line ta'lim, integrativ model, dasturiy platforma.

Axborot-ta'lim resurslaridan foydalangan holda pedagogik kadrlar malakasini oshirishning faol rivojlangan shakllaridan biri – bu hozirgi vaqtda masofaviy o'qitish usullari hisoblanadi. Masofadan malaka oshirishni tashkil etishda birinchi navbatda kurslarning pedagogik hamda mazmuniy jihatlari yuqori ahamiyat kasb etadi. Bunga o'zlashtiriladigan tarkibiy qismni tanlash, o'quv materiallarni tarkibiy qismini tashkillashtirish, tinglovchilarning o'quv materiallar bilan ishlash usullarini yaratish, turli faoliyat turlarini tahlil qilish hamda tartibga solish, kasbiy faoliyatning yangi usullarini takomillashtirish va ikkilamchi tayorgarliklar kiradi. Malaka oshirish tizimiga masofaviy ta'limni qo'llash uchun texnologik va pedagogik yo'nalishlarining tashkiliy-motivatsion, axborot, tushuntiruvchi, nazorat qiluvchi, tuzatuvchi va boshqa elementlaridan foydalanish kerak bo'ladi.

Yuqori malakali kadrlarni tayyorlash – ta'lim tizimining asosiy muammolaridan biridir. Axborot texnologiyalarining rivojlanishi va ta'lim tizimiga joriy etilishi pedagogdan mobillik, moslashuvchanlik, qobiliyatlilik hamda zamon bilan hamnafas bo'lishni talab etadi.³⁸

Bugungi kunga qadar pedagoglar uch yilda bir marta malaka oshirgan bo'lsa, endilikda kasbiy kompetentliklarni oshirishga bo'lgan talab nisbatan tezlashgan. Ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlarning tezligini hisobga oladigan bo'lsak, hozirda mavjud ta'lim tizimi, hodimlarning malakasini oshirishi hamda pedagoglarning dolzarb axborot ehtiyojlariga qo'yilgan talablarini deyarli qoniqtirmayapti. Shaxsga yo'naltirilgan an'anaviy malaka oshirish tizimiga o'tish, pedagoglarning o'z ustida ishlashi ham kasbiy rivojlanishini jonlantirish uchun

³⁸ Бегимкулов У.Ш. Научно-теоретические основы внедрения современных информационных технологий в педагогическое образование. Монография – Т., Фан, 2007.

pedagogik sharoit yaratish, malaka oshirish jarayonini axborot texnologiyalariga asoslangan holda boshqarish jarayonini samaradorligi oshirish kabi muammolar malaka oshirish tizimida bosib o'tishi kerak bo'lgan bir qator muammolardandir.³⁹

Pedagog doim takomillashib borishga va malaka oshirishga tayyor bo'lishi kerak, va shuningdek, davlat tomonidan ham pedagog doim o'z ustida ishlashi va tahsil olishi uchun sharoit bilan ta'minlanishi kerak. Pedagog-o'qituvchilar butun faoliyatlari davomida doimiy ravishda takomillashib borayotgan malaka talablariga javob berishlari uchun malaka oshirish kurslarida o'qishlari kerak.⁴⁰

Ayni damda pedagog kadrlarni malakasini oshirishning masofaviy ko'rinishi tashkil etilgan va ushbu masofaviy malaka oshirish tizimi quyidagi qator muammolarning yechimi bo'ldi:

- cheklanmagan miqdorda pedagog kadrlarning malakasini oshirish;
- asosiy ish joyidan ajralmagan holda ta'lim olish va olingan bilimlarni bevosita kasbiy faoliyatida qo'llash imkoniyati;
- pedagog kadrlarni xizmat safari hamda ularni joylashtirish xarajatlarini qisqartirish orqali ta'lim xarajatlarini kamaytirish.

Malaka oshirish tizimida tinglovchilarining ehtiyoji va imkoniyatlarini aniqlash, pedagog kadrlarning oldida turgan yangi kasbiy vazifalarning yuzaga kelishi hamda axborotlashib borayotgan ta'lim tizimini qamrab oluvchi yagona tizimning yo'qligi ham bu yo'nalishni dolzarbligini belgilab beradi.

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining Bosh ilmiy-metodik markaz tomonidan tuzilgan milliy elektron ta'lim tizimiga ushbu vaziyatda ma'lum yechim sifatida qarash mumkin. Metodik tizim malaka oshirishning masofaviy shaklini ishlab chiqdi va ma'ruzalarni namunaviy o'quv dasturlari uyg'unligida tashkil etilgan videokonferensiyalar ko'rinishida tashkillashtirish yo'li orqali amalga oshirildi. Ushbu tizim on-line va off-line rejimlarning integratsiyasini nazarda tutadi. On-line rejimdagi ma'ruza mavzulari yetakchi professor-o'qituvchilar ishtirokida tinglovchilarning murojaatlaridan kelib chiqqan holda tashkillashtirilgan ya'ni, axborot-kommunikatsiya vositalari shaxsga yo'naltirilgan ta'limga asoslangan holda amalga oshirilgan.

Masofaviy kurslarni tashkil etish uchun intellektual ta'lim tizimining elementlaridan foydalangan holda maxsus dasturiy platforma yaratilgan. Ushbu maxsus dasturiy platformani yaratishda HTML, PHP, MySQL, JavaScript, JQuery, Adobe flash, Adobe PhotoShop, Sound Forge va bir qator tahrirlovchi dasturlardan foydalanilgan. Elektron ta'lim tizimi o'quv materiallarining platformaga kiritilishi jarayonining universalligi, baholash tizimini joriy etilganligi, ma'lumotlarni uzatishda mobilligi va moslanuvchanligi bilan o'ziga xosdir.

Metodik tizim malaka oshirish yo'nalishlari bo'yicha turli resurslarning integratsiyasi, ta'lim jarayonining yagona metodik ta'minoti asosida ta'limda sifatni

³⁹ Бегимкулов У.Ш., Сатторова Б.Д. «Информационные технологии при обучении физики и астрономии». ТГПУ. 2007.

⁴⁰ У.Ш. Бегимкулов, М. Мамаражабов, С. Турсунов. Программа FLASH MX и ее возможность использования при обучении. Методическое пособия.- Т., ТГПУ, 2006.

oshirish uchun keng imkoniyatlar yaratdi va mustaqil ta'lim olishning doimiyligini ta'minladi.

Masofaviy malaka oshirish jarayonining qulay va samaraliligi doimiy nazorat ostida bo'ladi, shuningdek davlat tomonidan ta'lim sifatiga qo'yilgan talab bilan mosligi tekshirilib boriladi.

Kurslar yopiq tizim bo'lib ulardan foydalanish uchun tinglovchilar tizimda ro'yxatdan o'tishlari kerak bo'ladi. Shundan so'ng tinglovchi haqidagi ma'lumotlar tizim moderatori tomonidan ko'rib chiqiladi va javob tinglovchining elektron pochta-siga yuboriladi.

Masofaviy malaka oshirishning tartibi beshta bosqichdan iborat:

- ro'yxatdan o'tish bosqichi;
- tinglovchilarning extiyojidan kelib chiqib o'quv dasturni ishlab chiqish;
- on-line va off-line texnologiyalarning o'quv jarayonida qo'llanilishi;
- oraliq nazorat;
- yakuniy nazorat.

Off-line rejimda o'quv jarayoni quyidagi tarzda olib boriladi:

- off-line ma'ruzalarni o'zlashtirish;
- kurs topshiriq va vazifalarini bajarish;
- bitiruv malaka ishi vazifalarini bajarish;
- ta'lim resurslari bilan mustaqil ishlash;
- oraliq nazorat topshiriqlaridan o'tish;
- off-line konsultatsiya olish.

On-line rejimda o'quv jarayoni quyidagi tarzda olib boriladi:

- tinglovchilardan kelib tushgan murojaatlar asosida tuzilgan on-line ma'ruzalar;
- on-line konsultatsiya.

Integrativ modelni joriy qilinishi budget mablag'larini samarali tejaydi, pedagogik kadrlarning malaka oshirish jarayoni sifatini oshiradi va milliy elektron tizimi maksimal ishlatilishini ta'minlaydi.

Uzluksiz ta'lim tizimida pedagog kadrlarni masofaviy ta'lim olishining integrativ modeli malaka oshirish tizimida zamonaviy jamiyat talablariga mos keladi.

Masofaviy ta'limni malaka oshirishning bir ko'rinishi sifatida ko'rsatar ekanmiz, jumladan tizim o'zida virtual kutubxonalar, ma'lumotlar ombori, konsultatsiya markazlari, elektron o'quv qo'llanmalari aks etgan yagona elektron-axborot muhitini yaratadi.

Bundan ko'rinadiki, ta'limning masofaviy shaklini tashkil etishda elektron kurslarni yaratish, koordinator-o'qituvchilarni tayyorlash, tinglovchi uchun shaxsiy marshrutni ishlab chiqish ushbu tizimning asosiy vazifalaridan hisoblanadi.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАДАН ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Абдуллазизов А.Х.

Наманган давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада пандемия шaroитида масофадан ўқитишни ташкил этиш масалаларига доир фикрлар олға сурилган. Таълим тизимига замонавий техник воситаларни фаол жорий этилиши дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўқув жараёнига ёндашувни тубдан ўзгартиргани, таълимнинг янги шакллари кенг тарқалгани ва улардан бири масофавий ўқитиш эканлиги борасида сўз юритилади. Масофавий ўқитишнинг мақсади ўқувчиларга ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга самарали мослашиш ва замонавий жамиятга муваффақиятли кириб бориш имкониятини берадиган универсал таълим элементларини етказиш эканлиги ҳақида фикр алмашиллади.

Калит сўзлар: техник воситалар, масофавий ўқитиш, ахборот технологиялари, интернет ва электрон почта, ностандарт вазифалар, танқидий фикрлаш, самарали таълим майдони, веб-сайти, видеоконференция, турли форумлар, чат.

Таълим тизимига замонавий техник воситаларни фаол жорий этилиши дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўқув жараёнига ёндашувни тубдан ўзгартирди. Таълимнинг янги шакллари кенг тарқалмоқда ва улардан бири масофавий ўқитишдир. Масофавий ўқитишнинг мақсади ўқувчиларга ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга самарали мослашиш ва замонавий жамиятга муваффақиятли кириб бориш имкониятини берадиган универсал таълим элементларини етказишдир. Ушбу турдаги машғулотлар илғор ахборот технологияларига асосланган бўлиб, улардан фойдаланиш талабанинг ўзгарувчан эҳтиёжларига мослашишни таъминлайди. Жумладан, ўрта мактабда масофавий таълим деб компьютер телекоммуникациялари ва замонавий ахборот-педагогик технологияларидан фойдаланган ҳолда қурилган таълим тизими тушунилади. Масофавий ўқитишнинг асосий хусусияти таълим муассасаларига ташриф буюрмасдан таълим хизматларини етказиш бўлиб, унда барча фанларни ўрганиш ва ўқувчилар билан алоқа Интернет ва электрон почта хабарлари алмашинуви орқали амалга оширилади. Ушбу ўқитиш усулидан фойдаланиш зарурлигини қуйидаги омиллар кўрсатмоқда:

кўпинча касал болалар ва ногирон болалар билан ишлашни ташкил этиш имконияти; иқтидорли болалар билан қўшимча тадбирларни ўтказиш; турли хил ностандарт вазифаларни (ребуслар, кроссвордлар ва ҳк) қўшиш орқали ўқув тизимига хилма-хиллик киритиш; бепул машғулотлар жадвалини тақдим этиш кабилар.

Натижада масофавий таълим ёрдамида қуйидаги педагогик муаммоларни ҳал қилиш мумкин: 1) талабаларнинг билим мустақиллиги ва фаоллигини шакллантириш; 2) самарали таълим майдонини яратиш; 3) болаларда

танқидий фикрлашни ривожлантириш ва турли нуқтаи назарларни конструктив муҳокама қилиш қobiliяти.

Электрон таълимни умумий таълим тизимига жорий этишнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд:

1) ногирон болалар ва турли ижтимоий муаммоларга дуч келган болалар учун таълим олиш имкониятини таъминлаш; 2) мактабларда таълим сифатини ошириш; 3) бирон сабабга қўра мактабга вақтинча бора олмайдиган болалар учун таълим олиш имкониятини таъминлаш; 4) мактабда карантин жорий этиш билан давом этадиган таълимни давом эттириш имконияти; 5) қўшимча маълумот олиш имкониятини таъминлаш; 6) масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда алоҳида мавзулар бўйича машғулотлар ўтказиш имконияти; 7) болаларга давлат имтиҳонига янада муваффақиятли тайёргарлик қўриш имконини берадиган кенг маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини олиш. Масофавий таълим технологиялари янги технология бўлиб, уларни амалга ошириш асосан ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг масофадан туриб ўзаро мулоқоти ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Таълим технологияси қуйидагиларни ўз ичига олган комплексдир диагностика воситалари; ўқув натижаларини режалаштириш; муайян шартлар учун мақбул моделни танлаш мезонлари; таълим моделларининг тўплами. Масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш электрон таълим шаклларида бири ҳисобланади, унда: ўқувчи: машғулотлар вақти ва шаклини мустақил равишда белгилайди; материални ўрганиш кетма-кетлигини мустақил равишда танлайди. Бундай ҳолда ўқувчи: режалаштирилган таълим натижаларига эришиш; барча материалларни таълим дастурига мувофиқ ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу жараёнда ўқитувчининг вазифалари қуйидагилардан иборат бўпади: масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; тизимни ривожлантириш ва талабани якуний баҳолаш; консалтинг ёрдамини тақдим этиш. Бундан ташқари, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг режалаштирилган таълим натижаларига эришишини таъминлаш учун жавобгардир. Масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш бутун ўқув курсини ёки алоҳида бўлимларини ўрганиш учун ташкил этилиши мумкин. Курснинг алоҳида мавзуларини "заиф" ва "кучли" талабалар учун алоҳида ўрганиш тавсия этилади. Масофавий ўқитишнинг асосий шакллари : 1) Одатда Скайп дастури ишлатиладиган видео маърузалар. 2) Видеоконференциялар, турли форумлар ва мунозаралар. 3) Чат - суҳбат технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олган ўқув машғулотлари. Бундай дарслар синхрон тарзда ўтказилади, яъни барча иштирокчиларга бир вақтнинг ўзида чатга кириш ҳуқуқи берилади. 4) Веб-семинарлар. Улар телекоммуникация ва Интернетнинг бошқа имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган масофавий дарслар, ишбилармонлик ўйинлари, семинарлар, конференциялар, лаборатория ишлари ва бошқа тадбирлар сифатида тушунилади. Веб-семинарлар суҳбат сессияларидан ишнинг узоқроқ

давомийлиги (бир неча кун ёки ҳатто ойлар), шунингдек, турли вақтда таъсир ўтказиш усулидан фойдаланиш билан фарқ қилади. Масофавий таълим технологияларини амалга ошириш учун ихтиёрингизда қуйидаги воситалар бўлиши керак: бошқарув тизими. Одатда, бу мактаб веб-сайтида амалга оширилади, у ерда алоҳида электрон кундалик ва журнал юритилади; ишлаб чиқилган ва тасдиқланган таълим мазмуни; ҳужжатларни биргаликда сақлаш ва таҳрирлаш имкониятини таъминлаш; ўқитувчининг блоги ёки веб-сайти; онлайн интерактив доскалар, билим хариталарини яратиш манбалари. Масофавий таълимнинг барча шаклларида турли хил таълим дастурларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин: турли хил Интернет тадбирларида (Интернет-фестиваллар, олимпиадалар, танловлар, викториналар ва ҳк) иштирок этиш (онлайн, офлайн); имтиҳонларга тайёргарлик; мактабдаги турли хил телекоммуникация тадбирларида қатнашиш; дизайн ва тадқиқот фаолиятини, шунингдек тармоқ лойиҳаларини амалга ошириш; "қизиқишлар" га мувофиқ қўшимча машғулотларни ташкил этиш.

Масофавий курсни қуришнинг педагогик тамойиллари 1) Таълим маркази талаблари ёки уни ўқитиш усуллари эмас, балки ўқувчининг мустақил билим фаолияти бўлиши керак. Тренинг жараёнида ўқувчи мустақил равишда маълумот қидириш ва уни тўғри қайта ишлаш қобилиятини ривожлантириши керак. Шу билан бирга, билимларни мустақил равишда эгаллаш жараёни пассив бўлмаслиги керак, аксинча, ўқувчининг ўзи бошиданок фаол билим фаолияти билан шуғулланиши ва фақат ўқув материалларида мавжуд бўлган маълумотлар билан чекланиб қолмаслиги керак. 2) Масофавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган ва ҳар бир ўқувчининг ички захираларини очиқ беришга максимал даражада ҳисса қўшадиган энг янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. 3) Талабанинг нафақат ўқитувчи билан, балки ўқув жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ҳам фаол алоқасини таъминлаш. 4) Бошқариш тизимли бўлиши ва оператив тесқари алоқа (ўқувчига ўзи учун қулай вақтда консультациялар бериш) ва кечиктирилган назорат (масалан, синов пайтида) асосида қурилиши керак. 5) Масофавий ўқитиш курсларини яратиш жараёни ўқув мақсадларини, мавжуд дидактик имкониятларни, шунингдек масофадан ўқитиш технологияларига қўйиладиган талабларни чуқур таҳлил қилиш билан бошланиши керак. Шунингдек, тутиш керакки, ўқитувчи фаолиятининг асосий таркибий қисмлари (ўқув материални тақдим этиш, амалиёт ва мулоҳазалар) масофавий ўқитиш курсларида долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ҳолда асосий муаммо - бу маълумотни босқичма-босқич идрок этишга ва талаба билимини тўлиқ назорат қилишга асосланган концептуал янги ўқув материални яратишдир.

Масофавий курс янада самарали бўлиши учун у қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: талабалар фаолиятини батафсил ва пухта ўйлаб режалаштириш, шу жумладан вазифалар ва ўқув мақсадларини аниқ баён этиш, барча керакли ўқув материаллари билан таъминлаш; ўқувчига ўз ҳаракатининг тўғрилиги тўғрисида ишончли маълумот олиш имконини

берадиган тезкор ва самарали алоқани таъминлаш; ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида алоқани таъминлаш; талаба мотивациясини доимий қўллаб-қувватлаш; у ёки бу масофадан ўқитиш курсини жойлаштириш режалаштирилган технологик базанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кўпгина мактаблар ўқувчилар учун масофавий ўқитишни асосий курс ва синфдан ташқари ишларни қўллаб-қувватлаш сифатида лойиҳаларини жорий этиш билан тажриба ўтказишга қарор қилишади. Бундай лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўқув жараёнини интенсивлаштиришга, шунингдек илғор дастурлар ва ўқитиш усулларини жорий этиш орқали мактаб-университет орқали таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган. Масофавий таълимни жорий этишнинг асосий мақсадлари: таълим жараёнида репродуктив фаолият улушини камайтириш орқали бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришни амалга ошириш; ўқув вақтидан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш; таълим сифатини ошириш; очиқ ўз-ўзини тарбиялаш имкониятларидан фаол фойдаланиш орқали таълим олиш имкониятини таъминлаш; масъулият, уюшқоқлик, мустақиллик каби шахс хусусиятларини ривожлантириш; ўқувчиларнинг руҳий ва жисмоний соғлиғини сақлаш ва яхшилаш. Бизнинг фикримизча масофавий ва кундузги таълим шакллари бирлаштириш орқали ўқув жараёнини ташкил этиш пандемия даврида мактабда ўқитиш учун энг мақбул вариант ҳисобланади.

Масофавий таълим тизимини амалга ошириш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Ушбу жараён доирасида қуйидаги жиҳатлар ажралиб туради: 1) техник жиҳат. Техник талаблар ишлатиладиган аппарат учун дастурий таъминот ва техник хусусиятларни ўз ичига олади. Ўқувчилар ишлатилган масофавий ўқитиш услубига қараб фарқланади. Бунда иккита усул таклия этилади: кейс-технологияси. Ундан фойдаланиш учун ўқувчининг компютерига ўрнатилган дастурий таъминот таълим муассасаси томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлашга мослашган бўлиши керак; Интернет технологияси. Бу доимий равишда алоқа воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади, яъни ўқувчи доимий равишда Интернетга кириш имкониятига эга бўлиши керак.

2) Технологик жиҳат. У иккита компонентдан иборат: масофавий таълим курсларини яратиш технологияси; масофавий таълим тизимида ўқитиш технологияси. Масофавий таълим курсларини яратиш технологиясининг асосий элементлари: матнли файл шаклида таркибни лойиҳалаш, шу билан бирга тасвирий материал, графикалар, жадваллар ва бошқа қўшимча материалларни танлаш амалга оширилади; курснинг тузилишини аниқлаш, яъни индивидуал ўқув модуллари учун барча ўқув материалларини тарқатиш; материални компютерга жойлаштириш учун мос келадиган шаклда лойиҳалаш; файлларни серверга ёки қаттиқ дискка жойлаштириш ва фойдаланувчиларга юбориш.

3) Услугий жиҳатлар. Масофавий ўқитишда ушбу таълим шаклига эга бўлган бир қатор хусусиятларни ҳисобга олиш талаб этилади, жумладан: ўқувчилар ўзлари машғулотлар вақти ва давомийлигини танлайдилар; Модуллик; параллеллик. Бу ўқувчи ўрганишни бошқа таълим фаолияти билан мослаштириши мумкинлигини назарда тутди; Узоқ муддатли ҳаракат. Бу шуни англатадики, ўқитувчи ва ўқувчининг бир-биридан узоқлиги туфайли таълим сифати пасаймаслиги керак; Вақт ҳар хиллиги муҳим параметр эмас.. Шу билан бирга, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида жонли алоқанинг йўқлиги, шунингдек ўқувчиларнинг ўзлари ўртасида жонли алоқа мавжуд бўлмаганлиги сабабли масофавий ўқитиш самарадорлиги пасайиши мумкин. Масофавий ўқитишнинг камчиликларига ўқув материални яратиш босқичида юқори меҳнат харажатлари ва ўқувчиларга техник ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш имкониятини бериш киради. Ва энг муҳим услубий камчилик ўқувчилар томонидан билимларнинг ўзлаштирилиши устидан 100% назоратни таъминлашнинг имконсизлигидир.

4) Маъмурий жиҳат. Масофадан ўқитишни ташкил қилиш жараёнида кўплаб маъмурий масалалар пайдо бўлади. Масалан: масофавий ўқитиш курсларини маълум бир таълим муассасаси доирасида яратиш ва уни амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан уйғунлаштириш тизимини қандай ташкил этиш керак; масофавий ўқитиш курсларини ривожлантириш учун тўловларни ташкил этиш; ҳисобот тизимини масофавий ўқитиш учун мослаштириш, яъни кундузги академик соатларнинг масофавий ўқишга айланишини таъминлаш.

5) Кадрлар жиҳати. Энг асосий жиҳат бўлиб, масофавий таълим тизимини амалга ошириш маълум маҳорат ва кўникмаларга эга бўлган янги ўқитувчилар таркибини шакллантиришни ўз ичига олади. Албатта, курслар яратадиган муаллифларга маълум талаблар қўлланилади ва маъсулият улар зиммасида бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абрамян Г.В., Катасонова Г.Р. ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВУЗАХ В УСЛОВИЯХ САМОИЗОЛЯЦИИ ГРАЖДАН ПРИ ВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ // Современные проблемы науки и образования. – 2020. – № 3.;

2. Дистанционное образование в условиях карантина // https://home-school.interneturok.ru/about/quarantine_offer (дата обращения 28.03.2020).

3. Особенности организации обучения во время карантина в школе. – URL: https://eduface.ru/consultation/ombudsmen/osobennosti_organizacii_obucheniya_vo_vremya_karantina_v_shkole (дата обращения 28.03.2020).

4. Сидоров С.В. Проблемы организации учебного процесса в условиях коронавирусной пандемии [Электронный ресурс]

“ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МОДУЛИНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ

Навруз-Зода Б.Н.

БухДУ профессори, и.ф.д.

2021 йил январь ойидан бошлаб олий таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг ўқув дастурида 8 соатли янги - “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модулини ўқитилиши жорий этилди. Ушбу модулнинг биринчи назарий машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланган: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим. Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир” [1], деган фикр-ақидаси билан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, миллий ғоямизнинг асосий учта устунларини 1-расмда кўрсатилган алоҳида слайд орқали тингловчиларга ажратиб кўрсатилган ҳолда, илм-фан ва инновацион ривожланишнинг мамлакат тараққиётидаги аҳамиятини ёрқин ифодалаш имкони вужудга келади.



1-расм. Ўзбекистон миллий ғоясининг асосий устунлари

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларининг иккита: *илмий изланувчанлик* ва *инновацион компетенцияларини* юксалтиришга қаратилганлигини қайта

тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларига аниқ ва равшан ўқиттириш керак. Бунда, Мирзо Бедил томонидан одамларнинг кадр-қиммати ва ўлчов бирлигини тўпланган мол-давлати билан эмас, балки ёнар чироққа ўхшаган ва унинг гавҳари бўлмиш **илми** ҳамда оқар булоқ каби ўз инновацион фаолияти эвазига илмини амалда қўллашга асосланган **хунари** билан ўлчашга лирик тарзида ишончли ифода қилинган қуйидаги рубойси[5] билан тингловчиларга изоҳлаб бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Инсоннинг қиймати эмас сийму зар,
Инсоннинг қиймати илм ҳамда хунар.
Забт этайин десанг сен илму хунар,
Инсон камолин эт ўзингга раҳбар”.

Шунингдек, тингловчиларга “*Илмий изланувчанлик компетентлиги*”ни қуйидагича тушунтирилса бўлади:изланувчининг илмий тадқиқот ишини муваффақиятли олиб бориш кўникмаси, изланаётган илмий муаммонинг оригинал ечимини топа билиш маҳорати ва илмий натижаларини инновацион ишланмалар даражасига кўтариб, уларни амалда қўллай олишини назарда тутилади. “*Инновацион компетентлиги*” деганда олий таълим муассасалари педагог ходимларининг ўз илмий тадқиқот натижаларини амалга жорий этиш, уларни тижоратлаштириш эвазига даромад олишлари билан боғлиқ сайъ-ҳаракатларида намоён бўлади.

Илмий фаолиятни ривожлантириш масаласини тингловчиларга тушунтиришда 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сони билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» қонунни Ўзбекистон мадҳиясидаги “Яшнагай то абад илму фан, ижод” деган мисрасидан келиб чиқиб, мамлақтимизнинг фуқароларини умуман, олий таълим муассасаларида ўқиётган ёшларни ҳамда унда фаолият кўрсатаётган педагогик ходимларини илм-фан соҳасига ишончли жалб қилиш учун барча меъёрий-ҳуқуқий кафолатларини яратиб берганли ҳақида сўз юритиш лозим. Мазкур қонуннинг 17-моддаси билан “олий таълим муассасаларида таълим жараёни билан бирга илмий фаолият ҳам юритилиши ва уларнинг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шарт” [2], деб белгиланганлигини қайд қилиб,профессор-ўқитувчилар педагогик фаолияти билан бирга илмий-тадқиқот фаолиятини ҳам фаол олиб борилганлиги натижасида олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузининг ошиб бориши таъминланишини тингловчиларга изоҳлаб ўтиш, фойдали бўларди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун ОТМларда “*илмий изланишни эътиқод даражасига кўтаришга интилиш лозим*”[7], деган ғояни тингловчиларнинг тафаккурига синдириш муҳим аҳамият касб этади. Худди ислом динининг бешта руқнлари (калимаи шаҳодат, намоз, рўза, закот ва ҳаж)га ўхшаш илмий изланишнинг ҳам ўзига хос бешта руқнларини тавсия этиб (1-расмга қаранг), уларга риоя қилиш ҳар бир илмий изланувчининг


бурчига айлантирган тақдирда, фикримизча, илмий тадқиқотларнинг натижалари ҳам изланучининг илмий мартабасини ва ҳам у фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг халқаро нуфузини оширишга олиб келади ва пировардда илм-фан ва илмий фаолият жамият учун фойдали бўлади. Шунинг учун бежиз Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Илм талаб килиш ҳар бир муслим учун фарздир», демаганлар.



2-расм. Илмий-тадқиқот фаолиятнинг мусулмонликка ўхшаш бешта руқнлари⁴¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонида кўра “олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш» [3] стратегик масаласини ечилиши ОТМларда инновацион фаолиятини ривожлантиришни тақозо этишини дарс жараёнида тингловчилар онгида синдириш керак, деб ўйлаймиз. «Университет 3.0» жамиятнинг фаол, кўпқиррали ва самарали фаолият юритувчи институти бўлиб, у бир вақтнинг ўзида учта йирик вазифани ҳал этиш лозимлигини тингловчиларга 3-расмда кўрсатилган слайд орқали тушунтириб берилса, тингловчиларда замонавий университет тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади.

⁴¹Манба: муаллиф ишланмаси.



3-расм. «Университет 3.0» тизимида асосий фаолият турлари⁴²

Бунда, учинчи авлод университетининг шаклланиши олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ривожланишидан бевосита боғлиқлигига урғу бериб, тингловчиларга 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сони билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида қўлланилишга тавсия этилган “инновация”, “инновацион фаолият”, “инновацион инфратузилма”, “инновацион лойиҳа”, “технологиялар трансфери”, “янги ишланма” каби асосий тушунчаларининг [4] мазмун-моҳиятини ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тингловчиларга инновацион фаолиятни асосий принциплари, бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, инновацияларнинг 4 та: маҳсулотга оид, жараёнга оид ва маркетингга оид ҳамда ташкилий инновациялар турлари, инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацияларни яратишга доир давлат буюртмасини шакллантириш, инновацион лойиҳалари ва уларнинг танлови, инновацион фаолиятнинг субъект ва объектлари, технологиялар трансферининг устувор йўналишлари, янги ишланмаларни тижоратлаштириш усуллари ҳамда инновацион инфратузилманинг инновацион технологик парк; технологиялар трансфери маркази; инновацион кластер; венчур ташкилоти ва инновация маркази каби субъектлари тўғрисида тингловчиларга батафсил маълумот бериш, мазкур модулни ўқитишнинг долзарб масалалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, олий таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модулини масофавий ўқитишда юқорида билдирган фикр-ақидалар ва услублардан фойдаланиш натижасида

⁴²Нуримбетов Р.И., Дехканова М.У. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш модули бўйича ўқув – услубий мажмуа. БИММ.Т.: 2021 -175 б. асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тингловчиларнинг ҳам илмий изланувчанлик ва ҳам инновацион компетенцияларини ошириш имкони вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056> 29.12.2020.

2. Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» Қонуни. *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони. *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 30.10.2020 й., 06/20/6097/1431-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.

5. Абдуҳаким М., Бекмуҳаммад У. Мирзо Абдулқодир Бедил Ғазалари. <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/matnazar-abdulkhakim-bedil-tarjimalar.html> [10.02.2021].

6. Нуримбетов Р.И., Дехканова М.У. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш модули бўйича ўқув – услубий мажмуа. БИММ.Т.: 2021 -175 б.

7. Навруз-Зода Б.Н. Тадқиқотчиларнинг илмий изланувчанлик компетентлигини ошириш йўллари. “Илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. 2014 йил «4-5» декабрь. 1-китоб. Бухоро-Тошкент-Навоий. 2014. Б:13-15.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАКА ОШИРИШ БОСҚИЧИДА КИМЁ ФАНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Амонов М.Р.

Бухоро давлат университети

Олий таълим муассасаларида фанлар ўқитилишининг замонавий концепцияси ўқув амалиётига ахборот технологияларнинг жорий этилишига олиб келмоқда. Бугунги кун талабига мувофиқ маълумотлар оқимини тез ўзлаштириш оладиган ва қайта ишлайдиган, уни муваффақият билан акс этадиган ва қўллай оладиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш керак.

Шунга асосан, кимё фанини ҳам ўқитиш жараёнида ахборот технологияларнинг қўлланилиши натижасида тингловчилар табиатда содир бўладиган ва амалий фаолиятда қўлланиладиган жараён ва ҳодисаларни тушунтирувчи восита сифатида компьютердан фойдаланишни ўрганади. Ўқув жараёнида компьютерлар қўлланилишининг педагогик мақсади педагогик вазифалар билан белгиланиб, уларнинг ечими фақат компьютер, яъни унинг имкониятлари ёрдамида амалга оширилади. Кимёни ўқитишда компьютерларни фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

қўллаш мумкин. Масалан, жараён ва ҳодисаларни моделлаш, интерфейс режимида компьютерни лабораторияда қўллаш, маъруза курсини баён этишда турли анимацион слайдлардан фойдаланиш, тингловчилар билимини баҳолашда тест дастурларини қўллаш ва бошқалар. Компьютер моделларнинг қўлланилиши ўрганиладиган материални чуқурроқ англашга, лаборатория шароитида бажариб бўлмайдиган экспериментларни кўришга имкон беради. Тингловчи турли параметрларни ўзгартирган ҳолда ҳодисаларни ўрганиши, олинган натижаларни таққослаши, уларни таҳлил этиши, хулосалар чиқариши мумкин.

Ўқув жараёнида компьютерлар қўлланилишининг кейинги йўналиши – бу кимёвий эксперимент маълумотларининг назорати ва қайта ишланиши ҳисобланади. Компьютерларнинг бундай қўлланилиши тингловчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини оширади, билим олишдаги қизиқишларини шакллантиради ҳамда илмий тафаккурини ривожлантиради. Ахборот технологиялардан фойдаланишнинг яна бир йўналиши – фаннинг дастурий воситалар ёрдамида ўқитилиши ҳисобланади. Кимёни ўқитишда қўлланиладиган ўқув дастурий воситалар дарснинг мақсади, ўқув материалнинг мазмуни билан белгиланади. Шунга мувофиқ, ўқув жараёнида қўлланиладиган барча дастурий воситаларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- муайян мавзудаги маълумотномалар (справочниклар);
- масалалар ечиш бўйича қўлланмалар;
- лаборатория ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўлланмалар;
- билимларни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича тестлар.

Дастурий воситаларни самарали қўллаш учун улар кимё курси мавзуларига мос келиши, юқори даражада кўرғазмалиликка эга бўлиши, ундан фойдаланиши қулай бўлиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фақатгина информатика ва фан ўқитувчилари-нинг ҳамжиҳатлигида дарс самарадорлигини ошириш мумкин. Информатика дарслари-да тингловчилар Microsoft Office пакетида берилган турли дастурий технологиялар билан танишади. Масалан, Power Point дастурини ўрганган ҳолда ўзлари мустақил равишда кимё фанининг айрим мавзулари бўйича презентациялар (слайдлар кўринишдаги мини-қўлланмалар) яратишлари ёки Visual Basic for Applications (VBA) дастури ёрдамида билимларни назорат қилувчи ва баҳолашга имкон берувчи тестларни тузишлари мумкин.

Жамиятимизнинг ахборотлашган даврга ўтиши муносабати билан олий таълим системаси олдида турган асосий вазифалардан бири ахборот технологияси асослари шаклланган мутахассислар етиштириш ҳисобланади. Бундай вазифани таълим системасига информацион компонентларни киритмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Шу сабабли, кимё фанлари, жумладан кимё фанини ўқитишда замонавий компьютер технологияларнинг қўлланилиш даври талаби ҳисобланади. Фанни ўқитишда бундай технологияларни маърузалар курсида ҳам, семинар ва лаборатория машғулотида ҳам, тингловчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ҳам муваффақият билан қўллаш мумкин. Масалан, маъруза курси мультимедиа технологиялар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Мультимедиа (лотинча *multum* – кўп ва *medium* – воситалар) – қурилмалар ва дастурий воситалар комплекси бўлиб, у интер-фаол режимда турли маълумотлар (графика, текст, овоз, видео ва бошқ.) билан ягона информацион муҳитда ишлашга имкон беради. Ўқув маълумотларнинг ушбу метод билан етказилиши тингловчиларда катта қизиқиш уйғотишини тасдиқлаб берди ҳамда танланган йўналишнинг тўғри эканлиги кўрсатди.

Мультимедиа технологиялар баён этиладиган материалнинг ҳажми ва кўргазмалилигини анча оширишга имкон яратади. Уч ўлчамли ҳаракатчан кимёвий молекулалар, реакция механизмларнинг анимацияли схемалари ва бошқалар нафақат ўрганилаётган фаннинг мураккаб аспектларини тушунишга, балки ўқитувчининг вақтини тежашга ҳам олиб келади.

Шу билан бирга маърузалар ўқилишининг мультимедиа усули одатий усулни тўлиқ алмаштириши мумкин деб ҳисобламаслик керак. Дарсларнинг анъанавий усулда ўтилиши ҳали долзарблигича қолмоқда, чунки бу усул аудиториянинг тайёргарлик даражасига қараб, маъруза материални у ёки бу мураккабликда ўтқа-зишга имкон беради.

Кенг тарқалган фикрларга кўра, маърузанинг мультимедиа ўтилиши экранда пайдо бўладиган формула ва тенгламаларни такрорлаш ҳисобига маъруза-чининг даражасига салбий таъсир этиши мумкин экан. Лекин тажрибалар кўрсатадики, аксинча, бундай кўринишдаги маърузаларнинг ўқилиши аудиториянинг билим даражасини баҳолашга ва шунга асосан материални тушунтиришда керакли темпни танлашга имкон берувчи анча катта тажрибани талаб этади.

Маъруза материалларига олдиндан тайёрлаб қўйилган реал кимёвий экспериментни акс этувчи видео лавҳаларнинг киритилиши тегишли реактивларни тежашга олиб келади, бу эса бугунги жаҳон иқтисодий инқироzi шaroитида жиддий омил ҳисобланади.

Ўқув-методик материалларнинг бошқа бир шакли тажрибали маърузачи томонидан тўлиқ овоз берилган кимё назарий асослари бўйича мультимедиа маърузалар курси бўлиши мумкин. Бундай маърузалар тингловчиларнинг мустақил билим олиш жараёнларини мазмунли ўтишига олиб келади. Шунингдек, қайси бир сабабларга кўра дарсларга қатнаша олмаган ёки дарс вақтида мавзунини яхши тушуна олмаган тингловчилар бўш вақтларида ўзларини қизиқтирувчи бўлимларни такрор-такрор мустақил равишда ўрганишга имкон топадилар.

ЮРИДИК БИЛИМ БЕРИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Джуррабаев А.М., Ибодов А.И., Бекназаров Ш.Қ.

ЎзДЖТСУ

Таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуallashtirish, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш даражасини ошириш, замонавий таълим технологияларини қўллаш орқали кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида масофавий таълимни янада такомиллаштириш ва мустақил таълим олиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда тингловчи ўзига қулай вақтда, шуғулланадиган машғулоти ҳамда иш жойидан ажралмаган ҳолда он-лайн тарзида билим олиши, малакасини ошириб бориши мумкин бўлади. Қолаверса, бунинг учун илгари сарфланаётган вақт, ресурслар ва харажатлар сезиларли даражада тежаллади.

Қарор билан Юристлар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисида янги Низом; Шунингдек, юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашга қўйиладиган талабларни назарда тутувчи “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари” тасдиқланди.

Марказда юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган касбий малака талаблари Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Яна бир янгилик: Марказда малака ошириш курси битирувчиларига электрон сертификатлар бериш амалиётини жорий этиш мақсадида ноёб идентификация рақами ва QR-код ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи «Электрон сертификатлар репозиторийси» тизими ва дастурий таъминотини яратиш назарда тутилмоқда.

Низомга мувофиқ, қайта тайёрлаш курси тингловчиси битирув малакавий иши тайёрлаши ва ҳимоя қилиши лозим. Битирув малакавий иши мавзуси ихтиёрий танланади. Малакавий иш мавзусидан келиб чиқиб унга Марказнинг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари ёки амалиётчи мутахассислардан илмий раҳбар бириктирилади.

Қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўқув режасида белгиланган фанлардан якуний синов имтиҳонини топширадilar ва битирув малакавий

ишини ҳимоя қиладилар. Битирувчиларга белгиланган намунадаги диплом берилади.

Таъкидлаш жоизки, қайта тайёрлашга иккинчи олий таълимни олиш сифатида қаралмайди. Қайта тайёрлаш натижасида бериладиган ҳужжат (диплом) фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Ҳуқуқий билим эҳтиёжмандларини қайта тайёрлаш ва юрист кадарлар малакасини ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- * Марказ ва унинг филиалларида ўқитиш;
- * мутахассислик бўйича ходимнинг иш жойида ўқитиш;
- * кредит-модуль тизими асосида ўқитиш;
- * масофавий таълим.

Марказ ва унинг филиалларида ўқитиш тегишли ихтисослик йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларини ўзлаштиришдан иборат. Марказда ва унинг филиалларида ўқитиш бевосита Марказ ёки унинг филиалларида масофавий таълим ёки манфаатдор ташкилотлар базасида яқка тартибдаги топшириқларни бажариш шаклида ташкил этилиши мумкин.

Мутахассислик бўйича ходимнинг иш жойида ўқитиш тингловчининг ишдан ажралмаган ҳолда хизмат жойига Марказ томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда, тегишли ўқув дастурларини ўзлаштиришдан иборат.

Янги жорий этилаётган кредит-модуль тизими асосида малака ошириш тегишли ўқув дастурини мустақил ўзлаштиришни ўз ичига олади. Кредит-модуль тизими бўйича малака ошириш мутахассис кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда ўқув дастури модулларини узлуксиз, мустақил равишда ўзлаштириб боришни назарда тутди.

Кредит-модуль тизими бўйича малака оширишда тегишли кредит балларни йиғиш учун қуйидагилар ҳам ҳисобга олинади:

- жорий даврда илмий мақолалар чоп этиш, монография, дарслик ва ўқув қўлланма нашр эттириш;

- малака оширишнинг белгиланган даврийлиги давомида фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаларига эга бўлиш.

Ходим мос равишда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлганда, малака ошириш учун белгиланган умумий кредит баллни тўплашдан озод қилиниб, тўғридан-тўғри якуний синов имтиҳонини топширишга рухсат берилади, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганда эса, ходим беш йил муддатга малака ошириш курсларини ўтишдан озод қилинади.

Кредит-модуль тизими бўйича малака ошириш учун жалб қилинган ходим сўнгги уч йилдаги маълумотлар электрон портфолио тизимига шахсан ўзи томонидан киритилади ва кўрсаткичлар электрон мониторинг тизими орқали қайд этиб борилади.

Масофавий таълим тегишли соҳа мутахассисларининг касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва масофадан ўқитишни амалга оширишга мўлжалланган махсус таълим дастурлари орқали он-лайн ҳамда офф-лайн тарзда амалга оширилади.

Малака ошириш курслари ўқув дастурига мувофиқ белгиланган мавзулар (модулар) бўйича якуний суҳбат имтиҳонини топшириш билан якунланади. Малака ошириш курси бўйича якуний суҳбат имтиҳонидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади. Малака ошириш сертификати электрон шаклда ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Масофавий таълим шакли бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва йўналтириш Марказ томонидан бириктирилган педагог маслаҳатчи томонидан амалга оширилади. Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, яқка тартибдаги машғулоти бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш педагог маслаҳатчининг вазифаларига киради.

Масофавий таълим курслари бўйича якуний синов имтиҳони (суҳбат) офф-лайн шаклида тест топшириқларини бажариш ёки он-лайн шаклида реал вақт ҳолатида ташкил этилиши мумкин.

Марказ давлат бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ўзга соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ва уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ҳам ташкил этиши мумкин. Бундай қисқа муддатли малака ошириш курслари Марказ томонидан мустақил равишда ёки буюртмачи ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган ўқув дастурларига мувофиқ ихтиёрий ташкил этилади.

Низомда қайта тайёрлов ўтувчи ва малака оширувчи тингловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари батафсил мустаҳкамланган.

Хулоса қилиб айтганда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тавсифланган Қарори ҳамда у билан тасдиқланган Низомни ҳаётга изчил жорий этиш, шубҳасиз, юридик билим талаб қилинадиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва адлия соҳаси ходимларининг малакасини ошириш тизмини замонавий талаблар асосида янада такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш борасида юқори сифат босқичини белгилаб, янги уфқлар очади, унинг истикболли ривожланишини таъминлайди.

DISTANCE LEARNING: ADVANTAGES AND DISADVANTAGES

Khushboqov B.Kh.

*Termez branch of Tashkent State Technical University
named after Islam Karimov.*

Annotation: It's no secret who is, the covid-19 virus, which began in the province of Wuhan, the Republic of China, spread all over the world and took the sound of a pandemic. In order to maintain public health through its prevention during the epidemic, institutions of Higher Education, schools and preschool education were closed to quarantine.

Key words: distance learning, virus, covid, education, students.

In order to ensure the continuity of education of students, the platform for distance learning (MT) was launched at Termez branch of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov. It is natural to ask questions about what MT is and on the basis of which normative acts were established.

Automation of management of higher educational institution, introduction of information and communication technologies (ICT) in the educational process is one of the main directions of the "program of development of higher education system in 2017-2021" approved by the president of the Republic of Uzbekistan.

According to the order of the minister of Higher and secondary special education of the Republic of Uzbekistan "on the introduction of distance education in higher education institutions" adopted on March 27, 2020, the existing higher education institutions (universities) in the Republic began work on the creation and launch of distance learning technologies.

There are many types of distance learning, and they are successfully used in the field of higher education of foreign countries where education is developed. Below we will come up with several types of distance learning.

It is a common method of communication, suitable for a wide range of training sessions (conference, praktikum, seminar, etc.). It is possible to join the optional time on muhokama as a series Serial records form. The Forum can only be in an interactive way without writing. In general, the purpose of MT is as follows:

To provide the opportunity for all students, students, those who wish to receive education in all regions and abroad at the national level to receive education in the same way;

The use of scientific and educational potentials of leading universities, academies, institutes, training centers, personnel re-training institutions, qualification institutes and other educational institutions to improve the quality of teaching;

Parallel with basic education and basic work activities to provide an opportunity for further education;

To meet the need of educators for education and to expand the educational environment;

Create opportunities for continuing education.

The application of ICT in the educational process (in particular, in the process of MT) is carried out mainly in two ways. The first condition, if technical specifications, the second condition, is the availability of special software.

Technical equipment: computers, network devices, high-speed Internet networks, video conferencing equipment, etc.

The software includes: a set of programs designed for this area, ranging from software that uses existing devices.

How to set up MT in the branch: on the basis of the MOODLE platform, the necessary training materials were placed on the platform at the crossroads of faculties and Educational Directions. The instructional materials consist of curriculum and work programme of science, glossary, lecture texts, necessary materials for practical, laboratory and seminar sessions, course work and project execution procedure and assignments, calculation work execution procedure, independent work topics, demonstration slides for better acceptance of the above information, video materials, intermediate questions for verification of acquired knowledge and test assignments etc. Good and convenient features of the above methods were used to organize MT.

LIST OF USED LITERATURE

1. Azizova M.I. Djamalova G.S. Development trends of distance education system in Uzbekistan. International scientific Electronic Journal of Finance and accounts. №3, June 2018 year. Eight sheets.
2. Abdukodirov A.A. Theory and practice of distance learning. Monograph / Uzrfa "science", 2009 y.- 45 p
3. Abdukodirov A.A., Pardaev A.H. Theory and practice of distance learning. - T.: Science, 2009 y. 145 p
4. Khayitova, Feruza Abdikhalikovna. "Innovative techniques of teaching vocabulary at the intermediate level." Евразийский научный журнал №4 (2017year): 387-388p.

КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЛАБАЛАРНИНГ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Казоқов Р.Т.

ЎзДЖТСУ

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнاتини амалга ошириш усуллари излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

“Case-study”нинг асосий мақсади – турли вазиятли, шу жумладан, педагогик вазиятли масалаларни ҳал қилиш мобайнида ўқувчиларнинг концептуал схема ва моделларидан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек, муаммоларни гуруҳий таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқариш орқали билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ҳозирги даврда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олинishi зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;

- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

2000 йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб чет эл олий ўқув юртларида табиий фанлар ва техник фанларни ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш тенденцияси кузатилиб, ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи усулларида бўлиб қолди., энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти қуйидагича изоҳланиши мумкин: ушбу технология воситасида ўқувчи (талаба)га реал ҳаётий вазиятни англаш таклиф этилади, айти пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди. Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида вазиятларнинг анализи (таҳлили) талабаларнинг профессионализация жараёнига кучли таъсир ўтказа олиши, уларнинг касбий жихатдан “ўлғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейслар методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имкониятини беради. Бунга албатта, таълим тизимининг демократлашуви ва модернизациялашуви, педагогик креативликка очилган кенг йўл, уларда прогрессив тафаккур услубини ҳамда педагогик этика, педагогик фаолият мотивациясини шакллантириши ҳам мисол бўла олади.

Кейс-стади таълим технологияси таркибидаги кейсдаги ҳаракатлар тавсиф кўринишида берилиши мумкин, бунда талабадан ушбу тавсифни англаш, яъни тавсифланган вазиятнинг натижалари, эффективлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб этилади. Акс ҳолда улар муаммонинг ечимлари сифатида таклиф этилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам амалий ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш таълим олувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ушбу ўзига хосликлар ва бошқа омиллар таъсирида кейс-стади таълим технологияси таълим тизими шароитида кенг тарқалмоқда. Аммо ушбу методнинг таълим тизимида самарали қўлланишида бир қатор мураккабликлар ҳам кузатилади. Энг аввало улар педагог кадрларнинг тегишли методнинг

методологик асосига юзаки ёндашуви натижасида вужудга келади. Кўпинча, кейс-стади таълим технологияси остида таълим тизимида “сохта” вазиятлар, бошқача айтганда “ҳаётий” вазиятларнинг кириб келиши кузатилади, таълимий мунозара эса “ҳаёт ҳақидаги суҳбат”га айланади. Аммо айти пайтда кейс-стади таълим технологияси ўқитувчининг касбий компетентлигини ошириш воситаси бўлиб, таълимнинг тарбиявий, таълимий ва тадқиқотчилик функцияларини бирлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Ушбу методнинг самарадорлигини оширувчи яна бир омиллардан бири унинг бошқа таълим методлари билан осон бирикишидир.

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ТАШКИЛИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Мухитдинова М. Р.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Компьютерларнинг хорижий тиллар бўйича ўқув жараёнида қўлланилиши, фаннинг янги тармоғи – *компьютерли лингвометодика* тадқиқотининг предметида айланган кўплаб назарий масалаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Фаннинг ушбу соҳаси ўқитишни компьютерлаштириш ва ўқитишнинг компьютер воситаларини қўллаш усуллари билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганади. Бизга маълумки, мультимедиа чет тилларини ўқитишда фойдаланиладиган асосий ахборот технологияси ҳисобланади. Айнан шу технология матн, ҳаракатсиз ва ҳаракатли тасвирлар, анимацияли график образлар, видео ва аудио материаллар билан ишлашга имкон беради.

А.А.Александров⁴³ таъкидлаганидек, мультимедиа вақт бирлигида узатилаётган ахборотнинг ўзлаштирилиш ҳажми ва даражасини оширишга ёрдам берган ҳолда, инсоннинг кўриш ва эшитишига бир вақтнинг ўзида таъсир қила олади.

Мультимедиа ўқув-методик мажмуалар ўқув дарсликлари, аудио ва видео ўқув-ахборот материаллари, компьютер мультимедиа ўргатувчи тизимлар, тест тренажёрлар, маълумотлар ва билимлар базаси, электрон кутубхоналар, эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари каби таълим воситалар таркибидан иборат.

⁴³Аванесов В.С. Теория и практика педагогических измерений / материалы публикаций. ЦТ МКО УГТУ-УПИ. 2005. 98 с. <https://docplayer.ru/27329741-Avanesov-v-s-teoriya-i-metodika-pedagogicheskikh-izmereniy.html> (мурожат санаси 11.04.2020)

Е.В.Коньков⁴⁴ фикрича масофали ўқитишни муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шарт, бу сифатли ўқув-услугий материалларни тайёрлашидир, дея фикр билдирадилар. Унинг фикрича ўқув-услугий материаллар яхши тузилган бўлиши, баҳолар мезони билимларнинг шаклланганлик даражалари ва босқичларини эътиборга олган ҳолда шаффоф ва тугал маъноли бўлиши зарурдир.

Юқоридаги олимлар фикрига қўшилган ҳолда шуни такидлашимиз мумкинки, масофали ўқитишда изланишга йўналтирилган фаол мустақил фикрлаш фаолияти зарур ҳисобланади. Шунинг учун масофали ўқитишда зарур ахборотни мустақил топиш, муаммоларни ажратиш ва уларни оқилона ечиш, олинган билимларни танқидий таҳлил қилиш ва амалда қўллаш қобилиятига ёрдам берадиган усул ва технологияларни қўллаш лозим.

М.Роджерснинг⁴⁵ таъкидлашича, ўқитиш бу нафақат белгиланган ҳажмдаги билимларни ўзлаштириш, балки биринчи навбатда, бирор-бир фаолиятни амалга ошириш орқали ўрганиш тажрибасини орттиришни англатади. Бундай ўрганиш тажрибасини олишга фақат шахсий ташаббус бўлгандагина имкон туғилади. Юқоридаги фикрларни умулаштирадиган бўлсак, таълим олиш фақат ўз устида мустақил ишлаш орқалигина амалга оширилиши мумкин, шунингдек мустақил ўқиш давомида олинган натижалар янада мустаҳкамланиб, билимлар эса узоқ муддатга ёдда қолади, чунки ўқитиш жараёнига ўқувчининг ҳиссиётлари ва ҳислари ҳам жалб этилади.

Масофавий ўқитиш курсининг ташкилий-методологик бўлимида айнан мультимедиа воситалари ёрдамида дарслар ташкиллаштирилади. Ушбу бўлимда аввал таъкидлаганимиздек, ўқувчилар видео методга асосланиб, тил аспектларини видеодарслар ва электрон маъруза матнлардан фойдаланган ҳолда ўқиб ўрганадилар.

“Видеометод” ёки “видеоусул” каби атамаларга изох бериб ўтадиган бўлсак, А.К.Кўчибоев⁴⁶ замонавий таълим усулларида бири бўлган **видеоусул** – ўқув материалига доир ахборотни, расмларни, иш-ҳаракатни таълимнинг техник воситалари: кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телекўрсатувлар, шунингдек ахборотни дисплей орқали акс эттирувчи компьютерлар орқали ташкил этиш, деб таъриф берган.

⁴⁴ Коньков Е.В. Анализ зарубежного опыта дистанционного обучения // Научно-методические проблемы и новые технологии образования: – 2010. –№6.(36) <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-zarubezhnogo-opyta-distantionnogo-obucheniya> (мурожат санаси 6.09.2019)

⁴⁵ Rogers-Estable M. (2014) Web 2.0 Use in Higher Education // European Journal of Open, Distance and e-Learning – Vol. 17 / No. 2. 2014.

⁴⁶ Кўчибоев А.К. Чет тиллар ўқитишнинг амалий методикаси //Ўқув-услугий қўлланма.-Самарқанд: 2012. -91 б.

И.П.Подласый⁴⁷, М.А. Салихова⁴⁸ ларнинг фикрича, “видеометод” билимларни тақдим этиш учунгина эмас, балки уни назорат қилиш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш учун ҳам хизмат қилади ва шунинг учун барча дидактик функцияларни муваффақиятли бажаради. Метод, асосан, ахборотни визуал идрок этишга асосланиб, ўқитишнинг индуктив ва дедуктив йўллари, ўқувчиларнинг турли даражадаги мустақиллиги ва билиш фаолиятини бошқаришнинг турли усуллари таъминлайди.

Демак, видеоусул интернет лойиҳалаш доирасида мумкин бўлган маъсофавий ўқитиш шаклларида бири бўлиб, асосан маълумотларни визуал қабул қилишга асосланади, бундан ташқари тизимлаштириш, умумлаштириш ва уни бошқариш учун ҳам хизмат қилиши сабабли барча дидактик функцияларни муваффақиятли бажаради. Видеоусул билимларни ўзлаштиришнинг ҳам индуктив ҳам дедуктив усуллари, шунингдек ўқувчиларнинг когнитив фаоллигини ўз ичига олади ва когнитив жараёни бошқаришнинг турли усуллари таклиф қилади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, тил материалларини масофавий ўқитишда ташкиллаштириш ёрдамида ўрта таълим битирувчи ўқувчиларининг инглиз тили фани доирасида янада чуқурроқ таълим олиш имкониятлари пайдо бўлади. Анъанавий кундузги таълим асосида масофадан қўшимча грамматик мавзуларни видеодарслар ёрдамида ўрганишлари ва ўз билимларини янада мустаҳкамлаб бориш имкониятлари мавжуд. Видеодарсларнинг ўзига хос қулайлик жиҳатларини инобатга олган ҳолда ўқувчи ўзига қулай вақт ва шароитда янги мавзунини ўзлаштириши ва уларга оид тренажёр машқлар бажариб бориши асосида автоматлашган билимга эга бўлиб боради ва бу кириш имтиҳон тест синовларида вақтдан ютиш ва тўғри жавоблар сонининг ортишига хизмат қилади. Шунингдек электрон луғатлар билан доимий ишлаш давомида ўқувчиларнинг лексик билим ва кўникмалари шаклланиб боради, бу эса оғзаки нутқда сўзлашнинг раво ва чиройли кечишида муҳим омил ҳисобланади. Демак, масофавий ўқитишда лексика ва грамматикага доир билимларнинг сифат даражасини ортишига олиб келади.

⁴⁷Подласый И.П. Тестирование в учебном процессе: его история и возможности. http://www.elitarium.ru/testirovanie_v_uchebnom_processe_ego_istorija_i_vozmozhnosti/ (мурожат санаси 02.01.2019)

⁴⁸Салихова М.А., Шакурова А.Р. Современные обучающие видеоуроки успеха современного естествознания // *Успехи современного естествознания*. – 2013– №10.

ПОСЛЕДИПЛОМНОЕ ОБУЧЕНИЕ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

Рахметова М.Р.

Ургенчский филиал ТМА, Ургенч, Хорезмская область, Узбекистан

Стремительная информатизация общества неизбежно влияет на образовательный процесс. Дистанционное обучение, ставшее массовым в период пандемии Ковид-19, значительно изменило традиционную систему обучения[4]. Автором проводился анализ достижений и недостатков дистанционного обучения студентов медицинских ВУЗов[3]. Оказалось, что онлайн-обучение студентов имеет больше недостатков, нежели достоинств. Дистанционное обучение оказалось недостаточно эффективным для студентов, поскольку этой возрастной категории не свойственна усиленная добросовестность, и большинство из них не имеют высокую степень самодисциплины и сознательного отношения к обучению[2]. Вне всякого сомнения, принципы последипломного обучения в корне отличаются от таковых в отношении бакалавров. Для педагогов характерно добросовестное отношение к учебе, высокая ответственность и сильная мотивация к повышению знаний.

Целью данного исследования явилось выявление возможностей дистанционного обучения в системе переподготовки и повышения квалификации кадров.

В исследовании принимали участие педагоги-медики, прошедшие курс обучения в вышеуказанной системе; им предложено анкетирование с целью выявления положительных и отрицательных сторон последипломного дистанционного обучения. Из полученных ответов отобраны наиболее типичные. 70% прошедших курс последипломного обучения отрицательно характеризуют современные принципы системы переподготовки и повышения квалификации кадров. Главный недостаток дистанционного обучения: теряется многовековая ценность классических дидактических приёмов[1].

Данные анкетирования выявили недостатки традиционного обучения, которые сохранились и при онлайн-учебе. Кадры, привлеченные на переподготовку и повышение квалификации, в аудитории подразделяются только по специализации: терапевты, хирурги. Не учитывается стаж, должность, уровень подготовки, возраст обучаемых, знание иностранного и русского языков. В результате одинаковое обучение проходит новичок и престарелый педагог, т.е. люди, с различной мотивацией и когнитивностью, отличающиеся уровнем подготовки. Абсолютно не принимается во внимание знание языка. Люди, элементарно не владеющие иностранной азбукой, проходят одинаковое занятие с англоговорящими преподавателями, и всем одинаково не нужна зубрёжка глагола to be, с которого стандартно начинается

урок английского. Второй важный аспект – в одной аудитории собираются педагоги с различным уровнем знаний информационно- компьютерных технологий. Молодое поколение, выросшее в условиях резкого возрастания информатизации общества, владеет этими коммуникативными технологиями, тогда как педагоги старшего возраста не способны в полной мере овладеть ежедневно обновляющимися инновациями.

Введение онлайн-обучения призвано значительно улучшить образовательный процесс. Дистанционное обучение станет одним из направлений развития в Узбекистане, что [отражено](#) в стратегии развития до 2035 года. Однако на сегодняшний день проблемой онлайн-образования является низкая компьютерная грамотность преподавателей, некомпетентность их в использовании информационных технологий.

Несомненным достоинством последипломного обучения является привитие способности непрерывного обучения в контексте как личной профессиональной, так и социальной жизни. Дистанционная форма обучения является ценной инновацией в педагогике, способной улучшить образовательный процесс при условии дальнейшего овладения инновационными технологиями[5]. Дистанционное последипломное обучение нуждается в дальнейшем поиске эффективных способов обучения педагогов, опираясь на принципы андрогогики и используя персонифицированный подход к обучаемому. Наиболее оптимальным считаю сочетание традиционного и дистанционного обучения.

Владение информационно-коммуникационными технологиями, понимание их применения приведет к значительному развитию не только педагогики, но и всех сфер жизнедеятельности человека.

Список литературы:

1. Равен Д. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М., Когито-Центр, 2002.
2. Рахметова М.Р. Проблемы современного высшего медицинского образования/ «Значение доклинических предметов в медицинском образовании. Международный передовой опыт» Материалы международной научно-практической конференции. Термез. 11апреля 2019 года. С. 199-200.
3. Рахметова М.Р. Инновационные технологии в обучении студентов медицинских ВУЗов с учетом специфики предмета эндокринология/ «Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования» Международная учебно-научно-практическая конференция. Бухара, 2018. С. 191-192/
4. Рахметова М.Р. Дистанционное обучение в эндокринологии/ Материалы международной научно-практической конференции «Узбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар». Самарканд. №17.2020.с. 359-361.
5. Рахметова М.Р. Диджитализация образования/Материалы международной НПК «Актуальные вопросы и пути решения проблем развития отраслей экономики Республики Узбекистан в современных условиях» Джиззак, 2021.с. 773-780.

РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайидова Н.С., Жўраев И.И.

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: вебинар, ахборот, коммуникация, технология, инновация, электрон таълим, модернизация, модуль, интерактив.

Ключевые слова: вебинар, информация, коммуникация, технология, инновация, электронное обучение, модернизация, модуль, интерактив.

Key words: webinars, information, communication, technology, innovation, modernization of e-learning, module, interactive.

Ушбу мақолада олий таълим раҳбарлари ва ўқитувчиларининг вебинар технологиялари асосида малакасини ошириш, бу борадаги меъёрий юридик асос сифатини таъминлаш, таълим сифатини кўтариш, ривожланишга таъсир кўрсатадиган омиллар ва Ўзбекистонда вебинар таълимга амал қилиш каби масалалар кўриб чиқилган.

Данная работа предназначена для повышения квалификации руководителей и педагогических работников высших учебных заведений в области вебинар-технологий. Работа посвящена вопросам обеспечения качества нормативно-юридической основы профессионального развития в системе образования. Рассмотрены зарубежный опыт образовательной системы с помощью вебинар-технологий, а также теоретические и практические основы обеспечения качества образования, стратегические направления деятельности консорциума развития, факторы влияния на эффективность профессионального развития, способы осуществления вебинар-образования в Узбекистане.

The article is devoted to the enhancement of the professional development of the leaders and teaching staff of higher educational institutions based on webinar technologies. The work deals with the issues of the quality assurance, the normative-jurisdictional basis of the professional development in the educational system, the foreign experiences of the educational system with webinar technologies, the theoretical and practical basis of the quality assurance, the strategic directions of the consortium development, the impact factors on the effectiveness of the professional development and the ways of the implementation of webinar-based education in Uzbekistan.

Кириш. Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривож жамият тараққиёти, инсон фаолият кўрсатаётган барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказиш билан бирга таълим тизимида ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлиб, ўқитишнинг янгича инновацион кўринишлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири электрон таълим муҳитини яратиш билан боғлиқ бўлиб, ўқитиш муҳитида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг миқёсда фойдаланишни назарда тутди.

Вебинар қандай яратилади

Видеотрансляция фойдаланувчи тескари қўллаб-қувватлаш учун самарали восита ҳисобланади.

Вебинар — бу маҳсулот ёки улуши янгиликлар қобилият ҳақида мижозларга ўргатиш, лойиҳа аудитория билан ҳисобот сақлаб қолиш учун имкон берадиган видеотрансляция ҳисобланади. Сизга вебинар қандай қилиб бепул яратиш, тайёрланаётганда нималарни ҳисобга олиш ва фойдаланувчиларни видеотрансляцияга қандай жалб қилиш кераклигини айтиб берамиз.

Вебинарга тайёргарлик кўриш

Вебинар — маъруза каби, фақат тингловчилар сизга аудиториядан эмас, балки компьютер экранидан қарайди. Ҳар қандай маърузага олдиндан тайёргарлик кўриш каби, вебинарга ҳам олдиндан тайёргарлик кўришингиз керак. Вебинар яратишдан олдин ҳикоянинг тахминий режасини ёки ҳикоянинг асосий пунктлари билан тақдимотни тайёрлаш яхшироқдир.

Ҳаммаси вазифаларга боғлиқ. Энг асосийси маърузангиз тингловчиларга қизиқарли бўлиши зарур.

Трансляция қилишдан олдин нималарга эътибор бериш керак:

- 1.Компютерингизда видео ва аудио ишлашни текшириб кўринг;
- 2.Такрорланг - тақдимотни баланд овозда айтинг;
- 3.Вебинарингизни режалаштиринг - маърузангиз учун таянч пунктларини тайёрланг;
- 4.Иш жойини тайёрланг ва шовқин олиб келадиган жиҳозлардан кутилинг.

Агар сиз биринчи марта вебинар яратаётган бўлсангиз, бу муаммоли жойларни аниқлашга ёрдам беради ва режанинг пунктлари орасидаги ўтишларни аниқлайди.

Вебинар режасини қандай тузиш керак

1.Гапирмоқчи бўлган нарсангизни асосий тезислар орқали ёзиб олинг. Улар сизнинг тақдимотингиз билан қопланиши мумкин, масалан, ҳар бир слайдни битта тезис билан тавсифлашингиз мумкин. Бу сизга изчил ҳикоя яратишга ёрдам беради.

2.Аудитория билан ўзаро боғланмоқчи бўлган пунктларни белгиланг. Бу вебинар охирида тингловчиларнинг саволлари ёки тингловчиларни мавзуга жалб қиладиган сизнинг саволингиз бўлиши мумкин.

3.Вебинарингизни қаердан бошлашни ва қандай тугатишни ўйлаб қўйинг. Масалан, бошида сиз ёритмоқчи бўлган масалаларни белгилашингиз ва охирида бир нечта асосий тезисларни такрорлашингиз мумкин.

Видеотрансляция қандай яратилади


Вебинар трансляциясини яратишнинг энг осон йўли Youtube-да, плеерни осонгина саҳифага киритиш мумкин. Трансляция яратиш учун Youtube-да

аккаунтни рўйхатдан ўтказинг (агар сизда Gmail электрон почта бўлса, сиз аллақачон рўйхатдан ўтгансиз). Тилдеда плеерни блокдаги саҳифага "Видео" категориясидан эфирни ҳаволасини қўйишингиз мумкин.


Youtube-да вебинар қандай яратилади: 2чи йўл

1.Youtube томонидан тақдим этилган оқим трансляциясини кодлаш учун махсус дастурни ўрнатиш ва созлаш орқали компютерингиздан эшиттиришни бошланг. Сизнинг экранингиздан видеони узатиш ва барча трансляцияларни алоҳида дастурда бошқариш учун керак.


Биз OBS дастуридан фойдаланишни тавсия этамиз, унда Youtube учун махсус созламалар мавжуд, фақат асосий трансляция саҳифасида олинadиган махфий калитни қўйишингиз керак.



1-қадам - Youtube аккаунтининг созламалари орқали Creator Studio бўлимига кириш



2-қадам - чап менюдан Live Streaming-ни танланг




YouTube ва OBS дастурини боғлашга ёрдам берадиган махфий калит.


Кодловчини ўрнатиш сизга эшиттириш сифатини сошлаш, видео параметрларини бошқариш ва эшиттиришга қўшимча эффектларни қўшишда ёрдам беради (масалан, расм қўйиш).

2. Сиз дастурларни ўрнатмасдан трансляцияни бошлашингиз мумкин - Hangouts on Air орқали. Трансляция саҳифасига ўтинг. Тезкор созламани ўрнатиб, янги трансляция яратинг - шунда сиз дарҳол эфирга чиқасиз ва жонли эфир YouTube ҳисобингизда мавжуд бўлади. Фойдаланувчилар учун чат трансляция саҳифасида намоиш этилади.

Ушбу режимда тасвир веб-камерангиздан узатилади, экранни тингловчилар билан бўлишишингиз мумкин.




Тез трансляция яратиш. 1-қадам: YouTube akkaунтида New live event-ни босинг



Тез трансляция яратиш. 2-қадам: тўғридан-тўғри видеога ўтиш учун Тезкор созламани танланг

YouTube қўллаб-қувватлашида трансляцияларни яратишнинг турли усуллари ўртасидаги фарқларни кўрсатадиган жадвал мавжуд.



Баъзан YouTube вебинар яратиш учун мос келмаслиги мумкин, чунки сиз трансляцияни шахсий қилиб қўя олмайсиз ёки уни парол билан яшира олмайсиз. Бундай ҳолда, қўллаб пулик сервислар мавжуд, масалан: Webinar.ru, Webinar.fm, ClickMeeting, Webinar.tw. Энг арзон ва қулай сервислардан бири — eTutorium, бу Тилде билан интеграция қилинган.

Қандай қилиб вебинарга аудиторияни жалб қилиш мумкин

Одамлар вебинарни билиб олишлари ва рўйхатдан ўтишлари учун уни ижтимоий тармоқларда ва олдиндан тайёрланган очилиш саҳифасида эълон қилишни тавсия этамиз. Нима учун вебинар учун алоҳида саҳифа яратиш керак? Сиз тақдимот мавзуси ҳақида кўпроқ маълумот беришингиз мумкин, вебинарингиз тингловчиларга қандай фойдали бўлишини айтиб беришингиз мумкин. Сиз аниқ санани белгилашингиз, эфирга узатилган плеерни қўшишингиз ва обуна шакли билан керакли вақтда қизиқувчиларга трансляция яқинда бошланишини ҳақида эслатишингиз мумкин.

Сизга почта хизматларида контактларни йиғишни маслаҳат берамиз (масалан, Mailchimp, Getresponse ёки Unisender-дан фойдаланиш), чунки бу билан сиз нафақат тингловчиларга трансляция тўғрисида хабар беришингиз,



балки келгуси тadbирлар тўғрисида хабар берадиган абонент базасини яратишингиз ҳам мумкин.

Ахборот тарқатишни яратиш ҳақида кўпроқ билиб олиш

Вебинарнинг очилиш саҳифасида сиз трансляция олдида саволларга жавоб бериш учун шарҳлар виджетини қўшишингиз ва ундан кейин фикр-мулоҳазаларни тўплашингиз мумкин. Тилда-да сиз Disqus ёки Hypercomments виджетлари орқали шарҳлар қўшишингиз мумкин (блок кутубхонасидаги "Другое" категория).

Вебинар тугагандан сўнг, асосий фикрлар билан хулосани ёки видео трансляциясидан ёзувни жойлаштириш фойдалидир. Эфирга улгурмаган тингловлар сизнинг фикрларингизни билиб олишлари ёки ўтган вебинарни кўришлари мумкин.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида зарур бўлган педагогик-технологик билимларни ривожлантиришда вебинар технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишган:

- таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўрганилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака оширишни ташкил этиш жараёнлари назарий асосланди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш таълим жараёнини ташкил этишда илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва фойдаланиш имкониятлари бўйича хулосалар шакллантирилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этиш механизми ва унинг ҳозирги кундаги ҳолатини такомиллаштириш бўйича хулосалар келтирилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этиш, унинг фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлаш усуллари юзасидан таҳлиллар келтирилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва баҳо берилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этиш бўйича халқаро стандартлар тажрибаларидан миллий таълим тизимида фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди;

- вебинар технологияларга асосланган малака ошириш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобомуродов О., Турсунов И., Журакулов Д., Холикулов Р., Сайидова Н.С., Расулов З. Вебинар технологияларига асосланган малака ошириш жараёни. // Услубий йўриқнома. Тошкент, 2016. 21 бет.

2.Мирсолиева М.Т. Олий таълим тизими педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга замонавий ёндошувлар // Ўрта махсус ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш. Бухоро, 2015. – С. 8.

3.Сайидова Н.С. Вебинар технологияларга асосланган малака ошириш ва олий таълим тизими жараёни. Бухоро давлат университети илмий ахбороти. - Бухоро, 2017. -№3. -Б. 174-179.

4.Сайидова Н.С., Зарипова Г.К., Абдурахмонов А.А., Журакулов Ж.Ж. Использование электронных ресурсов в историческом образовании и его защита. «Аэтерна» научно-издательский центр. Научный электронный журнал «Академическая публицистика». ISSN 2541-8076 №2/2020 (февраль 2020). -Б.123-131

5.Сайидова Н.С., Казимова Г.Х. Разработка методики образования в вузах. Образование и проблемы развития общества научно-практический рецензируемый журнал. Г. Курск. Россия. №1 (7) 2019 год. 36-40-Р. (ISSN 2411-9792)

6.Сайидова Н.С., Нематов Л.А. Теория и методика профессионального образования. Образование и проблемы развития общества научно-практический рецензируемый журнал. Г. Курск. Россия. №1(7) 2019 год. 55-59-Р. (ISSN 2411-9792)

7. Sayidova N.S., Juraev I.I. (2020). The process of higher education system and in-service training based on webinar technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (12), Part III, 20-26. <http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2020/12/Full-Paper-THE-PROCESS-OF-HIGHER-EDUCATION-SYSTEM-AND-IN-SERVICE-TRAINING-BASED-ON-WEBINAR.pdf>

PEDAGOG KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH JARAYONLARINI MASOFALI TA'LIM TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA TASHKIL ETISH

УДК 796.062.4+796.032.2

Sayidova N.S.

*Fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent. Buxoro davlat universiteti,
Axborot texnologiyalari kafedrasida*

Annotatsiya. ZOOM dasturidan smartfon (telefon) va kompyuter texnikasida foydalanish, hamda "Zoom" ni telefonga va kompyuter texnikasi yuklab olish, ro'yxatdan o'tish va online video konferensiya o'tkazishda boshqa sohalar qatori ayniqsa pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish sohasida amaliy mashg'ulot ko'rinishida ketma-ket bajarish etaplari yoritib o'tilgan. Bundan tashqari nazariy jihatdan kasbiy tayyorgarlik shakllanishining pedagogik asoslari aniqlab ko'rsatilgan, ularning ahamiyati va dolzarbligi asoslangan, pedagogning samarali kasbiy tayyorgarligiga ta'sir etadigan pedagogik sharoitlar majmuasi taklif qilingan.

Kalit so'zlar: mobil o'qitishning innovatsion pedagogik texnologiyasi, registratsiya, akkount, kasbiy tayyorgarlik, dolzarblilik.

Dolzarbligi: hozirgi vaqtda butun dunyoda pandemiya tufayli karantin e'lon qilinganligi sababli barchamiz masofadan turib o'z ilmiy faoliyatimizni davom ettirishimiz kerak shuning uchun bu maslahat va yo'l yo'riqlar barcha uchun muhim sanaladi ayniqsa bu hozirgi davrimizda har bir inson o'zida kamida birta uyali aloqa

vositasi va kompyuter texnikasidan foydalanayotgan davrda. Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish mashg'ulotlarni to'g'ri tashkil etish uchun bir qator masala va muammolarni tahlil qilishni talab etadi. Bu kadrlarning kasbiy tayyorgarligi va jamiyatda sodir bo'layotgan ahamiyatga doir o'zgarishlarga to'g'ri munosabatda bo'lishga bog'liqdir.

Tadqiqot maqsadi: maqsadimiz masofadan turib o'z ilmiy faoliyatimizni davom ettirish va oyniqsa har bir insonning mobil aloqa vositalaridan ZOOM dasturidan qiynalmasdan mustaqil holda shu dasturni ishlata olishlarini ta'minlash.

Tadqiqot metodlari: ta'lim samaradorligini oshirish va ta'limda ilg'or pedagogik texnologiyalaridan hamda Informatika o'qitish metodikasida innovatsion usullar va ilg'or g'oyalarga asoslanildi.

Tadqiqot natijalari va muhokamasi: Tadqiqot metodikasi ishlab chiqildi, ya'ni shu natijaga erishish uchun barcha ishlar ketma-ketlik asosida to'liq yoritildi hamda natijalar video lavhadagi ketma-ketliklar to'liq skrin shot qilib keltirib o'tildi. Tadqiqot oldiga qo'yilgan masalalarni hal qilish maqsadida kompyuter texnikasi, Internet, Microsoft Office dasturlari to'plamidan foydalanildi hamda dasturdan foydalanish usul va imkoniyatlarini tahlil qilinib, tahlillar natijasini umumlashtirib oxirgi natijalar tasvirlar orqali boyitildi.

Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish ustoz va murabbiylari ma'lum faoliyatni o'z vaqtida aniqlashi va tushinishi uchun, u unga tayyor bo'lishi kerak. Bu yerda tayyorgarlik – bu ish jarayonida shakllanishi kerak bo'lgan muvoffaqiyatli ishning muhim shartidir.

Maqolada pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish ustoz va murabbiylarining kasbiy tayyorgarligi jarayoni ko'rib chiqilmoqda, tayyorgarlik, bu jarayonning natijasi motivatsiya, faoliyat komponentlarini o'z ichiga mujassamlagan murakkab tizim sifatida ma'lum xarakteristikaga ega. Motivatsiya komponenti tayyorgarlikning boshqa komponentlari shakllanishi uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Ya'ni motivatsiya, qiziqish.

Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish ustoz va murabbiylarining kasbiy tayyorgarligi uning pedagogik yo'naltirilganligining xususiyatiga bog'liqdir. Yo'naltirilganlik unga xos individual ehtiyoj, qiziqishlar va o'qitish xususiyatlari bilan ta'riflanadi. Ular faoliyat maqsadi anglab olinganida jamiyat uchun o'z mohiyatini, o'zlashtira olinadiganligini belgilab keladi, va natijada muhim sanaladi.

Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimidagi har bir ustoz va murabbiylari uchun o'z oldida turgan masalalarni o'z vaqtida yechish yo'lini tezda topib va hal qilish murakkabdir. Kasbiy bilim uch guruhga bo'linadi: nazariy, metodik va amaliy. Kasb mazmunini tashkil etadigan kasbiy bilimlar davlat ta'lim standartlari bilan belgilangan. Kasbiy-pedagogik bilimlar xususiyati orasida o'rganilayotgan fanlarni sintez qilishni alohida ta'kidlash joizdir.

Mobil o'qitish – ta'lim resurslariga mobil imkoniyat orqali ega bo'lish sharoitidagi o'qitishdir, ya'ni o'quvchi o'qituvchi va boshqa o'quvchilar bilan o'zaro xarakatga ega bo'lishidir. Mobil o'qitish “1 o'quvchi: 1 kompyuter” ta'lim

kontseptsiyasida yaqqol namoyon etilgan. Bunday “1 o`quvchi: 1 kompyuter” zamonaviy ta'lim kontseptsiyasini yaratishga bo`lgan intilish butun dunyoda kuzatiladi. “1 o`quvchi: 1 kompyuter” ta'lim kontseptsiyasi modelida informatsion texnologiya “kompyuter bilan birma-bir” bo`lgan muhitni yaratish bilan ifodalanadi. “1 o`quvchi: 1 kompyuter” ta'lim kontseptsiyasi kompyuter yoki noutbuklarda mahsus ishlab chiqilgan dastur asosida o`quvchi va o`qituvchi uyda yoki uzoq masofali joylarda ishlata olishlari uchun mo`ljallangan. Shuni aytish joizki internet tarmog`i bunday o`quv modelining ayni vaqtda muhim komponenti hisoblanadi. Mobil o`qitish bir nechta ijobiy tomonlarga ega:

1. Zamonaviy texnologiyalar yordamida o`quv materiallarning mavjudligi (GPRS, Wi-Fi).

2. Imkoniyati chetlanganlar uchun o`qitish yo`llari.

3. Qog`ozli o`quv adabiyotga muxtojlik yo`q.

4. Turli hil ma`lumotlar mavjudligi hisobiga o`qitishga bo`lgan qiziqish ortadi (grafik, tovushli).

Taklif qilinayotgan kontseptsiyaga muvofiq quyidagi maqsadlar aniqlanadi:

- AKTga bog`lanish imkoniyatlari yuqori, ko`nikmalarning yaxshilanishi;
- ta'lim sifati oshirilishi;
- o`quv materiali o`quvchilar tomonidan yaxshi o`zlashtiriladi;
- standartlashtirilgan testlar natijalari va ko`rsatkichlari ortishi.

Har bir insonning jismoniy rivojlanishning asosiy vazifalaridan biri – jismoniy tarbiyava sog`lom turmush tarzining dolzarb ehtiyojlarini aks etadigan fundamental va amaliy pedagogik, psixologik, sotsiologik va fanlararo tadqiqotlar mavzularini yangilash va kengaytirishdir. Mobil o`qitish asosida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish ustoz va murabbiylarining kasbiy tayyorgarligi bo`yicha taqdim etilayotgan kontseptsiya kasbiy tayyorgarlik sifatini oshiradigan ilmiy asosnoma sifatida keltiriladi. Kasbiy tayyorgarlik samaradorligini ta`minlaydigan tamoyillar, pedagogik yondashuv va innovatsion metodika pedagogik ta'lim jarayonini tashkil etish sistemasining markazida joylashganligi muhimdir. Lekin bunday texnologiyalarni amalga oshirishda turli muammolarga duch kelishimiz mumkin.


Birinchi: ushbu qurilmalarni ta`minlash masalasi paydo bo`ladi. Shunday fikr paydo bo`lishi kutiladiki, biz mobil qurilmalarni afzal ko`rishimiz mumkin: mobil texnologiyalar – ta'lim uchun katta ko`makdir. Pedagoglarni bir masala o`ylantirishi mumkin: o`quv jarayoni nazoratdan chetlashishi mumkinligi. Hamda elektron resurslarga mualliflik huquqi masalasi paydo bo`ladi, chunki shaxsiy materiallar ishlab chiqilishi yuqori malaka yoki mutaxassislarni jalb etishni talab qiladi. Bu esa ko`p vaqtni egallaydi va moliyaviy harajatlarni keltirib chiqaradi, shuningdek, ko`pchilik pedagoglar bunday kabi o`qitish metodidan bosh tortishadi. Bu masalani e`tiborsiz qoldirish mumkin emas, chunki tinglovchi va o`quvchilar turli mobil qurilmalar bilan ishlashni biladi, lekin bilim olish vositasi sifatida emas. Bu masalaning echimi o`qitish samaradorligini baholash metodikasini qayta ko`rib chiqish hisoblanadi.

Ikkinchidan: mobil qurilmalarda to'liqsiz va samarasiz ishlarni keltirib chiqaradigan texnik qiyinchiliklardir. Masalan, uzoq vaqt foydalanish uchun mobil qurilmaning quvvati etishmasligi, ekranning kichik hajmi: bu o'qishni qiyinlashtiradi, Internetga ulanish moddiy tomondan harajat mavjudligi.

Turli texnik muammolarga tayangan holda, mobil qurilmalarni qo'llash insonning shaxsiy hayoti va shaxsiy havfsizligida negativ aks etishi mumkin. Mavjud kamchilik va chegaralashlarga qaramay, mobil o'qitish tez tarqalmoqda va kelajakda eng samarali o'qitish metodlaridan biri bo'lishi mumkin. Mobil o'qitish keng tarqalmoqda, lekin ishlab chiqaruvchi, amaliyotchi va tadqiqotchilar uchun buning oqibatlari noma'lumdir. Texnologiyalarni to'g'ri va aniq ishlab chiqilishi mobil o'qitishning samarasiga olib kelishi mumkin. O'quvchilarni mobil o'qitish jarayoni g'oyasini amalga oshirishining ko'pgina aspektlari mavjud. O'z oldimizda to'g'ri maqsad qo'yib, barcha afzal va kamchilik tomonlarini ko'rib chiqib, zamonaviy ta'lim jarayoni sifatini oshirish uchun mustahkam baza yaratish mumkin, ya'ni zamon bilan hamnafas bo'lishdir.


ZOOM videoaloqa konferensiya, ya'ni zamonaviy muloqot qilish dasturini o'rnatish va undan ro'yxatdan o'tish hamda undan foydalanishni o'rganamiz. Buning uchun biz Play Marketga kiramiz.

Qidirish joyiga ZOOM deb yozamiz va unda "ZOOM Cloud Meetings" paydo bo'ladi va uning ustiga bosib kiramiz. So'ngra "УСТАНОВИТЬ" tugmasini bosamiz. Unda 28,14 MB li dastur ko'chirib olinadi. So'ng dastur to'liq o'rnatilib bo'lgach "УДАЛИТЬ" va "ОТКРЫТЬ" tugmalari paydo bo'ladi. Demak, bu dastur uyali aloqamizda o'rnatilganligidan dalolatdir. Shu yerning o'zida biz "ОТКРЫТЬ" tugmasini bosib kirishimiz mumkin. Yoki bo'lmasa bu yerdan chiqib, uyali aloqamizda dasturlar o'rnatilgan qismiga kirib, ZOOM dasturini topib shu yerdan ham kirish mumkin.



Unda quyidagi oyna paydo bo'ladi:

Bu oynada Biz birinchi o'rinda "Войтивконференции" yozuviga ko'zimiz tushadi bu esa agar bizga hozir kimdir konferensiyaga ulanishni taklif qilib ssilka, ya'ni yo'llanma yuborgan bo'lsa shu tugmani bosib, yuborilgan identifikator nomerini kiritib bog'lanishimiz mumkin. Registratsiya esa bu ro'yxatdan o'tishimiz uchun. Agar ro'yxatdan o'tgan bo'lsangiz unda biz keying "Войтивсистему" bandiga o'tamiz. Endi biz yangi foydalanuvchini ro'yxatdan o'tishini ko'rib chiqamiz.




Bunda registratsiya tugmasini bosamiz. Birinchi galda birinchi qatorga elektron manzilimizni kiritishimiz kerak. Masalan, aynan video mahsulotiga murojaat qilib bayon qilaman. Pochta manziliga: beverleeuz@gmail.com, Ismda: Shoxjahon, Familiyada: Sherdilov deb yozib bo'lgach keying bosqich bu “Ясогласеньс условиями обслуживания”, ya'ni shartlarga rozilik bildirish joyiga belgini qo'yamiz. Bunda dasturdagi qonun qoida va shartlar to'liq keltirib o'tilgan. Siz bu ma'lumotlarni to'liq o'qib olishingiz mumkin.

So'ngra esa “Далее” tugmasini bosamiz. So'ng oynada “Мы отправили электронное письмо для подтверждения вашей учётной записи”, demak, biz boyagi dasturdan kiramiz va bizga ZOOM dan yangi xat kelganligini ko'ramiz. Bunda bizning pochtaimizga biriktirilgan Account, ya'ni shaxsiy kabinetni aktivlashtirishimiz kerak bo'ladi. Buning uchun “Активировать учётный юзарис” tugmasini bosamiz.

E'tibor beradigan bo'lsangiz bunda Ism Familiya paydo bo'lganligini ko'rasiz. Bunda 3 ta qadam mavduj bo'lib, 1-qadam “Данные учётной записи”, ya'ni ma'lumotingizni kiritishingiz so'ralayapti. 2-qadam “Пригласить коллег”, ya'ni tanishlaringizni taklif qilishingiz so'ralayapti. 3-qadam “Текстовая конференция”, ya'ni tekshirib ko'ring degani.

Hozir biz 1-qadamdamiz endi biror bir parol topib yozamiz. Bunda parol qo'yish shartlari ko'rsatib o'tilgan. Unda harf, 8 ta simvoldan iborat bo'lishi kerak, bundan tashqari birta bo'lsada raqam va harflar, yoki harf va raqamlardan iborat bo'lishi kerak. Bundan tashqari birta harfimiz bosh harf ko'rinishida bo'lishi kerak.

Demak, siz barcha shartlarni to'liq bajarsangiz unda uchchala qadam ham yashil rangda o'zgarganligini guvohi bo'lasiz.




Endi xuddi shu parolni yana takror kiritishimiz kerak bo'ladi. So'ng “Продолжить” tugmasini bosamiz. So'ng e'tibor bersak biz 2-qadamga o'tganligimizni ko'rishingiz mumkin. Ayni paytda “Пропустить этот шаг” ni bosamiz. 3-qadamga o'tib “Начать конференция сейчас”, ya'ni hozir konferetsiyani o'tkazib ko'ring yoki “Перейте к моей учётной записи”, ya'ni shaxsiy hisob raqamga o'tib ko'rishingiz mumkin. 2-tugmani bosib kirsangiz

o'zingizga ajratilgan identifikator raqami, yoki ssilka orqali o'z ma'lum o'zgartirishlarni bajarishingiz mumkin. Endi ZOOM dasturiga kirib, so'ng registratsiyadan o'tdik endi esa “Войти в систему” tugmasini bosamiz va Akkountimizni aktivlashtiramiz.

Undan so'ng Akkount va parolingizni yozasiz. Song “Войти в систему” tugmasini bosamiz. Shunday qilib Biz o'z Akkountimizga kirganligimizni ko'rishimiz mumkin. Endi “Настройка” qismiga o'tib shaxsiy kabinetimizni xoxlaganingizdek boshqarishingiz mumkin.

Unda rasm, ya'ni avatarkangizni qo'yishingiz mumkin. Buning yaxshi tomoni siz bilan muloqot qiladigan insonlar uchun qulay bo'ladi. Rasmni tanlab uni kerakli qismini qirqib olamiz va qo'yamiz. Ko'rib turganingizdek rasm ostida Ism Familiyangiz bo'ladi. “Личная заметкада” esa biror shioringizni yozib qo'yishingiz mumkin.

Pastroqda esa identifikator qaramimizni ko'rishimiz mumkin. Endi aktivlashtirib olganimizdan so'ng biz bundan to'liq foydalanishimiz uchun yuqoridagi barcha tugmalar va ularning vazifalarini bilishimiz kerak bo'ladi.



1-si “Новая конференция”, ya'ni o'zimiz konferensiya yaratishimiz mumkinligi.


2-si “Войти”, ya'ni qaysidir ayni vaqtdagi konferensiyaga kirish tugmasi.

3-si “Запланировать”, ya'ni siz rejalashtirgan konferensiyangiz.

4-si “Демонстрация экрана”.

Endi kompyuter texnikasi orqali ko'rib chiqamiz. Qayta tayyorlash va malaka oshirish jarayonlarini masofaviy ta'lim texnologiyalari asosida tashkil etish uchun hozirda omaviy va mashhur bo'lgan ZOOM dasturining ahamiyati juda katta. Shaxsiy uchrashuvlar va masofaviy talim uchun imkoni bo'lmaganda, siz hamkasblaringiz yoki o'quvchilaringiz bilan deyarli o'zaro aloqada bo'lishingizga imkon beradi. Bunda masofadan ishlash odamga o'xshab ko'rinadi, bu sizning aloqangizni his qilishingizga yordam beradi. COVID-19 koronavirusi butun dunyoda vayronagarchilik bilan, masalan; misol uchun, Kattalashtirish kichik o'lchamlar uchun muhim vosita bo'ldi, o'rta, aloqada bo'lib turishni va kundalik ish oqimlarini minimal uzilishlar bilan davom ettirishni xohlaydigan katta hajmdagi jamoalar.


Zoom ilovasini o'rnatish uchun <https://zoom.us/download> ushbu havola orqali qurilmangizga mos versiyasini yuklab olishingiz mumkin bo'ladi.



Keying bosqicha ro'yxatdan o'tishingiz kerag bo'ladi.



Ro'yxatdan o'tgandan keyin onlayni zoom konferensiyalarda qatnashish yoki o'zingiz yaratishingiz mumkin bo'ladi.



Siz ichkari kirganingizdan keyin pastdagi menyuda bir necha imkoniyatlari mavjud.


1. Audio va Video o'chirib qo'yish yoki yoqib qo'yishingiz.
2. Foydalanuvchilarni ko'rishingiz.
3. Chat orqali yozishingiz.
4. Ekranni yozib olishingiz.

5. Ekranni hamma ko'rish uchun tanlash mumkin.

Participants - bo'limida ishtirokchilarni ko'rishingiz mumkin.


Chat - bo'limida xabarlar yuborishingiz mumkin.

ShareScreen- bo'limidakonferensiyada kompyuter ekranini ulashingiz mumkin bo'ladi.



Qolaversa, ZOOM o'zgarishlar haqida ekran yuqori qismida ogohlantirib turadi. Masalan, quyidagi rasmda foydalanuvchi qo'shilish so'ralmoqda, chatga kimdir yozdi, kimdir ruxsat so'ramoqda, kimdir javob bermoqchi va shunga o'xshash xabarlar yuborish va yaratuvchini ko'rish mumkin bo'ladi. Yuqorida

Miraziz ismli foydalanuvchi qo'shish so'ralmoqda. Siz unga Admin – Admin rolini yoki View – ya'ni kuzatuvchi rolini berishingiz mumkin.



Har bir foydalanuvchi uchun maxsus xususiyatlar bo'lib PIN qilish, ekranni yozib olish uchun ruxsat, ekranni uning ekraniga ulashga ruxsat berish, Admin huquqni berish, Ismni nomini o'zgartirishga ham imkoniyati mumkin va h.k. Agar foydalanuvchi mikrofoni yoki kamerasi belgisi umuman bo'lmasa demag u sizni ko'rmayapti va eshitmayapti deb tushunish mumkin.

Pasdagi menyuda reyaksiyalar mavjud bo'lib bu yerda smayillar joylashgan. Ko'rib tugan smayillarni yuborishingiz mumkin bu esa foydalanuvchilar ro'yxatida uning ismini oldida ko'rinadi.

Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish jarayonlarini masofali ta'lim texnologiyalari asosida tashkil etishda mobil o'qitishga asoslangan ta'lim professor-o'qituvchilar, tinglovchilar, hamda talabalarning bilimini va kasbiy sifatlarni rivojlantirishdir.

Xulosa qilib aytganda, pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish jarayonlarini masofali ta'lim texnologiyalari asosida tashkil etishda professor-o'qituvchilar, tinglovchilar uchun taklif qilingan texnologiya muhim deb aytsak, mubolag'a bo'lmaydi. Tahlil jarayoni shuni ko'rsatdiki taklif qilingan mobil va kompyuter texnikasi orqali ZOOM da darslarni tashkil qilish pandemiya sharoitida maqsadli deb qarash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Осокин Г.В., Основы профессиональной подготовки педагога к развитию физической культуры в учебно-тренировочном процессе: дис. д-ра пед. наук. /Г. В. Осокин. - Москва, 2010. -89с.

2.Логинова А.В. Использование технологии мобильного обучения в образовательном процессе /А. В. Логинова //Молодой ученый. — 2015. — №8. — С. 974-976.

3.Сайидова Н.С., Зарипова Г.К., Абдурахмонов А.А., Журакулов Ж.Ж. Использование электронных ресурсов в историческом образовании и его защита.«Аэтерна» научно-издательский центр. Научный электронный журнал «Академическая публицистика». ISSN 2541-8076 №2/2020 (февраль 2020). -Б.123-131

4.Сайидова Н.С., Истамова К.И., Казимова Г.Х. Создание электронного курса LMS MOODLE компьютерная сеть. Современные материалы, техника и технологии научно-практический журнал. Г. Курск. Россия. №2 (17) 2018 год. 53-57-Р. (ISSN 2411-9792)

5.Сайидова Н.С.,Казимова Г.Х.Разработка методики образования в вузах. Образование и проблемы развития общества научно-практический рецензируемый журнал. Г. Курск. Россия. №1 (7) 2019 год. 36-40-Р. (ISSN 2411-9792)

6.Сайидова Н.С. Вебинар технологияларга асосланган малака ошириш ва олий таълим тизими жараёни. Buxoro Davlat Universiteti ilmiy axboroti. - Buxoro, 2017. -№3. -Б. 174-179

7. Youtube.com. Sh.Sherdilov video darslari.

РАҲБАР КАДРЛАР УЧУН МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

Санаев Ғ.Б.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси*

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат тараққиёти, жамият ривожига ва фаровонлигининг омили бу – илм-фан ва маърифатдир. Қайсики жамият ва давлатда таълим ва илму-маърифатга эътибор берилар экан, ўша мамлакатда билимли, иқтидорли, янгича ва замонавий фикрлайдиган, маънан ва жисмонан етук кадрлар етишиб чиқади. Бу эса жамият тараққиёти ва ривожига хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.”⁴⁹

Ушбу ҳақиқатдан келиб чиқиб, бугун мамлакатимизда таълим-тарбия ва инсон капиталини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, узлуксиз таълим янги босқичга кўтарилиб, давлат бошқаруви тизимига малакали мутахассис кадрлар, замон талабларига жавоб берадиган давлат хизматчилари тайёрланмоқда, уларнинг бошқарув компетенциялари оширилмоқда. Бу масалада давр талабидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий шакллари, воситалари, услуб ва йўналишларига эътибор қаратишни ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда. Хусусан, ҳозирда таълимнинг анъанавий шаклларида ташқари, ноанъанавий, яъни масофавий таълим бериш, ундан самарали фойдаланиб, билим ва кўникмаларни оширишни давом эттириш давр талабидир. Айниқса, пандемия шароити ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда таълимнинг масофавий шакллари йўлга қўйиш, шу орқали узлуксиз таълимни давом эттириш зарурлигини яна бир бор кўрсатди. Чунки, давлат ва жамият ишлари, турмуш ва ҳаёт кутиб турмайди, яшаш, меҳнат қилиш, ўз устимизда кўпроқ ишлашимиз ва ўзимизни ривожлантиришимиз керак.

Айтиш керакки, ҳозирда давлат бошқаруви тизимига муносиб, замонавий кадрларни тайёрлаш, давлат хизматчилари малакасини мунтазам ошириб бориш давр талабидир. Чунки, давлат ва жамият равнақи, ислохотлар муваффақиятида малакали, замонавий билимга эга бошқарув кадрлари муҳим рол ўйнайди.

Албатта, мамлакатимизда барча таълим муассасалари, шу жумладан турли соҳа кадрларининг малака ошириш курслари ҳам олдин тажрибада кузатилмаган масофавий таълим тизимига ўтказилди. Лекин амалиёт унинг сифати ва самарадорлиги паст эканлигини кўрсатди. Чунки бундай таълимни

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 2020 й. 25 январь 19-сон

ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишнинг ўзига хос омиллари бор. Афсуски билан айтиш керакки, дунё бугун шунга ўтмоқда.

Раҳбар кадрлар учун масофавий малака ошириш курсларини самарали ташкил этишда унинг техник, назарий-методик ва ташкилий жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Техник жиҳатлари ҳақида гап кетганда, биринчидан, бу сифатли интернет алоқа воситасининг мавжудлигига боғлиқ. Яъни масофавий малака ошириш курсининг ташкилотчиси ва курс тингловчисининг яшаш ёки иш жойидаги интернет сифати талабга жавоб бериши керак. Иккинчидан, интернет тармоғида масофавий малака ошириш курслари учун эркин ва фойдаланиш қулай бўлган, махсус парол билан кирилувчи электрон платформа яратилиши лозим. Платформага интернетга уланган мобил телефон, планшет, ноутбук ёки компьютерда кириб, фойдаланиш учун ўқитувчи ва тингловчига қулай бўлиши лозим. Учинчидан, иккала томонда ҳам масофавий таълим жараёни учун талабларга жавоб берадиган юқорида кўрсатилган техника воситалар бўлиши зарур.

Назарий-методик жиҳатлари ҳақида айтиш керакки, биринчидан, масофавий курсда ўтиладиган ҳар бир фан ва мавзуларнинг назарий-ўқув материаллари, мавзуга оид қўшимча ахборот манбалари ва адабиётлар билан биргаликда электрон платформада жойлаштирилган бўлиши лозим. Иккинчидан, платформа бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларга мўлжалланганлигини эътиборга олиб, ўқув материаллари фақат илмий-назарий маърузалардан ташкил топмаслиги керак. Назарий ахборот қисқа, лекин кенг қамровли, тушунарли ва содда қилиб яратилиши, мавзуга оид аудио, фото ва видео материаллар бўлиши, тақдим қилинадиган маълумотлар турли слайд ва инфографика кўринишида ифодаланса, янада яхши самара беради. Чунки масофавий таълимда кўпроқ тингловчи(раҳбар кадр) мустақил ишлаши, аynи пайтда ўқиш билан бирга ўз иши билан ҳам банд бўлиб, вақти кам бўлади. Шунинг учун, кераксиз, иш фаолиятида муҳим бўлмаган маълумот ва материаллар бериш тавсия этилмайди.

Методик жиҳатдан яна бир муҳим масала, платформада ўқитувчининг жонли тарзда дарс ўтиши, у билан тўғридан-тўғри ёзма(чат) ёки оғзаки(аудио ёки видео) мулоқот қилиш имкониятининг яратилиши бундай таълимнинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини оширади, дарс машғулотларининг қизиқарли бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, платформада тингловчининг олган билимларни мустаҳкамлаш, назарий билимларини синаш ва ўз устида ишлашга ундовчи тест, топшириқ шаклида уй вазифалари берилиши лозим. Уй вазифалари тингловчилар бўш вақтига қараб, мустақил бажарилиб, электрон платформага юкланади. Бу тингловчининг ўзлаштириш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткич бўлиб, уларнинг курсга қизиқишига, мулоҳаза юритишига, ўз

устида мустақил изланиб, таълим жараёнида масъулият билан қатнашишга ундайди.

Раҳбар кадрлар учун ташкил этиладиган масофавий малака ошириш курсларининг ташкилий жиҳати шундаки, ўқиш даврида уларни асосий иш лавозими ва ойлик маоши сақланган ҳолда қисман озод қилиниши, яъни куннинг ўқиш бўладиган даврида ишга жалб қилмаслик мақсадга мувофиқ. Чунки, бу унга ўқиши, ўз касбий билим ва малакаларини оширишда чалғимаслигига ёрдам беради, мустақил изланишлари, шахсий ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим платформасида яна бир имконият бўлиши керакки, курсни муваффақиятли тугатган тингловчилар намунадаги алоҳида шифр ва QR кодга ва электрон сертификатларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай тизим тингловчида қизиқиш ва масъулиятни оширади, қолаверса ортиқча вақт, сарф-харажат ва расмийчиликнинг олдини олади.

Бугунги кунда давлат хизматчилари малакасини оширишга қаратилган масофавий таълим платформаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида яратилган бўлиб, бундай тизимни барча давлат ва нодавлат малака ошириш таълим муассасарида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бу ҳар қандай шароитда мамлакатда замонавий бошқарув кадрларини тайёрлаш ва узлуксиз малакасини оширишга имконият яратади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.”⁵⁰

ОРГАНИЗАЦИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ MOODLE НА БАЗЕ ТГТРУ

Хромов С.А., Амиркулов А.Ш., Самадов П.Х.

Ташкентский государственный транспортный университет

В настоящее время внедрение электронных технологий в учебный процесс осуществляется повсеместно. Но в большинстве случаев такая реализация выполняется без систематизации, что приводит к неэффективности. Систематическая реализация включает в себя обязательную постановку целей и задач, выполнение задач, оценку результатов, определение новых целей и задач и / или корректировку старых. Конечно, этот этап сильно зависит от организации, в которой проводится такое мероприятие. Но в любом случае на этом этапе важно хорошо понимать, что электронные технологии могут дать процессу обучения.

⁵⁰ Ўша манба ўша жойда.

Использование электронных технологий при организации самостоятельной работы студентов позволяет значительно интенсифицировать учебный процесс. Важная роль отводится обучению студентов самостоятельной работе. Однако организовать и контролировать это с помощью традиционных инструментов очень сложно и трудоемко, а внедрение такой системы, как Moodle, предоставляет следующие возможности:

- изложение материала с помощью подходов, позволяющих реализовать индивидуальную траекторию студента в изучении материала, облегчает его повторение, предоставляет средства изучения педагогической деятельности студента при работе с теоретическим материалом;

- самоконтроль, обучение: для преподавателя требуется время только на первоначальное создание таких небольших тестов. Затем они работают автоматически, давая студентам большой объем материала для анализа своих ошибок, проверки своих знаний и применения простых навыков на практике. Преподаватель, в свою очередь, много узнает о типичных ошибках студентов, пробелах в их знаниях, которые затем можно легко и эффективно восполнять;

- помимо личных встреч ученик может задавать вопросы и получать комментарии от преподавателя в любое удобное для него время [1].

Реализация поставленных задач по внедрению электронных технологий в учебный процесс может потребовать интеграции с существующими информационными системами. Это связано с тем, что во многих случаях организации, решившие внедрить электронное обучение в образовании, уже имеют определенный набор информационных систем, обслуживающих определенные аспекты процесса обучения. Поэтому первой задачей интеграции с существующими информационными системами является внедряемое техническое решение, которое должно иметь широкий спектр возможностей для такой интеграции [2].

Основная составляющая этапа реализации задачи – постоянное техническое и методическое обеспечение. Техническая поддержка действительно включает в себя спектр работ, которые обязательно будут присутствовать. Поддерживать будет необходимо как саму систему, так и пользователей, работающих в ней [3]. Чем больше количество и возможностей пользователей системы, тем важнее организовать работу системы: выявление типовых ошибок пользователей, создание мини-руководств, часто задаваемых вопросов и т.д.

Методическая помощь связана с организацией учебного процесса: от требований и рекомендаций по созданию контента до рекомендаций по ведению учебного процесса в области электронного обучения. Требования и рекомендации должны содержать определенную планку качества, а затем определять критерии, которые будут использоваться для оценки полученных

результатов. Чем больше форм работы можно организовать в рамках электронного обучения, тем больше будет разрабатываться подобных требований и рекомендаций. Этот процесс очень трудоемкий и требует много времени и усилий [4].

Таким образом, анализ основных этапов внедрения электронных технологий в образовательный процесс показывает, что эти технологии являются более эффективным средством повышения качества образования только при системном подходе к их внедрению и постоянному совершенствованию с учетом оценки результатов.

Список литературы:

1. Андреев А.В., Андреева С. В., Доценко И.Б. Практика электронного обучения с использованием Moodle. – Таганрог: Изд-во. ТТИ ЮФУ, 2008. – 146 с.
2. Pedagogy. <http://docs.moodle.org/en/Pedagogy>.
3. Подласый И.П. Система принципов успешного обучения. Педагогика. – М.: Просвещение, 2000.
4. Grice H.P. Logic and conversation. – In: «Syntax and semantics», v. 3, ed. by P. Cole and J. L. Morgan, N. Y., Academic Press, 1975, p. 41-58.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Файзуллаева Н.С.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Бугунги кунда инсониятни ташвишга солиб турган COVID-19 пандемияси ҳар биримиздан яқдиллик билан унга қарши курашишга, касалликнинг тарқалишини олдини олишга чорламоқда. Бу, ўз навбатида, дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётини издан чиқишига олиб келди. Иқтисодиётларда кузатилаётган иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида халқ ҳўжалигининг қатор тармоқларида сезиларли муаммолар кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Республика таълим муассасаларида вазият тақозо қилгани ва инсонлар саломатлиги муҳим бўлгани учун янги, ўзгача иш тартибига ўтилди. Талабаларимиз марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилгандан сўнг, улар билан мунтазам алоқа ўрнатилган. Таълим узилишларнинг олдини олиш мақсадида 30 мартдан бошлаб теледарслар, Интернет тармоқлари орқали видео ва онлайн дарслар режимга ўтказилди.

Пандемия сабабли тизимга масофавий технологиялар жорий қилиниб, 10 мингдан зиёд таълим муассасасидаги 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Бу янги механизм карантин шароитида фанлар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаб бермоқда.

Шу билан бирга, жаҳон экспертлари пандемия туфайли жорий қилинган қатъий карантин қоидалари таълим, жумладан олий таълим учун янги имкониятлар яратганини эътироф этишмоқда. Хусусан, Арманистонда карантин пайтида масофавий таълим олиш имконини берувчи университетларнинг ягона iUniversity платформаси ишга туширилди, Бирлашган Араб Амирликлари глобал тармоғида таълим олиш ва бизнес юритиш учун 5 та: Google Hangouts Meet, Cisco Webex, Avaya Spaces, Blue Jeans ва Slack номли иловалар узлуксиз ишлай бошлади. Кипрда таълим ва фан вазирлиги Педагогика институти орқали масофавий таълим олиб бориш учун ўқитувчиларни тезкор тайёрлаш ишларини ташкил қилди.

Мутахассислар фикрича, карантин даври таълим тизимига ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Ютуқлар ҳақида:

Биринчидан, онлайн таълим мазкур тизимни камида 10 йилга ривожлантиришга хизмат қилди. Маълумот учун: 2018 йилда халқаро ТНЕ (Time higher education) нашри эълон қилган маърузада 2030 йилга келиб фақат элита университетларнинг онлайн таълимга ўтишини прогноз қилган эди. Бугун кунда COVID-19 пандемияси ушбу жараёни тезлаштириб юборганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Иккинчидан, ёшидан қатъий назар барча профессор-ўқитувчиларда таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълим ва уни олиб бориш соҳасидаги билим ва кўникмалари шаклланди ёки ривожланди. Келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар эса таҳлил этиб борилмоқда. Масофавий таълим айти пайтда келажак учун эксперимент вазифасини ўтамоқда, десак адашмаймиз.

Учинчидан, республика олий таълим муассасаларининг хорижий университетлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Бир қатор университетлар жаҳоннинг етакчи ўқув даргоҳлари билан онлайн конференция, вебинарлар уюштиришди.

Қисқа муддатда янги шароитга мослашишга тўғри келди, Zoom интернет платформасида ишлаш мисли кўрилмаган имкониятларни берди. Нафақат ўқитувчи, балки талабалар ҳам янги кўникмаларга эга бўлди.

Масофавий ва онлайн таълимни ташкил этишда ўқитувчи ва талабалар бир қатор муаммоларга дуч келишди, жумладан:

- мамлакат масофавий ва онлайн таълимга ўтишга ҳали тайёр эмас эди, жумладан, бу борада профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ташкилий ишлар қилинмаган эди. Шунинг учун ўқитишнинг сифати, уни ташкил этиш ҳамда ҳудудлардаги алоқа тизими билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликлар юзага келди. Шунингдек, видеодарсларнинг вақт меъёри 80 минутни ташкил қилмайди (бунинг бир нечта сабаблари бор: интернет тезлиги ниҳоятда паст, талабаларнинг моддий имконияти мавжуд трафикларга

етмаслик эҳтимоли катталиги ва ҳ.к.). Шу жиҳатдан, ўқитувчилар ўзларининг 80 дақиқалик маърузасини методик маҳорат орқали қисқа вақтга (30-40 дақиқа) келтириш кўникмасига эга бўлиши лозим эди.

- талабаларнинг мамлакатнинг турли ҳудудлари – пойтахт, вилоят маркази, туман марказидан энг чекка қишлоқларда истиқомат қилиши ҳамда уларда алоқа тизимининг ҳам ҳудудларига қараб ҳар хил бўлишидир. Бу жараёнда фақат пойтахт, вилоят ва туман марказларида истиқомат қилувчи талабаларнинг имконияти бир оз юқори бўлди. Бу видеодарслар (хусусан, Zoom платформасида) ўртача 100 нафар талабадан 20-25 тасининг иштирок этишига олиб келди.

- талабаларда техник воситаларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда оилада битта гаджет бўлиб, ундан фойдаланиш учун навбатга туришга тўғри келди.

- масофавий таълим аудиторияда кечадиган жонли таълимдан фарқлангани туфайли таълим жараёнида мулоқот қилиш самарадорлиги паст даражада кечади. Аудитория шaroитида талабаларнинг юз ифодаси орқали уларнинг дарс мавзусини тушуниб бораётганликларини англаш осон кечади. Масофавий таълимда эса бу қийинроқ кечади.

Республикада масофавий таълимнинг ривожланиш истиқболларига келсак, масофавий таълим икки йўналишда, яъни реал вақт режимига асосланган синхрон ёки реал вақт режимига асосланмаган носинхрон тарзда кечиши мумкин. Аммо, икки йўналиш учун ҳам Интернет тезлик жиҳатидан яхши ишлаши керак. Бусиз масофавий таълимнинг истиқболи бўлиши мумкин эмас. Карантин даврида ташкил этилган онлайн таълим устозлар ва талабаларнинг табақаланишига, яъни шу жараёнга фаол қатнашиб, виртуал таълимнинг ютуқларидан фойдаланганлар ҳамда ўз маҳоратини, малакасини оширганлар ва деярли иштироксиз ўқув йилини яқунлаётган гуруҳларга ажратди. Ҳар ҳолда, фавқулодда ўтилган онлайн таълим таҳсил олувчи ва таҳсил берувчининг мутахассислик доирасида билимларини одатдаги тизимга қараганда оширмаган бўлса-да, маълум сабоқ ва малакаларга эга бўлишига хизмат қилди.

Келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш учун эса одатий масофавий таълимни бошқариш тизими, яъни Moodle каби таълим платформаларини такомиллаштириш, уларни қулай ва янада тушунарли функциялар билан бойитиш ўта муҳимдир. Бунинг учун педагог ва ахборот технологиялари мутахассисларининг яқиндан ҳамкорлиги талаб этилади.



ПЕДАГОГИК ДИЗАЙН – МАСОФАВИЙ КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Адашбоев Ш.

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Бош илмий-методик марказ*

Педагогик дизайн – бу онлайн таълимни ташкил этишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Педагогик дизайн контентни аниқ стратегияли, мақсадли ва натижаларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлган курсга айлантириш имкониятини беради.

Нима учун онлайн таълимда тизимли ёндашув муҳим аҳамият касб этади? Чунки педагогнинг вазифаси фақатгина билим бериш учун курс яратиш эмас, балки тингловчиларни натижага эришишларига хизмат қиладиган ўқув ресурсларини яратиш ҳисобланади.

Нима учун педагогик дизайн бўйича билим керак?

- педагогик дизайн тамойиллари онлайн таълим жараёнида тингловчиларни ўқув жараёнига жалб қилишга ёрдам беради. Самарали онлайн курс тингловчиларнинг ўрганиш тамойилларини, инсон онгининг қабул қила олиш даражасини ва структурага мотивация элементларини кўшган ҳолда яратилиши лозим.

- педагогик дизайн тамойиллари тингловчилар ортиқча далиллар ва маълумотларга ғарқ бўлмасликлари учун маълумотни тартибга солишга ёрдам беради. Педагог онлайн курсга аниқ мақсадларга эришишга имкон берадиган билим ва кўникмаларни киритади ва мақсадсиз барча элементларни олиб ташлайди.

- тизимли ишлайдиган курс яратувчиси нафақат натижа олади, балки уларни баҳолайди.

Педагогик дизайн онлайн курсларни лойиҳалаш учун турли хил моделларни тақдим этади. Келинг, улардан энг оммабоп тўрттасини кўриб чиқайлик.

ADDIE — онлайн курсни лойиҳалаш учун энг кенг тарқалган модел ҳисобланади. Ушбу модел 5 та босқичдан иборат:

A — таҳлил;

D — лойиҳалаш;

D — ишлаб чиқиш;

I — жорий этиш;

E — баҳолаш.

Булар:

– **Таҳлил қилиш.** Бу босқичда курс яратувчи аудитория эҳтиёжи, мақсад ва вазифалари ҳақида иложи борица кўпроқ маълумот тўплайди. У қуйидаги саволларга жавоб беради: “Билим нима учун керак? Қандай натижаларга олиб келиши керак?” Ўқув мақсадлари ва аудитория талабларини аниқлангандан сўнг кейинги босқичга ўтиш лозим.

– **Лойиҳалаш.** Бу босқичда онлайн курс яратувчиси таълим стратегиясини танлайди, ўқув методологияси орқали фикр юритади, бу эса тингловчиларга самарали натижага эришиш имконини беради.

– **Ишлаб чиқиш.** Аввалги босқичларда яратилган режа асосида курс мазмуни бойитилади. Ушбу босқичда курс материаллари стратегия ва ўқитиш услубларига мувофиқ равишда тузилади.

– **Жорий этиш.** Биринчи гуруҳ ўқитилади, жараён назорат қилинади ва натижалар таҳлил қилинади.

– **Баҳолаш.** Тренинг керакли натижаларни тақдим этдими? Тингловчиларнинг шарҳлари, сўровномалари, тестлари ва таҳлиллари ушбу саволга жавоб олишга ёрдам беради. Ушбу босқичда онлайн курсни такомиллаштириш учун нималар қилиниши лозимлиги тушуниб етилади ва ADDIE цикли такрорланади.

Меррилл тамойиллари. Девид Меррилл томонидан 2002 йилда тақлиф қилинган тизим 5 та таълим тамойилларини бирлаштиради:

– **Вазифаларга йўналтириш.** Ўқув контентлари тингловчиларнинг фаолиятида дуч келадиган аниқ вазифаларни енгишга ёрдам бериши керак.

– **Тингловчилар билимига мурожаат.** Онлайн курс тингловчиларнинг мавжуд билимларини янги маълумотлар билан боғлашга ёрдам беради.

– **Ўқув материаллари тақдимотининг хилма-хиллиги.** Онлайн курс тингловчилари эътиборини жалб қилиши ва маълумотни яхшироқ эслаб қолишлари учун янги билимларни тақдим этишнинг турли усуллари (маърузалар, ҳикоялар, видеофилмлар, инфографика) фойдаланиши керак.

– **Қўллаш.** Тингловчилар машғулот жараёнида янги билимларни мустақил равишда қўллашлари керак.

– **Интеграция.** Онлайн курс бўйича билимлар тингловчиларнинг фаолиятига сингиб кетиши, амалда қўлланилиши керак.

Ганье таълимотининг 9 та даражалари. Роберт Ганье бихевиоризм (инсонийлик хулқ-атвори) тамойилларига асосланган тузилмани тақлиф қилди.

– **Эътиборини жалб қилиш.** Ёрқин тасвир, йўлантирадиган савол ва унутилмас статистик рақамлардан фойдаланиш мумкин.

– **Мақсадлар ҳақида гапириш.** Онлайн курснинг кириш қисмида эришиладиган натижаларни тавсифлаш лозим. Мақсадга эриш кўрсаткичларини аниқлаш лозим.

– **Мавжуд билимига мурожаат қилиш.** Янги маълумот беришдан олдин, тингловчилар билган маълумотлар ҳақида сўраш лозим ва янги маълумотлар билан боғловчи “кўприк”ни қуриш лозим. Янги маълумот тингловчиларга маълум бўлган маълумот билан боғланса, уни эслаб қолиш осонроқ бўлади.

– **Контентларни бўлиш.** Янги контентни осон бўлган кичик билимлар тизими сифатида тақдим этиш лозим.

– **Кўшимча маълумот бериш.** Машғулот жараёнида олинган билимлардан ташқари қандай мақолалар, китоблар, видеоларни тавсия қилиш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

– **Машғулотдаги фаоллик.** Тингловчиларни 1,5 соатлик онлайн маърузада ўтиришга мажбур қилиш мумкин. Аммо бундай машғулотлар салмоқли натижа бермайди.

– **Тескари алоқа билан таъминлаш.** Тингловчилар томонидан бажарилган вазифалар юзасидан тескари алоқа ўрнатиш лозим. Чат ва бошқа алоқа каналлари орқали иложи борица тезроқ саволларига жавоб бериш лозим.

– **Самарадорликни баҳолаш.** Тингловчилар билимини шаффоф ва тушунарли мезонларга мослигини текшириш.

– **Ўқув материаллари тизимлаштириш.** Тингловчиларга кўплаб маълумотларни ёдлаб олишга ёрдам берадиган шаблонлар, назорат варақалари, жадваллар ва бошқа воситаларни таклиф этиш.

Блум таксономияси. 1956 йилда Бенджамин Блум когнитив ўрганиш даражасини тавсифловчи тизим яратди. Блум ўқув материали билан танишишнинг 6 даражасини таъкидлайди:

– **Билим.** Тингловчи ўрганган маълумотни эслаб қолади ва такрорлайди (масалан, муайян соҳанинг атамалари ва асосий тушунчаларини эслаб қолади). Даражага мос келадиган феъллар: аниқлаш, таърифлаш, танлаш, билиш, номлаш.

– **Тушуниш.** Тингловчи фактлар ва ғояларни тушунишни намойиш этади. Уларни тизимлаштириши, солиштириши мумкин. У матнни ўз сўзлари билан айтиб бериши, бошқа тингловчига тушунтириши мумкин. Даражага мос келадиган феъллар: ҳикоя қилиш, тушунтириш, изоҳлаш, мисол келтириш.

– **Қўллаш.** Тингловчи билимларни амалда қўллаши, шу каби ва бошқа турдаги вазифаларни ҳал қилиш учун билимлардан фойдаланиши мумкин. Даражага мос келадиган феъллар: қўллаш, ўзгартириш, қуриш.

– **Таҳлил.** Тингловчи ўқув материалини мустақил равишда таҳлил қилиши, мантиқий хатолар ёки заиф далилларни кўриши мумкин. Даражага мос келадиган феъллар: солиштириш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш.

– **Баҳолаш.** Тингловчи ўқув материалининг сифатини баҳолаши, унинг қиймати ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Даражага мос келадиган феъллар: баҳолаш, таққослаш, танқид қилиш.

– **Яратиш.** Тингловчи мавжуд ўқув материаллари асосида янги материалларни яратиши мумкин. Даражага мос келадиган феъллар: ўзгартириш, қайта қуриш, умумлаштириш.

Педагогик дизайн таълим жараёнини янада самарали ва сифатли ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, тингловчилар, профессор-ўқитувчилар ва ўқув контенти ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғридан-тўғри эмас, балки ахборот ва коммуникация технологиялари орқали таъминланадиган онлайн таълимда муҳимдир. Келажакда рақамли таълим маҳсулотларини яратишни режалаштираётган профессор-ўқитувчилар бу жараённинг молиявий ва инсон ресурслари билан бир қаторда жуда кўп вақт талаб қилишини тушуниши лозим. Фақат педагогик дизайннинг ҳар бир босқичида батафсил, яхши режалаштирилган меҳнат орқали сифатли рақамли маҳсулот яратилади.

MOODLE ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Умарова Ш.Г.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган ҳозирги вақтда уларни таълим жараёнига қўллаш кенг оммалашмоқда. Дунёнинг кўплаб олий таълим муассасалари ўз таълим платформасига эга. Уларда ўқитишнинг офлайн ва онлайн, шунингдек синхрон (барча иштирокчилар бир вақтда) ва асинхрон (иштирокчилар ўзларига қулай вақтда) турлари аралаш ҳолда ташкил этилади. Республикамиздаги кўплаб олий таълим муассасаларида ҳам ўқитишни бошқариш тизимлари (жумладан, Moodle) татбиқ қилинган. Бу тизим Интернет тармоғи орқали ўқув жараёнини бошқаришга мўлжалланган махсус тизим бўлиб, у очиқ кодли, текин дастурий таъминот ҳисобланади. Ундан ўқув дастурлари асосида сифатли яратилган ўқув курслари ёрдамида бевосита дарс жараёнида ҳам, шунингдек дарсдан ташқари масофавий ҳам ўқитишни самарали ташкил этиш мумкин. Бу тизимнинг самарадорлиги ундаги турли кўплаб интерфаол элементларнинг мавжудлиги билан характерланади. Бу тизимнинг имкониятлари ва самарадорлигини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ташкил этилган электрон таълим муҳитида

(<https://moodle.uwed.uz>) эконометрика фанини ўқитиш мисолида таҳлил қиламиз. [2]

Ўқув контенти шакллантириш

Moodle тизимида ўқув материалларини тақдим этишнинг турли кўринишлари мавжуд [1]. Уларнинг айримларини қуйида келтирамиз:

а) Ўқув материалларини турли форматларда тақдим этиш мумкин. Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, улар матн, график, аудио ва видео форматларда бўлиши мумкин. Турли форматлардаги (pdf, docx, pptx,...) бундай ўқув материалларини “Файл” ресурси ёрдамида юклаш мумкин.

б) Маълумотларни тизимга “Страница” ресурси ёрдамида жойлаштириш мумкин. Бу ресурс оддий веб саҳифа кўринишида бўлиб, унда матндан ташқари расм, жадваллар, график, аудио ва видео кўринишдаги маълумотларни ҳам юклаш мумкин. Тизимнинг ички матн муҳаррири ёрдамида саҳифани HTML кодлар асосида таҳрирлаш ва ўқув контенти янада жозибали кўринишга келтириш мумкин.

г) Интернет манбаларидаги маълумотларга “Гиперссылка” элементи ёрдамида ҳавола қўйиш мумкин.

Ўқитишни ташкил этиш

Ўқув курси барча материалларининг тизимга юкланиши, бу масаланинг фақат бир томони холос. Талабаларни улардан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнига жалб қилиш ўқитувчидан тизим элементлари асосида пухта режалаштирилган сценарийни талаб этади. Қуйида 2 соатлик амалиёт дарсни ташкил этиш намунаси келтирилган

Талабалар давоматини назорат қилиш “Посещаемость” элементи орқали амалга оширилади. Белгиланган дарс жадвали асосида талабаларнинг дарсга қатнашиши ўқитувчи томонидан белгиланади ёки талабанинг ўз-ўзини белгилаш имконияти берилади. Унинг ёрдамида талабалар давомати бўйича кунлик, ойлик ва бошқа ҳисоботларни тайёрлаш мумкин.

Ўтилган мавзунинг таққослаш мини-тест шаклида амалга оширилиши мумкин. Тестга мавзуга оид назарий саволлар, шунингдек ҳисобланиши лозим бўлган амалий саволлар ҳам киритилади.

Янги мавзунинг ўзлаштириш учун топшириқни бажариш “Эссе” кўринишида амалга оширилиши мумкин. Талабалар қўйилган топшириқни ўқитувчи ёрдамида бажарадилар ва ишни бажариш жараёнида ўз фикрлари ва хулосаларини бевосита қайд этиб кетиш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Бу талабаларга исталган вақтда: уй вазифасини ёки мустақил ишларни бажариш жараёнида фойдаланишлари учун имконият яратади.

Мустақил таълимни ташкил этиш.

Замонавий фан дастурларида мустақил таълимга кўп урғу берилади. Талабалар ўз рейтинг балларининг 40% қисмини мустақил топшириқларнинг натижаси асосида тўплайдилар. Мустақил ишни Мудл тизимининг “Задание” ёки “Семинар” кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. “Задание” элементи ёрдамида ташкил этилган топшириқни бевосита ўқитувчи

баҳолайди. Агар топшириқ “Семинар” элементи ёрдамида ташкил этилса, талабанинг ишини ўқитувчидан ташқари бир қанча талабалар ҳам баҳолаш имконияти яратилади. Рецензент талабалар ўқитувчи томонидан ёки автоматик равишда тизим томонидан белгиланиши мумкин. Шунингдек талабага ўз ишини баҳолаш имкониятини ҳам бериш мумкин.

Мустақил ишни “Семинар” элементи ёрдамида ташкил этиш ва баҳолаш бир қанча афзалликларга эга:

- талабаларда бир нечта ишларни текшириш жараёнида турли иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш имконияти туғилади (ҳар бир талабада турлича муаммоли вазият);
- ўз курсдошларининг ишини баҳолаш жараёнида талабаларда аналитик таҳлил кўникмалари ортади;
- унинг ишини бир нечта курсдошлари кўриши мумкинлиги талабаларда ўз ишини бажаришдаги масъулиятини оширади (бизнинг тажрибамизда талабаларнинг ижодкорлиги ошди, “шаблон” ишлар сони кескин камайди).

Назорат ва баҳолаш

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш ўқитиш тизимининг узвий қисми бўлиб, уни сифатли ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Moodle тизимида баҳолашнинг турли элементлари мавжуд бўлиб, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўринли танланиши самарали баҳолаш тизимини яратиш имконини беради. Баҳолашнинг энг кўп тарқалган усули – бу тест синовларидир.

Moodle тизимида тест натижалари бўйича ҳисоботларни тайёрлашнинг қулай имкониятлари мавжуд. Ҳисоботда ҳар бир талабанинг натижалари ҳақида барча керакли маълумотларни (тестни топширишга сарфланган вақт, ҳар бир саволга жавоблар, уринишлар сони ва бошқалар) кўриш мумкин. Тест натижаларига асосланиб, ўқитувчи талабаларнинг фаннинг тегишли қисмини қандай ўзлаштирганлигини билиб олиши, тест топшириқларининг сифати ва уларнинг ҳар бирини бажарган талабалар фоизини таҳлил қилиши мумкин.

Баҳолар журнали

Ўқув курсининг бажарилишини акс эттирувчи элементлардан бири бу, баҳолар журналидир. Журналда талабанинг баҳоладиган курс элементларининг ҳар биридан олган натижалари аксланади. Журнални баҳолаш мезонлари асосида созлаш лозим. Бу тартибда ташкил этилган баҳолар журналида ўқув семестри давомида баҳолар ведомости ҳам шаклланиб боради. Курс сўнгида уни Excel форматида юклаб олишимиз мумкин.

Сўровномалар асосида таҳлил

Ўқитиш сифатини баҳолашда сўровнома ўтказиш ҳам яхши самара беради. Ўқитишнинг ташкил этилиши, маърузачи ва амалиёт ўқитувчиларининг билими ва педагогик маҳорати, ўқув материалларининг сифати, баҳолаш мезонлари каби мавзулар асосида тайёрланган саволлар асосида “Обратная связь” ёки “Анкета” элементи ёрдамида аноним

сўровномалар ташкил қилиш мумкин. Унинг таҳлили асосида ўқитиш самарадорлигини баҳолаш ва лозим бўлса курс элементларига ёки ўқитиш шаклларига керакли тузатишлар киритиш, албатта, яхши натижа беради.

Мудл тизимининг имкониятлари, албатта, унинг расмий ҳужжатларида жуда кенг ёритилган[3]. Биз бир фан(бир мавзу)ни ўқитиш доирасида Мудл тизимининг имкониятларини ёритишга ҳаракат қилдик. Бу тизимда яратилган ўқув курсини ташкил этувчи элементлар ҳар бир фаннинг хусусиятларига ва албатта, ўқитувчининг билими, маҳорати ва тажрибасига боғлиқ. Зеро, Intel корпорациясининг ижрочи директори Крэйг Барретт таъкидлаганидек, “агар ўқитувчилар ўринли фойдалана олмасалар, барча техник ютуқларимиз ҳеч нарсага арзимади. Мўъжизани компьютерлар эмас, балки ўқитувчилар яратади...”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Умарова. Электронное обучение в системе Moodle, УМЭД, Ташкент, 2020. 172 стр.
2. Онлайн ресурс: <https://moodle.uwed.uz/course/view.php?id=207>
3. Онлайн ресурс: <https://moodle.org/plugins>

**3-ШЎБА.
МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИГА КРЕДИТ-
МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
ЖОРИЙ ҚИЛИШ**



КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ТАДБИҚ ЭТИШГА ДОИР АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

УДК 378

Рахматов И.И., Мухаммедов Ш.М.

Бухоро Давлат университети

Кириш. Ўзбекистон Республикасида малака ошириш таълими тизимини жаҳон андозаларига мос ривожлантириш, замон ва дунё талабларига жавоб берадиган даражада мутахассисларни малакасини ошириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг билан Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ- 5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 824-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Республика олий таълим муассасаларида ва малака ошириш тизимида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимида ўтказиш тартиби жорий қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга ОТМ ларида кредит-модульга ўтиш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланган. Қарорда кредит-модуль тизимида доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Низом 9 боб 46 моддадан иборатдир. Қарорнинг биринчи иловасида ОТМ ларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимида босқичма-босқич жорий этиш схемаси келтирилган. Шу схемага асосан 1-босқичда ОТМ янги ўқув йили бошлангунча ўқув режаси ва фан дастурларини жаҳон стандартларига мослаштириш, ҳар бир фанга кредитларни тақсимлаш, фанлар каталогини шакллантириш ва эълон қилиш вазифаси қўйилган. Шунга асосан бизлар куйида олий таълимнинг физика фани ўқитувчиларини малакасини оширишда ўқитиладиган “Нанофизика” фанини дастурини кредит-модуль тизимида тайёрлаш тахминий схемаси тўғрисида тўхталамиз.

Асосий қисм. Кредит-модуль тизимида ўқув режадаги ҳар бир фанни ўқитишга ҳозирланаётган ўқитувчи даставвал ўзининг фан дастурига эга бўлиши тавсия этилади. Фан дастури бу фаннинг “йўл харитаси” бўлиб, у тингловчига фан ҳақидаги асосий маълумотларни беради. Фан дастури шакли ва таркиби турлича бўлиши мумкин лекин у энг камида куйидаги бўлимларни қамраб олиши керак: фаннинг тавсифи, фаннинг мақсади, мавзулар рўйхати, таълим технологиялари, баҳолаш мезонлари, адабиётлар. Фан дастурида фаннинг нима ҳақида эканлиги, мақсадлари, малака ошириш курси давомида

ўтиладиган мавзулар рўйхати, фойдаланиладиган материаллар, адабиётлар рўйхати, баҳолаш услуб ва мезонлари қамраб олинган. Бундан ташқари унда, ўқитувчининг контакт маълумотлари, ўқитувчи билан ҳафталик консултация вақти, академик мулоқот ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил “7” декабрдаги 648 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2020 йил № МО 10-31 раками рўйхатга олинган **“Физика”** йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Курснинг мақсади: олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради: - “Физика” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш; - мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Физика” йўналишида педагог кадрларни ривожланган хорижий давлатларда физика соҳасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борада республикаимиз ва хорижий етакчи илмий марказлар эришаётган асосий ютуқлар, замонавий илмий йўналишлар ва тадқиқотлар усуллари билан таништириш ҳамда уларни амалий қўллаш юзасидан кўникма ва малакаларга эга бўлишига эришиш;

- ҳозирги замон физикасини олий таълимда ўқитишнинг мазмунмоҳияти, услуб ва шакллари, физиканинг фан сифатида умумий ва хусусий

йўналишларини олий таълим тизимида турли мутахассислик, ихтисосликлар учун ўқитишда танлаш;

- “Физика” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионалигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишлитаълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчиларқуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларгаэга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- олий таълимда ҳозирги замон физикасининг долзарб йўналишларини;
- мутахассислар тайёрлашда ҳозирги замон физикасининг ўрни ва ролини;
- нанофизиканинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, уларнинг тадқиқот объектлари, предметлари ҳамда материалшунослик йўналишидаги принципал ўрнини;

физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурсларинг ўрни ва уларнинг таҳлили, моделлаштиришда оммавий онлайн очик курслардан фойдаланишни;

- релятивистик космологиядаги замонавий революцион янгиликлар ва замонавий адабиётлар, сўнгги йиллардаги космологиядаги аниқланган фундаментал қонуниятлар, космологиядаги кашфиётлар ва тамойиллар, ҳозирги замон эксперимент ва астрономик кузатувлардан коинотнинг йирик масштабдаги структурасини ўрганишда самарали фойдаланиш тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- педагогик экспериментни ўтказиш, унинг амалий натижаларини таҳлил қила олиш ва қўллаш билиш;
- тингловчи нанофизиканинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари бўйича долзарб муаммоларни таҳлил этиш ва уларни ечиш, нанообъектларни ҳосил қилиш ва хоссаларини тадқиқ этиш усул ва қурилмаларини ишлаш принциплари таҳлил қила олиш;

- катта портлаш ва космологик инфляция назариясининг асосий тушунчалари фарқлай олиш;
- астрофизика нуктаи-назаридан ядро реакциялар классификациясини фарқлаш;
- оламнинг тезланиш билан кенгайиши, қоронғи материя ва қоронғи энергия, астрофизикадаги компакт объектлар ва гравитацион тўлқинларини таҳлил қила олиш;
- квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишларини фарқлаш;
- физик жараёнларни моделлаштириш усуллари амалда қўллаш;
- педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик воситалардан фойдаланишни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш кўникмаларга эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- маъруза ва семинар машғулотларни бир-бирига мутаносиб тарзда ташкил этиш, машғулотлар жараёнида кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш, ўзлаштиришни таҳлил қилиш;
- Наноматериалларнинг физик хусусиятларини ва уларнинг физик механизмларини англаш ва бу хусусиятлардан қайси наноқурилмаларда қўллаш мумкинлигини аниқлаш, нанотехнологияларни энергетикада қўллаш;
- Crocodile Physics, Yenka, PhET web-тизимларидан фойдаланувчи интерфейсини ярата олиш;
- релятивистик космология модулини структуралаштириш, Олам эволюцияси, коинотнинг структураси, таркиби, материянинг ва энергиянинг янги формалари, замонавий космологик моделлар, коинотда химик элементларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши. Материя тақсимооти ҳақида маълумотлар, микротўлқинли фон, Хаббл доимийси, Оламнинг ёши. Ўта янги юлдузларнинг чакнаши ва уларнинг типлари. Ia типидagi ўта янги юлдуз ва стандарт ёритгичлар таҳлил этиш малакаларига эга бўлишлари керак.

Тингловчи:

- сўнгги йилларда халқаро миқёсида физика фани соҳасида яратилган илмий ғояларни амалда қўллаш;
- олий таълимда физика ўқитиш жараёнига янги усуллар ва илфориновацион технологияларни қўллаш олиш;
- белгиланган шакл ва ўлчамга эга бўлган наноматериалларни синтезлаш усуллари ва зарур хоссаларини ўрганиш метод ва қурилмаларни танлай олиш ва уларни ишлаш принципларини тушуниш;
- квант оптикаси ва лазер физикаси ҳамда фотоника соҳаларидаги янгиликларни баҳолаш ва амалда қўллаш;

- асосий космологик моделлар.

Юлдузлардаги ядро реакциялар. Коинотнинг катта портлаш натижасида яратилиши, инфляция жараёни. Фундаментал ўзаро таъсирлар. Кварк-глюон плазмаси, ядролар, мезонлар ва лептонлар физикасини тушуниш ва қўллаш; - Физикавий ҳодиса ва жараёнларнинг тайёр компьютер моделлари билан ишлай олиши компетенцияларига эга бўлиши лозим.

ECTS кредит – модуль тизими асосида яратилган нанофизика фани дастурига қуйидагини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Жадвал кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин

Фан/ модуль коди Nanof 3.2 2020		Ўқув йили 2020-2021	Семестр 1	ECTS-кредитлар 2	
Фан/ модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафталик дарс соатлари 4	
1	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)		Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Нанофизика	26		26	52

Ўқитувчи фаннинг ўқиш натижалари сифатида соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш, жамоада ишлаш, тақдимот қилиш каби кўникмаларни қайд этган ҳолда, курс давомида дарсларни фақат маъруза шаклида ўтказса ва курс сўнгида тингловчиларни фақат тест шаклида имтиҳон қилса, бунда ўқиш натижалари, ўқиш юкламалари ва имтиҳон тури ўртасидаги номуносибликни кузатиш мумкин. Чунки, тингловчида соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмаси маъруза ёки семинар шаклидаги дарсларда шаклланимайди. Тингловчида соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш учун ўқитувчи улар билан мунтазам шундай турдаги машғулотларни ўтказиши зарур. Қолаверса, тингловчиларни жамоада ишлаш, тақдимот қилиш кўникмаларини эгаллаган эгалламаганлигини уни “тест” усулидаги имтиҳон орқали аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчи тингловчиларни турли ҳил жамоавий лойиҳаларга жалб қилиши, улар билан жамоавий машғулотлар бажариши керак бўлади.

Таълим соҳасидаги сўнгги изланишлар таълимнинг энг муҳим элементи бу қўлга киритилган билимни қўллай олиш маҳорати эканлигини исботламоқда. Бу изланишлар натижаси ўқитувчи дарс вақтидан унумлироқ фойдаланишга, дарс жараёнини маъруза шаклида эмас балки ўрганишнинг фаол усулларида фойдаланган ҳолда ўтказишларига чорлайди. Қолаверса тингловчи билимини қўллаш имкониятига эга бўлмаса уни тез кунларда унутади. Бошқача айтганда ўқитувчи олдиндан тақдим қилса тингловчилар бўш вақтида ўқиб келиши мумкин бўлган материални ёки аллақачон тингловчиларнинг қўлида мавжуд бўлган китобдаги матнни уларга дарсда яна ўқиб ёки айтиб бериш бўлмайди. Ундан кўра ўқитувчи тингловчиларга ушбу

материални уйда ўқиб келиш учун бериб, дарс вақтини ушбу материал бўйича муҳокамаларга ёки тингловчилар материалдан ўрганган билимларини реал ҳаётдан олинган муаммога қўллашга сарфласа тингловчининг аудитория вақти самарали ўтади. Таълим беришнинг интерфаол усуллари тингловчида мустақил ўқиш, танқидий фикрлаш, ўз билимларини муаммоларга қўллаш, мунозарага кириш, жамоада ишлаш каби кўникмалари янада мустахкамрок бўлади.

Хулоса. Фан дастурини яратиш мураккаб жараён эмас. Лекин у ўқитувчини курсни бошида бироз мулоҳазага чорлайди: у ўқитувчини курс давомида ўз фани бўйича қилмоқчи бўлган ишларини олдиндан аниқ режалаштириб олишга, фан мавзуларини аҳамиятига қараб саралаб олишга ундайди. тингловчини кўпроқ билим олишга, мустақил ишлашга, иктисодий ҳисоб-китоб қилишга ва вақтни тўғри тақсимлашга ўргатади. Шунингдек тингловчи ўзининг жамият олдидagi маъсулятини янала чуқурроқ ҳис қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каххаров.С. К.,Рахматов И.И.,Мухамедов.Ш.М. Особенности построения образовательного процесса на основе модульных технологий обучения в Узбекистане. Вестник науки и образования, научно методический журнал. №18(96). Ч. 2.сентябрь 2020.с 33-36
2. Рахматов.И.И., Мухамедов.Ш.М. Олий таълимда кредит модуль тизимидан фойдаланишнинг илмий асослари.Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. Илмий назарий журнал, 6-сон. 2020.Б 85-89.
3. Рахматов.И.И., Мухамедов.Ш.М. Организация системы модульно-кредитного обучения в техническом ВУЗе. «Инновацион ғоялар, ишланмалар амалиётга: муаммолар ва ечимлар» мавзусида масофавий онлайн Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Андижон.2020.27-28 май.Б. 122-125.
4. Ўринов В. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими”. Асосий тушунчалар ва қоидалар. 10 август 2020.
5. Б.Ш.Усмонов. Хабибуллаев Р.А.. “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш”. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й.,
6. Ш.Мухамедов.” Таълимнинг кредит-модуль тизимини Ўзбекистон олий таълимида қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари”. ҚарДУ хабарлари.2020 4-сон.Б.183-186
7. Mazhidovich,M.S.(2020). The modern educational process based on credit module learning technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (12), Part III, 78-84.
8. “Физика” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури Тошкент-2020.20 бет

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Мамаев Б.Н., Носиров Х.Б.

ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази

XXI асрнинг таълим тизимида олиб кирган ва мазкур соҳада амалга оширилиши лозим долзарб масала олий таълим муассасаларига модулли-кредит тизимини жорий этиш ҳисобланади. Тарихга назар солинадиган бўлса кредит илк марта XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталик академик юкмасини белгилаб бериш мақсадида яратилган. 1869 йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимининг таниқли арбоби Чарльз Уильям Элиот “кредит соати” тушунчасини истъмолга киритади ва 1870-1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий этади. Ўз ўрнида кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўқув жараёнини мустақил равишда режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини такомиллаштириш учун имконият яратиб берди.

Билим ва илмнинг шаклланиши эса бевосита таълим тизимида бориб тақалади. Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўқув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, илғор кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Республикамизда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон [қарори](#) мустаҳкамланди ва таълим сифатини ошириш учун замин яратди. Мазкур қарорда жорий ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимида ўтказиш тартиби жорий этилган ва низом тасдиқланган.

Низомда таъкидланишича тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ўқув жараёнига кредит-модуль тизими жорий этиши, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режаси ва фан дастурлари такомиллаштириш масалаларини қайта кўриб чиқиш белгиланган. Қолаверса ушбу Низом олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS)

асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига оид маълумотлар, жумладан, таълим дастури, фанлар каталоги, академик мобилликни таъминлаш, кредитларни тан олиш ва қўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар ҳамда дипломга илованинг шакллари, шунингдек, академик мобиллик даврида талабанинг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ва бошқа зарур ҳужжатлар намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Республика олий таълим кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган балларини ўртача қийматидир, яъни **GPA (Grade Point Average)**. Ўқув йили учун таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади. Таълим дастури аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин.

Кредит — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, каср сонларда ифодаланиши мумкин, масалан таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирилган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \quad \text{бунда:}$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо;

Формуладан кўриниб турибдики талабаларнинг таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштириши ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлиши учун талаблар аниқ белгиланган бўлиб, ҳар бир фанга ажратилган кредитлар миқдорини йиғиндисини талаба мазкур фанлар бўйича тўплаган баҳоларини нисбати орқали аниқлаб олиши мумкин. Ўзлаштириш қоидалари танланган таълим дастури бўйича ўқитишнинг турли босқичлари учун белгиланган кредитлар миқдорида ёки кредитлар оралиғида ифодаланиши мумкин.

Кредит-модуль тизимини таълим натижалари талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач эса талаба

ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилияти билан тавсифланади.

Кредит-модуль тизимини таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади ва таълим дастури аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлади.

Ўқув жараёнини режалаштириш, мониторингини олиб бориш ва таълим сифатини таъминлаш ўқув ва назорат тадбирлари мажмуини ўз ичига олади ҳамда барча турдаги аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши ва ўқув режадаги тегишли фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришини ва уларнинг натижаларини баҳоланишини назарда тутди.

Ўқув жараёнини режалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади, яъни намунавий ўқув режа ва фанлар каталогини илғор хорижий таълим тажрибаси асосида республика иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар, кадрлар истеъмолчилари талаблари ва миллий кадриятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда қўшимча равишда танлов фанлар каталогини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий янги авлод адабиётларига таянган ҳолда фанлар каталоги бўйича намунавий фан дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек фанларнинг ишчи дастурини (силлабусни) ишлаб чиқиш, талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш, ишчи ўқув режаларини тузиш, ўқув жараёни жадвалини тузиш ва академик гуруҳлар бўйича ўқув машғулотлари жадвалини тузиш шулар жумласидандир.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Демак, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки олий таълим муассасаларига модулли-кредит тизимини кириб келиши таълим муассасаларини жаҳон ареналарига юзланишига, хорижнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорлик қилишга, шунингдек талабаларни бир таълим муассасидан иккинчи бир таълим муассасига кўчиришига ҳамда дипломларни тан олинишига катта ҳисса қўшади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Файзуллаева Ш.К.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимида педагогларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлар: кредит-модуль тизими, тьютор, эдвайзер

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарабини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш миллий таълим тизимимиз олдида турган асосий масалалардан биридир.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 824-сон қарори билан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий этилди [1]. Мазкур қарор билан ОТМларда ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

Кредит таълим тизимини жорий этишнинг янги шароитларида профессор-ўқитувчиларнинг роли ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Жумладан, кредит таълим тизимида ўқитувчи (педагог) ўзининг вазифасига кўра таълим жараёнининг қуйидаги субъектлари сифатида фаолият олиб бориши мумкин:

- лектор;
- тьютор;
- эдвайзер;
- махсус комиссия аъзоси.

Лектор сифатида юқори академик профессорлар ёки доцентлар сафидан малакали ўқитувчилар тайинланади. Ўз ўрнида улар маъруза дарсларини

юқори илмий-услугий даражада олиб боришади. Маърузалар академик потокларга, яъни мутахассислиги яқин бўлган бир нечта гуруҳларда ўқитилади. Аудиториядаги талабалар сони эса лекторнинг малакасидан ва аудиториянинг техник имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади [2]. Профессор ва доцентлар ўзларининг илмий савияси, илмий изланиш йўналишлари ва педагогик маҳоратидан келиб чиқиб бир мутахассислик ичида бир нечта ўз йўналишларидаги фанларидан маъруза ўқишлари мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртининг Илмий кенгаши қарорига кўра маъруза ўқиш ҳуқуқи илмий даражасиз, лекин энг тажрибали ва юқори малакали ўқитувчиларга ҳам берилади.

Тьютор – фан ўқитувчиси сифатида амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориб, бу борада маслаҳатлар беради, курс ишларига раҳбарлик қилади, амалиётларни ташкил қилади. Шу билан бирга, тьютор ҳар бир талабанинг фанни ўрганишини назорат қилади, шахсий топшириқларни бажаришини ва амалий машғулотлардаги фаолиятини баҳолайди ва зарур бўлса ёрдам кўрсатади. Шунингдек, тьютор талабанинг аниқ бир фанни ўрганишдаги фаолиятини умумий таҳлил қилиши мумкин.

Шахсий ўқув траекториясини танлаш ва амалга ошириш, шунингдек ўқув режаларининг мобиллиги ва мослашувчанлигини таъминлаш учун кредит таълим тизими шароитида олий ўқув юртларида маслаҳат хизмати, яъни эдвайзерлар – академик маслаҳатчилар хизмати йўлга қўйилган. Ўз навбатида уларнинг сони факультетдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Эдвайзерлар талабаларнинг академик манфаатларини ҳимоя қилиши ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича барча зарур ахборот материалларини тайёрлашда иштирок этиши, уларни талабаларга электрон шаклда тақдим этиши ва уларнинг шахсий ўқув режаларини тузиш ва тузатиш киритишда ёрдам бериши, услубий материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва мавжудлигини, йўналишнинг барча фанлари бўйича оралик ва якуний назоратларни ўтказиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилиши зарур.

Эдвайзер – ўқиш даври бўйича шахсий ўқув траекториясини танлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи ўқитувчи ҳисобланади. Бундан ташқари, эдвайзер талабага келгусидаги карьерасига оид масалаларни ечишда, битирув иши мавзусини танлашда, касбий амалиёт базаларини аниқлашда маслаҳат ёрдамини кўрсатиши мумкин.

Эдвайзер қайд қилиш тадбирларида иштирок этади ва уларга талабалар бириктирилади. Талабалар бириктирилгандан сўнг эдвайзер улар билан шахсий режимда ишлашга ўтади. Эдвайзер ташкилий-услугий ишларда иштирок этади ҳамда фанларни танлаш ва уларга ёзилиш бўйича маслаҳатлар бериб, йўналишнинг танлов фанлари каталоглари ва ишчи ўқув дастурлари билан таништиради.

Ўқув йили давомида эдвайзер факультет декани томонидан тасдиқланадиган маслаҳат жадвалларига мувофиқ ишлайди. Талабаларнинг шошилини академик муаммоларини ҳал қилиш мақсадида эдвайзер иш жадвалидан ташқари шахсий учрашувларни ҳам белгилаши мумкин.

Эдвайзернинг маслаҳатчилик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабаларни таълим жараёнининг қоидалари билан таништириш;
- талабаларнинг қарашлари, қадриятлари, уларнинг мойиллиги ва имкониятларини аниқлаш;
- намунавий ўқув режа ва танлов фанлари каталоги билан таништириш (мажбурий, танлов фанлари рўйхатини, фанларнинг пререквизитларини тузишга қўйиладиган талаблар билан);
- кредитлар миқдори ва уларни ўзлаштириш бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон Қарори. // <https://lex.uz/docs/5193564>.
2. Хабибуллаев Р., Топилдиев В. “Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2020 й. 149 б.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

Акрамова Ф.А.

Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация. Ушбу мақолада Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизими асосида талабаларни баҳолаш тартиби билан биргаликда кредитларнинг имкониятлари ва қулайликлари ўрганилган.

Калит сўзлар: кредитлар, индивидуал таълим, бошқарув ва ўқув жараёни.

Олий таълим муассасаларида ҳозирги кунда татбиқ этилаётган кредит таълим тизими талабаларнинг таълим олишида, билим эгаллашларида, олий таълимга бўлган муносабатларида ҳам янги ўзгаришлар олиб киришига сабаб бўлмоқда. Ушбу тизимнинг ўзига яраша устунликлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, албатта бунда интернетнинг сифати ва узлуксиз ишлаши муҳим жараён ҳисобланади. Баҳолаш тизими бўйича кредит тизимида аниқлик биринчи ўринда туриб, унда ҳам яхлит баллар эмас, балки кичик фоизлар ҳам ҳисоблаб кўрсатилади. Ўқув жараёнида берилган мавзу билан модуль сўнггида бериладиган якуний имтиҳон саволлари орасида маълум бир даражада мутаносиблик бўлиши талаб этилади. Шу сабабли бу тизимни татбиқ этилишида ва самарадорлигини оширишда педагог кадрларнинг билим ва

кўникмаларини, мавзуларни тўғри ва бир–бирига мутаносиб тарзда жойлаштиришлари муҳим роль ўйнайди.

Кредит-модуль тизимининг устунликларини кўриб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз ривожланаётган давлатлар рўйхатига киради ва ҳар соҳада ривожланган давлатлардан намуна олиш ва фойдаланиш ҳам бу борада самарали натижага олиб келади. Шунингдек, бу тизим талабаларнинг алмашилиб ўқиш дастурларида ҳеч қандай мураккабликларни келтириб чиқармайди. Сабаби, дунёдаги бир қанча давлатлар билан бир хил таълим тизимида бўлиш орқали фанлар орасида ва баҳолаш тартибида мувофиқликка эришилади ва бу талабанинг қайси давлатда таҳсил олиб қайтишидан қатъий назар унинг баҳолари ва фанлари орасида фарқларни келтириб чиқармайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда” [1]. Бундан келиб чиққан ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, таълим сифатини янада яхшиланишига эришишимиз керак. 2020-2021 ўқув йилида нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камида 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилиниши кўзда тутилган [2]. Бунда асосан тузилма ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади ва бунинг натижасида улар замонавий таълим берадиган ва инновацияларни жорий қиладиган илмий даргоҳга айлантирилади. Тизимнинг самарадорлигига яна қўйшимча қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит–модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Кредит-модуль тизими таълим муассасаси ўқув дастурларига меъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишга хизмат қиладди. Чунки фанлар сонининг қисқариши, эндиликда талабалар ўз вақт ва имкониятларини фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама мукамал ўрганишларига имконият яратади. Шу биланбирга, талабалар кредит-модуль тизими туфайли ҳар куни ўз вазифалари нимадан иборат эканликларини билиб борадилар ва шунга қараб топшириқларни бажариб боришади. Талабалар ўз вақтида тўплаб бораётган кредитларини билиб олишлари ҳам улар тарафидан яхши кутиб олинади. Бу билан улар сессиягача имкон қадар билимларини оширишга ва кўпроқ кредит (балл) тўплашга интиладилар. Ўқитувчиларнинг вақтлари тиғизлиги ва ёки бошқа сабабларга кўра баъзида талабалар томонидан бажарилган топшириқлар ва олинган баҳолар ўз вақтида кўриб чиқилмасди. Баъзан эса талабаларга ўз баҳолари айтилганда ҳам ҳамма фанлардан тўплаган баҳоларини эслаб қолиша олишмасди. Бу эса семестр якунида баъзи тушунмовчиликларга сабаб бўларди. Бундай муаммолар кўзга кўринмаса-да талабалар учун маънавий зарар етказиши тайин бўлган муаммолардир. Булар эса ўз навбатида тизим орқали ўз–ўзидан бартараф этилади. Шунингдек, талабалар қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:

- талабалар қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг индивидуал таълим траекторияларини белгилай олиши;
- талабалар дарс жадвалини мослаштириш имкониятига эга бўлиши;
- талабалар ўзини-ўзи бошқариш ва мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантира олишлари;
- таълим натижаларини таққослаш ва тан олишни осонлаштириши, академик мобилликни ривожлантириши;
- профессор-ўқитувчиларга академик эркинлик бериши (нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш);
- бошқарув ва ўқув жараёни харажатларини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш.

Юқоридаги самарадорликлар ва устунликлардан келиб чиққан ҳолда, кредит-модуль тизими профессор-ўқитувчилар, бошқарув тизими ва шунингдек, талабалар учун жуда қулай ва шаффоф бўлган тизимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар. Воҳид Ўринов. // <http://navoiy-uni.uz/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ МУАММОСИНИ ЎРГАНИШДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Акрамова Х.А.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация. Ушбу мақолада таълимнинг халқаролаштириш муаммосини ўрганишда кредит-модуль тизимининг аҳамияти ва Олий таълим муассасаларида унинг ўрни ўрганилган.

Калит сўзлар: ECTS кредит-модуль тизими, ўқув юкламаси, фанлар учун белгиланган кредитлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда 117 та ОТМ фаолият олиб бормоқда ва янги олий таълим муассасаларини очиш ва ёшларни олий таълимда ўқишни давом эттиришга жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда [1]. Хориж ОТМлари филиаллари сони ҳам йилдан йилга кўпайиб бориб, айни вақтда Ўзбекистонда 21 та хориж ОТМ филиали, жумладан, Германия, Италия, Франция, Россия, Япония ва Малайзия каби давлатларнинг институт ва университетларининг филиаллари нафақат пойтахт, балки вилоятларда ҳам очилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра, мамлакатдаги ОТМларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилиб, камида 35 та давлат ОТМларида биринчи курс талабалари учун ўқиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилиши назарда тутилди. “Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда”, – дейди ўз маърузаларида Президент Шавкат Мирзиёев [2]. Шу сабабли жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камида 5 та олий таълим муассасасини трансформация қилинишининг кутилиши – таълим тизимида асосан тузилма ва ўқитиш технологияларини такомиллаштиради ва натижада улар замонавий таълим берадиган ва инновацияларни амалда жорий қиладиган илмий даргоҳга айланади. Бунда ОТМларининг тизимга тайёргарлик даражаси ва профессор-ўқитувчилардан иборат жамоанинг таркиби ҳисобга олиниши муҳим рол ўйнайди.

Таълимнинг халқаролаштириш муаммосини ўрганишда кредит-модуль тизимининг аҳамияти катта бўлиб, кредит-модуль тизими ўқитувчидан ва ўз ўрнида талабадан ҳам масъулиятли бўлишни талаб қилади. Аввал умумий талабалар сонининг 0,3-0,4 фоиз қисми иккинчи йилда ҳам таълимни давом эттиришга қолган бўлса, ҳозирда ушбу рақам 2 фоизни ташкил қилади ва кредит-модуль тизимига ўтилса, яна ўсишда давом этиши мумкин бўлади. Шунингдек, талабалар онгида олийгоҳга кирган талаба албатта уни тамомлайди, деган тушунча бўлмаслиги керак ва бу фикр кенг талабалар жамоатчилигида бўладиган бўлса, иш берувчининг битирувчига бўлган муносабати ўзгаришига олиб келади. Замонавий ОТМларининг асосий эътибори муаммоли вазиятларда мустақил равишда тўғри ечим топа оладиган ҳар томонлама билимли кадрларни етиштиришга қаратиши лозим.

Мамлакатимиз олий таълим тизимига кириб келган кредит-модуль тизими (ECTS) таълимга амалдагидан кўра анча мукаммал ўлчов бирлигини олиб киради ва унга кўра университетда ўтиладиган ҳар бир фан эндиликда ундаги ўқиш юкласи миқдорида қараб кредитларда акс этади ва таълимни янада шаффоф этилишини таъминлайди. Шунингдек, бу талабаларга мамлакатлараро ҳаракатланишга ва уларнинг хориждаги ўқиш жараёни ва академик малакасини тан олинишига ёрдам беради [3]. Ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7,5 кредитларда акс этадиган бўлса, талаба ҳар семестр ва ўқув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши керак бўлади. Йиғилган миқдорга қараб унга бакалавр ёки магистр даражаси берилади [4]. Ушбу ECTS тизимида бир йиллик кредитлар 60ни ташкил этиб, 4 йиллик бакалавр дастурини ўқиш давомида талаба жами 240 кредит тўплаши керак бўлади. Ўз-ўзидан магистратура дастурини тугаллаш учун эса талабадан 120 кредит тўпланиши

талаб этилади. ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 соатлик ўқиш юкламаси бўлиб, агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича режалаштирилган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150-180 соатлик ўқиш юкламасини бажариши лозим бўлади.

Кредит-модуль тизими жорий этилган ОТМларида талабалар ўқув йили бошланмасидан аввал фанлар учун белгиланган кредитлар миқдоридан келиб чиқиб ҳар бир фан учун қанча вақт сарфлашини олдиндан билади. ОТМ эса 1 кредит ўқув юкламасини қанча вақт бўлишини, яъни 25-30 соат оралиғини ўзи белгилайди. Белгиланган 1 кредит ўқув юкламаси талабанинг фанни ўрганиш учун сарфлаган вақти билан биргаликда уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти ва шунингдек, имтиҳон вақтини ҳам ўз ичига олади. Ушбу модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40/50 фоизни ташкил этиб, талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши ва тайёрланиши керак бўлади. Бунда ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкламасини белгиланган бўлса, ундан 12 соати аудитория соатлари, 18 соати эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади.

Бу тизимнинг ўзига хослиги шундаки, бунда талаба ўқиш юкламасини кўпроқ ўз зиммасига олади ва фан бўйича мунтазам равишда ўқиб бориши лозимлигини англатади. Албатта, бу жараённинг бошқарувчиси ўқитувчи бўлиб, у талабани тўғри йўналтира олиши керак ва талаба ўз вақтини самарали сарфлаши учун унга дарсдан ташқарида ўқиши ва шуғулланиши учун қизиқарли бўлган материал ва топшириқлар бериб бориши керак бўлади. Ўқишни самарали олиб борилиши учун университетларда фанлар сонини қисқартириб, кўпроқ мутахассислик фанлари ва булар орасида талабалар ўзлари танлаган фан бўйича ўқитилиши ҳам айнан бугунги замонавий ўқиш талабидир. Сабаби, университетларда ўртача бир йилда 12 та фан ўқитилса, ўз-ўзидан талабанинг фанларни тўлиқ ўзлаштиришга вақти етмайди. Масалан, битта фанни оладиган бўлсак, бир фанда 500 саҳифали китобни ўқиш учун ҳар бир талабага 150 соат керак бўлади. Чунки талаба маълумотни ўзлаштириши учун бир соатда 5-6 саҳифа ўқиши керак бўлади. Бу эса ўртача 100-150 соатни ташкил этади. Шунингдек, талаба плагиатсиз, соф тарзда мустақил иши ёки курс иши тайёрлайдиган бўлса, шу мавзуга доир камида 4-5 та китоб ва яна шунинг икки баробарига яқин интернет манзилларидан маълумот олиб ўрганиши керак бўлади. Бу эса ўз навбатида яна бир неча юзлаб соатларни олиб, талабанинг ўзга фанлар учун бўлган вақтини қолдирмайди [5]. Бугунги куннинг талабаларига роботдек барча фанларни бир текисдан ўзлаштириб, семестр вақтида 2-3 баравар ҳаракат қилдирмасдан, балки улардаги фан мажбуриятларини камайтириб, кўпроқ эътиборни ижодкорлик руҳига қаратиш, мутахассислик фанлари ва ўзи ҳар бир семестр учун танлаган фанларига йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўзлаштиришга кетадиган вақтни ҳам инобатга олиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekistonda 2020-yilda xorijiy universitetlarning 10 ta yangi filiali ochiladi. "Elektron universiteti tizimi yo'lga qo'yiladi." // <https://daryo.uz/2020/03/08/ozbekistonda-2020-yilda-xorij-universitetlarining-10-ta-yangi-filiali-ochiladi-elektron-universitet-tizimi-yolga-qoyiladi/>
2. Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда – Шавкат Мирзиёев. // <http://xs.uz/uzkr/post/olij-talim-tizimida-dolzarb-masalalar-muhokama-qilindi>.
3. What is the European Credit Transfer and Accumulation System? // https://ec.europa.eu/education/resources-and-tools/european-credit-transfer-and-accumulation-system-ects_en.
4. Воҳид Ўринов, Азизжон Умаров. Олий таълимда кредит-модуль: янги ўқув йилида талабаларни нималар кутмоқда? // <https://kun.uz/news/2020/07/22/oliy-talimda-kredit-modul-kelayotgan-oquv-yilida-talabalarni-nimalar-kutmoqda>.
5. Азамат Акбаров. // <https://kun.uz/ru/news/2020/10/15/intervyu-azamat-akbarov>.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Валиева Ш.Р.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация. Ушбу мақолада кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнларини режалаштириш ва ташкил этишнинг аҳамияти таҳлил қилиниб, Олий таълим муассасаларида унинг ўрни ўрганилган.

Калим сўзлар: кредит-модуль тизими, ўқув-моддий таъминот, инсон капитали.

Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди ва ушбу Фармонга биноан 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаларининг 85 фоизи босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилиши белгилаб берилди [1]. 2020-2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим муассасасини кредит-модуль тизимига ўтказилиши таълим тизимида туб бурилиш ясаб, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилар экан, бунда, кредит-модуль тизими таълимнинг ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълим тизими олдидаги энг асосий вазифа рақобатбардош малакали мутахассисни тайёрлаш ҳисобланади. Бундай мутахассисни тайёрлаш учун, албатта, унга нисбатан қўйилаётган талаблар тизимини аниқлаб олиш зарур бўлади. Хусусан, қуйидаги йўналишдаги талаблар тизими мавжуд бўлиб, улар:

1. Ўз соҳаси бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
2. Соҳага оид мавжуд билимларни доимий равишда мустақил ошириб бориш, яъни, мустақил таълимга тайёр бўлиш;
3. Соҳага инновациялар киритиш учун мустақил изланиш ва ижод қилиш кўникмасига эга бўлиш;
4. Ўз вақтини режалаштириш, бошқариш ва ўз фаолиятини ташкил етиш кўникмасига эга бўлиш.

Таълим тизимида кредит тизимини киритишдан мақсад таълимнинг шаффофлигини ва академик билимларни ҳамда квалификацияни тан олишни осонлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими четдан келиб ўқиётган тингловчилар учун ишлатилган ва ўз ўрнида унга ишонч билдирилган. Олий таълим муассасалари учун ягона кредитларнинг ўрнатилиши эса тингловчиларнинг мобиллигини таъминлашга ёрдам бериши. Бугунги кунда кредит тизими Европанинг деярли барча давлатларида тан олинган ва амал қилувчи тизимдир [2]. Тингловчи ўрнатилган кредит балларини тўплаган тақдирдагина диплом олишга муваффақ бўлади. Шунингдек, Кредит-модул тизими муваффақиятли ишлаши кўплаб омилларга, жумладан, ўқув-моддий таъминот, халқаро стандартларга жавоб берадиган таянч дарслик, талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил етиш учун муайян шарт-шароит (компютер синфлари, видеозаллар)га боғлиқ бўлади. Ўқитишнинг кредит тизимида олий таълим муассасаси ўқув жараёнида барча зарур ахборот манбалари: ўқув ва услубий қўлланма, электрон дарслик, тарқатма материаллар, тармоқ таълим ресурсларига кириш имконияти мавжудлиги муҳим ҳисобланади.

Айни пайтда таълим тизимида талаб этиладиган вазифалардан бири, таълим йўналиши ўқув режаси ва ўқитиладиган фанларни хорижий давлатларнинг етакчи ОТМлари мос таълим йўналишлари ўқув режаларидаги фанлар билан мослигини таҳлил қилиш, фанлар таркиби, узвийлигини шакллантириш, ўқув семестрлари давомийлигини белгилаш, фанларга ажратиладиган кредит миқдори, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўқув дастурлари модулли ўқитиш тизимида тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имкониятини яратади. Яъни, ўқитишни индивидуallashtiriш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишдан эса қуйидаги мақсадлар қўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;



- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шaroit яратиш;
- фanni самарали ўзлаштиришга эришиш.

Ўқув фанига ажратилган умумий юкламанинг 50% аудитория ва 50% мустақил таълим учун ажратилиши режалаштирилган ва бунда талабалар мустақил таълими учун топшириқлар тўплами, мавзуларга оид анимациялар, компьютерга киритилган тестлар, ишчи дафтарлар, ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитишда сифат ва самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Таълим йўналиши ўқув жараёнини кредит – модуль тизимига ўтказишда мутахассис профессор-ўқитувчилар олдида катта масъулиятли вазифалар турибди. Сифатли кадрлар тайёрлаш учун юқоридаги тавсияларга амал қилиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва инновацион ёндашув керак бўлади. Шу билан бирга дарс машғулотларининг нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишни ўз ичига олади. Умумий олиб қараганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган бўлиб, илм олувчининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/4545884/>.

2. Султонов М. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик. // <https://xs.uz/uzkr/post/kredit-modul-tizimiga-otish-nima-uchun-kerak-maqsad-mohiyat-va-afzallik>.

КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИ НИМА?

Казоқов Р.Т., Джурабаев А.М.

ЎзДЖТСУ

Билим ва илмнинг шаклланиши эса бевосита таълим тизимига бориб тақалади. Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўқув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, илғор кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан

чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда “республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим - муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;
- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Келинг, шу ўринда модуль ва кредит тушунчалари моҳиятига қисқача тўхталиб ўтамиз. **Модуль** — бу, бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган

ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантикий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир нечта фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади ҳамда берилган топшириқларни бажаради.

Хорижий тажрибага кўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2 — 4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар осондан мураккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантикий жиҳатдан бир-бирини ўзаро узвий тўлдириш принципи асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Модулга асосланган ўқув дастурлари махсус схема асосида ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўқув мақсади ҳамда вазифаларнинг тўлиқ очиқ берилиши;
- талабанинг фанни (курсни) бошлаши ва тугатишидан кейинги орттириши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;
- модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмуни (силлабус), яъни маърузалар мавзулари, семинар ва амалий машғулотларнинг режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар;
- ўқитишнинг қисқача баёни: таълим бериш усул ҳамда воситалари; билимларни баҳолашнинг усул ва шакллари билан иборат.

КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАРИХИ

Махкамбаев А.Х., Тўраев Б.Б., Ражабов Ш.А.

ЎзДЖТСУ

Кредит илк маротаба XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталик академик юкмасини белгилаб бериш мақсадида яратилган. 1869 йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимининг таниқли арбоби Чарльз Уильям Элиот “кредит соати” тушунчасини истеъмолга киритади. Шундай қилиб, 1870 — 1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинади. Кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўқув жараёнини мустақил равишда режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини - такомиллаштириш учун имконият яратиб берди. Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, келажакда

танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараёни мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этди. Айни чоғда, баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келди. Болонья декларациясида кўзда тутилганидек, кредит-модуль тизими айнан мустақил таълимга урғу қаратгани ҳолда, асосан, иккита функцияни бажаришга хизмат қилади:

биринчиси, талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини, яъни бир олий таълим муассасасидан бошқа ОТМга тўсиқларсиз, эркин равишда ўтишини (ўқишни ёки ишни кўчириш)ни таъминлайди;

иккинчиси, талабанинг танлаган таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича барча ўқув ва илмий фаолияти учун академик юклама — кредит аниқ ҳисоблаб борилади. Кредит йиғиндиси талабанинг танлаган дастури бўйича нимани қанча ўзлаштирганлигини намоён этади.

Бугунги кунда таълим тизимида дахлдор бўлган кишилар томонидан Болонья тизими, унинг аҳамияти бўйича турли фикр-мулоҳазаларни эшитиб қоламиз.

Мавзунинг мантиқий давоми сифатида фикрларимизни давом эттирамиз. Ушбу тизимни яратиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан Европадаги барча олий таълим муассасаларининг интеграциясини таъминлаш, олий таълимнинг ягона стандартини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйиш, дипломларни тан олиш, талабалар билими, малакаси ҳамда кўникмасига қўйиладиган балларни унификация қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилади.

Мазкур ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 1999 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида 29 та мамлакат вакиллари томонидан Болонья декларацияси имзоланади. Бугунги кунга келиб, Болонья жараёнида 48 та мамлакат иштирок этади. Уларнинг орасида МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Озарбайжон, Молдова, Арманистон, Грузия, қозоғистон ва Беларусь Республикаси ҳам бор. Болонья тизими бўйича олий малакали кадрларни тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади. Одатда уч йилдан кам бўлмаган бакалаврлар тайёрлаш ҳамда 1-2 йиллик магистратура босқичи.

Кўпгина экспертлар Болонья декларациясининг қабул қилинишига салоҳиятли, иқтидори юқори бўлган талабаларни эгаллаш, меҳнат бозорида уларнинг билимини кадрлаш бўйича АҚШ билан кечган рақобатда Европа олий таълим муассасаларининг имкониятлари чекланганлиги, кўплаб “ақл соҳиблари”нинг кўҳна қитъани тарк этиб, Америкага кўчиб кетиш тенденциясига қарши кўрилган чора асосий сабаббўлганини эътироф этади.

Бугунги кунда мазкур кредит ўлчови тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган.

Булар Америка қўшма Штатларининг кредит тизими (USCS); Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS); Осиё — Тинч океани

мамлакатларининг кредит тизими (UCTS); Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS). Ушбу моделларнинг ичида энг кўп тарқалгани АҚШ ва Европа моделларидир. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратяпти. Шу боис унинг афзал жиҳатлари, қулайликлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Болонья декларациясининг энг муҳим жиҳатларидан бири олий таълим муассасаларининг ягона “кредит тизими”дан фойдаланиш (ECTS)га асосланади. Кредит ёки кредит бирлиги — ўқув режасида ҳисобга олинган ҳар қандай ўқув фаолиятининг қиймат кўрсаткичи ҳисобланади.

ECTS тизими Европа ва умуман, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари талабаларига катта афзалликларни тақдим этади. Масалан, талаба таълим олаётган университетида эгаллаган академик билимларини шу тизимга аъзо мамлакатлар олий таълим муассасаларида тан олиншини, яъни ўзига хос “конвертацияси”ни кафолатлайди. Шу билан бирга, мазкур тизим аъзоларига талабаларни бошқа ОТМга ўқишини тиклаш, кўчириш ва тугатиш имкониятини беради. ECTS тизими университетларга ҳам бир қатор қулайликларни тақдим этади. Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўлароқ, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадвалига киритилади. Талабалар ўқишдан ҳайдалмайди ёки курсдан-курса қолдирилмайди. қайси фан (курс)дан белгиланган кредитларни тўплай олмаса, фақат ўша фаннинг ўзидан қайта имтиҳон топширади, холос. Олий маълумот тўғрисидаги диплом эса белгиланган кредитлар тўплагандан сўнг берилади.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАЪМИНОТИ ВА ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Насруллаев Т.И.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ*

Аннотация. Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва таълим натижаларининг баҳолаш усуллари таҳлил қилиниб, ўрганилган.

Калим сўзлар: кредит-модуль тизими, конвертация.

Бугунги куннинг таълим тизимида кредит-модуль тизими етакчилик қилар экан, кредитлар талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллиги таълим муассасасининг академик эркинлиги ва ваколатларини кенгайтириш орқали таъминланади. Бунда талабаларнинг академик эркинлиги уларнинг таълим дастурига кирган фанларни ўзлаштиришда мустақил ишларнинг аҳамиятини

юксалтириш орқали ўз фаолиятини ва мустақил билим олишини ташкил етиш қобилиятларини ривожлантириб боради.

Таълим тизимида мутахассис тайёрлаш моделини ўзида акс эттирувчи расмий ҳужжат – бу мутахассисликнинг ўқув-услугий мажмуаси ҳисобланади ва шу билан бирга у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат таълим стандартлари;
- ўқув режалари;
- фаннинг ўқув-услугий мажмуаси;
- танлов фанлари каталоги;
- малака талаблари.

Ўқитиш шаклидан қатъи назар, талабаларнинг таълим дастури доираси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Шунингдек, кредитлар фан дастурида белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган талабаларга берилади. Агарда талабалар белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаса, уларга кредитлар берилмайди.

Фан ёки модуль доирасидаги баҳолаш усуллари талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади [1]. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши лозим. Ўз ўрнида, кредитларни кўчириш амали ҳам мавжуд бўлиб, олий таълим муассасасида баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвалини бошқа олий таълим муассасасида тузилган шунга ўхшаш жадвал билан солиштириш асосида амалга оширилади [2].

2020-2021 ўқув йилидан мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимида ўтилиши бу муайян миқдордаги кредитларни йил, семестр ва фанлар бўйича тақсимлаб қўйишнинг ўзидан иборат бўлмайди. Кредит-модуль тизимида ўтиш ОТМлар ўқув дастурларини яратишдан бошлаб, ўқитувчиларнинг ўз дарсларини ташкил қилиши бўйича, албатта, ўзига хос янгича ёндашувларни талаб қилади. Агар кредит-модуль тизими тўғри ва тўлиқлигича жорий этилса, у мамлакатимиз олий таълим тизимида жуда катта ижобий хусусиятларни олиб кириши мумкин [3]. Хусусан, у мамлакатимиз олий таълим тизимида таълимнинг жаҳон тан олган мукаммал ўлчов бирлигининг олиб кирилиши, ОТМлар ўқув дастурларида мувозанат ва меъёр пайдо бўлиши, ОТМларда ўқиш жараёнининг шаффоф тарзда ташкил этилиши, ўқув дастурлари иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шаклланиши, дарсларнинг сифати яхшиланиши ва ниҳоят ҳар бир талаба, маълум маънода ўзининг мустақил ўқув дастурига эга бўлишига хизмат қилади.

Ҳар бир кредит-модуль тизимида фаолият юритаётган ОТМ ўзининг ҳар бир ўқув дастурининг (бакалавриат, магистратура) ўқиш натижаларини

олдиндан белгилаб олиши, дастур каталогини ишлаб чиқиши ва уларни ҳар ўқув йили бошида ўз веб саҳифасига шаффоф тарзда жойлаштириши мақсадга мувофиқдир. ОТМ ўз ўқув дастурини, унинг ўқиш натижаларини ишлаб чиқишда, албатта, талабаларга нималарни ўргатишни хоҳлаймиз деган нуқтаи назар билан эмас, балки талабалар биздан нималарни ўрганишни хоҳлайдилар ва улар ўз мутахассисликларига муносиб кадр бўлиб етишишлари учун нималарни билиши ва қила олиши керак деган нуқтаи назар билан ёндашиш муҳим саналади. Шунингдек, ҳар бир ОТМ кредит-модуль тизимининг энг асосий жиҳатларини қамраб олувчи ички қоидаларини ишлаб чиқиши ва уларни ўз веб саҳифаларига жойлаштиришлари керак. Хусусан, ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва таълим натижаларининг мониторинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин бўлади:

- ҳар бир фан бўйича фан дастури “силлабус” тайёрлаш ва унинг энг зарурий қисмларини белгилаб қўйиш. Фан дастурларини талабага ўқиш бошлангандан сўнг 1 ҳафта ичида тақдим етилишини ОТМ ички қоидаларида белгилаб қўйиш;

- ҳар бир ОТМ ўз ўқув дастуридаги фан ва модулларни тегишли маълумотлар асосида ўзида қамраб олиши ва шулар асосида фанларни тегишли тартибда кодлаштириш;

- ҳар бир ОТМ кредит-модуль тизимини (талабалар регистратсияси, баҳоларни қайд этиш ва юбориш, тегишли маълумотларни сақлаш) бошқарувчи онлайн платформасига эга бўлиши;

- ўқув дастурида, жумладан, юқори курсларда, танлов фанлари доирасини кенгайтириш. Танлов фанлари касбий соҳасига оид, махсус билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирувчи фанлар бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Yoseph, G., & Mekuwanint, T. (2015). The suitability of the modular curriculum to offer / learn skill in EFL undergraduate classes. *International Journal of Current Research*, 7 (4), 14686–14696.
2. Gahutu, J. (2010). Physiology Teaching and Learning Experience in a New Modular Curriculum at the National University of Rwanda. *Advances In Physiology Education*, 34(1), 11-14.
3. Adam, S. (2008). Learning outcomes current developments in Europe. *Bologna Seminar Learning outcomes based higher education: the Scottish experience*, 21-22 February, 2008. Edinburg: Heriot-Watt University. Scotland.